



«Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари» туркуми

Ў. С. Очилов

Ўзбекистон Республикасининг **ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ РАМЗЛАРИ**

назарий-ҳуқуқий тадқиқот

«Янги Ўзбекистон ва инсон ҳуқуқлари» туркуми

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

ОЧИЛОВ ЎТКИРБЕК САЙФУЛЛОЕВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ РАМЗЛАРИ

(назарий-ҳуқуқий тадқиқот)

Тошкент – 2022

УЎК 342.228(575.1)

КБК 67.400(5Ў)

О – 95

Очилов, Ўткир.

О – 95 Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ҳуқуқ рамзлари (назарий-ҳуқуқий тадқиқот) / Масъул муҳаррир академик А.Х. Саидов. – Тошкент: – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2022. – 288 бет.

ISBN: 978-9943-7235-0-4

Масъул муҳаррир:

А.Х. Саидов – академик, юридик фанлар доктори, профессор.

Тақризчилар:

М.Т. Турғунов – юридик фанлар доктори (DSc), доцент, Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти директори;

Г. Юлдашева – юридик фанлар доктори (DSc), Тошкент давлат юридик университети профессори;

Л.Ф. Исакова – юридик фанлар номзоди, Ўзбекистон Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти бош илмий ходими.

Мазкур монографияда давлат ва ҳуқуқ рамзларини ўрганиш бўйича фан соҳасининг мақоми, методологияси, предмети, давлат ва ҳуқуқ рамзлари тушунчаси, функциялари, турлари, мазмуни, Ўзбекистон Республикаси давлат ва ҳуқуқ рамзларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари тадқиқ этилган.

Монография ҳуқуқшунос олимлар, амалиётчи ҳуқуқшунослар, тадқиқотчилар ҳамда давлат ва ҳуқуқ рамзлари билан қизиқувчи китобхонлар учун мўлжалланган.

УЎК 342.228(575.1)

КБК 67.400(5Ў)

ISBN: 978-9943-7235-0-4

© Ў.Очилов, 2022

© Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2022

МУНДАРИЖА

Сўз боши	5
Кириш	8

Биринчи бўлим. ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ

Биринчи боб. Давлат рамзларининг умумий тавсифи	
1.1. Давлат рамзлари тушунчаси, турлари ва хусусиятлари	14
1.2. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши	22

Иккинчи боб. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларидан фойдаланишнинг юридик мазмуни	
2.1. Давлат рамзларига қўйиладиган талаблар	30
2.2. Давлат рамзлари тавсифига қўйиладиган талаблар	42
2.3. Давлат рамзлари ва давлат суверенитети остидаги ташкilot рамзларидан фойдаланиш муносабатлари	54

Иккинчи бўлим. ҲУҚУҚ РАМЗЛАРИ

Учинчи боб. Ҳуқуқ рамзларини ўрганиш анъаналарининг шаклланиши	
3.1. Ҳуқуқ рамзларини ўрганишнинг Америка анъанаси	73
3.2. Ҳуқуқ рамзларини ўрганишнинг Европа анъанаси	83

Тўртинчи боб. Ҳуқуқни тушунишнинг асосий концепциялари ва ҳуқуқ рамзларини ўрганиш	
4.1. Ҳуқуқ рамзларини ўрганиш ва ҳуқуқий неопозитивизм: умумий жиҳатлар ва ёндашувлар тафовути	95
4.2. Ҳуқуқ рамзларини ўрганиш ва ҳуқуқий реализм: ҳуқуқни қўлловчи ўз ихтиёрига кўра қарор чиқара оладими?	102

4.3. Ҳуқуқ рамзларини ўрганиш ва замонавий ҳуқуқий натурализм: ҳуқуқнинг ахлоқийлиги даражаси масаласи	116
---	-----

Бешинчи боб. Ҳуқуқ рамзларини ўрганишнинг методологик асослари

5.1. Ҳуқуқ рамзларини ўрганиш тушунчаси	126
5.2. Ҳуқуқ рамзларини ўрганиш предмети	135
5.3. Ҳуқуқ рамзларини ўрганишнинг тушунчалар тизими	146
5.4. Ҳуқуқ рамзларини ўрганиш услублари	160
5.5. Ҳуқуқ рамзларини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳуқуқни тушуниш	172

Олтинчи боб. Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ рамзлари

6.1. Ҳуқуқ рамзлари тушунчаси	184
6.2. Ҳуқуқ рамзларининг таснифи ва функциялари	199
6.3. Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқ рамзларидан фойдаланиш аъналарининг пайдо бўлиши	219

Еттинчи боб. Ҳуқуқ рамзлари ва ҳуқуқий амалиёт

7.1. Ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва шарҳлаш жараёнида ҳуқуқ рамзларидан фойдаланиш талқини	236
7.2. Ҳуқуқ рамзлари – ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш воситаси сифатида	249

СЎЗ БОШИ

Мамлакатимизда амалга ошаётган жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш жараёнида ҳуқуқшунослик фани олдига янги вазифалар қўйилмоқда. Жумладан, ҳуқуқшунослик соҳасидаги тадқиқотлар инсон ҳуқуқлари ва манфаатларининг устуворлигини таъминлаш шароитида давлат ва ҳуқуқнинг ижтимоий мулоқот натижасида ривожланиши тўғрисидаги ғояга таянмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Барча муҳим қарорлар бевосита халқ билан мулоқот асосида жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади”¹. Бунда инсон, жамият ва давлат ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви давлат ва ҳуқуқ рамзлари тизими воситасида амалга оширилади.

Давлат ва ҳуқуқ рамзлари конституция ва қонунларда ифодаланган мақсадларнинг ижтимоий муносабат иштирокчиларига тушунарли етказилишини, қонунларнинг “рамзий тили”ни таъминлайди. Рамзлар қонунларнинг таъсирчанлигини кучайтиради ва муайян мақсадга йўналтирувчи ғоя ва мақсад ифодаси билан тўлдиради. Натижада қонун инсонни йўналтирувчи, унинг хатти-ҳаракатларини бошқарадиган ахборот маконини ҳосил қилади. Рамзлар жамият ва давлатнинг мақсадларини, ҳуқуқий тизимнинг умумий ғоясини сўзли матнлар, тасвирлар, оҳанглар ва ҳаракатлар ёрдамида ифодалайди. Ҳуқуқий таълим-тарбия ҳам, ҳуқуқий тарғибот ҳам, ҳуқуқий

¹Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: O`zbekiston, 2022. – Б. 61.

амалиёт ҳам давлат ва ҳуқуқ рамзларидан фойдаланишни тақозо этади.

Юридик фанлар номзоди, доцент Ў.С. Очиловнинг китобида давлат ва ҳуқуқ рамзларидан фойдаланиш билан боғлиқ қуйидаги назарий-ҳуқуқий масалалар ўрганиб чиқилган:

- давлат ва ҳуқуқ рамзлари тўғрисидаги илмий билимлар ва ҳуқуқий фан соҳасининг вужудга келиши;

- ҳуқуқни тушуниш бўйича турли назария ва ёндашувлар ўртасидаги замонавий мунозаралар доирасида давлат ва ҳуқуқ рамзларини ўрганиш;

- давлат ва ҳуқуқ рамзларини ўрганиш методологияси, мақоми, предмети, тушунчалар тизими;

- давлат ва ҳуқуқ рамзлари тушунчаси, шакллари, турлари, пайдо бўлиши, аҳамияти ва функциялари;

- ҳуқуқий ҳуқ-атвор моделларини ифодалашнинг рамзий тузилмаси;

- давлат ва ҳуқуқ рамзларининг ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни шарҳлаш ва қўллашдаги ўрни;

- давлат ва ҳуқуқ рамзларининг ҳуқуқий онг ва маданият шаклланишидаги аҳамияти;

- Ўзбекистон Республикаси давлат ва ҳуқуқ рамзларининг хусусиятлари ва улардан фойдаланиш муносабатларини такомиллаштириш.

Муаллиф томонидан китобхонлар эътиборига тақдим этилаётган “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ҳуқуқ рамзлари (назарий-ҳуқуқий тадқиқот)” мавзусидаги мазкур монографияда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар замонавий босқичининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг давлат ва ҳуқуқ рамзларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш таклиф қилинган. Монографияда кўплаб халқаро, хорижий ва миллий манбалар ўрганилган, уларнинг айримлари илк маротаба илмий муомалага киритилган.

Китоб муаллифи томонидан илгари сурилган хулосалар, таклифлар ва тавсиялардан миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, ушбу соҳада илмий тадқиқотларни ривожлантиришда, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фанини ўқитишда фойдаланилиши мумкин.

Ў.С. Очиловнинг китоби ҳуқуқшунос олимлар, амалиётчи ҳуқуқшунослар, тадқиқотчилар, талабалар ҳамда давлат ва ҳуқуқ рамзларини ўрганишга қизиқувчи барча китобхонлар учун фойдали манбага айланиши мумкин.

А.Х. Саидов,
академик, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ

Ҳозирги ижтимоий мулоқот салмоғи кенгайиб бораётган шароитда ҳуқуқнинг ижтимоий мулоқот воситаси ва маҳсули сифатидаги аҳамиятини ўрганишга эътибор кучаймоқда. Ҳуқуқ жамият иродаси ва мақсадларини жамият аъзоларига етказиш бўйича ҳуқуқий мулоқот модели сифатида қабул қилинмоқда. Ҳуқуқ бошқа ижтимоий воқеликлар каби рамзлардан (белгилардан) иборат мулоқот модели бўлиб, рамзларнинг ҳуқуқ ижодкорлигидаги, ҳуқуқни қўллашдаги, ҳуқуқий онг ва маданият шаклланишидаги ўрни муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, мамлакатимизда “халқ билан мулоқот демократик тараққиёт ва инсон манфаатларини таъминлаш омилига айланмоқда”¹.

Ижтимоий мулоқот қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг халққа, унинг маданият ва кадриятларига яқинлигини, уларнинг умумтушунарли бўлишини, умумий ижтимоий ҳурмат манбаига айланишини таъминлайди, бу эса жамиятдаги қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг мустаҳкам бўлишига хизмат қилади. Қонунларнинг амалийлиги, ҳаётийлиги ва самарадорлигини таъминлаш шартларидан бири – жамият аъзоларида қонунларга юксак ҳурматни тарбиялаш, қонунларнинг адолатли эканлигига шубҳасиз ишончни шакллантиришдир. “Қонунларга ҳурмат одамларимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти асосида шаклланади. Яъни айримлар жазодан кўрқиб қонунга итоат этса, бошқалар болаликдан олган тарбиясига кўра қонунни ҳурмат қилади”². Қонунларнинг ҳуқ-атвор асоси сифатида умумқабул қилиниши, биринчи навбатда, қонунларнинг жамият аъзоларига тушунарли бўлиши, улар томонидан умумий тан олиниши даражасига боғлиқ. Бунда ҳуқуқ рамзларини қонунчиликнинг шаклланиши, унда ифодаланган жамият ва давлат иродасининг аҳоли томонидан тўғри тушунилиши ва ҳурмат

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2022. – Б. 73.

² Мирзиёев Ш.М. Нияти улўғ халқнинг иши ҳам улўғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2019. – Б. 83.

килиниши, фуқаролар учун ҳуққ-атворнинг дастуриламал қўлланмасига айланиши билан боғлиқ муаммолар ечими доирасида ижтимоий мулоқот воситаси сифатидаги ўрнини тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

Ҳуқуқ рамзлари ҳозирги кунга қадар жуда кам тадқиқ этилган мавзу бўлиб ҳисобланса-да, энг қадимги даврлардан бошлаб олимлар рамзларни ифодалаш хусусиятларига эътибор қаратишган. Шунингдек, рамзлар масаласи тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келган. Муайян маънони ифодалаш ва бунда рамзларнинг ўрни масаласи Демокрит, Платон, Аристотель, стоиклар, Цицерон ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида илгари сурилган. Кейинчалик бу ғоялар Фаробий, Ибн Сино, Беруний томонидан ривожлантирилган.

Ижтимоий воқеликларни идрок қилишнинг рамзий хусусиятлари ва унинг алоҳида кўринишлари америкалик файласуф олимлар Ч. Пирс, Ч. Моррис, швейцариялик лингвист Ф. Де Соссюр, француз антропологи К. Леви-Стросс, француз лингвистлари А. Греймас, Э. Ландовский, Италиялик файласуф У. Эко, Германиялик файласуф Э. Кассирер, Россиялик адабиётшунос Ю. Лотман, файласуфлар М. Бахтин, А. Богданов, А. Веселовский, А. Лосев, А. Соломонник, А. Потебни, П. Сорокин, Ю. Степанов, ҳуқуқшунос Е. Прянишников ва бошқалар¹ томонидан асосланган. Бу асарлар, умуман олганда, ижтимоий воқеликларни идрок қилишнинг рамзий хусусиятларига ва унинг алоҳида кўринишларига бағишланган.

¹ Пирс Ч.С. Начала прагматизма. Том 1. — СПб.: Лаборатория метафизических исследований философского факультета СПбГУ; Алетейя, 2000. — 318 с.; Моррис Ч.У. Основания теории знаков // Семиотика. Сборник переводов / Под ред. Ю.С. Степанова. — М.: Радуга, 1982. — С. 275–320; Соссюр М.-Ф. Курс общей лингвистики / Пер. с фр. А. Сухотина. — Екатеринбург: изд-во Уральского университета, 1999. — 432 с.; Греймас А.Ж. Структурная семантика: Поиск метода / Пер. с фр. Л. Зиминной. — М.: Академический проект, 2004. — 368 с.; Greimas A. J. The Semiotic Analysis of Legal Discourse: Commercial Laws That Govern Companies and Groups of Companies // Greimas A. J. The Social Sciences: A Semiotic View. — Minneapolis: University of Minnesota, 1990. — P. 102–138; Greimas A.J. Semiotique et Sciences Sociales. — Paris: Editions du Seuil, 1976. — 216 p.; Jackson B.S. Semiotics and Legal Theory. — London; Boston: Routledge & Kegan Paul, 1985. — xii, 373 p.; Эко У. Отсутствующая структура. Введение в семиологию / Пер. с итал. В.Г. Резник и А.Г.Погоняйло. — СПб.: Симпозиум, 2006. — 544 с.; Кассирер Э. Опыт о человеке: введение в философию человеческой культуры // Проблема человека в западной философии: Переводы / Сост. и послесл. П. С. Гуревича; Общ. ред. Ю. Н. Попова. — Москва: Прогресс, 1988. — С. 3–30; Лотман Ю.М. Семиосфера. — СПб.: Искусство-СПб, 2000. — 704 с.

Хуқуқ рамзларини ўрганишнинг методологик таҳлилини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлган назарий-ҳуқуқий фундаментал асарлар хорижий ҳуқуқшунос олимлар Г. Харт, Р. Дворкин, О. Холмс, Л. Фуллер, Р. Алекси, С. Алексеев, В. Нерсесянц, Д. Керимов, Т. Хабриева, Н. Власенко, В. Лазарев, М. Марченко ва бошқалар¹ томонидан яратилган.

Хуқуқ рамзларининг ҳуқуқий мулоқот воситаси сифатидаги хусусиятлари америкалик олимлар Р. Кевельзон, Я. Брукман, Л. Бекер, Д. Кеннеди, Д. Карца², франциялик олим А. Вагнер³, бельгиялик олим М. Хук⁴, туркиялик олим Э. Узун⁵, россиялик олимлар И. Честнов, А. Поляков, Н. Хабибулина, Н. Разуваев⁶, украиналик олимлар А. Балиньска, О. Павлишин⁷, белоруссиялик олим Н. Ковкель⁸ ва бошқа қатор ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган.

¹ Харт Г. Понятие права / Пер. с англ.; Под общ. ред. Е.В. Афонасина и С.В. Моисеева. – СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2007. – 302 с.; Дворкин Р. О правах всерьез. – М.: Российская политическая энциклопедия (РОССПЭН), 2004. – 392 с.; Holmes O.W. The Essential Holmes: Selections from the Letters, Speeches, Judicial Opinions and Other Writings of Oliver Wendell Holmes, Jr. / Ed. and with Introduction by Richard A. Posner. – Chicago; London: The University of Chicago press, 1992. – P. 160–173; Фуллер Л. Мораль права / Пер. с англ. Т. Даниловой. – М.: ИРИСЭН, 2007. – 308 с.; Алекси Р. Понятие и действительность права (ответ юридическому позитивизму) = Alexy R. Begriff und Geltung des Rechts / Пер. с нем. – М.: Инфотропик Медиа, 2011. – 192 с.; Алексеев С.С. Собрание сочинений. В 10 т. Том 3: Проблемы теории права: Курс лекций. – М.: Статут, 2010. – 781 с.; Нерсесянц В.С. Философия права: Учебник для вузов. – М.: Норма, 2005. – 656 с.; Керимов Д.А. Философские проблемы права. – М.: Мысль, 1972. – 472 с.; Хабриева Т.Я. Избранные труды: в 10 т. Т. 6. – М.: Российская акад. наук, 2018. – 472 с.; Власенко Н.А. Язык права. – Иркутск: Восточно-Сибирское книжное издательство, Норма-плюс, 1997. – 176 с. ва бошқалар.

² Kevelson R. The Law As a System of Signs. – New York: Plenum Press, 1988; Broekman J.M., Backer L.C. Lawyers Making Meaning. The Semiotics of Law in Legal Education II. – London, New York: Springer Dordrecht Heidelberg, 2013. – 257 p.

³ Wagner A., Broekman J. Promises and Prospects of Legal Semiotics – An Introduction // Prospects of Legal Semiotics. – London, New York: Springer Dordrecht Heidelberg, 2010. – 244 p.

⁴ Хук М. Право как коммуникация / Пер. с англ. М.В. Антонова и А.В. Полякова. – СПб.: Издательский дом С.Петербург. гос. ун-та, ООО «Универ. издат. консорциум», 2012. – 288 с.

⁵ Uzun E. Hukukun Gösterebilimsel Analizi. Doktora Tezi. – Eskisehir, 2006. – 202 s.

⁶ Честнов И.Л. Постклассическая теория права. – СПб.: Алеф-Пресс, 2012. – 650 с.; Поляков А.В. Общая теория права: проблемы интерпретации в контексте коммуникативного подхода. – СПб.: Изд. дом С.-Петербург. гос. ун-та, 2004. – 863 с.; Хабибулина Н.И. Политико-правовые проблемы семиотического анализа языка закона: теоретико-методологическое исследование. Дис. док. юрид. наук. – СПб., 2001. – 335 с.; Разуваев Н.В. Норма права как явление правовой культуры. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2000. – 58 с.

⁷ Балиньска О.М. Семіотика права як філософсько-правова парадигма. Автореф. дисс. ... док. юрид. наук. Львів, 2013. – 32 с.; Павлишин О.В. Семіотика права як методологічна парадигма новітнього філософсько-правового дискурсу. Дис. док. юрид. наук. – Киев, 2018. – 411 с.

⁸ Ковкель Н.Ф. Основные логические особенности содержания закона и формы его выражения. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Гродно, 2001. – 24 с.

Ҳуқуқ рамзларининг шаклий, функционал хусусиятлари, унинг юридик техника воситаси хоссалари М. Давидова, А. Никитин, О. Шарно, Л. Кругликов, О. Спиридонова, П. Шалагинов¹ каби олимларнинг диссертациявий ва монографик тадқиқотларида ўрганилган.

Н. Вопленко, А. Глушаков, Ю. Ильин, И. Исаев, Е. Тюгашев, О. Сланов, Р. Рахимов, А. Хабибулин ва бошқаларнинг² мақоаларида ҳуқуқ рамзларини ўрганиш методологиясининг турли жиҳатлари тадқиқ этилган.

А. Саркисовнинг “Ҳуқуқ семиотикаси (ҳуқуқий белги конструкцияларининг тарихий-ҳуқуқий тадқиқи)” номли диссертациявий тадқиқотида³ семиотик услубдан давлат ва ҳуқуқ назариясида фойдаланиш имкониятлари ва аҳамияти ўрганилган. Муаллиф Россия вексель ҳуқуқи мисолида ҳуқуқий белгиларни (рамзларни) таҳлил қилган. А. Поляков “Ҳуқуқнинг коммуникациявий концепцияси (генезиси ва назарий ҳуқуқий асослари)” номли диссертациявий тадқиқотида⁴ ҳуқуқий нормаларнинг келиб чиқиш шартларини ижтимоий коммуникациялар билан боғлаб тушунтирган ҳамда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқ ва мажбуриятлар маъносини инсонларга етказишнинг муҳимлигини асослаган. А. Никитиннинг “Ҳуқуқий рамзлар” ва П. Шалагиновнинг “Ҳуқуқий рамзлар функцияла-

¹ Давидова М.Л. Теоретические и методологические проблемы понятия и состава юридической техники. Автореф. дисс. ... док. юрид. наук. – Волгоград, 2010. – 50 с.; Никитин А.В. Правовые символы. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Н.Новгород, 1999. – 33 с.; Шарно О.И. Правовые символы как средство правоприменительной техники. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Саратов. 2014. – 33 с.; Кругликов Л.Л., Спиридонова О.Е. Юридические конструкции и символы в уголовном праве. – СПб.: Юридический центр пресс, 2005. – 197 с.; Шалагинов П.Д. Функции правовых символов. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Н. Новгород, 2007. – 26 с.

² Вопленко Н.Н. Правовая символика // Правоведение. – 1995. – № 4–5. – С.71–73; Глушаков А.Ю. Символы в праве: признаки, классификация // Закон и право. – 2009. – № 2. – С. 27–30; Ильин Ю.В. Юридическая дефиниция в аспекте логики, семиотики и когнитивной лингвистики // Юридическая техника. – 2007. – № 1. – С. 135–141; Исаев И.А. Символизм правовой формы (историческая перспектива) // Правоведение. – 2002. – № 6. – С. 4–10; Тюгашев Е.А. Концепт империи в горизонте семиотики права // Вестник НГУ. Серия Право. Т. 3. Вып. 2. – Новосибирск, 2007. – С. 8–12; Сланов О.Т. Герменевтика семантических прав в аспекте семиотики концептов «дух» и «душа» // Философия права. – 2008. – № 6. – С. 83–86; Рахимов Р.А., Хабибулин А.Г. Политическая власть и право: проблемы семиотического анализа // Правоведение. – 2000. – № 2. – С. 52–59.

³ Саркисов А.К. Семиотика права: историко-правовое исследование правовых знаковых конструкций. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2000. – 27 с.

⁴ Поляков А.В. Коммуникативная концепция права (генезис и теоретико-правовое обоснование). Дисс. док. юрид. наук в форме научного доклада. – СПб., 2002. – С. 46.

ри” мавзусидаги номзодлик диссертациялари ҳуқуқ рамзларининг умумназарий таҳлилига бағишланган, М. Давидованинг “Юридик техника тушунчаси ва таркибининг назарий ва методологик муаммолари” мавзусидаги докторлик диссертацияси ҳамда О. Шарнонинг “Ҳуқуқий рамзлар ҳуқуқни қўллаш техникасининг воситаси сифатида” мавзусидаги номзодлик диссертациясида рамзларнинг юридик техника элементи сифатидаги аҳамияти ўрганилган. Л. Кругликов ва О. Спиридоновалар “Жиноят ҳуқуқида юридик конструкциялар ва рамзлар” номи монографияда ҳуқуқий рамзларни жиноят ҳуқуқи муаммолари таҳлили доирасида ўрганганлар.

Айтиш керакки, юқоридаги илмий тадқиқотларда ҳуқуқ рамзларининг ҳуқуқий ҳулқ-атвор моделида ўз ифодасини топган миллий ирода ва мақсадлар тўғрисида ахборотни ижтимоий муносабат иштирокчиларига етказиш вазифасидан келиб чиқадиган табиати ҳамда ҳуқуқ рамзларини ўрганиш предмети, тушунчалар тизими ва услублари махсус тадқиқ этилмаган. Умуман олганда, хорижий давлатларда ҳуқуқ рамзларини ўрганиш ҳозирги кунга қадар кам тадқиқ этилган йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Бу соҳада яратилган асарлар ҳам кўп эмас.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ рамзларини ўрганишда назарий-ҳуқуқий асослар вазифасини бажарадиган тадқиқотлар А. Саидов, Ш. Ўразаев, Ҳ. Бобоев, Ҳ. Одилқориев, З. Исламов, М. Файзиев, О. Хусанов, Ф. Муҳиддинова, З. Муқимов, М. Аҳмедшаева, Ж. Тошқулов, А. Тўлаганов, И. Тургунов ва бошқалар¹ томонидан амалга оширилган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги А. Саидов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

¹ Саидов А.Х. Сравнительное правоведение: учебное пособие. –Т.: Адолат, 1999. –480 б.; Саидов А.Х. Ўзбекистон Конституцияси тарихи. – Т.: TASVIR, 2018. – 864 б.; Уразаев Ш.З. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси. – Т.: Адолат, 1994. – 112 б.; Бобоев Ҳ., Қаҳҳоров А. Демократик Конституциянинг ижтимоий-ҳуқуқий қирралари. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 77 б.; Одилқориев Ҳ.Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 208 б.; Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2007. – 916 б.; Файзиев М.М. Давлатчилик ва қонунчилик сиёсати. – Т., 1998. – 138 б.; Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. –Т.: Шарқ, 1996. – 156 б.; Муҳитдинова Ф.А. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. – 376 б.; Аҳмедшаева М.А. Давлат механизми ва ҳокимиятлар бўлиниши принципи. – Т.: ТДЮИ, 2007. – 69 б. Муқимов З. Амир Тему́р тузуқлари (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). – Самарқанд: СамДУ, 2008. – 131 б. ва бошқалар.

тарихи ва моҳияти, мазмуни ва аҳамиятига бағишланган фундаментал асарида давлат рамзларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши, давлат суверенитетини ифодалашда уларнинг ўрнини тадқиқ этган¹. Шу билан бирга, миллий ҳуқуқ фанида ҳуқуқ рамзларига бағишланган махсус монографик тадқиқот амалга оширилмаганини айтиб ўтиш керак.

Монографиянинг мақсади Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган янгиланиш жараёнлари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, давлат ва ҳуқуқ рамзларини ўрганиш предмети, тушунчалар тизими, услублари, моҳияти, мазмуни, хусусиятлари, функцияларини назарий асослаб бериш, шунингдек давлат ва ҳуқуқ рамзларидан фойдаланиш масалаларини тадқиқ этиш асосида илмий-назарий ва амалий таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Монографияда давлат ва ҳуқуқ рамзларидан фойдаланиш билан боғлиқ долзарб назарий-ҳуқуқий муаммолар, шунингдек амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси таҳлил қилинган. Ҳуқуқ коммуникатив тизим сифатида қабул қилинган бўлиб, давлат ва ҳуқуқ рамзларини ўрганиш соҳасининг назарий-ҳуқуқий фан сифатидаги мақоми, предмети, тушунчалар тизими, услублари ишлаб чиқилган.

Давлат ва ҳуқуқ рамзлари ҳуқуқий ҳулқ-атвор моделининг тузилмаси сифатида тадқиқ этилиб, унинг миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборотни ижтимоий муносабат иштирокчиларига узатишдан иборат ижтимоий вазифаси, шакллари, турлари, функциялари, тушунчалар тизими ишлаб чиқилган. Давлат ва ҳуқуқ рамзларидан ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни шарҳлаш, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш жараёнларида фойдаланиш имкониятларига баҳо берилган.

Умид қиламизки, мазкур китоб “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Давлат ва ҳуқуқ тарихи”, “Ҳуқуқий таълимотлар тарихи”, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Инсон ҳуқуқлари”, “Қиёсий ҳуқуқшунослик” каби ўқув курсларини назарий бойитишда, маърузалар ва амалий машғулотларни ўтказишда, ўқув-услубий қўлланмаларни ва дасрликларни тайёрлашда фойдали манбага айланади.

¹ Саидов А.Х. Конституция ва давлат рамзлари. – Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2017. – 100 б.; Саидов А. Давлат рамзларига ҳурмат – муқаддас бурч // Ҳуқуқ. Право. Law. – 2001. – 1-сон. – Б. 11–13.

Биринчи бўлим. ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ

Биринчи боб. ДАВЛАТ РАМЗЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1.1. Давлат рамзлари тушунчаси, турлари ва хусусиятлари

Ҳуқуқ рамзлари миллий ирода ва мақсадларни ифодалайди. Миллий ирода ва мақсадларнинг ижтимоий муносабат иштирокчилари томонидан тўлақонли идрок қилиниши учун уларнинг жамиятда устуворлиги, олийлиги, яъни суверенлигини ифодалашга хизмат қиладиган воситалар ҳам талаб қилинади. Бу вазифани давлат ҳудудида миллий ирода ва мақсадлар устуворлигини махсус ифодалашга хизмат қиладиган ҳуқуқ рамзларининг тури – давлат рамзлари бажаради. Адабиётларда давлат рамзлари турли иборалар билан номланган, жумладан, “давлат рамзлари”, “давлат суверенитети рамзлари”, “мустақилликнинг конституциявий рамзлари”, “давлатнинг рамзий белгилари” иборалардан фойдаланилганини кўриш мумкин¹.

Миллий қонунчиликда: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддасида, Жиноят кодексининг 215-моддаси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 203¹-моддасида “давлат рамзлари”, “Ўзбекистон Республикасининг дав-

¹ Давлат рамзлари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-том. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедия, 2002. – Б. 163; Давлат рамзлари // Мустиқиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 45; Символы государственные // Большой юридический словарь / Под ред. А.Я. Сухарева, В.Д. Зорькина, В.Е. Крутских. – М., 1999. – С. 623–624; Таджикханов Б.У. Государственные символы Республики Узбекистан: лекция. – Т., 1995. – С. 4–15.

лат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 16-моддасида “давлат рамзлари” ва “давлат мустақиллигининг рамзлари”, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддаси ва “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида “Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзи”, “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги Қонуннинг 2-моддасида “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзи”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасида “давлат рамзий белгилари” иборалари қўлланилган.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида давлат рамзлари – муайян бир давлатнинг миллий суверенитетини ифодалайдиган, тарихан таркиб топган алоҳида, энг муҳим белгилари. Улар бевосита халқ, миллат ҳаёти, анъаналари, руҳияти, фольклори, тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Давлат рамзлари мустақил давлатнинг муҳим ташқи белгиларини ўзида мужассамлантиради. Давлат рамзларида халқнинг азалий орзуси, эзгу ниятлари, бугунги ҳаёт мазмуни акс этади. Давлат рамзлари конституция ёки махсус қонун билан белгилаб қўйилади, – деб таърифланади¹.

Б. Таджиханов давлат байроғи, давлат герби, давлат мадҳияси, давлат номи, давлат пойтахти, давлат тили, миллий валюта, давлат мукофотларини давлат рамзларига киритади, шунингдек уларни давлат мустақиллигининг конституциявий рамзлари деб ҳам номлаш мумкин деб ҳисоблайди². Россияда чоп этилган ҳуқуқий луғатларда давлат рамзларига конституция ёки махсус қонун билан мустаҳкамланган махсус, одатга кўра, тарихий шаклланган, аниқ бир давлатнинг миллий суверенитети, ўзига хослигини ифодаловчи давлат байроғи, давлат герби, давлат мадҳияси, давлат ранглари, давлат бошлиғи штандарти, давлат муҳри, давлат шиори, байрам кунлари киритилган³.

¹ Давлат рамзлари // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-том. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедия, 2002. – Б. 163.

² Таджиханов Б.У. Государственные символы Республики Узбекистан. – С. 4.

³ Борисов А.Б. Государственные символы // Большой юридический словарь. – М.: Книжный мир, 2010. – С. 130; Символы государственные // Большой юридический словарь / Под ред. А.Я. Сухарева. – М.: Инфра-М, 2010. – С. 623–624.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги А. Саидов давлат рамзларига – “фақат ўзбек давлатигагина тааллуқли бўлиб, моҳияти чуқур маънога эга шартли белгилар бадий ифода сифатида маълум бир кўринишда акс этадики, бундай кўриниш оҳанглар, сўзлар, табиат тасвири, ранглар, астрологик жисмлар ва ҳоказолар бўлиб, ўзбек халқининг ўтмиши, бугунги куни, унинг интилиши, орзу-умидлари, истиқболи, ғурури ва фахрини ўзида мужассамлаштиради”, – деган таърифни беради¹. А. Саидовнинг фикрича, “Давлат мустақиллиги озод халқ иродаси билан жамият ва давлат мақсад-манфаатларининг муштараклигидир. Бу Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг таъсис белгилари бўлган давлат рамзларида мужассамлашган”². А. Саидовнинг ёндашуви бўйича давлат рамзлари ҳуқуқ рамзлари турларидан бири бўлиб, қонун ҳужжатларида ифодаланган ижтимоий муносабатлар тўғрисидаги зарур ахборотларни мужассамлаштиради³.

А. Саидов илгари сурган ёндашув давлат рамзларидан фойдаланишнинг пировард мақсади ижтимоий муносабат иштирокчилари онгида миллий ирода ва мақсадларнинг акс этиши ҳамда миллий ирода ва мақсадларга нисбатан ижобий ҳиссий-эмоционал муносабатни шакллантиришга хизмат қилиши масаласини тадқиқ этишга йўл очади.

Ҳақиқатдан ҳам коммуникатив жиҳатдан давлат рамзлари миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборот ҳамда идрок қилувчи онгининг боғланишидан иборат тузилишга эга. Шундан келиб чиқиб, давлат рамзлари ижтимоий муносабат иштирокчилари онгида миллий ирода ва мақсадлар тўғрисида ҳиссий образ ҳосил бўлишини таъминлайди.

Давлат рамзлари тушунчаси “давлат мустақиллиги белгилари”, “давлат суверенитети рамзлари” иборалари билан ҳам ифодаланиши мумкин. Жумладан, давлат мустақиллиги белгилари мустақил давлат мазмунини ифодалайдиган унинг энг муҳим хусусиятларидандир. Уларга мустақил давлатнинг ўзи таъсис

¹ Саидов А.Х. Давлат рамзларига ҳурмат – муқаддас бурч. Ҳуқуқ. Право. Law. – 2001. 1-сон. – Б. 11–13.

² Саидов А.Х. Ўзбекистон Конституцияси тарихи. – Б. 147; Саидов А.Х. Конституция ва давлат рамзлари. – Б. 3.

³ Саидов А.Х. Конституция ва давлат рамзлари. – Б. 3.

этган номга эга бўлиши, мустақил қабул қилинган конституция, давлат фуқаролигининг мавжудлиги, давлат тили мақоми белгиланган бўлиши, ўз валютасига эга бўлиши, давлат пойтахтининг бўлиши, давлат байроғи, давлат герби ва давлат мадҳиясининг қабул қилинганлиги киради.

Давлат рамзларини “давлат мустақиллиги белгилари” ибораси билан ифодалаш мумкин, чунки давлат рамзлари, авваламбор, давлат мустақиллиги белгисидир. Шу билан бирга, давлат мустақиллиги белгилари давлат рамзларидан кенгроқ маънода ҳам қўлланилади. Бунда асосий тафовут давлат мустақиллиги белгилари давлатнинг хусусиятларини маъновий ифодаладиган белгиларни англатса, давлат рамзлари ҳам маъновий, ҳам кўргазмали ифодаланишини англатади.

Давлат рамзлари миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборотни ижтимоий муносабат иштирокчиларига маъновий-кўргазмали узатишни таъминлайдиган мустақил давлат белгиларидир. Давлат рамзларини бундай таърифлашда унинг миллий ирода ва мақсадлар мазмунини маъновий-кўргазмали ифодалаш хусусиятига урғу берилади, бунда давлат рамзлари деганда кенг маънода давлат суверенитетини ифодаладиган институтлар тизимини тушуниш мумкин. Академик А. Саидов давлат рамзларини фақат байроқ, герб ва мадҳия билан чегараламасдан, уларни давлат мустақиллигини ифодаладиган белгилар тизими маъносида тушуниш лозим, деб таъкидлайди¹.

Бундан келиб чиқиб, давлат мустақиллигини ифодаладиган рамзлар тизимини давлат байроғи, герби ва мадҳиясидан ташқари, давлат номи, давлат бошлиғи, асосий қонун, пойтахт, давлат тили, фуқаролик, миллий валюта, умумхалқ байрамлари, давлат мукофотлари ҳам ташкил қилади. Уларнинг ижтимоий вазифаси давлат суверенитетини ифодалаш билан боғлиқ.

Давлат рамзларининг умумий хоссаларига қуйидагиларни киритиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, давлат рамзлари миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборотни ифодалайди. Бунда миллий ирода ва мақсадлар байроқ ҳамда герб тасвирида, мадҳия матни ва му-

¹ Саидов А.Х. Давлат рамзларига ҳурмат – муқаддас бурч // Ҳуқуқ. Право. Law. – 2001. 1-сон. – Б. 11–13.

сиқасида, давлатнинг номи, конституция, миллий валюта, давлат пойтахти, давлат тили, умумхалқ байрамлари, давлат мукофотлари ва бошқаларда маъновий-кўргазмали баён қилинади. Давлат рамзлари – бу рамзларнинг миллий ирода ва мақсадлар мазмунини ифода этиш хоссасидир.

Иккинчидан, давлат рамзлари муайян бир давлат ва ҳуқуқ билан бирга пайдо бўлади. Давлатнинг шакли ўзгарса, унинг рамзлари шакли ҳам ўзгаради. Масалан, давлат номи, давлат бошлиғи лавозими, байроқ ёки герб ўзгаради, лекин давлат рамзлари давлат суверенитетини ифодалашни давом эттиради. Лекин давлат ўз суверенитетидан маҳрум бўлса, давлат рамзлари ҳам ўзининг мақомини йўқотади. Суверенитетини йўқотган ҳудуднинг рамзлари энди давлат рамзлари эмас, балки ўзга давлат суверенитети остидаги ташкилот рамзлари мақомига эга бўлади. Шунинг учун давлат суверенитети рамзлари ва давлат рамзлари тушунчаси айни бир воқеликни ифодалайди.

Учинчидан, суверенитетга эга бўлган давлат мамлакат ҳудудидаги бошқа ташкилотлардан ва халқаро майдонда бошқа давлатлардан мустақил иродага эга бўлади ҳамда бу ирода унинг ривожланиши, фаолияти йўлини белгилайди. Мустақил давлатнинг иродаси унинг ҳудудида қарор топган жамият иродасидан келиб чиққан миллий ирода ва мақсадлар сифатида намоён бўлади ҳамда давлат ҳудудида олий мақомга эга бўлади. Давлат ҳудудида олий мақомга эга ўзга ирода бўлмайди. Агар шундай ирода пайдо бўлса, бундай ҳолат давлат ҳудуди бўлиниб, унинг суверенитети остида бўлмаган янги давлат пайдо бўлганлигини англатади. Давлат ҳудудида фойдаланиладиган рамзлар миллий ирода ва мақсадларни ҳамда бу иродани амалга оширадиган субъектларни ифодаладиган рамзлар ва ундан қуйи мақомда турувчи ташкилотларни, маъмурий-ҳудудий бирликларни ифодаладиган рамзларга бўлинади.

Миллий ирода давлат ҳудудида ягона ва бўлинмас, уни амалга оширадиган давлат ҳокимияти ҳам ягона. Давлат ҳокимияти ягона, у бўлинмайди. Давлат ҳокимияти бўлинганда бир-биридан мустақил ҳокимиятлар вужудга келиб, ягона давлат суверенитети ўрнида бир-биридан мустақил суверенлар пайдо бўларди. Шунинг учун ҳокимиятлар тақсимланиши тамойили-

ни “давлат ҳокимияти бўлиниши” сифатида эмас, балки “давлат ҳокимияти ваколатлари бўлиниши” сифатида ифодалаш муҳим. Давлат ҳокимияти органлари уларга берилган ваколатлар доирасида ягона миллий иродани амалга оширади. Давлат ҳокимияти органларининг ягона давлат ҳокимиятига мансублигини ҳамда ягона миллий ирода ва мақсадларни амалга оширишини давлат рамзлари ифодалайди.

Тўртинчидан, давлат турли ижтимоий гуруҳ, қатламларни ирода ва мақсадларининг келишуви воситаси бўлиб, бу ижтимоий келишув миллий ирода ва мақсадларда мужассамлашади. Бунда миллий ирода ва мақсадлар жамиятнинг алоҳида бир гуруҳининг ирода ва мақсадларидан устувор бўлиб, бу устуворлик давлат рамзлари воситасида ифодаланади. Давлат рамзлари давлат суверенитети остидаги фуқаролар, ташкилотлар ва ҳудудларни белгилайди.

Бешинчидан, давлат рамзлари конституция ва қонун билан тасдиқланади. Давлат уларни тажовузлардан қўриқлайди. Давлат рамзларига тажовуз, ҳурматсизлик давлат суверенитетига тажовуз ва ҳурматсизлик бўлиб ҳисобланади.

Сиёсатшунос олимлар давлат рамзларининг коммуникатив, ахборот етказиш, ривожлантирувчи, инсон онгига таъсир қилиш, умумийликни белгилаш каби функцияларини кўрсатиб ўтадилар¹. Умуман олганда, давлат рамзлари ҳуқуқ рамзларининг тури сифатида унга тааллуқли барча функцияларни бажаради. Шу билан бирга, давлат рамзларининг ҳуқуқ рамзлари тизимида ўзига хос ижтимоий вазифаси ва хусусиятларидан келиб чиқадиган алоҳида функцияларини ҳам ажратиш кўрсатиш мумкин.

Давлат рамзлари жамиятдаги олий ирода субъектини ифодалайди. Ана шу ижтимоий вазифасидан келиб чиқиб, давлат рамзларининг олий ирода субъекти тўғрисида ахборот узатиш, давлат фаолиятининг миллий ирода ва мақсадлардан келиб чиққанлиги ҳамда унга тааллуқлилигини ифодалаш, давлат суверенитети жараёнлари тўғрисидаги ахборотни тартибга солинган ҳолда узатиш, давлат суверенитети остидаги субъект ва объектларни белгилаш, фуқароларни миллий ирода ва мақ-

¹ Мисюров Д.А. Политика и символы. – Москва: РИП–холдинг, 1999. С. 9–10.

садларга ҳурмат руҳида тарбиялаш каби махсус функцияларни амалга оширади, деган хулосага келиш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, кенг маънода давлат рамзлари деганда, давлат ҳудудида устувор мақомга эга ирода ва мақсадлар тўғрисидаги умумий ахборотни ижтимоий муносабат иштирокчиларига етказадиган давлат билан бирга таъсис этиладиган белгилар тизими тушунилади. Бу тизимга давлат номи, давлатнинг асосий қонуни, давлат тили, давлат байроғи, герби ва мадҳияси, давлат бошлиғининг рамзий белгиси (штанدارти), давлат муҳри, давлат пойтахти¹, давлат фуқаролиги, давлат мукофотлари ва унвонлари, миллий валюта, умумхалқ байрамлари, давлат бошлиғи лавозими киради².

Давлат рамзлари тушунчаси билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва ҳуқуқий адабиётларда давлатнинг рамзий белгилари (“символика государства” ёки “государственная символика”) тушунчаси ҳам ишлатилади. Албатта, давлат рамзларини “давлатнинг рамзий белгилари (символикаси)” ибораси билан ҳам ифодалаш мумкин. Рамзий белгилар ибораси рамзларни ифодаласа-да, лекин ҳар қандай рамзни рамзий белги сифатида қабул қилиб бўлмайди. Рамзий белги тушунчаси торроқдир. Давлат рамзлари тушунчаси давлат мустақиллигини маъновий-қўргазмали ифодалашни англатса, давлатнинг рамзий белгилари тушунчаси рамзий белгида чизилган тасвир ва ранглар ёки куйланган образлар ғоясини ифодалашини англатади. Давлатнинг рамзий белгилари миллий ирода ва мақсадлар мазмунини ифодалашни махсус тасвирланганлик хусусияти билан таъминлайдиган давлат рамзларидир.

Давлатнинг рамзий белгилари қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради.

Биринчидан, рамзий белгилар миллий ирода субъектини ифодалашнинг идрок қилиниши қулай бўлган воситалари бўлиб, умумтушунарли тасвирлар, мусиқа, матн ва ҳаракатлар воситасида ахборотни етказди. Улар мазмундаги образли элементлар ўзининг маъносига эга, уларнинг қўшилишидан ҳо-

¹ Қаранг: «Ўзбекистон Республикаси пойтахтининг мақоми тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, 2-илова.

² Саидов А.Х. Ўзбекистон Конституцияси тарихи. – Б. 40–43.

сил бўлган умумий мазмун миллий ирода ва мақсадларни тушунишга мўлжалланади.

Иккинчидан, давлатнинг рамзий белгилари жамиятдаги олий ирода субъектини ифодалаш мақсадида қонунда белгиланган тартибда ишлаб чиқилади. Уларнинг таркиби халқаро амалиётдан келиб чиқадиган ҳамда миллий қонунчилик билан тасдиқланган эмблема-ашёлар – байроқ ва герб, уларнинг муסיқавий ва сўзли матндан иборат эквиваленти – мадҳия ҳамда миллий иродани ифодалаш хусусиятларини кучайтиришга қаратилган расмий ҳаракат-маросимлардан иборат.

Учинчидан, давлатнинг рамзий белгилари тавсифи конституция ёки махсус қонунлар билан тасдиқланади ва махсус терминология асосида ишлаб чиқилган матн кўринишида бўлади.

Тўртинчидан, давлатнинг рамзий белгилари ва уларнинг тавсифини ишлаб чиқиш муносабатлари ҳуқуқий тартибга солинади. Шунингдек, бу муносабатлар қонун ижодкорлиги фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, ваколатли давлат органларининг рамзий белгиларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга қаратилган фаолиятидир.

Бешинчидан, давлатнинг рамзий белгилари миллий ироданинг чизилган тасвирлар ва қуйланган образлардаги ифодаси бўлиб, улар тавсифининг қатъий бир маънолилиги уларни ишлаб чиқишда қўлланиладиган махсус юридик техника воситасида таъминланади. Лекин ушбу юридик техникани қонунчилик техникаси билан аралаштириш керак эмас, бу техника ўзининг геральдикага хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Олтинчидан, давлатнинг рамзий белгиларидан фойдаланиш муносабатлари ҳуқуқий тартибга солинади. Улардан олий иродани амалга ошириш жараёнларини расмий ифодалаш мақсадида қонунда белгиланган тартибда ва жойларда фойдаланилади ҳамда давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича давлат органларининг ваколатлари белгиланади.

Еттинчидан, давлатнинг рамзий белгиларида ифодаланган образлар ўзбек жамиятининг, ўзбек халқининг миллий-тарихий қадриятлари билан боғлиқ бўлиб, жамият аъзоларига умумтушунарли бўлади ҳамда уларнинг миллий ғурур, ифтихор, Ватанга содиқлик, қонунларга ҳурмат каби ҳис-туйғуларини

ни шакллантиришга хизмат қилади. Давлатнинг рамзий белгилари инсон онгига мафкуравий таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлиб, миллий мақсадлар сари жамият аъзоларини жипслаштиради.

Юқорида санаб ўтилган хусусиятларни умумлаштириб тор маънода давлат рамзларига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин:

Давлат рамзлари (давлатнинг рамзий белгилари) давлат суверенитети мазмунини ифодаладиган давлатнинг расмий рамзлари, унинг рамзий белгилари бўлиб, улар ҳуқуқий тасдиқланган тавсиф, қонун билан белгиланган ишлаб чиқиш ва фойдаланиш тартибига эга. Давлат рамзлари миллий ва тарихий қадриятларга айланган образлардан тузилган бўлиб, мустақил жамият ва давлат иродаси, мақсади ва интилишлари тўғрисидаги ахборотни ифодалайди.

1.2. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши

Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг ишлаб чиқилиши жараёни давлат мустақиллигини эълон қилишга тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган тадбирлар таркибий қисми бўлган ва мустақиллик эълон қилинишидан анча олдин бошланган¹. А. Саидов мазкур жараённи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши жараёни² билан узвий боғлаган ҳолда, қуйидаги уч даврга бўлиб ўрганишни таклиф қилади:

биринчи давр – мустақил Ўзбекистон давлат рамзларини ишлаб чиқиш жараёни Ўзбекистон собиқ Совет Иттифоқи таркибида бўлган вақтда бошланган бўлиб, бу давлат мустақиллигини қўлга киритишга тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг таркибий қисми бўлган;

¹ Қаранг: Каримова Л.А. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари // Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат. – Т., 1994. – Б. 185–191.

² Қаранг. Саидов А.Х. Ўзбекистон Конституцияси тарихи. – Б. 158; Саидов А.Х. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси миллий истиқлол ва умумбашарий истиқбол Қомуси // Ўзбекистон Республикаси – мустақил давлат. – Т., 1994. – Б. 13–14.

иккинчи давр – 1991 йил 31 август Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги эълон қилинган санадан бошланиб, 1992 йил 8 декабрь Ўзбекистон Республикаси биринчи Конституциясининг қабул қилинишигача давом этади;

учинчи давр – Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилинган кундан бошланади¹.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳиясининг ишлаб чиқиши ва қабул қилиниши жараёни икки ярим йилдан кўпроқ муддатни ҳамда амалий аҳамиятга эга бўлган бир неча босқичларни ўз ичига олган².

Биринчи босқичда, Ўзбекистон Республикасининг рамзий белгиларини ишлаб чиқишга тайёргарлик тадбирлари амалга оширилган. 1990 йил 31 мартда “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги³, 1991 йил 15 февралда “Ўзбекистон Давлат байроғи ва Давлат герби эмблемаларини ишлаб чиқиш тўғрисида”ги⁴ парламент қарорлари қабул қилинган.

Давлат байроғи, герби ва мадҳиясини ишлаб чиқиш бўйича конституциявий комиссия эксперт гуруҳи тузилиб, унинг таркибида Фанлар академияси президенти М. Салоҳиддинов, халқ ёзувчиси П. Қодиров, Фанлар академиясининг академиклари А. Асқаров, Б. Ахмедовлар бўлган⁵.

Давлат байроғи ва герби чизмалари бўйича таклифларни ишлаб чиқиш мақсадида махсус парламент комиссияси тузилган. Парламент комиссияси таркибига таниқли rassom ва санъатшунослар, маданият ва санъат арбоблари, жумладан, Б. Жалолов, Р.Ахмедов, Ж.Умарбеков, Н. Ахмедовалар, шунингдек ҳуқуқшунос ва сиёсатшунос олимлар кирганлар. Давлат

¹ Қаранг. Саидов А.Х. Конституция ва давлат рамзлари. – Б. 16.

² Саидов А.Х. Ўзбекистон Конституцияси тарихи. – Б. 158–166; Саидов А.Х. Конституция ва давлат рамзлари. – Б. 17–25; Очилов Ў.С. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари. – Б. 42–46.

³ Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўз ССР Олий Совети I сессиясининг стенографик ҳисоботи. Фонд – Р-2454, рўйхат – № 6 пр, сақлаш бирлиги – 7086, 188-бет, сақлаш бирлиги – 7087, 224-бет, сақлаш бирлиги – 7096, Б. 170.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўз ССР Олий Советининг 1991 йил 14 февраль куни бўлиб ўтган навбатдан ташқари IV сессияси материаллари. Фонд – Р-2454, рўйхат № 6 пр, сақлаш бирлиги – 7332, Б. 20.

⁵ Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари эксперт гуруҳининг таркиби // Совет Ўзбекистони. – 1991. – 14 май.

мадҳиясини ишлаб чиқиш бўйича эксперт комиссияси таркибига таниқли бастакорлар ва муסיқашунослар, артистлар, давлат мукофотларининг лауреатлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари, жумладан, И.Акбаров, Р. Абдуллаев, С. Жалил, М. Бурхонов, У. Мусаев, Б. Умиджоновлар кирганлар.

Иккинчи босқичда, байроқ, герб ва мадҳия лойиҳасига танлов ўтказилган. 1991 йил июнь ойида байроқ ва герб лойиҳасига дастлабки танлов эълон қилиниб, унда мутахассислар билан бирга кенг жамоатчилик ҳам иштирок этган.

Учинчи босқичда, байроқ, герб ва мадҳия лойиҳалари умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинган, муҳокамаларда турли ижтимоий қатлам вакиллари иштирок этган, барча вилоятлардан кўп сонли мактуб, лойиҳа, таклиф ва истаклар келган. Байроқ ва герб лойиҳаларини яратишда Б. Жалолов, Т. Комилов, С. Қурбонов, И. Сатторов, А. Сатников, Б. Нишонов каби санъаткор ва ижодкорлар салмоқли ҳисса қўшган.

Тўртинчи босқичда, танловда илгари сурилган лойиҳалар ва умумхалқ муҳокамаси натижаларини умумлаштириш амалга оширилган. Ўзбекистон Республикаси парламентида танлов эълон қилингандан кейинги олти ой давомида тайёрланган давлат байроғи лойиҳалари 1991 йил 31 августда иш бошлаган Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигини эълон қилган Олий Кенгашнинг тарихий олтинчи сессиясида кўриб чиқилган¹. Муҳокамалар натижаси кўпчилик депутатларни байроқ лойиҳалари қониқтирмаганлигини кўрсатган² ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича ижодий изланишларни давом эттириш лозим деган қарорга келинган. Давлат байроғи лойиҳасининг муқобил намуналари ҳаддан ташқари кўпайиб (200 дан ортиқ), бахсларнинг охири кўринмай қолади. Бу ҳолатни парламентнинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари П. Қодиров демократик иш услуби-

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1991 йил 31 августда бўлиб ўтган навбатдан ташқари VI сессияси ва 30 сентябрда бўлиб ўтган VII сессияси материаллари материаллари. Фонд – Р-2454, рўйхат № 6 пр, сақлаш бирлиги – 7337, 27-бет.

² Қодиров П. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғига оид қонун лойиҳаси ҳақида маъруза // Халқ сўзи. – 1991. – 19 ноябрь.

ни соддароқ тушунганлиги билан изоҳлайди¹. Шунда Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И. Каримов танлов ва умумхалқ муҳокамаси давомида келиб тушган таклифларнинг асосий ғояларини умумлаштириб, байроқдаги мовий, оқ ва яшил рангдаги йўл-йўللарни ўзи чизиб комиссияга тақдим қилади. Давлат байроғининг қабул қилинишида биринчи Президентнинг мазкур ташаббуси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган.

Конституциявий комиссия эксперт гуруҳининг раҳбари М. Салоҳиддинов Олий Кенгаш еттинчи сессиясида давлат рамзлари лойиҳаларининг ишлаб чиқилиши тўғрисида ахборот беради. Танловда ғолиб деб топилган байроқ лойиҳасининг учта муқобил намуналари парламент муҳокамасига қўйилади. Қизгин муҳокамалардан кейин лойиҳалардан уч рангли горизонтал йўл-йўл ва мовий рангли йўлида ярим ой ва ўн икки юлдуз тасвирланган иккинчи намуна кўпчилик овоз билан асос қилиб олинади ва умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинади². 1991 йил 30 сентябрь куни давлат байроғининг ушбу лойиҳаси парламент қарори билан қабул қилинади³. 1991 йил 18 ноябрь куни бўлиб ўтган парламентнинг саккизинчи сессиясида “Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинади⁴.

Шунингдек, сессияда конституциявий комиссия эксперт гуруҳига давлат герби лойиҳасини ишлаб чиқиш ишларини да-

¹ Қодиров П. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг тарихий аҳамияти // Миллатлараро ҳамжиҳатлик барқарорлик омили. – Т., 1999. – 49 б. Ўзбекистон Республикаси янги давлат байроғининг рамзлари ҳақида // Халқ сўзи. – 1991. – 2 ноябрь.

² Ўзбекистон Республикаси янги давлат байроғининг рамзлари ҳақида // Халқ сўзи. – 1991. – 2 ноябрь.

³ Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1991 йил 31 августда бўлиб ўтган навбатдан ташқари VI сессияси ва 30 сентябрда бўлиб ўтган VII сессияси материаллари. Фонд – Р-2454, рўйхат № 6 пр, сақлаш бирлиги – 7337, 172-бет; Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори // Олий Кенгаш Ахборотномаси. – 1992. – 1-сон. – 1-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1991 йил 18 ноябрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари VIII сессияси материаллари. Фонд – Р-2454, рўйхат № 6 пр, сақлаш бирлиги – 7338, 21–23 бетлар; Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори // Олий Кенгаш Ахборотномаси. – 1992. – 1-сон. – 27-модда.

вом эттириш топширилади. Эксперт гуруҳи герб лойиҳаси бўйича тақдим этилган таклифларни ўрганиб чиқади ва лойиҳанинг учта муқобил вариантлари матбуотда эълон қилинади¹. Матбуотда эълон қилинган биринчи ва иккинчи вариантларда бош тасвир сифатида Хумо қуши тасвири танланади. Хумо қушининг тасвири, шунга қадар, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти муҳрига туширилган эди. Хумо қушининг давлат қуши, бахт ва қут-барака келтирувчи қуш, олижаноблик ва фидойилик, меҳр-оқибат ва садоқат каби қадриятларни ифодаладиган миллий рамз эканлиги уни давлат гербининг бош тасвири сифатида танланишида асосий сабаб бўлган. Шунингдек, лойиҳада қуш қаноти баланд кўтарилган ҳолатда тасвирланиб, Ўзбекистонни, унинг тоғлари, адирлари, водийлари, боғларини қучоқлаб тургандек кўриниш берган. Бу эса Хумо қушининг асосий образ сифатида қабул қилинишига муҳим сабаб бўлган.

Давлат герби лойиҳасининг учинчи вариантида бош тасвир сифатида олтин қуёш келтираётган йўлбарс танланган. Лойиҳа асосчилари бу тасвирни мустақил мамлакатнинг гуллаб-яшнаши рамзи мазмунида тавсифлаган. Шунингдек, лойиҳанинг марказий қисмида тинчликни ифодаладиган мовий рангда мусулмон маданиятига мансублик рамзи ярим ой ва юқори қисмида қизил рангда зарҳал билан ёзилган “Ўзбекистон Республикаси” ёзуви ҳамда мукаммаллик рамзи саккиз қиррали мусамман, пастида Ўзбекистонда етиштириладиган унинг миллий бойликлари тасвирланган эди.

Танлов тўққиз ой давом этгандан кейин Конституциявий комиссиянинг эксперт комиссияси ишлаб чиқилган герб лойиҳаларининг асосий икки муқобил вариантыни халқ муҳокама-си учун матбуотда эълон қилади². Ўзбекистон парламентининг 1992 йил январь ойидаги тўққизинчи сессиясида танловга қўйилган биринчи вариант – Хумо тасвирланган лойиҳа парламент депутатларининг кўпчилиги овози билан асос сифатида қабул қилинади. Лекин асос сифатида қабул қилинган лойиҳани такомиллаштириш ишлари давом эттирилади. Бунда кенг

¹ Ўзбекистон Республикаси давлат нишони қандай бўлиши керак? // Совет Ўзбекистони. – 1991. – 13 ноябрь.

² Ўзбекистон Республикаси янги давлат тамғасининг лойиҳаси ҳақида // Совет Ўзбекистони. – 1992. – 2 апрель.

жамоатчиликнинг билдирган фикрлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. Масалан, лойиҳа бўйича келиб тушган мактубларда лойиҳанинг айрим нуқсонлари кўрсатилган, шундай нуқсонлардан бири сифатида Хумо қушининг боши эгик ҳолда тасвирланганлиги бўлиб, такомиллаштириш давомида боши дадил кўтарилган ва кўзлари гавҳардек порлаб турган Хумо тасвири шаклланган. Мана шундай нуқсонлардан яна бири – Хумонинг атрофи ҳувиллаган уйдайд бўш қолдирилганлиги нуқсони тузатилиб, мамлакатнинг ҳаёт йўли нурли бўлишини ифодаладиган, ниҳоятда гўзал табиатини кўрсатиб турадиган Куёш тасвири ва ризқ-рўзимиз ғалла ҳамда асосий бойлигимиз пахта тимсоли ҳам киритилган¹.

Келиб тушган таклифлар инобатга олинган ҳолда нуқсонлари тузатилиб, дастлабки танловга қўйилган учинчи лойиҳада тасвирланган собитлик ва барқарорлик рамзи ҳам лойиҳа элементи сифатида қабул қилинади. Лекин Саккиз қиррали мусамман ичида қандай тасвир бўлиши масаласида мунозара келиб чиқиб, бу ҳолат Хумо қуши тасвирланган янги икки лойиҳанинг муқобил вариантлари 1992 йил 2 апрелда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишига сабаб бўлади. Биринчи вариант иккинчисидан Саккиз қиррали мусамман ичига ой ва юлдуз тасвири туширилганлиги билан фарқ қилган².

Бу лойиҳалар 1992 йил 2 июлда Парламентнинг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлагунга қадар уч ой давомида умумхалқ муҳокамасида бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан жами 543 та мактуб, 6 та телеграмма Конституциявий комиссияга келиб тушади. Келиб тушган мурожаатлар ўрганилганда ой ва юлдуз тасвири тушурилган лойиҳанинг биринчи вариантыни 168 минг 938 киши, иккинчи вариантыни 9 минг 642 киши қўллаб-қувватлагани аниқланади, яъни мурожаат қилганларнинг 90 фоизидан ортиғи лойиҳанинг биринчи вариантыни маъқуллагани маълум бўлади³.

¹ Саидов А.Х. Конституция ва давлат рамзлари. – Б. 24.; Очилов Ў.С. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари. – Б. 45.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси янги давлат тамғасининг лойиҳаси ҳақида // Халқ сўзи. – 1992. – 2 апрель.

³ Қодиров П. Ўзбекистон Республикасининг янги давлат герби ҳақида // Халқ сўзи. – 1992. – 2 май. (нет 2 мая).

Шундан кейин лойиҳа парламентда овозга қўйилиб, депутатларнинг кўпчилиги овози билан биринчи вариант Давлат герби сифатида қабул қилинади. 1992 йил 2 июль кuni Давлат герби тавсифини тасдиқлаган ва ундан фойдаланиш муносабатларини тартибга солган “Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинади.

Давлат байроғи ва гербини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш жараёни билан бир вақтда уларнинг мусиқавий эквиваленти – Давлат мадҳиясини ишлаб чиқиш бўйича танлов ва муҳокамалар жараёни икки ярим йилдан кўпроқ (1990 йил 30 мартда бошланган бўлса, 1992 йил 8 декабрга қадар) давом этиб, ушбу жараёнда 60 дан ортиқ шоирлар, 30 га яқин бастакорлар иштирок этган¹.

Умумхалқ муҳокамаси ўтказилгандан сўнг 1992 йил 8–10 декабрь кунлари бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси парламентининг ўн биринчи сессияси кун тартибига Давлат мадҳиясининг 3 та муқобил варианты муҳокамага қўйилади: булар 1) Бахтиёр Алиев мусиқаси, Абдулла Орипов шеъри; 2) Рустам Абдуллаев мусиқаси ва Мирпўлат Мирза шеъри; 3) Мутал Бурхонов мусиқаси ва Абдулла Орипов шеъри². Давлат мадҳияси лойиҳасига қўйилган асосий талаб – унда миллий рух, миллий жаранг бўлиши, Ватанга муҳаббат, истиқлолни улуғлаш, келажакка бўлган ишонч янграб туриши керак эди, у ўзбек халқига хос жозибали, миллий оҳангларни бошқа давлат халқларига ҳам етказиб берадиган умуминсоний савияда ёзилиши зарур

¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1992 йил 2 июлда бўлиб ўтган X сессияси материаллари. Фонд М-69, рўйхат № 1, сақлаш бирлиги – 3, Б. 400.

² Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган XI сессияси материаллари. Фонд М-69, рўйхат № 1, сақлаш бирлиги – 10, 235-238 бетлар; Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислари. Ўн биринчи сессия, 1992 йил 8-10 декабрь: стенографик ҳисобот. – Т., 1992. – Б. 235–236.

³ Саидов А.Х. Конституция ва давлат рамзлари. – Б. 29–30; Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган XI сессияси материаллари. Фонд М-69, рўйхат № 1, сақлаш бирлиги – 10, 235-239 бетлар; Ўн иккинчи қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислари. Ўн биринчи сессия, 1992 йил 8–10 декабрь: стенографик ҳисобот. – Т., 1992. – Б. 236.

эди. Бундай фазилатлар муҳокама учун тақдим этилган мадҳия лойиҳасининг уч вариантыда ҳам бор эди³.

Қизғин мунозаралар ва баҳслар натижасида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов сўзи, таниқли бастакор Мутал Бурхонов мусиқаси билан айтиладиган қўшиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси сифатида қабул қилинади. 1992 йил 10 декабрь куни парламент сессиясига йиғилганлар илк бор Давлат мадҳиясини ижро этишади ва “Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинади⁴.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, герби ва мадҳияси миллий иродани, яъни давлат томонидан ўрнатилган жамият иродасини, бу ироданинг мамлакат ҳудудида олий эканлигини ифода этадиган белгилар сифатида таъсис этилган. Давлат рамзларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнида кенг жамоатчилик, бутун халқ, давлат раҳбари, парламент депутатлари ҳамда бошқа давлат арбобларининг иштирок этиши улар мазмунида жамият ва давлат иродаси ифодаланишини таъминлади. Давлат рамзлари тушунчалар тизими, хоссалари, функциялари таҳлили уларнинг давлат суверенитетини таъминлаш ва ифодалаш билан боғлиқ жараёнларда муҳим ўрин эгаллашини кўрсатиб туради.

¹ Қаранг. Саидов А.Х. Ўзбекистон Конституцияси тарихи. — Б. 170; Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг XI сессияси стенографик ҳисоботи. Фонд М-69, рўйхат № 1, сақлаш бирлиги — 7, 189-191 бетлар; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. — 1993. — 1-сон. — 52-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. — 2004. — 51-сон. — 514-модда; 2010. — 51-сон. — 484-модда.

Иккинчи боб.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ РАМЗЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ
ЮРИДИК МАЗМУНИ

2.1. Давлат рамзларига қўйиладиган талаблар

Давлат рамзлари тўғрисидаги юқорида келтирилган параграфлардаги мулоҳазаларни умумлаштирадиган бўлсак, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Давлат рамзларидан фойдаланиш ўзбек халқи ва давлатчилиги тажрибаларини ўзида мужассамлаштиради.

2. Давлат рамзлари ҳуқуқ рамзларининг махсус тури бўлиб, муайян жамиятдаги миллий ирода субъектини ифодалайди.

3. Миллий ирода, мақсад ва интилишлар тўғрисидаги ахборот давлат рамзларидаги махсус талабларга мувофиқ ишлаб чиқилган эмблема, тасвир, оҳанг, шеър матни ва ҳаракатлар воситасида ижтимоий муносабат иштирокчиларига узатилади.

4. Давлат рамзлари қонун чиқарувчи органнинг давлат рамзларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган фаолияти натижаси бўлиб ҳисобланади.

Бундай хулосаларимиз бизни янги бир масалани – давлат рамзларини (давлатнинг рамзий белгиларини), яъни давлат байроғи, герби ва мадҳиясини ишлаб чиқишда қўлланиладиган усул, тартиб, терминология ва конструкциянинг юридик-техник хусусияти масаласини кўриб чиқишимизни тақозо этади.

Бу масалани ўрганиш бизнинг фикримизча, бир неча саволларга жавоб беришни талаб қилади:

Миллий ирода ва мақсадларни давлат рамзлари воситасида ифодалашнинг ҳозирги замон усули қандай вужудга келган? Давлатнинг рамзий белгилари тавсифини ишлаб чиқишнинг қандай қоидалари мавжуд ва уларнинг юридик мазмуни нимадан иборат? Миллий ирода ва мақсадлар рамзлар мазмунида қандай усул, терминология ва конструкция воситасида ифодланади? Рамзларнинг инсон онгига ҳиссий-эмоционал таъсир этиш хусусияти давлат рамзлари мазмунида қандай аҳамиятга эга?

Шундай қилиб, юқоридаги саволларга жавобни давлат рамзлари мазмунида миллий иродани ифодалаш усулининг пайдо бўлишини кўриб чиқишдан бошлаймиз.

Байроқ ва гербларни ҳамда улардан фойдаланиш анъаналарини ўрганадиган фан соҳаси – эмблематика, унинг геральдика қоидаларини ўрганадиган тармоғи вексиллология (байроқ) ва геральдика (герб) деб номланади. Давлат байроғи ва гербини ишлаб чиқиш қоидалари умумлаштирилиб геральдика қоидалари деб юритилади. “Геральдика” – лотинча сўздан олинган бўлиб, хабарчи деган маънони англатади. Геральдика байроқ ва гербларнинг умумий мазмуни ҳамда уларга киритилган ҳар бир тасвирларнинг маъноси, тасвирлаш кетма-кетлиги ва тартибини белгилайди. Геральдика қоидалари, тили ва терминологияси Ўрта асрларда Европада пайдо бўлган.

Кўп ҳолларда, олимлар орасида геральдикани ёрдамчи тарих фани сифатида тушуниш одатга айланган. И. Мальцевнинг фикрича, бу ҳолат давлат байроғи ва гербининг ҳуқуқий воқелик сифатидаги табиатига мувофиқ келмайди. Улар тарихда қотиб қолган нарсалар эмас, балки улардан кундалик амалиётда фойдаланилади, улар ноқонуний ҳаракатлардан ҳимояланишга муҳтож бўлиб, янги рамзларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга доимий эҳтиёж мавжуд. Ушбу жараёнларни ҳуқуқий фанда таҳлил қилиш талаб қилинади, улар фақат амалий аҳамиятга эга бўлмасдан, балки давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда давлат ва ҳуқуқ тарихидаги кўпгина масалалар ечими билан ҳам боғлиқ¹. Ҳақиқатдан ҳам геральдика байроқ ва гербларнинг тарихини ўрганади. Лекин геральдиканинг амалдаги давлатлар миллий иродаси ва мақсадларини ифодаладиган давлат байроғи ва гербини ишлаб чиқиш қоидалари билан боғлиқ жиҳати ҳуқуқ фанининг предметиدير.

Бундан ташқари, айрим мутахассислар² давлат байроғи ва гербининг пайдо бўлишини XI асрда Европада геральдика қоидаларининг шаклланиши билан боғлайди. Бунда байроқ ва герблар геральдика қоидаларига жавоб беришини асос сифа-

¹ Мальцев И.В. Символы в праве и в юридической науке. Резюме дисс. канд. юрид. наук. – М., 2021. – С. 21.

² Лакиер А.Б. Русская геральдика. – М.: Книга, 1990. – С. 25–28.

тида оладилар. Тасвирларни муайян тарихий воқеалар тўғрисидаги ахборотни етказиш учун геральдика қоидаларига кўра жойлаштиришнинг бошланиши давлат байроқлари ва герблари пайдо бўлишининг асосий жиҳати сифатида қабул қилинади. Лекин, бунда давлат байроғи ва гербининг ҳуқуқий табиати, яъни давлат ҳудудида устун иродани ифодалаш учун ўрнатилганлиги эътиборга олинмайди. Шунингдек, айрим мутахассислар давлат байроғи ва давлат гербининг ҳуқуқий табиатига аҳамият берса-да, бироқ яна геральдик шаклга мувофиқлик талабини ҳал қилувчи сифатида кўрсатадилар¹.

Демак, давлат байроғи ва герби геральдика қоидалари шаклландан сўнг пайдо бўлганми?

Бу масалага давлат рамзларининг ижтимоий вазифаси нуқтаи назаридан, яъни уларнинг давлат ҳудудидаги устувор ирода ва мақсадларни ифодалаш вазифаси нуқтаи назаридан ёндашамиз. Қайд этганимиздек, илк давлатларнинг пайдо бўлиши даврида қабилада ёки қабилалар иттифоқида ҳокимиятни қўлга киритган уруғнинг тотемлари устунликни ифодаладиган шартли белгига айланган². Ҳукмрон уруғ ўзининг иродаси ва мақсадларини ифодалаш мақсадида турли тотемлар, мифологик ёки илоҳий кучлар, геометрик белгилардан фойдаланган³.

Шундай қилиб, энг қадимги давлатлар рамзлари ҳукмрон уруғ тотеми, уларга ишора қиладиган ашёлар, мифологик кучлар ва маъбудлар тасвиридан иборат бўлган. Давлат рамзлари мамлакат ҳукмдорига бош маъбуд томонидан унинг иродасини амалга ошириш учун тақдим этилади, деб ҳисобланган. Масалан, Авестодаги мифга кўра, Ахура Мазда ўзининг номидан у яратган оламни муҳофаза қилиш, қўриқлаш ва назорат қилиш учун биринчи подшоҳ – Ёима Хшайтага (Жамшидга) адолатли ҳукмдорлик қилиш ҳуқуқи – “хварно” ва унинг рамзлари – ол-

¹ Соболева Н.А. Российская городская и областная геральдика XVIII–XIX вв. – М.: Наука, 1981. – С. 15–21.

² Черных А.П. Геральдика // Введение в специальные исторические дисциплины: учеб. пособие. – М.: Изд-во МГУ, 1990. – С. 44–48.

³ Иванов К.А. Флаги государств мира. – М.: Транспорт, 1971. – С. 9–10.

тин бурғу ва қамчини топширади¹. “Хварно” – давлатни Ахура Мазда номидан адолат ва ҳақиқатга таяниб бошқаришни, олтин ранги – устуворликни, бойликни, бурғу – жамиятга фаровонлик, қут-барака келтиришни, қамчи эса давлат бошқарувидаги тартиб-интизомни ифодалайди.

Дастлабки давлат рамзлари уларнинг замонавий шаклидан фарқ қилиб, турли ашёлар, ҳайкалчалар шаклида бўлган, кейинчалик уларни дастак учига ўрнатиш анъанаси пайдо бўлган. 1972 йилда Эронда (Кхабисда) ўтказилган археологик қазилмалар давомида бундан беш минг йил олдин пайдо бўлган давлат байроғи намунаси топилган². Замонавий байроқларга ўхшаш давлат байроғини Хитойда император Чжоу мил. ав. XI аср охирида жорий қилган³. Милoddан аввалги 105 йил Римда когорталар (қўшин тури) учун дастакка ўрнатилган рангли квадрат матодан иборат байроқ – виксиллиум жорий қилинади. Кейинчалик виксиллология номи байроқлар тарихини ўрганадиган фанга берилади⁴. Шунингдек, Қадимги Римда бош маъбуд Юпитер ва унинг элчиси Бургут (Рим қуши)⁵ ҳайкалчаси ҳамда тасвири давлатнинг герби вазифасини бажарган. Бургут Рим байроғида тушурилган бўлса, Юпитер жангчилар тақдирланадиган фалераларда⁶ (орденларда) тасвирланган.

Бундан ташқари, Қадиги Римда давлат бошлиғи ўз лавозимини эгаллаши учун авгур (Юпитернинг илоҳий иродасини талқин қилиши мумкин бўлган коҳин) мартабасини олиши керак эди. Бу мартабани эгаллаш учун авгурлар сафига қўшилиш – «Инаугурация» маросими ўтказилиб, давлат бошлиғи маъ-

¹ Видевдатнинг Йима тўғрисидаги мифнинг турли таржималарида “хварно” рамзлари турлича белгиланган: А.А.Фрейман таржимасида олтин найза ва олтин билан безатилган қамчи, И.М.Стеблин-Каменский таржимасида олтин бурғу ва олтин билан безатилган қамчи, К.Г.Зелеман таржимасида олтин таёқ ва олтин билан безатилган қозиқ. Қаранг: Авеста в русских переводах (1861–1996). – СПб.: Нева, 1997. – С. 77, 82, 84.

² Черепенчук В.С. История флагов: от рыцарских знамен до государственных штандартов. – Москва: Эксмо, 2020. – С. 18.

³ Қаранг. Фоли Дж. Энциклопедия знаков и символов. – М.: Вече, 1997. – С. 222–223.

⁴ Иванов К.А. Флаги государств мира. – С. 10.

⁵ Похлебкин В.В. Словарь международной символики и эмблематики. – М.: Международные отношения, 1995. – С. 293.

⁶ Шпагин М. Награды и символы // Человек и закон. – 1999. – № 12. – С. 49; Задорнова Н. Потомки древней фалеры // Эхо планеты. – 1993. – № 1. – С. 48–51.

будлар иродасига мувофиқ Римни юксалтиришга қасамёд қилган. Дастлабки инаугурация маросими мил. ав. 715 йилда Рим подшолиги тахтига ўтирган Нума Помпилий томонидан амалга оширилганлиги тарихий манбаларда келтирилади¹. Шунингдек, Қадимги Римда Юпитер шарафига ўтказилган байрам маросимларидан бири «Триумф» деб номланиб, унда ҳарбий юришлардан ғалаба билан қайтган давлат бошлиғи Юпитер ибодатхонасигача тантанали юришни амалга оширган. Карнай-сурнайлар чалиниб, забт этилган юртдан асирлар занжирбанд қилиб олиб ўтилган. Давлат бошлиғи аравада махсус юлдузлар тасвирланган кийимда, қўлида олтин гулчамбар билан тик туриб, олқишларни қабул қилиб борган. Триумфаторнинг юзи Юпитернинг қадимги тасвирларига ўхшаб қизил рангга бўялган. Юриш Юпитер ибодатхонасида якунланиб, махф этилган юрт подшоҳининг рамзлари ибодатхона поёнига улоқтирилган ва давлат бошлиғининг номи триумфаторлар рўйхатига киритилган².

Шундай қилиб, илк давлат байроғи ва герблари жамиятдаги устун ирода ва мақсадларни ифодаладиган воситалар сифатида энг қадимги давлатлар билан бирга пайдо бўлган.

Давлат байроғи ва гербининг ҳозирги замон шакли ҳамда уни ишлаб чиқиш усули – “геральдика” XI асрда Европада пайдо бўлган. Дастлаб, салиб юришларида қатнашган жангчи (рицарь) анжомларида унинг мақсади, қахрамонликларини ифодаладиган нишона қадалган. Нишона танаси ва юзи ниқобланган жангчиларни бир-биридан фарқловчи белги вазифасини бажарган³. Бундай нишоналарга нисбатан “гапирувчи герблар” ибораси ишлатилган, чунки герб ўз эгасининг исми, унвони, насаби, мулклари тўғрисида маълумот берган⁴. Давлат гербларига нисбатан Европа мамлакатларида қўлланиладиган атамаларнинг, жумладан, француз тилидаги “армос”, инглиз тилидаги “армс”, немис тилидаги “ваппен” атамаси қурул маъносини, инглизча “эмблем” ҳарбий анжом маъносини, немисча “эрбо” ва полякча “герб” эса мерос маъносини англатиб, улар рицарь

¹ Тит Ливий. История Рима от основания города. Том 1. – М.: Наука, 1989. – С. 26.

² Тит Ливий. История Рима от основания города. Том 1. – С. 194.

³ Арсеньев Ю.В. Геральдика. Лекции. – С. 23.

⁴ Фрайер С., Фергюсон Дж. Геральдика. Гербы – Символы – Фигуры / Пер. с англ. М.Б. Борисова. – М.: АСТ: Астрель, 2011. – С. 31.

нишонидан келиб чиққанлигини кўрсатиб туради. Европада замонавий герб 1127 йилга мансуб бўлиб, Англия қироли Генрих I ўзининг куёви Франциялик граф Жоффруа Плантагенетга (Анжуйский) герб ҳадя қилган, бу герб ворисларга мерос бўлиб қолган (ўшангача герблар мерос қолмаган)¹. Дастлабки герб тасвирланган муҳр 1000 йилга мансуб Кастилия инфанти билан Беар виконти қизи ўртасидаги никоҳ шартномасидаги муҳрдир². XII асрга келиб геральдик муҳрлар бутун Европага тарқалган ва ворисийлик белгиларидан бирига айланган³.

Геральдиканинг пайдо бўлиши ирода ва мақсадларни рамзлар воситасида ифодалаш усулини янада такомиллаштиришга ҳамда замонавий байроқ ва гербларни яратиш қоидаларини муайян давлат доирасида ҳамда жаҳон миқёсида бир хиллаштиришга (унификация қилинишига) имконият яратган. Шунингдек, XV–XVI асрларда нафақат давлат ҳокимияти, жангчи, зодагон, ер эгалари ёки ҳудудий бирликлари, балки бошқа тижорат ва нотижорат ташкилотлар, шаҳарлар ҳам ўзининг геральдик рамзларига эга бўлган⁴. Рамзлар турли ташкилотлар мақсадини ифодаладиган ва ўзаро муносабатларда уларни бир-биридан ажратиш турадиган ўзига хос фарқловчи воситага айланган. Демак, рамзларнинг геральдика қоидаларига риоя қилган ҳолда ишлаб чиқиши махсус геральдик назоратни ташкил этишни тақозо этади. Бунинг натижасида рамзлардан фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширадиган махсус давлат органига эҳтиёж пайдо бўлган⁵. Бундай давлат органи – давлат геральдика хизмати давлат бошлиғи ёки ҳукумат ҳузурида тузилиб, байроқ ва гербларни тўғри ишлаб чиқиш, тавсифлаш, бир-бирини такрорлашини олдини олиш ва улардан тўғри фойдаланишни назорат қилган⁶.

¹ Ўша жойда. – Б. 34.

² Қаранг. Брокгауз Ф., Ефронъ И. Герб // Энциклопедический словарь. Т. 15. СПб., 1892. – С. 460.

³ Фрайер С., Фергюсон Дж. Кўрсатилган асар. С. 25.

⁴ Фоли Дж. Кўрсатилган асар. – С. 242.

⁵ Бартоло Ди С. Трактат “О знаках и гербах” // Средние века. – М., 1989. – Вып. № 52. – С. 310–322; Черных А.П. Трактат Бартоло Ди Сассоферато “О знаках и гербах” // Средние века. – М., 1989. – Вып. № 52. – С. 307–310.

⁶ Слейтер С. Геральдика. Иллюстрированная энциклопедия / Пер. И. Жилинской. – Москва: Изд-во Эксмо, 2005. С. 36–39.

XX асрда халқаро ҳуқуқ нормаларининг универсаллашуви рамзларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг ҳам универсаллашувини талаб қилган. Рамзларни ишлаб чиқиш бўйича универсал қоидаларгина давлатлар иродаси ва мақсадларининг халқаро майдонда ифодаланишини таъминлаши ва давлатнинг фарқловчи белгилари вазифасини бажариши мумкин эди. Шунинг учун ҳам геральдика қоидалари Европа мамлакатлари миқёсидан жаҳон миқёсида давлат байроғи ва давлат гербини ишлаб чиқиш усулига айланди.

Шундай қилиб, давлат рамзлари давлатнинг ирода ва мақсадларини ифодалаш воситаси сифатида илк давлатлар билан бирга пайдо бўлган. Ҳозирги замон байроқ ва гербини ишлаб чиқиш усули XI асрда Европада шаклланган. Давлат рамзлари давлат иродаси ва мақсадларини ифодаладиган ҳуқуқий воситалар бўлиб, геральдика бу ирода ва мақсадларни ифодалашнинг техникаси вазифасини бажарган. Геральдика қоидалари бутун жаҳон миқёсида умумқабул қилиниб, давлатларнинг ирода, мақсад ва хусусиятларини бир хил талқин қилишни таъминлади.

Давлат рамзлари уч асосий шаклга – махсус геральдик ашё ва тасвирлардан иборат байроқ ва герб шакли ҳамда уларнинг мусиқа ва қўшиқдан иборат эквиваленти – мадҳия шаклига эга.

Геральдикага кўра, байроқ тўғри тўртбурчак шаклдаги дастакка ўрнатилган матодан иборат. Одатда, давлат байроғи бир рангда, йўл-йўлларни ҳосил қилган бир неча рангда (кўпинча, икки-уч горизонтал, вертикал, диагонал бўйича ёки бошқа усулда жойлаштирилган) бўлади. Масалан, Албания, Марокаш, Туркия, Тунис, Хитой, Япониянинг байроғи бир рангли; Бельгия, Ирландия, Италия, Канада, Мексика, Покистон, Франциянинг байроғи вертикал йўллар; Австрия, Аргентина, АҚШ, Германия, Греция, Испания, Ироқ, Нидерландия, Россиянинг байроғи горизонтал йўллар; Буюк Британия, Куба, Филиппин, Кувайтнинг байроғи диагонал ва горизонтал йўллар бўйича икки ва ундан ортиқ ранглардан иборат.

Герб байроққа нисбатан мураккаброқ шакл ва тузилишга эга бўлиб, қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади:

1. Герб қалқони – герб тузилишининг асосий ва зарурий элементи. Қалқон гербнинг маркази, герб шаклининг қандай

бўлиши қалқон шаклига боғлиқ (тўртбурчак, конус, гардиш ва бошқа) бўлади.

2. Қалқонни кўтариб турувчилар – гербнинг бу таркибий қисми ўрта асрларда жангчи қалқонини кўтариб юрган хизматкорлар тасвиридан келиб чиққан.

3. Шиор лентаси – шиор лентасининг ранги қалқондаги асосий ранг билан бир хил рангда, кумуш (оқ) рангда ёки кўпинча республикалар гербида давлат байроғи рангларида бўлади.

4. Чамбар ёки қалқон ҳошияси – чамбар ёки қалқон ҳошияси шакли герб шаклида бўлиб, қалқон чегарасини белгилаб туради. Чамбар табиий ўсимликлар тасвири ёки метал (кумуш ёки олтин) рангидаги ҳошиядан иборат бўлади.

5. Қалқон усти.

6. Махсус безаклар¹.

Геральдика қоидалари бўйича гербнинг таркибий қисмлари қуйидагича тузилишда жойлаштирилади: герб қалқони герб марказида, герб усти гербнинг юқори қисмида, чамбар қалқон ҳошиясида, шиор лентаси гербнинг пастки қисмида, қалқонни кўтариб турувчилар гербнинг икки ён томонларида, махсус безаклар қалқон ташқарисида жойлаштирилган бўлади.

Гербнинг тузилиши зарурий ва қўшимча таркибий қисмларга ажратилади. Гербнинг зарурий қисми герб қалқони ҳисобланади. Герб қалқонисиз гербнинг ўзи ҳам бўлмайди. Герб қалқонидан бошқа таркибий қисмлари гербнинг қўшимча қисмлари ёки ташқи безаклари деб айтилади. Герб фақат қалқондан иборат бўлиши ҳам мумкин. Қалқон гербга туширилган асосий тасвирлар учун майдон ролини ўйнайди. Гербнинг қўшимча қисмларини қалқон ичида жойлаштириш геральдика қоидаларига мутлақо зид бўлиб ҳисобланади².

Ҳозирги кунда, давлатларнинг байроқлари ва герблари тасвири миллий рамзлардан иборат. Миллий рамз деганда, ҳар бир мамлакатнинг миллий тарихи, маданияти, анъаналари, қадриятлари билан боғлиқ бўлган, унинг орзу-интилишларини

¹ Герб // Энциклопедия государства и права Т. 1. / Под ред. П. Стучка. – М., 1922. – С. 414–418.

² Фрайер С., Фергюсон Дж. Кўрсатилган асар. – С. 185–219; Слейтер С. Кўрсатилган асар. – С. 50–67.

ифодалайдиган, мамлакат ичкарасида умумтушунарли ва қўшимча талқинни талаб қилмайдиган, бироқ мамлакат ташқарисида қисман тушунарли ёки умуман тушунарсиз тасвирлар, ранглар, белгилар ва тушунчаларни тушуниш керак. Миллий рамзлар маъноси хорижлик фуқароларга маълум бўлмайди. Давлат байроғи ва герби тасвирларининг миллий рамз сифатидаги мазмуни халқ дostonлари, афсоналар ёрдамида талқин қилинади. Шунингдек, бу тасвирлар миллатнинг хусусиятларини ифодалайдиган маънолар билан бирга геральдик маъноларни ифодалашига қараб геральдик шакллар бўлиб ҳам ҳисобланади. Геральдик шакллар деганда халқро тан олинган ва умумтушунарли бўлган умумбашарий қадриятларни ифодалайдиган тасвир, белги, тушунча тушунилиши лозим¹. Миллий рамзлар геральдик шаклларда ишлаб чиқилиб, ундаги тасвирлар халқро тан олинган маънода талқин қилинади. Шунинг учун давлат рамзлари мазмунини ташкил этган тасвирларни миллий маънони ифодалашига қараб миллий рамз, халқро умумқабул қилинган маъноларни ифодалашига қараб геральдик шакллар сифатида таърифлаш мумкин. Шу билан бирга, муайян тасвирнинг миллий рамз сифатидаги маъноси билан унинг геральдик шакл сифатидаги маъноси бир-бирига мос келмаслиги ёки миллий рамз сифатида қабул қилинган маълум бир тасвир геральдикада ҳеч қандай маънога эга бўлмаслиги ҳам мумкин.

Давлат рамзларини ишлаб чиқишда ундаги тасвирларнинг фақат миллий маъносига эътибор бериб, уларнинг геральдик маъносига эътибор қаратилмаса, улар шу давлат фуқароларига тушунарли бўлиши мумкин, лекин халқро майдонда давлатнинг мақсад ва интилишларини ифодалаш хусусиятига эга бўлмайди. Натижада давлат рамзлари жамият ва давлатнинг мақсад ва интилишларини бошқа халқларга нотўғри етказиши мумкин. Худди шундай, давлат рамзлари тасвирларининг геральдик маъносига эътибор берилиб, миллий маъносига эътибор берилмаса, улар халқро майдонда жамият ва давлатнинг мақсад ва интилишларини ифодалаши мумкин, лекин бу мамлакат аҳолиси учун тушунарсиз ва бегона тасвирларга айланишади. Давлат рамзларини ишлаб чиқишда миллий рамзларни

¹ Похлебкин В.В. Кўрсатилган асар. – С. 408.

ишлатиш чегараланмайди, улар турли халқларда турлича сон ва мазмунда бўлиши мумкин, бироқ барча халқлар учун умумий бўлган геральдик шакллар геральдика қоидалари билан чегараланган сондан иборат бўлади. Бунда давлат рамзларини ишлаб чиқувчилар миллий ва геральдик маънони ифодалайдиган, чегараланган сондаги геральдик шаклларни ишлатиш орқали миллий ирода, мақсад ва интилишлар тўғрисидаги ахборотни мамлакат аҳолиси ва жаҳон халқларига тушунарли рамзлар тилида узатиши мумкин бўлади.

Давлат байроғи ва гербини ташкил қилувчи геральдик шакллар¹ қуйидаги тўрт гуруҳга ажратилади:

1. Табиий ҳодисалардан олинган шакллар. Улар уч турга ажратилиши мумкин: коинот жисмлари, табиий ҳодисалар, жонли мавжудотлар².

2. Одамларнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижасида яратилган сунъий, жонсиз нарсалардан олинган шакллар. Уларга архитектура ёдгорликлари, транспорт воситалари, қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлар, меҳнат қуроли ва бошқалар кириди³.

3. Инсон ҳаёлотининг маҳсули бўлган мифлардан олинган, ўйлаб топилган, ҳақиқатда мавжуд бўлмаган мавжудотларнинг тасвирлари. Мифологик шаклларнинг манбаи сифатида, асосан, миф ва афсоналар, диний қарашлар, эртаклар муҳим роль ўйнайди⁴.

4. Давлат байроғи ва гербини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган геральдик рангларнинг сони чегараланган бўлиб, икки гуруҳга ажратилади: 1. Метал ранглари – олтин (сарик) ва кумуш (оқ) ранглар. 2. Эмал ранглари – қизил, кўк, яшил, қора, тўқ қизил ранглар⁵.

Геральдик ранглар қуйидаги маъноларни англатади:

1. Олтин (сарик) – устунлик, улуғворлик, ҳурмат, бойлик, кўркемлик рамзи.

2. Кумуш (оқ) – софлик, софдиллик, поклик, оқиллик, тинчлик рамзи.

¹ Медведев М.Ю. Геральдика или истинная наука о гербах. – М.: Гербы и флаги, 2008. – С. 59.

² Похлебкин В.В. Кўрсатилган асар. – С. 461–466.

³ Ўша жойда. – Б. 466–472.

⁴ Ўша жойда. – Б. 472–482.

⁵ Ўша жойда. – Б. 486–489.

3. Қизил – ҳақ-ҳуқуқ, куч-қудрат, мардлик, жасорат, муҳаббат рамзи.

4. Кўк – садоқат, самимият, шухрат, шон-шараф, ор-номус рамзи.

5. Тўқ қизил – олий нуфуз, кадр-қиммат, улуғворлик, устунлик, ҳокимият рамзи.

6. Яшил – озодлик, шодлик, умид, соғломлик рамзи.

7. Қора – барқарорлик, камтаринлик, мўътадиллик, озоишталик, ўлим ва мотам рамзи¹.

Давлат рамзлари ўзининг юридик мазмуни билан бирга сиёсий ва ҳуқуқий-мафкуравий мазмунига ҳам эга. Улар ижтимоий муносабат иштирокчиларида жамият ва давлат иродаси, мақсад-манфаатлари, орзу-интилишлари, танлаган йўлига нисбатан чуқур ҳурмат руҳини тарбиялаш, инсон онгига ҳиссий-эмоционал таъсир кўрсатиш хусусиятига эга воситалардир. Давлат рамзларининг инсон онгига ҳиссий-эмоционал таъсир кўрсатиш хусусиятини тадқиқ этиш давлат рамзлари табиатининг сиёсий ва ҳуқуқий-мафкуравий жиҳатларини аниқлаш учун муҳим деб ҳисоблаймиз.

Давлат рамзларининг мазмунида миллий ва умуминсоний қадриятлар: адолат, эзгулик, ҳалоллик, меҳр-шафқат, ҳақиқат, бунёдкорлик, меҳнатсеварлик, илму ижодга интилиш, тартиб, тинчликсеварлик, Ватанга садоқат, озодлик, мустақиллик каби қадриятлар ўз ифодасини топади. Бундан келиб чиқадики, давлат рамзларининг муҳим хусусияти инсонни фақат ақлига эмас, балки ҳиссиётларига ҳам таъсир этиши билан боғлиқ². Рамзлар инсонлар хулқ-атворини бошқарадиган, уни йўналтирувчи кучли мафкуравий воситага айланиши мумкин. Ҳиссий-эмоционал таъсир кўрсатиш хусусияти фуқароларнинг интилишларини миллий ирода ва мақсадларни амалга оширишга йўналтиришга хизмат қилиши мумкин.

Сиёсатшунос олим Д. Мисюровнинг фикрича, энг муҳими, мафкуранинг ўзи эмас, балки унинг мафкуравий таъсир этиш

¹ Слейтер С. Кўрсатилган асар. – С. 70; Похлебкин В.В. Кўрсатилган асар. – С. 398–399.

² Рамзларнинг инсон онгини сеҳрлаш қобилияти ҳақида Қаранг: Кассирер Э. Техника современных политических мифов / Пер. А.В. Иванова // Вестник Московского университета. – Серия 7. Философия. – 1990. – № 2. – С. 58–68.

техникаси, рамзларнинг инсон онгига таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлишидир¹. Рамзлар инсон онгига ҳиссий-эмоционал таъсир кўрсатиш хусусиятига эга бўлиши учун, биринчидан, рамзлар ифодалаётган ирода ва мақсадлар халқ томонидан умумаҳамиятли ижтимоий қадрият даражасида қабул қилиниши ва тан олиниши талаб қилинади. Агар рамзларда ифодаланётган ирода ва мақсадлар ижтимоий қадриятларга мувофиқ келмаса, улар ижтимоий муносабат иштирокчилари учун тушунарсиз бўлади ва ҳиссий-эмоционал таъсир этиш мазмунини йўқотади, улар ифодалаётган мақсадлар аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмайди, фуқароларда ҳуқуқий хулқ-атворга бўлган ноиқтисодий манфаатдорлик бўлмайди. Ноиқтисодий манфаатдорлик – инсоннинг моддий манфаатдорлигидан қатъи назар ишонч ва эътиқоди туфайли ҳуқуқий хулқ-атвордан манфаатдор эканлигидир. Шунингдек, сиёсатшунос олим В. Капицыннинг фикрича, глобаллашув шароитида ҳуқуқий онгга миллий рамзлар билан бирга универсал рамзлар ҳам доимий таъсир қилади, бундан турли жамиятларнинг ҳуқуқий маданияти бир-бирини бойитиши йўлида фойдаланиш мумкин².

Давлат рамзлари инсон онгига самарали таъсир кўрсатиши учун улар таркибини ташкил қилган элементлар умумий тузилишда шундай жойлашиши керакки, ирода ва мақсадларни инсон осонгина тушунсин. Алоҳида олинган рамзнинг ҳиссий-эмоционал таъсир кўрсатиш самараси паст бўлиши мумкин, лекин рамзлар мажмуи самарани кучайтиради. Рамзлар мажмуида қайсидир рамз асосий роль ўйнаб, бошқалари унинг атрофида жойлашади ҳамда бу бирикишдан уйғун, ягона ва барқарор умумий мазмун ҳосил бўлади. Рамзларнинг бу хусусияти уларнинг инсон онгига ҳиссий-эмоционал таъсир кўрсатиш техникаси вазифасини ҳам бажаради.

Шундай қилиб, рамзларни ишлаб чиқиш техникаси миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборотнинг тўғри талқин қи-

¹ Мисуров Д.А. Кўрсатилган асар. – С. 7–8.

² Капицын В.М. Символы в праве и глобализация // Нравственные императивы в праве. – 2012. – № 1. – С. 49–58; Капицын В.М. Символизм права во взаимодействии глобальных универсалий и национального контекста // Международное и внутригосударственное право в условиях глобализации: проблемы теории и практики: Материалы международной научной конференции. – М.: РАП, 2012. – С. 81–91.

линишини таъминлайди. Рамзларнинг мазмуни халқаро муносабатларда тушунарли бўлган геральдик шакллар ва терминлардан таркиб топган. Шу билан бирга, улар жамият аъзолари учун қадриятларни ифодаладиган миллий рамзлардир. Шундай экан, рамзларнинг фақат инсон ақлига эмас, балки унинг ҳиссиётларига ҳам таъсир кўрсатиш хусусиятини ҳисобга олиб, уларнинг сиёсий ва миллий-мафкуравий мазмунга ҳам эга эканлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

2.2. Давлат рамзлари тавсифига қўйиладиган талаблар

Давлат рамзлари ҳуқуқ рамзларининг махсус тури бўлиб, миллий ирода ва мақсадларнинг жамиятда устуворлиги, олийлиги, яъни суверенлигини ифодалашга хизмат қилади. Ҳозирги кунда байроқ ва герб тавсифини ишлаб чиқиш техникаси, усули ва қоидаларига нисбатан жаҳонда умумқабул қилинган “блазон” ибораси ишлатилмоқда¹. “Блазон” атамаси французча “blason” ва немисча “blasen” сўзидан олинган бўлиб, эълон қилиш деган маънони англатади. Байроқ ва герб қонун ҳужжатлари матнида блазон қоидаларига мувофиқ тавсифланади, яъни блазонлаштирилади.

Байроқ ёки герб тавсифи бир хил маънода талқин қилиниши учун уларнинг геральдика қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиши талаб қилинади. Геральдика қоидалари нуқтаи назаридан байроқ ёки гербни ишлаб чиқишдаги кичик нуқсон ҳам улар тавсифини тўғри тузишни қийинлаштиради. Агар байроқ ёки герб геральдика қоидаларини бузиб ишлаб чиқилган бўлса, уларни блазонлаштириш, яъни тавсифини тўғри тузиш, блазон қоидалари ва терминологиясини қўллаш имконияти бўлмайди. Шунингдек, махсус блазон терминологияси ва грамматикасини билиш гербнинг тавсифини тўғри тушуниш ҳамда гербни ўқиш имконини беради².

Давлат байроғи ва герби тавсифини ишлаб чиқиш қоидаларини жаҳон давлатлари конституцияларининг моддалари ёрдамида таҳлил қилиш мумкин.

¹ Арсенев Ю.В. Геральдика. Лекции. — С. 42–43.

² Санти-Мадзини Дж. Геральдика. История, терминология, символы и значение гербов и эмблем / Пер. с итал. — М.: Астрель: АСТ, 2007. — С. 55–56.

Биринчидан. Байроқ ва гербнинг таркибий қисмлари қатъий кетма-кетликда тавсифланади. Ўнг ёки юқори томон устун ҳисобланиб, байроқ ва герб тавсифи шу қисмдан бошланади. Байроқ ва гербнинг ўнг томони, улар ўрнатилган жойга нисбатан олинади¹.

Иккинчидан. Тавсиф байроқ ёки гербнинг таркибий қисмлари рангидан бошланади². Масалан, 2014 йилда қабул қилинган Тунис Конституциясининг 4-моддасида³ қуйидаги тавсиф келтирилган: “Қонунга мувофиқ Тунис Республикасининг байроғи қизил рангда, байроқ ўртасидаги оқ доирада уч томондан беш қиррали юлдуз билан ўраб олинган қизил ярим ой жойлаштирилган. Тунис Республикасининг миллий мадҳияси – “Ватан ҳимоячиси”. Тунис Республикаси гербидаги ёзув: озодлик, қадр-қиммат, адолат ва тартибот”. 1997 йилда қабул қилинган Польша Республикаси Конституциясининг 28-моддасида⁴, “Польша Республикасининг герби – қизил майдонда тожли оқ бургут тасвири туширилган. Польша Республикаси ранглари оқ ва қизилдир. Польша Республикаси мадҳияси – “Домбровский Мазуркаси””, – деган тавсиф берилган. Бунда тавсиф байроқнинг таркибий қисмлари рангидан бошланганлигини кўриш мумкин.

Учинчидан. Байроқ ёки гербда муайян ранг бир чизиқ бўйича турли горизонтал қаторларда такрорий туширилган бўлса, бу ранг тасвирнинг номи бир неча бор такрорланмасдан бир марта ёзилади. Бунда қаторлар бўйича ранглар тасвири сони ўхшаш, қаторлар сони турлича бўлганда, тартиб рақами бўйича қуйидан юқorigа қараб кетма-кетликда қатордаги ранглар сони ёзилади. Масалан, 1990 йилда қабул қилинган Хорватия Республикаси Конституциясининг 11-моддасида давлат рамзларига қуйидаги тавсиф берилади: “Хорватия Республикасининг герби тарихий хорват герби бўлиб, унинг асоси кетма-кет келган 25 қизил ва оқ майдонлардан иборат. Хорватия Республикаси байроғи – уч рангли: қизил, оқ ва кўк ранглардан иборат бўлиб,

¹ Слейтер С. Кўрсатилган асар. – С. 80.

² Санти-Мадзини Дж. Геральдика. – С. 57.

³ Конституция Тунисской Республики от 26 января 2014 года // worldconstitutions.ru/?p=1049.

⁴ Конституция Республики Польша от 2 апреля 1997 года // worldconstitutions.ru/?p=112.

унинг марказида тарихий хорват герби жойлашган. Хорватия Республикаси мадҳияси “Бизнинг гўзал Ватан”дир”¹.

Тўртинчидан. Байроқлар горизонтал, вертикал ёки диагональ бўйича йўлларга бўлинади.

1. Агар байроқ йўллари вертикал бўлса, тавсиф дастак ёнидаги йўлдан бошланиб, сўнг тартиб бўйича кетма-кетликда кейин келган йўллар тавсифланади. Масалан, Франция Конституциясининг 2-моддасида, “Франциянинг миллий эмблемаси – уч рангли байроқ (триколор): кўк, оқ, қизил. Миллий мадҳия – “Марсельеза”. Республика шиори – “Озодлик, Тенглик, Биродарлик. Унинг тамойили халқ билан, халқ томонидан ва халқ учун бошқарув”², деган тавсифни кўриш мумкин. Одатда байроқ йўллари вертикал жойлашган бўлса, “Триколор” атамаси ишлатилади. Тавсифдан байроқ дастаги ёнидаги йўл кўк, кейингиси оқ, учинчиси қизил эканлигини тушуниш мумкин. Агар йўллар вертикал жойлашганлиги тўғрисида ифода мавжуд бўлмаса, йўллар байроқнинг узунлиги бўйича горизонталлигини англатади. Шунингдек, агар байроқ узунасига горизонтал йўллардан иборат бўлса, тавсиф юқорида жойлашган йўлдан бошланиб, кейин қолган йўллар юқоридан қуйига томон кетма-кетликда тавсифланади.

2. Агар йўлларнинг ўлчами тўғрисидаги ифода бўлмаса, йўллар тенг энли эканлигини тушуниш мумкин. Масалан, 1992 йилда қабул қилинган Литва Конституциясининг 15-моддасида “давлат байроғининг ранглари сариқ, яшил, қизилдир”³, – деган тавсиф берилган бўлиб, байроқ горизонтал жойлашганлигини ҳамда юқоридан пастга томон кетма-кетликда бир хил ўлчамли сариқ, яшил, қизил рангдаги йўллардан иборат эканлигини тушуниш мумкин.

3. Агар йўллар турли ўлчамда бўлса, унинг ўлчамларини тавсифда ифодалаш керак бўлади. Масалан, 1978 йилда қабул қилинган Испания Конституциясининг 4-моддасида “Испания байроғи уч горизонтал йўллар – қизил, сариқ ва қизил рангли

¹ Конституция Республики Хорватия от 22 декабря 1990 года // worldconstitutions.ru/?p=107.

² Конституция Республики Франция, с изменениями, внесёнными 23 июля 2008 года // worldconstitutions.ru/?p=138.

³ Конституция Литовской Республики от 25 октября 1992 года // worldconstitutions.ru/?p=115.

йўлдан иборат. Сарик йўл икки қизил йўлнинг ҳар биридан икки баравар кенг”¹, деган тавсифни ўқиш мумкин. Тавсифдан байроқ уч горизонтал йўлдан иборат эканлигини, йўллар юқоридан қуйига томон қизил-сарик-қизил бўлиб, сарик йўл қизил йўллар энидан икки марта катта эканлигини тушуниш мумкин.

4. Байроқда жисмлар тасвири бўлса, аввал йўллар тавсифи, кейин жисм тавсифи берилади. Бунда дастлаб жисмнинг жойлашуви, масалан, юқори ўнг бурчакда, марказда, пастки чап бурчакда, кейин жисм тасвири тавсифланади. Агар байроқ бир рангда бўлса, жисм тасвири жойлашган жой ифодаланмайди. Масалан, 1982 йилда қабул қилинган Туркия Конституциясининг 3-моддасида “Байроқ – қизил байроқ фонидаги оқ ярим ой ва юлдуздан иборат. Давлат мадҳияси – «Мустақиллик марши»”², – тавсифи берилган. Агар байроқ икки ва ундан ортиқ йўллардан иборат бўлса, жисм тасвирининг қайси йўлда ёки қисмда эканлиги ифодаланади.

Бешинчидан. Герб қисмлари қуйидаги кетма-кетликда тавсифланади:

1. Герб қалқонидаги тасвирлар.
2. Чамбар (қалқон ҳошияси).
3. Қалқон тепаси.
4. Қалқонни кўтариб турувчилар.
5. Шиор лентасидаги ёзув.
6. Махсус безаклар.

Олтинчидан. Герб қалқони бир неча қисмларга бўлинган бўлса, тавсиф қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

1. Қалқон икки ва ундан ортиқ қисмларга бўлинган бўлса, аввал ўнг ва юқори қисм тавсифланади.

2. Қалқон тўрт қисмга бўлинган бўлса, тавсиф юқори ўнг томондан бошланади.

3. Қалқон тўрт ва ундан ортиқ қисмларга бўлиниб, икки ва ундан ортиқ қисм тасвирлари ўхшаш бўлса, уларнинг бирига тавсиф берилиб, қолган қисмлар юқори ўнг томондан бошлаб кетма-кетликда қисмларнинг тартиб рақами кўрсатилади, бунда бир тасвирни икки марта ифодалашнинг олди олинади³.

¹ Конституция Испании от 27 декабря 1978 года // worldconstitutions.ru/?p=149.

² Конституция Турецкой Республики от 7 ноября 1982 года // worldconstitutions.ru/?p=84

³ Санти-Мадзини Дж. Геральдика. – С. 60.

4. Қалқондаги тасвирлар бир майдонда жойлаштирилса, у ҳолда аввал марказдаги бош тасвир, кейин унинг орқасидаги тасвир, сўнгра узоқдаги тасвир тавсифланади.

5. 1994 йилда қабул қилинган Молдова Конституциясининг 12-моддасида қуйидаги тавсиф берилган: “Молдова Республикасининг герби иккига бўлинган қалқондан иборат, юқорида – қизил майдон, қуйида – кўк. Қалқон марказида тур боши тасвирланиб, унинг шохлари орасида – саккиз қиррали юлдуз, бошнинг ўнг томонида – беш гулбаргли атиргул, сўл томонида – чапга қараган ва бироз эгилган ярим ой, қалқондаги барча элементлар олтин рангда. Қалқон тумшуги билан олтин хочни, чангалининг ўнгида – яшил зайтун новдасини, чапида – олтин салтанат ҳассасини (скипетрни) ушлаб турган табиий бургутнинг кўкрагида жойлашган”¹.

Жаҳон конституцияларида блазон қоидаларига мутлақо зид ишлаб чиқилган байроқ ва герблар тавсифи учрамайди. Айрим конституцияларда тавсиф сифатини бузадиган айрим ортиқча сўзлар ёки такрорлашларни кўриш мумкин. Масалан, Молдова Конституциясининг 12-моддасида қуйидагича тавсиф берилган, “Молдова Республикасининг байроғи триколор. Рангли йўллар вертикал ҳолатда дастакдан қуйидаги кетма-кетликда жойлашган: кўк, сариқ, қизил. Марказда сариқ йўлда Молдова Республикаси Давлат герби тасвирланган”². Бу тавсифни юқори сифатли деб бўлмайди. Биринчидан, триколор ибораси блазон терминологиясига кўра вертикал жойлашган бир хил ўлчамдаги уч йўлни ифодалайди ва бу такрорлашдан далолат беради. Иккинчидан, йўлларнинг жойлашувини ифодалайдиган кетма-кетликдан ташқари, ҳар бир йўл жойлашган жой алоҳида такроран белгилаб ўтилган.

Байроқ ва герб тавсифини қонунда тавсифлаш ва шарҳлаш қоидалари уларда ифодаланган ирода, мақсад ва интилишлар тўғрисидаги ахборотни умумтушунарли усулда ва бир маънода ифодалашга имкон яратди. Байроқ ва гербдаги тасвирлар шарҳи ва тавсифи воситасида давлатнинг хусусиятлари ва мақсадларини билиш мумкин. Геральдика ва блазон қоидалари байроқ

¹ Конституция Республики Молдова от 29 июля 1994 года // worldconstitutions.ru/?p=127

² Ўша жойда.

ва гербни ҳамда уларнинг тавсифини ишлаб чиқиш қоидаларинигина эмас, балки махсус терминология ва конструкция ёрдамида шарҳлаш амалиётининг ҳам шаклланишига олиб келди.

Байроқ ва гербни ҳамда уларнинг тавсифини ишлаб чиқиш ва шарҳлаш усули қуйидаги хусусиятларга эга:

Биринчидан, байроқ, герб ва уларнинг тавсифини ишлаб чиқиш техникаси юридик техниканинг таркибий қисми бўлиб, миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборотнинг махсус тасвир, мусика, матн ва ҳаракатлар воситасида ифодаланишини таъминлайди.

Иккинчидан, байроқ ва гербни ишлаб чиқиш техникаси уларнинг ғоявий модели, конструкцияси ва тавсифини тўғри тузишни ўз ичига олади. Фақат тўғри ишлаб чиқилган рамзлар ва уларнинг тавсифи қонун чиқарувчи ифодамоқчи бўлган миллий ирода ва мақсадларни тўғри тушуниш имконини беради. Шунингдек, махсус техника рамзлар конструкцияси таркибий қисмларини тўғри жойлаштириш билан бирга, уларни белгиланган кетма-кетликда тавсифлаш қоидаларини ҳам ўз ичига олади.

Учинчидан, байроқ ва герб тавсифини ишлаб чиқишда фойдаланиладиган терминология эмблема тасвирларини қонунчилик матни воситасида ифодалаш бўйича атама ва иборалар йиғиндиси бўлиб, бунда ҳар бир атама ёки ибора муайян тасвирни ифодалайди. Атама ва иборалар бирикишидан ҳосил бўлган мазмун эса миллий ирода ва мақсадларни ифодалайди. Байроқ ва герб тавсифини ишлаб чиқишда қўлланиладиган махсус терминология жаҳонда умумқабул қилинган, қўлланиладиган атама ва иборалар халқаро миқёсда турли тилларда бир хил маънони ифодалайди. Бу терминология барча жаҳон мамлакатларида тан олинган ва умумтушунарли бўлган, турли давлатлар ифодаладиган миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборотни узатиш учун етарли бўлган сон, таркиб ва маъноларга эга.

Тўртинчидан, махсус техника рамзлар тавсифини тузишда ортиқча сўз ва жумлаларни ишлатиш, такрорлаш, тавсиф матнини чўзиб юборишнинг олдини олишга хизмат қилади.

Бешинчидан, байроқ, герб ва мадҳия тавсифини конституция ёки қонунлар билан тасдиқлаш амалиёти пайдо бўлди.

Шундай қилиб, байроқ ва гербларни ишлаб чиқишнинг геральдика ва улар тавсифини ишлаб чиқишнинг блазон қоидалари қонун чиқарувчиларни махсус техника билан қуроолантирди.

Ҳозирги кунда кўпгина давлатларда конституциясининг моддаларида байроқ ва герб тавсифи мустаҳкамланган. Байроқ ва гербни конституцияда тавсифлаш даражаси бўйича давлатларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1) АҚШ, Греция, Швеция, Япония каби давлатларнинг Конституцияларида байроқ ва герб тўғрисида бирорта ҳам модда йўқ; 2) Белоруссия, Грузия, Россия, Қозоғистон каби давлатлар Конституциясида байроқ, герб ва мадҳия давлатнинг рамзлари сифатида эълон қилиниб, уларнинг тавсифи конституциявий қонун билан тасдиқланган; 3) Германия, Жазоир, Испания, Италия, Озарбайжон, Туркия, Эстония каби давлатларда давлат байроғи тавсифи конституция моддалари билан тасдиқланган; 4) Австрия, Арманистон, Куба, Литва, Молдова, Польша каби давлатларда давлат байроғи ва гербининг тавсифи конституцияларининг моддалари билан тасдиқланган; 5) айрим давлатларда давлат байроғи ёки гербига конституциянинг алоҳида бўлими ёки боби бағишланиб, уларнинг тавсифи конституция билан тасдиқланган, масалан, Хитой Конституциясининг 4-бўлими, Эрон Конституциясининг 2-боби¹.

Давлат байроғи ва герби тавсифини конституция билан мустаҳкамлашнинг қуйидаги жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мумкин: биринчидан, конституция давлатнинг асосий қонуни, энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солиди, давлат тузуми, унинг суверенитети асосларини белгилайди, миллий ирода ва мақсадларни ифодалайди; иккинчидан, конституция давлатни жаҳонга танитадиган ҳужжат, у кўпгина хорижий тилларга таржима қилиниб, жаҳон миқёсида кенг ўрганилади; учинчидан, давлат байроғи ва герби миллий ирода ва мақсадларнинг умумий ғоясини ифода этиб, бу улар тавсифининг барқарор бўлишини талаб қилади. Давлат байроғи ва герби тавсифининг конституцияда ўз ифодасини топиши уларнинг тўғри идрок қилиш ва тушунишга ёрдам беради. Шунингдек, конституция матнида ифодаланган байроқ ва герб тавсифи миллий ирода ва мақсад-

¹ Қаранг. <https://worldconstitutions.ru>.

лар тўғрисидаги ахборот узатилишининг самарасини кучайти-
ради.

Ўзбекистон Республикаси байроғи ва герби тавсифининг геральдика ва блазон усулига мувофиқлиги даражасини кўриб чиқамиз.

Давлат байроғи тавсифи “Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида берилган: “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи – байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг узунлиги 250 сантиметрга, кенлиги 125 сантиметрга тенг. Мовий ранг, оқ ранг ва яшил рангли энларнинг кенлиги бир хил. Ҳар бир эн 40 сантиметрга тенгдир. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидан кенлиги 2,5 сантиметрга тенг қизил ҳошиялар ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг юқори қисмидаги мовий рангли эннинг юз томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли янги ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Оқ рангли янги ой ва ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдузнинг тасвири мовий рангли юқори эннинг ўртасидан 75х30 сантиметрга тенг тўғри тўртбурчакка сиғадиган қилиб жойлаштирилган.

Оқ рангли янги ой вертикал ҳолатда дўнг томони дастага қаратилган, дастадан 20 сантиметр масофада жойлаштирилган бўлиб, диаметри 30 сантиметрли доирага сиғади.

Ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдуз диаметри 6 сантиметрли доирага сиғади. Доиралар орасидаги масофа 6 сантиметр. Юлдузлар узунасига ва тиккасига қуйидаги тартибда жойлашади: юқори қаторда учта, ўрта қаторда тўртта ва қуйи қаторда бешта юлдуз. Қуйи қатордаги юлдузлар янги ойнинг пастки учидан 3,5 сантиметр масофада жойлашади”¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1992. – 1-сон. – 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – 51-сон. – 514-модда; 2010. – 51-сон. – 484-модда.

Ушбу тавсиф таҳлили унинг блазон усулига мувофиқ тузилганлигини кўрсатади.

Биринчидан, тавсиф байроқ йўллари рангидан бошланган. Тавсифдан байроқ бир хил ўлчамдаги горизонтал йўллардан иборатлиги, юқоридаги йўл тўқ мовий, ўртадаги йўл оқ, қуйидаги йўл яшил рангда эканлиги ва оқ йўл қизил ҳошияга эга эканлигини тушуниш мумкин.

Иккинчидан, байроқ йўлларида кейин ундаги жисмлар тасвири тавсифланган. Тавсифдан байроқ дастаги тарафида юқори ўнг бурчакда вертикал жойлашган, ташқи ёй томони билан дастага қараб турган ярим ой ва ўн икки юлдуз: қаторига кўра юқорида учта, ўртада тўртта, қуйида бешта юлдуз тасвири жойлашганлигини идрок қилиш мумкин.

Блазон усулига мувофиқ тавсифни конституция моддасида ифодалаш имконияти нуқтаи назаридан унинг қисқа вариантыни ишлаб чиқиш мумкин:

Биринчидан, геральдикага мувофиқ байроқ фақат тўғри тўртбурчак шаклга эга бўлади. Шунинг учун тавсифнинг биринчи бандида байроқнинг шаклини ифодаладиган жумла ортиқча бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, йўлларнинг бутун узунлик бўйлаб чўзилганлиги тўғрисидаги ифода ўрнида “горизонтал жойлаштирилган йўллар” ифодасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, блазон талаблари бўйича йўллар бир хил ўлчамда бўлса, уларнинг ўлчами тўғрисида қўшимча ифодалар киритилмайди. Шунинг учун тавсифнинг иккинчи бандида йўллар ўлчами тўғрисидаги ифода ортиқча ҳисобланади.

Учинчидан, айтиб бериш бир жисм икки ва ундан ортиқ горизонтал чизиқ бўйича турли қаторда жойлашган бўлса, бу жисмнинг горизонтал чизиқ бўйлаб тартиб рақами бўйича қуйидан юқorigа томон кетма-кетликда сони ёзилади. Шундан келиб чиқиб, тавсифнинг учинчи бандида юлдузларнинг жойлашувини сон билан ифодалаш мақсадга мувофиқ.

Шундай қилиб, Давлат байроғи тавсифини конституция моддаси билан ифодалаш имониятини берадиган қисқа ифода вариантыни таклиф қилиш мумкин:

“Байроқ – тўқ мовий, оқ, тўқ яшил горизонтал йўллардан иборат бўлиб, оқ йўл қизил чизиқ билан ҳошияланган. Тўқ мо-

вий йўлда дастага яқин жойда оқ янги ой ва унинг ёнида оқ ўн иккита беш қиррали юлдуз узунасига ва тиккасига жойлашган – 5:4:3”.

Энди геральдика ва блазон усулига мувофиқ Давлат герби тавсифини кўриб чиқамиз.

“Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида қуйидагича тавсиф берилган: “тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида Республика ҳурлигининг рамзи сифатида саккизбурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвирланган. Гербнинг марказида бахт ва эркесварлик рамзи – қанотларини ёзган Хумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида “O‘zbekiston” деб ёзиб қўйилган.

Давлат гербининг рангли кўриниши: Хумо қуши ва дарёлар – кумуш рангида; қуёш, бошоқлар, пахта чаноқлари ва “O‘zbekiston” ёзуви – олтин рангида; ғўза шохлари ва барглари, тоғлар ва водий – яшил рангда; чаноқлардаги пахта – оқ рангда; лента – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ранглари акс эттирувчи уч хил рангда; саккизбурчак – олтин зарҳал билан ҳошияланган ҳолда ҳаво рангда; ярим ой ва юлдузлар – оқ рангда тасвирланган”¹.

Юқоридаги тавсиф гербнинг геральдика усулига мувофиқ ишлаб чиқилганлигини кўрсатади:

биринчидан, гербда герб қалқони мавжуд бўлиб, у гардиш шаклидаги шарқ қалқони сифатида ишлаб чиқилган;

иккинчидан, қалқон майдони уч таркибий қисмдан: бош тасвир – Хумо қуши, унинг орқасидаги тасвир – тоғлар ва водийлар ва узоқдаги тасвир – нур сочаётган қуёшдан иборат бўлиб, таркибий қисмлар махсус ажратилмаган;

учинчидан, герб қуйидаги қўшимча таркибий қисмларга эга: қалқон чамбари (ҳошияси) – ғўза шохлари ва буғдой бо-

¹“Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1992. – 9-сон. – 328-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 1999. – 5-сон. – 124-модда.

шоқлари, қалқон тепаси – ичида ой ва юлдуз тасвири бўлган саккизбурчак; шиор лентаси – “O‘zbekiston” ёзуви.

Геральдика усулига мувофиқ фақат бир хусусият – шиор лентасидаги ёзув ранги (олтин ранг) бош тасвир – Хумо қуши ранги (кумуш) билан бир хил эмаслиги нуқсон деб топилиши мумкин. Чунки геральдика усули бўйича шиор лентаси ёзуви бош тасвир мавзусини давом эттириши, яъни “O‘zbekiston” ёзуви Хумо қуши рангида бўлиши керак.

Шунингдек, блазон усули бўйича герб тавсифининг қуйидаги нуқсонларини кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, гербнинг тавсифи ундаги таркибий қисмлар ва жисмлар ранги тўғрисидаги баёндан бошланиши керак. Амалдаги тавсифда аввал таркибий қисмлар ва жисмлар тавсифи, кейинги бандда рангининг тавсифи берилган.

Иккинчидан, гербнинг таркибий қисмларини тавсифлашдаги кетма-кетлик бузилган. Юқорида кўриб ўтганимиздек, блазон қоидалари бўйича аввал қалқон майдонининг ранги, кейин кетма-кетликда 1) бош тасвир; 2) унинг орқасидаги тасвир; 3) ундаги узоқ тасвир; 4) чамбар (қалқон ҳошияси); 5) қалқон тепаси; 6) шиор лентаси ёзуви тавсифланиши керак. Амалдаги тавсифда кетма-кетлик қуйидагича амалга оширилган: 1) қалқондаги узоқ тасвир (тоғлар, дарёлар); 2) чамбар (сўл томони буғдой бошоқлари, ўнг томони чаноқлари очилган ғўза шоҳлари); 3) бош тасвир орқасидаги тасвир (гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради); 4) қалқон тепаси (саккизбурчак, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз); 5) бош тасвир (қанотларини ёзган Хумо қуши); 6) шиор лентаси (“O‘zbekiston”).

Учинчидан, чамбардаги пахта чаноқлари ва буғдой бошоқлари сони рақамларда баён этилиши керак.

Давлат герби таркибий қисмларининг тавсифини блазон усули бўйича: 1) қалқон; 2) қалқон чамбари; 3) қалқон тепаси; 4) шиор лентасидан иборат кетма-кетликда баён этган ҳолда қуйидагича такомиллаштириш мумкин:

“Гардиш шаклидаги оқ майдонда кумуш Хумо қуши қанотларини кумуш дарёлар, яшил тоғлар ва водий узра таралаётган заррин қуёш нурларида ёзган.

Қалқон чамбари ўнг томони шоҳлари яшил ғўзанинг олтинранг чаноқларида очилган оқ пахта – 2:1:1:1:1., сўл томони

олтинранг бугдой бошоқлари – 2. Уларга мовий (кўк), оқ, яшил шиор лентасига ўралган.

Қалқоннинг тепасида хаворанг саккизбурчак зарҳал билан ҳошияланган, унинг ичида оқ ярим ой ва юлдуз.

Шиор лентаси бантида олтин рангида “O‘zbekiston” ёзуви”.

Давлат байроғини блазон усулида тавсифлаш Ўзбекистон Республикаси миллий иродаси ва мақсадларининг умумий ғоясини байроқ воситасида қуйидагича ифодаланишини таъминлаш мумкин: Ўзбекистон Республикаси садоқатли, самимий ва ор-номусли (мовий (кўк) ранг) халқ (жамият) иродасига асосланади, поклик ва тинчликка интилади, ҳуқуқ ва меҳр-оқибатга (оқ рангнинг қизил рангдаги ҳошиялари) таянади, озод ва фаровон (яшил ранг) жамият қуриш мақсадини қўяди, ўз тарихининг янги даврида (янги ой) комилликка (ўн икки рақами) интилади (юлдуз).

Давлат герби талқини миллий ирода ва мақсадлар умумий ғоясининг ифодаланишини давом эттиради:

1. Герб қалқонидаги тасвирлар – олий иродага эга тинчликсевар ва софдил (Хумо қушининг кумуш ранги) халқ абадий озод, фаровон ва бахт саодатда яшаш учун қайта тикланди (Хумо қуши), бу мусаффо (дарёларнинг кумуш ранги) ва озод (водийлар ва тоғларнинг яшил ранги) диёр (водий, тоғлар, дарёлар) ривожланишнинг (қўтарилаётган қуёш) юксак ҳаётий кучларига (заррин нур сочаётган олтин қуёш) эга.

2. Герб чамбаридаги тасвирлар – у ўзининг (бу ерга гўза шохлари ва бугдой бошоқлари боғланган давлат байроғи рангларидagi шиор лентаси талқини қўшилади) озодлиги (гўзанинг яшил шохлари), софдиллиги (оқ пахта), бойликлари (олтин чаноклар, бугдой бошоқлари) билан буюқдир (чамбар).

3. Қалқон тепасидаги тасвирлар – унинг тақдирида улуг (саккизқирра юлдузнинг олтин ҳошияси) шараф (саккизқирра юлдузнинг кўк фони) келтирадиган кенг қамровли, кўпжиҳатли (саккизқиррали юлдуз) буюк ўзгаришлар (юлдуз) ва тинчлик (ярим ой ва юлдузнинг оқ ранги) даври бошланди (ярим ой).

4. Бу бой (“O‘zbekiston” ёзувининг олтин ранги) халқ ва давлат номи “Ўзбекистондир”. Қўриниб турибдики, “O‘zbekiston” ёзувининг олтин ранги бойлик маъносини бериб, у гербнинг бош тасвири Хумо қушининг тинчликсеварлик ва софдиллик

ни ифодаладиган кумуш рангига мос келмайди. “O‘zbekiston” ёзуви рангининг кумуш рангига ўзгартирилиши тинчликсевар халқ ва давлат маъносини ифодалаши мумкин бўлади.

Шундай қилиб, Давлат байроғи ва гербининг геральдика усули улар тавсифининг блазон усулига мувофиқ такомиллаштирилиши уларнинг аниқ ва бир хил маънода тушунилишига, миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборотнинг тўғри етказилишини таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, блазон усулига мувофиқ такомиллаштирилган Давлат байроғи ва герби тавсифини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси матнида ифодалаш тўғрисидаги таклифни ишлаб чиқиш мумкин.

2.3. Давлат рамзлари ва давлат суверенитети остидаги ташкилот рамзларидан фойдаланиш муносабатлари

Миллий ирода, мақсад ва интилишлар тўғрисидаги ахборот давлат рамзларидаги эмблема, тасвир, оҳанг, шеър матни ва ҳаракатлар воситасида ижтимоий муносабат иштирокчиларига узатилади. Лекин мамлакатдаги маъмурий-ҳудудий бирликлар, давлат органлари, ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ҳам ўзининг хусусиятлари ва мақсадларига эга. Бу хусусият ва мақсадларни давлат суверенитети остидаги ташкилотларнинг рамзлари ифодалайди. Хорижий мамлакатлар тажрибаси рамзлар маъмурий-ҳудудий бирликлар хусусиятларини ифодалашнинг самарали воситаси эканлигини кўрсатади. Ҳозирги кунда жаҳоннинг деярли барча давлатларида маъмурий-ҳудудий бирликларнинг рамзлари жорий этилган. Масалан, Францияда барча вилоят, департамент, округ, контон ва жамоалар (коммуналар), Италияда барча вилоят, провинция, шаҳар ва жамоалар (коммуналар), Японияда барча префектура-лар ўзининг байроғи ва гербига эга. Беларусь, Грузия, Латвия, Литва, Молдова, Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Эстония каби постсовет давлатларида ҳам маъмурий-ҳудудий бирликларнинг рамзлари таъсис этилган¹.

¹ Қаранг: Территориальная символика // <https://geraldika.ru>; Бортник О.И., Резько И.В. Геральдика мира. – Минск: Харвест, 2008. – 240 с.

Россия Федерациясида маъмурий-ҳудудий бирликлар рамзларидан фойдаланиш муносабатлари федерация субъектларининг қонунчилиги билан тартибга солинган. Масалан, 2003 йилда қабул қилинган “Москва шаҳрида давлат ва муниципал рамзлар тўғрисида”ги Москва шаҳри қонуни билан Москва шаҳри таркибига кирувчи маъмурий-ҳудудий бирликлар рамзларидан фойдаланиш тартиби белгиланган. Жумладан, Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ маъмурий округнинг расмий рамзлари герб эмблемаси ва байроғи бўлиб, улар маъмурий округни Москва шаҳридаги бошқа округлардан ажратиб туришга хизмат қилади. Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ муниципал тузилмаларнинг расмий рамзлари уларнинг герби ва байроғи бўлиб, улар муниципал тузилмани Москва шаҳри ва Россия Федерациясининг бошқа муниципал тузилмаларидан ажратиб туради. Шунингдек, Россия Федерациясининг барча субъектларида маъмурий-ҳудудий бирликлар рамзларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган.

Грузияда муниципал тузилмалар рамзларидан фойдаланиш муносабатлари “Давлат аҳамиятига эга рамзлар тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинган. Ушбу қонуннинг 1-моддасида “оммавий муассасанинг байроғи ва герби”, “муниципалитет байроғи, герби” каби тушунчалар таърифланган. Мазкур қонуннинг 3-моддасига мувофиқ муниципалитет рамзлари Грузия парламенти қошидаги Давлат геральдлик кенгаши билан маслаҳатлашувлардан ва унинг ижобий хулосасидан кейин муниципалитетнинг вакиллик органи томонидан тасдиқланади, шунингдек улардан фойдаланиш тартибини Грузия ҳукумати белгилайди.

Рамзларнинг мақоми улар ифодаладиган ирода ва мақсадлар билан белгиланади. Давлат суверенитети остидаги ташкилотлар рамзлари тизимини қуйидаги таркибий қисмларга ажратиш мумкин:

1. Давлат органларининг рамзлари – давлат органларини фарқловчи белгилари бўлиб, уларнинг хусусият ва мақсадларини ифодалайди.

2. Маъмурий-ҳудудий бирликларнинг рамзлари – ҳудудий birlik хусусияти ва мақсадларини ифодалайди.

3. Фуқаролик жамияти институтлари рамзлари – фуқароларнинг турли манфаатларини амалга ошириш мақсадида бирлашган гуруҳ ва жамоаларининг хусусият ва мақсадларини ифодалайди.

Рамзлар, шунингдек муайян бир ҳудудий ёки ижтимоий бирликни иккинчисидан ажратиб туради. Ҳар бир ҳудудий ёки ижтимоий бирлик ўзига хос хусусиятларга эга, масалан, маъмурий-ҳудудий бирликлар ўзига хос тарихий-географик, ижтимоий-иқтисодий ва маданий хусусиятларга, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият йўналиши билан боғлиқ хусусиятларга эга. Рамзлар ана шу хусусиятларни ифодалайди.

Бугунги кунда давлат рамзлари ва маъмурий-ҳудудий бирликлар, давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари рамзларини ишлаб чиқиш ҳамда улардан фойдаланиш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш талаб қилинади. Постсовет давлатларининг қонунчилигида рамзларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш муносабатлари турлича тартибга солинганлигини кўриш мумкин. Масалан, Россия Федерациясида Давлат байроғи, герби ва мадҳиясидан фойдаланиш муносабатлари 2000 йилда қабул қилинган Давлат байроғи, герби ва мадҳияси тўғрисидаги федерал Конституциявий қонунлар билан тартибга солинади¹. Худди шундай Озарбайжон Республикасида Давлат байроғи, герби ва мадҳияси 2018 йилда қабул қилинган Конституциявий қонунлар билан тасдиқланган². Қозоғистон Республикасида Давлат байроғи, герби ва мадҳияси тавсифи 2007 йилда қабул қилинган “Қозоғистон Республикасининг давлат рамзлари тўғрисида”ги Конституциявий

¹ Федеральный конституционный закон “О Государственном флаге Российской Федерации” от 25 декабря 2000 г. // http://www.constitution.ru/symbols/flag_fcz.htm; Федеральный конституционный закон “О Государственном гимне Российской Федерации” от 25 декабря 2000 г. // <https://ppt.ru/docs/fz/3-fz-11529>; Федеральный конституционный закон «О Государственном гербе Российской Федерации» от 25 декабря 2000 г. // <http://pravo.gov.ru>.

² Конституционный закон Азербайджанской Республики “Об утверждении описания Государственного флага Азербайджанской Республики” от 2 ноября 2018 г.; Конституционный закон Азербайджанской Республики “Об утверждении описания Государственного герба Азербайджанской Республики” от 2 ноября 2018 г.; Конституционный закон Азербайджанской Республики “Об утверждении музыки и текста Государственного гимна Азербайджанской Республики” от 2 ноября 2018 г. // <https://azertag.az/ru/xeber>.

қонун билан тасдиқланиб, унда давлат рамзларидан фойдаланиш асослари, шунингдек давлат рамзлари билан бошқа ташкилотлар рамзларидан бир вақтда ва жойда фойдаланиш тартиби белгиланган. Грузияда давлат байроғи, герби ва мадҳиясининг тавсифи 2018 йил қабул қилинган “Грузиянинг давлат рамзлари тўғрисида”ги органик (Конституциявий) қонуни билан тартибга солинган¹, давлат рамзларидан, шунингдек Абхазия ва Аджария автоном республикалари, муниципалитетлар, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари рамзларидан фойдаланиш муносабатлари 2018 йилда қабул қилинган “Грузиянинг давлат рамзларидан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги қонун ва 2019 йилда қабул қилинган “Давлат аҳамиятига эга рамзлар тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинган². Тожикистоннинг давлат рамзлари тавсифи 1999 йилда Тожикистон Олий кенгаши (парламенти) қарори билан тасдиқланган, улардан фойдаланиш тартиби 2007 йилда қабул қилинган “Тожикистон Республикаси давлат рамзлари тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинган.

Давлат рамзлари бўйича хорижий давлатлар қонунчилиги таҳлили ва махсус геральдика техникаси талаблари³ рамзларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш муносабатларини тартибга солишнинг қуйидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтишга имкон беради.

Биринчидан, давлат рамзлари қонунчилик жараёни доирасида ишлаб чиқилади. Бунда давлат рамзларининг лойиҳасини ишлаб чиқиш, ташаббус қилиш, муҳокама қилиш, қабул қилиш, маъқуллаш ва эълон қилиш рамзлар тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш жараёнининг ичида амалга ошади. Демак, мазкур қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни геральдика техникаси қўлланилиши билан ажралиб туради. Шунинг учун давлат рамзларини ишлаб чиқиш жараёнига геральдика соҳасида малака ва билимларга эга мутахассисларни жалб қилиш талаб қилинади. “Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг

¹ Органический закон Грузии “О государственных символах Грузии” от 14 ноября 2018 г. // <https://www.matsne.gov.ge/ru/document>

² Закон Грузии “О символах государственного значения” от 22 февраля 2019 г. // <https://www.matsne.gov.ge/ru/document>

³ Қаранг. Очилов Ў.С. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари. – Б. 47–56.

Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддасида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилгандан сўнг ҳуқуқий ва бошқа экспертизадан ўтказилиши, бунинг учун тегишли мутахассисларни жалб қилиш мумкинлиги белгиланган. Шундан келиб чиқиб, рамзлар лойиҳаларини ишлаб чиқишга геральдика соҳаси мутахассислари жалб қилиниши керак.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 20-моддасида Қонунчилик палатаси қўмиталари мажлисларига давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, мутахассислар, олимлар таклиф қилиниши мумкинлиги белгиланган. Шунга мувофиқ давлат рамзлари лойиҳасини масъул қўмитада тайёрлаш ишларига тажрибали сиёсий арбоблар, ҳуқуқшунос олимлар, хусусан, геральдика соҳаси мутахассислари жалб қилиниши мумкин. Шунингдек, рамзлар лойиҳаси Президент ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссия томонидан геральдик экспертизадан ўтказилади. Бунда экспертиза хулосаси Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган тегишли қонун лойиҳаларига илова қилинади. Конституциянинг 78-моддасига мувофиқ қонунларни қабул қилиш Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколати бўлиб ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, геральдик экспертиза хулосаси тегишли қонунларни муҳокама қилиш давомида депутатлар томонидан ҳисобга олиниши лозимлиги ҳуқуқий белгиланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, давлат рамзларида Ўзбекистоннинг конституциявий тузуми хусусиятлари, жамият ҳамда давлатнинг ирода ва мақсадлари мазмуни ифодаланади. Шунинг учун давлат рамзлари барқарорлигини таъминлашнинг ҳуқуқий чоралари кўрилиши лозим. Давлат рамзлари тасдиқланадиган қонунларга конституциявий қонун мақоми берилиши, жумладан, байроқ ва гербнинг қисқа тавсифини конституция билан мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ деб хулоса қилиш мумкин. Юқорида таъкидланганидек, Россия, Қозоғистон, Озарбайжон, Грузия каби давлатларда ҳам давлат рамзларининг тавсифи конституциявий қонунлар билан тасдиқланган.

Иккинчидан, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан тартибга солинади. Қорақалпоғистоннинг давлат рамзлари тўғрисидаги Қорақалпоғистон Республикаси қонун лойиҳалари Жўқорғи Кенгес муҳокамасига қўйилишидан олдин геральдик экспертизадан ўтказилиши керак. Геральдик экспертиза Жўқорғи Кенгесда рамзий белги лойиҳаларини ишлаб чиқиш ишлари якунланганидан сўнг амалга оширилиши лозим. Геральдик экспертиза хулосаси қонун лойиҳаларига илова қилинади. Бунда геральдик экспертиза хулосалари Жўқорғи Кенгес депутатлари томонидан ҳисобга олиниши лозимлиги ҳуқуқий мустақамланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Учинчидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳри рамзларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш тартиби қонун билан белгиланиши керак. Вилоятлар ва Тошкент шаҳри рамзлари тегишли халқ депутатлари кенгаши қарори билан қабул қилиниши ҳамда вилоят (Тошкент шаҳри) ҳокими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентига тасдиқлаш учун тақдим қилиш тартибининг белгиланиши, шунингдек Президент томонидан тасдиқланишидан олдин рамзларни Президент ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссияси томонидан геральдик экспертизадан ўтказиш тартибининг белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Геральдик экспертиза хулосаси тасдиқлаш учун тақдим қилинган рамзий белгига илова қилинади. Геральдик экспертизанинг салбий хулосаси рамзлар лойиҳасини тасдиқламаслик учун асос бўлиши ва камчиликларни бар-тараф этиш учун тегишли кенгашларга қайтарилиши ҳуқуқий белгиланиши лозим.

Тўртинчидан, туман ва шаҳарларнинг рамзларини тегишли туман (шаҳар) кенгашлари қабул қилиб, туман (шаҳар) ҳокими томонидан тасдиқлаш учун вилоят ҳокими (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгес Раисига) тақдим қилиш тартибининг белгиланиши мақсадга мувофиқ. Бунда рамзлар Президент ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича ко-

миссияси томонидан геральдик экспертизадан ўтказилиб, экспертиза хулосаси тегишли рамзларга илова қилиниши, салбий экспертиза хулосаси рамзлар лойиҳасининг камчиликларини бартараф этиш учун тегишли туман (шаҳар) кенгашига қайтарилиши кераклиги белгиланиши лозим.

Бешинчидан, шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳаллалар рамзлари тегишли фуқаролар йиғини томонидан ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши ҳамда тасдиқлаш учун туман (шаҳар) ҳокимига тақдим этилиши тартибини белгилаш мақсадга мувофиқ. Бунда мазкур рамзлар геральдик экспертизадан ўтказилмайди, чунки уларга геральдик эмблема талаби қўйилмайди.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзий белгилари “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ унинг раҳбар органи томонидан тасдиқланади ва таъсис белгиларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун мазкур рамзий белгилар қонун талабларига жавоб беришини текшириш ваколати улар рўйхатдан ўтаётган Адлия идораларига тааллуқли. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзий белгилари геральдик эмблема бўлиб ҳисобланмайди ва геральдик экспертизадан ўтказишни талаб қилмайди. Лекин қонунга кўра улар давлат рамзларига ўхшамаслиги керак, шунингдек маънавиятга, миллий ва диний туйғуларга дахл қилиш нодавлат нотижорат ташкилотининг рўйхатдан ўтказилмаслигининг асосларидан бири бўлиб ҳисобланади¹.

Давлат рамзлари ва давлат суверенитети остидаги рамзлардан фойдаланиш муносабатларини тартибга солиш қонunchиликни қуйидаги йўналишларда такомиллаштиришни тақозо этади:

– суверен давлат ўзининг ҳудудида суверен қарор чиқариб, жамият ҳаёти соҳаларини ҳуқуқий тартибга солади. Давлат ҳокимияти органлари халқ томонидан сайланади ёки халқ томо-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1999. – 5-сон. – 115-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – 25-сон. – 287-модда; 2007. – 52-сон. – 533-модда; 2008 й. – 52-сон. – 513-модда; 2012. – 15-сон. – 164-модда; 2014. – 50-сон. – 588-модда; 2016. – 17-сон. – 173-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.09.2019 й., 03/19/566/3734-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

нидан сайланган олий органлар томонидан шакллантирилади. Ҳеч бир ташкилот давлатнинг олий органларидан ваколат олмасдан туриб мажбурий кучга эга қарор чиқара олмайди. Агар давлат ҳокимиятининг ваколатисиз мажбурий кучга эга қарор чиқара оладиган ташкилот пайдо бўлса, бу ташкилот давлат суверенитетига дахл қилган бўлади;

– давлат рамзларидан суверен ирода ва мақсадларни ифодалашда фойдаланилади. Жумладан, давлат байроғидан давлат ҳокимиятининг олий органларига бўладиган сайлов, референдум ўтадиган жойларда, давлат ҳокимияти органлари биноларида, давлат ҳокимияти органларининг мажлис залларида, давлат ҳокимиятининг яккабошчилик асосида фаолият олиб борадиган органлари мансабдор шахсларининг хизмат хоналарида, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти номидан халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларда вакилликни амалга оширадиган дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналар бошлиқларининг хизмат хоналарида доимий ўрнатилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқи ва давлат ҳокимиятининг расмий вакиллари сифатида ўз ваколатларини чет элга таширифи давомида амалга ошираётган вақтда чет элдаги денгиз ва дарё кемаларида, бошқа транспорт воситаларида кўтарилади¹;

Давлат суверенитети халқаро ҳуқуққа асосланган мустақилликдир. БМТ Устави билан давлатларнинг суверен тенглиги таъминланган. Қонунга мувофиқ, Ўзбекистоннинг Давлат байроғи хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар байроқлари билан бир вақтда ва жойда кўтарилганда Давлат байроғи хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар байроқлари билан бир хил ўлчамда бўлади ва бир хил баландликка кўтарилади, деб белгиланган². Давлат байроғининг давлат ҳудудида хори-

¹ “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1992 й. – 1-сон. – 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1999 й. – 5-сон. – 124-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – 51-сон. – 514-модда; 2010. – 51-сон. – 484-модда; 2017. – 37-сон. – 978-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2019. – 2-сон. – 47-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/564/3690-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

² Ўша жойда.

жий давлатлар ва халқаро ташкилотлар байроғидан ўнг томонда ва бир хил баландликда ўрнатилиши давлатнинг халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти эканлигини ифодалайди. Шунингдек, мамлакатга расмий ташриф буюрган хорижий давлат ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиб қўйиш вақтида давлат мадҳияси ижро этилганидан кейин хорижий давлат мадҳиясининг ижро этилиши белгиланган¹. Худди шунга ўхшаб, давлат ҳудудида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар гербларининг Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби билан бир вақтда ва жойда ўрнатилиш тартибини белгиладиган нормаларни қонунчиликка киритиш мақсадга мувофиқ²;

Давлат герби давлатга тааллуқлилини ифодалаш мақсадида давлат органлари, дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналар биноларида, мажлислар залларида, давлат органлари раҳбарларининг хизмат хоналарида доимий ўрнатилади, давлат органлари қарорлари бланкаларида, давлат органлари, республика ва маҳаллий бўйсунувдаги корхона, муассаса ва ташкилотларнинг муҳрлари ва ҳужжат бланкаларига туширилади, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинадиган расмий нашрларда тасвирланади, давлат чегараларида ўрнатиладиган сарҳад устунларида, пул белгиларида, фуқаро паспортида, почта алоқаси миллий операторининг почта вагонлари ва почта қутиларида, умумдавлат намунасидаги ҳужжатларда акс эттирилади;

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1993. – 1-сон. – 52-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – 51-сон. – 514-модда; 2010. – 51-сон. – 484-модда; 2017. – 24-сон. – 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон; 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

² Қозоғистон, Грузия, Қирғизистон ва бошқа давлатларнинг қонунчилигида бу тартиб белгиланган. Қаранг: Конституционный закон Республики Казахстан “О государственных символах Республики Казахстан” от 4 июня 2007 г. // <https://online.zakon.kz/Document>; Закон Грузии “О порядке использования государственных символов Грузии” от 14 ноября 2018 г. // <https://www.matsne.gov.ge/ru/document>; Закон Кыргызской республики “О государственных символах Кыргызской Республики” от 17 июля 2004 г. // <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/1490?cl=ru-ru>.

Давлат байроғи, герби ва мадҳияси фуқароларга давлат суверенитетига, қонунларга нисбатан ҳурмат руҳини сингдириш ёшларни жамиятнинг фаол аъзоси сифатида тарбиялашнинг воситаси бўлиб, улардан тарғибот мақсадларида ва ўқув-тарбия муассасаларида фойдаланилади. Бунда тарғибот усули ҳамда мақсадларидан келиб чиқиб байроқ ва гербнинг қонун билан белгиланган ўлчамларидан фарқ қиладиган кичик ёки катта нусхалари ёхуд тасвирлари қўлланилади. Бизнинг фикримизча, давлат рамзларидан тарғибот мақсадларида фойдаланиш тартибини такомиллаштириб, байрам кунлари давлат рамзлари нусхаларидан жамоат бирлашмалари, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар биноларида, шунингдек турар жой биноларида, майдонларда қўтарилиши тартиби тўғрисидаги қўшимча нормаларни қонунчиликка киритиш муҳим аҳамият касб этади. Ҳолбуки, ўрганиб чиқилган қўпгина мамлакатларда, масалан, Австралия, Аргентина, Белоруссия, Грузия, Италия, Литва, Озарбайжон, Россия, Украина, Қозоғистон ва бошқа давлатларда давлат байроғи кунли умумхалқ байрами сифатида нишонланиши қонунчилик билан мустаҳкамланган. Шунингдек, давлат рамзларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш муносабатлари ҳам тартибга солиниши лозим. Масалан, Қозоғистон Республикасининг давлат рамзлари тўғрисидаги Конституциявий қонунига мувофиқ¹ таълим муассасаларида давлат рамзларини ўрганиш талаби ва махсус ажратилган жойда давлат рамзлари ёки уларнинг тасвирларини ўрнатиш белгиланган. Бунда фуқароларда давлат рамзларига нисбатан ҳурматни шакллантириш, мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида давлат рамзларини ўрганишни мактабгача таълим, мактаб таълими ва олий таълим дастурларига киритиш муҳим.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, географик, тарихий хусусиятлари билан боғлиқ ирода ва мақсадларни амалга оширади. Бу хусусиятларни рамзлар воситасида ифодалашдан келиб чиқадиган муносабатларни вужудга келтириш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Конституционный закон Республики Казахстан “О государственных символах Республики Казахстан” // <https://online.zakon.kz/Document>.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон қонунчилигида Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи, герби ва мадҳиясидан фойдаланиш муносабатлари ўз ифодасини топган бўлса-да, вилоятлар (Тошкент шаҳри), туманлар (шаҳарлар), шаҳарча, овул, қишлоқ, маҳалла рамзлари жорий этилмаган ва улардан фойдаланиш тартиби ҳам белгиланмаган. Ваҳоланки, юқорида кўриб ўтганимиздек, маъмурий-ҳудудий бирликлар хусусиятини рамзлар билан ифодалаш муҳим ҳисобланади.

Шунингдек, давлат рамзлари ҳамда давлат суверенитети остидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар рамзларидан бир вақтда ва жойда фойдаланиш муносабатлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши талаб қилинади.

Биринчидан, давлат рамзлари ва давлат суверенитети остидаги ташкилотлар рамзлари мақомидан келиб чиққан ҳолда кетма-кетликда жойлаштирилади. Геральдика талаблари бўйича чап томон (жойнинг олд томонига қараб турганда) устун ҳисобланиб, мақоми жиҳатидан устун ташкилот рамзлари чап томонда жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасида давлат рамзлари ва давлат суверенитети остидаги ташкилотлар рамзлари мақомига мувофиқ қуйидаги кетма-кетликда жойлашади:

1. Давлат рамзлари;
2. Қорақалпоғистон Республикаси рамзлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри рамзлари;
3. Туман ва шаҳарларнинг рамзлари;
4. Шаҳарча, қишлоқ ва овуллар ҳамда жамоат бирлашмалари рамзлари.

Иккинчидан, шаҳарча, қишлоқ ва овуллар ҳамда жамоат бирлашмалари рамзлари ирода ва мақсадларнинг ҳоқимият орқали амалга оширилишини ифодаламагани учун уларга геральдика техникаси талаблари қўйилмайди, яъни ушбу рамзлар геральдик эмблемалар, масалан, байроқ ва герб шаклида бўлмайди.

Учинчидан, бир вақтда ва жойда жойлаштирилганда мақоми жиҳатидан қуйи ташкилотни ифодаладиган рамзларнинг

¹ “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонун.

ўлчамлари мақоми жиҳатидан юқори ташкилот рамзларидан катта бўлмаслиги керак, масалан, вилоятларнинг рамзлари давлат байроғи ва гербидан каттароқ ўлчамларда бўлмаслиги керак. Давлат байроғининг расмий ўлчамлари қонун билан белгиланган¹.

Тўртинчидан, бир вақтда ва жойда жойлаштирилганда мақоми жиҳатидан қуйи ташкилотни ифодалайдиган рамзлар мақоми жиҳатидан юқори ташкилот рамзларидан баланд ўрнатилмаслиги керак, масалан, вилоятларнинг рамзлари давлат байроғи ва гербидан баландроқ ўрнатилмаслиги керак. Давлат байроғининг биноларда ўрнатилиши баландлиги қонун билан белгиланган¹.

Ҳозирги кунда, Давлат байроғи ва давлат суверенитети остидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар байроғини бир вақтда ва жойда ўрнатиш тартиби “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддаси билан белгиланган. Унга кўра, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилганда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи (бинонинг олд томонига қараб турганда) чап томондан кўтарилиши керак. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилганда, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғининг ўлчами Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ўлчамидан катта бўлмаслиги керак, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиш баландлиги эса Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиш баландлигидан паст бўлмаслиги керак”².

Худди шунга ўхшаб, вилоят (Тошкент шаҳри), туман ва шаҳарларда ҳудуд хусусиятларини ифодалаш мақсадида тегишли маъмурий-ҳудудий бирликлар байроғидан бир жойда ва вақтда фойдаланиш муносабатларини шакллантириш муҳим. Бундан ташқари, Давлат герби билан Қорақалпоғистон Республикаси Давлат герби, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг гербларини бир жойда ва вақтда ўрнатиш тартибини ҳам ҳуқуқий

¹ “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонун.

² Ўша жойда.

белгилаш мақсадга мувофиқ. Хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳам бу борадаги хулосалар тўғрилигини тасдиқлайди¹. Бунда давлат герби бошқа герблар билан бир жойда жойлаштирилганда давлат герби жойнинг олд томонига қараб турганда чап томонда жойлашиши, бошқа герблар давлат герби ўлчамидан катта бўлмаслиги ва баланд жойлашмаслиги талаблари ўз ифодасини топган. Шунингдек, қонунчиликка Қорақалпоғистон Республикасининг давлат рамзлари, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг рамзлари ва жамоат бирлашмалари, корхона, ташкилот, муассасаларнинг рамзлари давлат рамзлари билан бир хил бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги норманинг киритилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида давлат рамзларидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик ва давлат рамзларига ҳурматсизлик учун жавобгарлик белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 203-21-моддаси билан давлат рамзлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик², Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 215-моддаси билан давлат рамзларига ҳурматсизлик қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган³. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддаси билан Давлат байроғининг тасвири катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳамма вақт қонун билан тасдиқланган рангли ва схематик тасвирига аниқ мос бўлиши кераклиги белгиланган, лекин шу жойда ранги ўзгарган, эскирган, йиртилган байроқдан фойдаланишнинг тақиқланиши тўғрисидаги норманинг қонунчиликка киритилиши тақозо этилади.

¹ Федеральный конституционный закон “О Государственном флаге Российской Федерации” // http://www.constitution.ru/symbols/flag_fcz.htm; Федеральный конституционный закон “О Государственном гимне Российской Федерации” // <https://ppt.ru/docs/fz/3-fz-11529>; Конституционный закон Республики Казахстан “О государственных символах Республики Казахстан” // <https://online.zakon.kz/Document>; Закон Грузии “О порядке использования государственных символов Грузии” // <https://www.matsne.gov.ge/ru/document>.

² Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // <https://lex.uz/docs/97664>.

³ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // <https://lex.uz/docs/111453>.

Баъзи давлатларда ўхшаш нормалар Давлат байроғи тўғрисидаги қонунларда ўз ифодасини топган. Масалан, 1983 йилда қабул қилинган Туркия байроғи қонунида байроқдан қонунга ҳилоф равишда фойдаланиш ҳолатига аниқлик киритилган. Мазкур қонуннинг 7-моддасига мувофиқ йиртилган, ёрилган, ямоқланган, тешилган, кир, ранги кетган, ғижимланган байроқдан фойдаланиш мумкин эмас. Расмий қасамёд маросимларидан ташқари ҳар қандай бошқа ҳолатларда столларда, минбарларда ёзилиши мумкин эмас. Байроқ ўтириладиган ёки оёқ билан босиладиган жойда қўйилмайди. Кийим сифатида ишлатилмайди. Байроққа нисбатан оғзаки, ёзма ёки ҳаракат билан ҳурматсизлик кўрсатиш ман қилинади. Байроқни йиртиш, ёкиш, ерга ташлаш мумкин эмас, у керакли эътибор қаратилмасдан қўлланилмайди¹. Ўхшаш модда Давлат рамзларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Грузия қонунининг 8-моддасида ҳам белгиланган. Шунингдек, Грузиянинг мазкур қонунида жисмоний шахслар, юридик шахслар, сиёсий партиялар ва ижодий уюшмаларга давлат герби тасвири бино фасадига, муҳрда, штампда, бланкаларда ва бошқа расмий ҳужжатларда жойлаштириш ман қилинган².

Айрим нодавлат ташкилотлар давлат ваколатларини давлатнинг рухсати билан қонунда белгиланган тартибда амалга ошириши мумкин. Давлат ваколатларини амалга оширувчи нодавлат ташкилотлар ўз муҳр ва бланкаларида давлат герби тасвирини туширади. Масалан, “Нотариат тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикасининг Қонунида юридик шахс мақомига эга хусусий нотариуслар Адлия вазирлигининг лицензияси асосида нотариал ҳаракатларни амалга оширади ва давлат герби акс эттирилган муҳрдан фойдаланади.

Шунингдек, Давлат байроғи, герби ва мадҳиясидан тижорат мақсадларида фойдаланиш тартиби белгиланган. Масалан, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ давлат рамзлари тасвири туширилган белгилар товар

¹ Türk Bayrağı Kanunu // <https://www.ttk.gov.tr/belgelerle-tarih/turk-bayragi-kanunu>.

² Закон Грузии “О порядке использования государственных символов Грузии” // <https://www.matsne.gov.ge/ru/document/view/4370734?publication=2>.

белгилари сифатида рўйхатдан ўтказилмайди. Бизнинг фикримизча, давлат рамзлари тасвирларидан тижорат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва реклама қилишда, корхона бинолари, хизмат хоналари ва транспортида, тамға, нишона ва номларида фойдаланиш муносабатлари тартибга солиниши муҳим. Бунда давлат рамзлари фойда олиш мақсадида фойдаланиладиган тижорат воситалари вазифасини бажаради.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасида рамзларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгиладиган қонунчиликни қуйидаги йўналишларда ривожлантириш зарур: биринчидан, Ўзбекистон Республикасида фойдаланиладиган рамзлар тизимига тааллуқли принциплар, тушунчаларни қонунчиликка киритиш; иккинчидан, рамзларни ишлаб чиқиш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш; учинчидан, рамзлар бўйича давлат сиёсатини амалга оширадиган ваколатли орган фаолиятини такомиллаштириш; тўртинчидан, рамзлардан фойдаланиш муносабатларини такомиллаштириш.

Давлат рамзлари бўйича қонунчиликка мувофиқ рамзлар тўғрисидаги қонунларнинг ижросини таъминлаш тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари томонидан ижро этилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ижро этилиши устидан назорат эса ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади¹. Лекин бундай назорат давлат рамзлари тўғрисидаги қонунлар ижросини геральдика техникаси талаблари жиҳатидан таъминлашни назарда тутмайди. Бунинг сабаблари қуйидагича: биринчидан, рамзлар бўйича қонунчилик ижросини назорат қилиш учун геральдика соҳасидаги мутахассислардан иборат ихтисослашган орган фаолияти талаб қилинади; иккинчидан, геральдика соҳасида ихтисослашган орган вертикал хусусиятга эга назоратни амалга

¹ “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонун // <https://lex.uz/docs/100122>; Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида // <https://lex.uz/docs/17260>.

оширишда муҳим роль ўйнайди; учинчидан, рамзлардан фойдаланиш амалиёти доимий мониторинг қилиниб, уни такомиллаштириш имконияти кенгайди.

Постсовет мамлакатларида геральдика соҳасида ихтисослашган органлар турли мақомда ташкил этилган. Масалан, Россия Федерацияси¹, Беларусь², Озарбайжон³ каби давлатларда геральдика соҳасидаги ваколатли орган Президент ҳузурида ташкил қилинган бўлса, Грузияда⁴ бундай орган парламент ҳузурида ташкил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссия фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3119-сон қарори билан Президент ҳузуридаги Давлат мукофотлари ва геральдика бўйича комиссия ташкил этилди. Комиссия фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низом тасдиқланди. Низомга мувофиқ Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида доимий ишлайдиган маслаҳат ва кенгаш органи ҳисобланиб, Президентнинг давлат мукофотлари билан тақдирлаш ва фахрий унвонларни бериш масалалари бўйича конституциявий ваколатларининг амалга оширилишини, шунингдек геральдика соҳасида ягона давлат сиёсати юритилишини таъминлайди. Жумладан, Комиссиянинг асосий вазифаларидан бири этиб расмий рамзлар, фарқловчи белгиларни яратиш ва улардан фойдаланиш ишларини геральдик жиҳатдан таъминлаш ҳамда давлат мукофотлари ва геральдика масалаларига оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ижросини назорат қилиш белгиланган.

¹ Указ Президента Российской Федерации “О Геральдическом совете при Президенте Российской Федерации” // <https://docs.cntd.ru/document/901738627>.

² Указ Президента Республики Беларусь “Об образовании Геральдического совета при Президенте Республики Беларусь” // <https://belzakon.net>.

³ Указ Президента Азербайджанской Республики “О создании Совета геральдики при Президенте Азербайджанской Республики” // <https://azertag.az/ru/xeber>.

⁴ Закон Грузии “О символах государственного значения” // <https://www.matsne.gov.ge/ru/document>.

Бундан ташқари, Комиссиянинг функциялари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентига давлат мукофотлари ва геральдикага оид масалалар юзасидан ахборот-маълумотномаларни тайёрлаш, расмий рамзлар ва фарқловчи белгиларни таъсис этиш ҳамда улардан фойдаланишга оид геральдик экспертиза хулосаларини кўриб чиқиш; геральдика масалалари бўйича хулосаларни тайёрлаш ва ваколат доирасида тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга изоҳ бериш; давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа идора ва ташкилотлар учун расмий рамзлар ва фарқловчи белгиларни таъсис этиш ҳамда улардан фойдаланиш масалалари бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш; геральдик рамзлар ва идоравий мукофотларни ишлаб чиқиш, таъсис этиш, тайёрлаш ва ҳисобга олишга оид назарий, амалий ва техник меъёрларни ўрганиш; давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа идора ва ташкилотларга давлат ва идоравий мукофотлар, шунингдек геральдикага оид масалалар юзасидан услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш; давлат мукофотлари ва геральдика масалалари бўйича халқаро тажрибани ўрганиш; геральдика назарияси ва тарихи бўйича илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш; Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат мукофотлари билан тақдирлаш ва геральдика масалаларига доир алоҳида топшириқларини бажариш белгиланган.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасида рамзларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш муносабатларини янада такомиллаштириш мақсадида ушбу Комиссия вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- мамлакатда геральдика реестрини юритиш;
- рамзлар мазмунини ишлаб чиқиш борасида миллий-тарихий мерос ва халқаро тажрибани ўрганиш;
- рамзларни яратиш ва улардан фойдаланиш муносабатларини тартибга соладиган қонунчиликни такомиллаштириб бориш бўйича тегишли тавсиялар тайёрлаш, қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

– рамзлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилиши устидан бутун республика ҳудудида умумий геральдик назоратни амалга ошириш;

– рамзларнинг қонун талабларига мос келишини геральдик экспертизадан ўтказиш ва рамзларни ишлаб чиқаётган ваколатли органларга ҳулосалар тайёрлаш;

– рамзлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш;

– рамзлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг амалда бажарилишини таҳлил қилиш ва рамзлардан фойдаланиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

– рамзлардан фойдаланиш бўйича давлат органлари, ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

– давлат хизматчиларининг махсус кийимларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Шундай қилиб, давлат рамзлари Ўзбекистон Республикасининг миллий ирода ва мақсадларини, давлат суверенитетини, мамлакат ҳудудида олий ирода эгасини махсус кўргазмали услубда (эмблема, тасвир, мусиқа ва рамзий ҳаракатлар шаклида) умумлаштириб ифодаладиган ҳуқуқ рамзларининг тури бўлиб, уларнинг ишлаб чиқилиши ва тавсифланишига геральдик ва юридик-техник мазмундаги махсус талаблар қўйилади. Бу талаблар миллий ирода ва мақсадларни бир хил маънода тизимга солинган шаклда ифодаланишини таъминлайди. Бу талаблар халқаро амалиёт сифатида умумқабул қилинган бўлиб, давлат рамзларини ишлаб чиқишнинг геральдика қоидалари ва уларнинг тавсифини ишлаб чиқишнинг блазон қоидаларига асосланади.

Давлат ҳудудида бошқа ташкилотлар ҳам ўз рамзларига эга бўлиши мумкин, лекин давлат рамзлари суверенитетни ифодаладиган рамзлар сифатида устунлик белгилари билан таъминланган бўлади. Давлат ҳудудидаги турли ташкилотларнинг, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг рамзларини жорий қилиш мумкин, бу рамзлар ушбу ташкилот ва маъмурий-ҳудудий бирликларнинг хусусиятларини ифодалаб, уларнинг фарқловчи белгилари бўлиб хизмат қилади. Бироқ, улар давлат суверенлигини ифодаладиган рамзлар билан рақобатлаша олмайди,

улар давлат суверенитети остидаги ташкилот рамзлари вази-
фасини бажаради.

Ўзбекистон Республикасида жамият ҳаётининг барча жабҳа-
ларида амалга ошаётган янгиланиш жараёнлари давлат рамз-
ларидан самарали фойдаланиш бўйича янги истиқболларни
яратади. Давлат рамзлари давлатнинг мустақиллиги, миллий
ирода ва мақсадлар устунлиги, ҳуқуқий тизимнинг очиқлиги,
фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг ривожланиши ҳу-
сусиятларини ифодалашга хизмат қилади. Истиқболда давлат
рамзлари бўйича амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш
зарурати пайдо бўлади. Шунингдек, давлат рамзлари конститу-
циявий тузум асосларини ифодалайди, уларни тасдиқлайдиган
қонунлар барқарор бўлиши талаб қилинади. Шунинг учун ҳам
давлат рамзлари тавсифини тасдиқлайдиган қонунлар консти-
туциявий қонун мақомига эга бўлиши муҳим. Мазкур тадқиқот
ишининг натижалари асосида 49 моддадан иборат “Ўзбекистон
Республикасининг давлат рамзлари тўғрисида”ги Конституция-
вий қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди (қаранг 1-илова).

Иккинчи бўлим. ҲУҚУҚ РАМЗЛАРИ

Учинчи боб. ҲУҚУҚ РАМЗЛАРИНИ ЎРГАНИШ АНЪАНАЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

3.1. Ҳуқуқ рамзларини ўрганишнинг Америка анъанаси

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ижтимоий та-
раққиётнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган янгила-
ниш суръатлари юридик фан ва амалиёт олдига янги вазифалар
қўймоқда¹. Бу вазифаларни бажариш давлат ва ҳуқуқ соҳасида
янги фундаментал ғояларни тақдим қилиши мумкин бўлган ил-
мий йўналишларни инобатга олиш ва улардан самарали фойда-
ланишни тақозо этади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳонда гуманитар
фанлар соҳасидаги тадқиқотлар таҳлилий фалсафа таъсирида
амалга оширилди. Ҳуқуқшунослик фани методологиясида ҳам
ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар юриспруденцияни фор-
мализм қолипларидан, ақидалардан қутулишга ва ҳуқуқнинг
янги жиҳатларини тадқиқ этиш, унинг ижтимоий-маданий
воқелик сифатидаги мавқеига янгича ёндашишга имконият
яратди. Бундай ёндашиш ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий
тартибга солиш самарасини ошириш, қонунчиликнинг юри-
дик-техник муаммоларига янги ечимлар топиш учун йўл очди.
Ҳуқуқни рамз ва белгилар тизими сифатида ўрганиш – ҳуқуқий

¹ Саидов А.Х. Давлат ва ҳуқуқ институти қандай бўлиши керак? // Халқ сўзи. – 2020. – 6 май.

семиотика¹ юриспруденция ривожланишининг ана шундай истиқболларини тақдим қилиши мумкин бўлган ёндашувлардан бири сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келиб ривожлана бошлаган.

Рамз ва белгилар тизимини ўрганишнинг (семиотика) икки анъанаси – америкалик файласуф, прагматизм асосчиси Чарльз Сандерс Пирс (1839–1914) асос солган Америка анъанаси ҳамда Швейцариялик тилшунос Монгин-Фердинанд де Сосюр (1857–1913) асос солган Европа анъанаси ҳисобланади. Ҳуқуқни рамзлар ва белгилар тизими сифатида ўрганиш 1970–1990 йилларда шу икки йўналиш ғояларининг ҳуқуқшунослик фанига кириб бориши натижасида шаклланди.

Америка анъанасида турли рамз ва белги тизимлари ахборот алмашинуви жараёнида доимий амалга ошадиган мулоқотнинг мантикий воситалари сифатида қабул қилинса, Европа анъанасида ахборот алмашинуви жараёнида фойдаланиладиган ҳуқуқ тили ва ҳуқуқ матни тузилиши элементлари сифатида қабул қилинади.

Америка анъанасининг келиб чиқиши америкалик файласуф Ч. Пирс кашф қилган семиотика ёки прагматизм фалсафаси билан боғлиқ. У ўзининг “Прагматизм асослари” асарида инсоннинг оламни билишини рамзлар ва белгилар тизими билан боғлайди. Ч. Пирснинг фикрича, инсон уни ўраб турган оламни рамзлар ва белгилар воситасида билиши мумкин. Ташқи олам объектлари инсон сезгиларини таъсирлайди, инсон идрок қилиш қонуниятларидан фойдаланиб объектларнинг ҳақиқатда қандайлигини билади. Инсондаги ахборотларнинг аксарияти ташқи оламдан олинган билишдир ва ҳар бир билиш мантиқан ўзидан олдинги билиш тарафидан белгиланади. Инсон реаллик ҳақида етарли тажриба ва билимга эга бўлсагина тўғри ҳулоса чиқара олади. Инсоннинг бирор объект тўғрисидаги олдинги билими унинг бу объект тўғрисидаги кейинги билими учун белги вазифасини бажаради. Белгиларнинг занжири фикрлашни таъминлайди. Рамзлар ва белгилар бўлмаса инсон фикрлай

¹ “Семиотика” ибораси аслида белги маъносини англатувчи юнонча “семеон” сўзидан келиб чиққан, XX асрнинг иккинчи ярмида “семиотика” ибораси табиат ва жамиятдаги белги тизимлари тўғрисидаги фан номи сифатида тан олинди.

олмайди. Инсон онгида унинг ҳаёти ва фаолияти давомида шаклланган рамзлар ва белгилар тизими мавжуд бўлиб, уларнинг ёрдамида инсон ташқи олам воқеликлари тўғрисидаги билимларини ривожлантириб боради.

Шундай қилиб, Ч. Пирс бўйича инсон тафаккури ривожланиши рамзлар ва белгилар воситасида ўсиб борадиган ғоявий эволюцияга боғлиқ. Олдинги билишдан кейинги билиш учун белги сифатида фойдаланиб бориш чексиз ғоявий эволюция жараёнини ташкил қилади. Ғоявий эволюция давомида инсон мавжуд белгиларни талқин қилади, ҳар қандай талқин янги, янада мураккаб белгининг пайдо бўлишига олиб келади. Талқиннинг ҳар бир босқичида илгари ёки дастлаб бўлмаган билимлар қўшимча қилинади. Ғоявий эволюция давомида инсон ташқи олам тўғрисидаги билимларини чуқурлаштириб боради¹. Ч. Пирс методологиясининг мақсади бир ғоядан иккинчиси келиб чиқишини ва янги билимлар пайдо бўлиши эволюциясини тушунтиришдан иборат. Бунда семиотиканинг икки асосий қондаси ҳисобга олинади: биринчиси, доимий мулоқот (коммуникация – ахборот узатиш ва қабул қилиш) – рамзлар ва белгилар воситасида доимий ахборот алмашинуви жараёни; иккинчиси, жамиятда статик бўлмаган ва доимий ривожланадиган вербал (сўзли матнлар) ва новербал (сўзли матн бўлмаган, ашё, тасвир, оҳанг, ҳаракатлар) рамз ва белги тизимларининг мавжудлиги².

Ч. Пирс рамзлар ва белгилар тизими амал қилишини мантиқ қонуниятлари билан боғлаб тушунтиради. У абдукцияни – мантикий хулоса чиқаришнинг янги ғояни кашф қилиш услубини яратиб, уни “асословчи фараз”ни илгари сурадиган жараён сифатида таърифлайди ва уни янги ғояга олиб борадиган ягона мантикий амал деб ҳисоблайди³. Инсон тажрибадан келиб чиқиб фараз қилади, тасаввур қилади ва бу янги ғоя яратилишига олиб келади. Ҳеч нарса мутлақ абадий ва ўзгармас ҳақиқат бўла олмайди. Бунинг ўрнида у ғоя сифатида амалийми ёки йўқлигини текшириш учун фараз қурилади⁴. Силлогик (дедуктив) фикр-

¹ Пирс Ч. С. Некоторые последствия четырёх неспособностей // Избранные философские произведения. – Москва: Логос, 2000. – С. 48–96.

² Kelson R. The Law as a System of Signs. – New York: Plenum Press, 1988. – P. 4.

³ Нёт В. Чарлз Сандерс Пирс // Критика и семиотика. – 2001. – Вып. 3/4. – С. 5–32.

⁴ Kelson R. The Law as a System of Signs. – P. 13.

лашга асосланган расмий мантиқ бизга ғоя қандай ривожланишини кўрсата олмайди. Дискурс¹ (матн воситасида ифодалаш) жараёнида фикрлар ривожланишини, ғоянинг шаклланишини тушуниш учун нафақат тасдиқлаш мантиғи, балки янгиликни кашф қилиш мантиғи ҳам зарур. Бунда тадқиқот услуби янгиликни кашф қилиш мантиғига мувофиқ бўлиши керак², бу “кенгайтирилган мантиқ” силлогик фикрлашни ўз ичига олса-да, реал жараёни тушунтириш учун унинг доирасидан четга чиқади, кашф қилиш мантиғи воситасида барча фикрлайдиган инсонлар ўз ғояларини реал оламга ҳавола қилиб текширишлари мумкин бўлади³.

Ч. Пирс рамз ёки белги билан ифодалаш жараёнига нисбатан “семиосиз” иборасини ишлатади. Семиосиз – бу маълум бир объектни ифодалаш жараёни бўлиб, у қуйидаги элементлардан иборат боғланиш сифатида қаралади: 1) рамз ёки белги; 2) у ифодаляётган маъно; 3) ахборотни қабул қилувчи; 4) унинг онгида ҳосил бўлган талқин. “Белги шундай нарсаси, – ёзади Ч. С. Пирс, – у маълум бир ҳолатда ёки муайян хусусиятидан келиб чиқиб ниманидир ифодалайди. ...У инсон онгида эквивалент белгини ёки эҳтимол янада ривожланганроқ бир белгини вужудга келтиради. У вужудга келтирган белги биринчи белгининг талқин қилинганидир. Белги объектни ҳар қандай жиҳатдан эмас, балки белгининг объекти бўлган маънони етказиш жиҳатидан ифодалайди”⁴.

Ч. Пирс рамз ва белгиларни нишона белги, ишора белги ва рамз каби турларга ажратади. Нишона белги – ташқи оламдаги муайян бир объект тўғрисидаги ахборотни унга ўхшашлиги туфайли ифодалайдиган белги⁵. Ишора белги – ташқи оламда-

¹ “Дискурс” тушунчаси кўпроқ инглиз-француз тилларида ишлатилиб, жумлаларни мантиқий кетма-кетликда ифодалаш, баён этиш занжири деган маънони англатади. Бошқа тилларда бу ибора ўрнида “матн” деган маънони берувчи иборалар қўлланилади. Қаранг: Греймас А.Ж., Курте Ж. Объяснительный словарь теории языка // Семиотика. Сборник переводов / Под ред. Ю. С. Степанова. – М.: Радуга, 1983. – С. 488–489.

² Kvelson R. The Law as a System of Signs. – P. 6.

³ Ўша жойда. – Б. 13.

⁴ Қаранг: Пирс Ч.С. Начала прагматизма. – СПб.: Алетея, 2000. – С. 48.

⁵ Ўша жойда. – Б. 76–77.

ги муайян объект тўғрисидаги ахборотни унга ўхшашлиги эмас, балки унга йўналтириши, боғлиқлиги туфайли ифодаладиган белги¹. Нишона ва ишора белгилар объект тўғрисидаги ахборотни узатади, лекин уни тасдиқламайди². Нишона ва ишора белгилар узатган ахборотнинг ҳақиқатлигини рамзлар тасдиқлайди. Рамз ташқи оламдаги объектлар тўғрисидаги ахборотни бир бутун сифатида идрок қилиш, фикрлаш ва улар тўғрисида хулоса чиқариш туфайли “қонуният ёки доимийлик”дан келиб чиқиб ифодаладиган белгидир³. Рамз объект тўғрисидаги ғояни ифодалаш мақсадидан келиб чиқиб, ишора ва нишона белгиларни ўз атрофида, бир тизим таркибига бирлаштиради.

Ч. Пирс семиотикаси ва унинг прагматик услубидан америка ҳуқуқий реализми намоёндалари таъсирланган. Америка ҳуқуқий реализми асосчиси Оливер Уэндел Холмс семиотикани ҳуқуқий реализм (норма шубҳачилиги) ғоясини асослашда қўллаган⁴. У ўзининг “Қонун йўли” номли машҳур мақоласини семиотиканинг асосий қоидаларига мувофиқ ёзган⁵.

О. Холмс ғоявий эволюция мавжудлиги тўғрисидаги хулосаларни қўллаб-қувватлайди ва билим ҳақида гапирганда узлуксиз ривожланидиган, жамиятнинг барча аъзолари томонидан яратилган воқеликни тушунади. У муайян атамадан маъно чиқариш учун амалий натижалар ҳисобга олиниши кераклигини айтиб, ҳуқуқ нормаларини ижтимоий тараққиёт таъсирида доимий ўзгариб турадиган воқелик сифатида тушунишни илгари суради. Ҳуқуқий реализмнинг “ҳаракатдаги жамият концепцияси” бўйича жамиятдаги ўзгаришлар ҳаракати қонундаги ўзгаришлар ҳаракатидан кўра тезроқ юз беради, шунинг учун қонун, у хизмат қилиши керак бўлган жамиятга қанчалик мос-

¹ Қаранг: Пирс Ч.С. Начала прагматизма. – СПб.: Алетея, 2000. – Б. 80.

² Ўша жойда. – Б. 87.

³ Пирс Ч.С. Избранные философские произведения. – М.: Логос, 2000. – С. 212–217.

⁴ Оливер Уэндел Холмс (1841–1935) – дастлаб Гарвард университетида конституциявий ҳуқуқ ва ҳуқуқ тарихидан дарс беради, кейинчалик Массачусетс штати олий судида, сўнгра, АҚШ олий суди судьяси лавозимида 30 йил давомида ишлаб, судьянинг қарор чиқариши асосларини ўрганади.

⁵ Holmes O.W. The Essential Holmes: Selections from the Letters, Speeches, Judicial Opinions and Other Writings of Oliver Wendell Holmes, Jr. / Ed. and with Introduction by Richard A. Posner. – Chicago; London: The University of Chicago press, 1992. – P. 160–173.

лигини аниқлаш ва қайта кўриб чиқишга доимий муҳтож бўлади¹.

Шунингдек, О. Холмс судья қарор чиқариши учун расмий силлогик (дедуктив) далиллашнинг мантикий услуги асосий эканлиги тўғрисидаги тўхтамни рад этади ва судьянинг қарорлари асосида кашф этиш мантиғи (абдукция) туриши лозимлигини таъкидлайди. У судьянинг тасаввур қилиши, яъни кашф этиш мантиғини бошқа мантикий амаллар – аналогия, индукция ва дедукциядан олдин келишини эътироф этган². О. Холмсининг фикрича, дунёда сабаб ва оқибат тўғрисидаги қонуният амал қилади ҳамда бу қонуниятлар ҳуқуқий воқеликларга ҳам тааллуқли. Мантикий амаллардан ҳуқуқшунослар ўз касбий фаолиятлари давомида кенг фойдаланадилар, лекин “ҳуқуқ мантиқдан эмас, тажрибадан дунёга келган. Замоннинг қатъий талаблари, устувор ахлоқ ва сиёсий назариялар, очиқ тан олинган ёки онг остидаги оммавий сиёсий кайфият, ҳатто судьяларнинг таассублари инсонларнинг ҳаётини бошқариш учун ишлаб чиқиладиган қоидаларни белгилашда мантикий хулоса чиқаришлардан кўра кўпроқ аҳамиятга эга. Ҳуқуқ – бу миллатнинг кўп асрлар давомида ривожланиш тарихининг ифодаси ҳамда унга фақат хулоса ва аксиомалардан иборат математика бўйича бир китобдек муносабатда бўлмаслик керак”³.

О. Холмс ва бошқа реалистлар ҳуқуқ табиатини белгилашда қонунларни ягона мезон сифатида қабул қилиб бўлмаслиги, ҳуқуқ судларнинг амалда чиқарган қарорларидан таркиб топганлиги, қонунлар эса суд қарорларининг чиқарилишида кўпи билан бир раҳбар қоидалар, манбалар вазифасини бажаришини илгари суришган.

Юридик семиотиканинг шаклланишида америкалик ҳуқуқ назарийётчиси Роберта Кевельзон тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлган. У семиотика методологиясини ҳуқуқий фанлар соҳасига олиб киришга ҳаракат қилади. Р. Кевельзон 1980 йил-

¹ Kevelson R. The Law as a System of Signs. – P. 50.

² Адыгезалова Г.Э. Историко-реалистический подход О. Холмса к познанию права В 3-х ч. Ч. 1 // Исторические, философские, политические и юридические науки, культурология и искусствоведение. Вопросы теории и практики.– 2011. – № 2. – С. 13–15.

³ Holmes O.W. The Common Law. – New Brunswick: Transaction Publishers, 2005. – P. 1.

ларда АҚШнинг Пенсильвания университетида Ҳуқуқий семиотика бўйича тадқиқотлар давлат марказини ташкил қилиб, семиотиканинг фақат доктринал даражада сақланиб қолмасдан, ҳуқуқий амалиётга кириб бориши зарурлиги тўғрисида гапиради¹. Р. Кевельзон ҳуқуқий семиотикага оид китоб ва мақолаларини, жумладан, “Ҳуқуқ белгилар тизими сифатида” номли фундаментал асарини 1988 йилда чоп этиш орқали АҚШда ҳуқуқий семиотиканинг тамал тошини қўяди. Шу йилдан бошлаб “Ҳуқуқий семиотика бўйича халқаро журнал” чоп этила бошланади.

Р. Кевельзоннинг таъкидлашича, Ч. Пирс яратган фалсафа ҳам англо-саксон ҳуқуқи мамлакатлари, ҳам роман-герман ҳуқуқи мамлакатларида ҳуқуқшуносликнинг ривожланишига таъсир ўтказган². Унинг “тажриба идрокнинг асосини ташкил этиб, мантикий хулосаларни текшириш талаб қилиниши тўғрисидаги хулосаси” мутлақ, абадий қонунлар мавжуд эмаслиги, юридик қарор ижтимоий мазмунни ифодалаши лозимлиги тўғрисидаги ғояни келтириб чиқаради³.

Р. Кевельзон фикрича, семиотика масалалари исталган ҳуқуқий мавзу доирасида муҳокама қилиниши ва у билан боғланган ижтимоий муаммоларни қамраб олиши мумкин. Бунда ҳуқуқий семиотиканинг ноёб ҳиссаси у ўрганадиган масалалар доирасидагина эмас, балки унинг тадқиқот услубидадир. Унинг фикрича, семиотик тадқиқотларга боғлиқ бўлган ҳуқуқий муаммолар кейинги ўн йилликларда ҳуқуқий семиотиканинг ҳуқуқшуносликдаги ўрнини белгилаб беради⁴.

“Ҳуқуқий семиотикага кўра, – деб ёзади Р. Кевельзон, – ҳар бир ҳуқуқий воқеликда ҳуқуқий дискурс мавжуд бўлиб, унда ҳуқуқ субъектлари вербал (сўзларга асосланган) ҳамда новербал (кўргазмали, сўзларга асосланмаган, ашёлар, тасвирлар, оҳанглар, ҳаракатлар ва бошқалар) рамзлар ва белгилар ёрдамида расмий ахборот билан алмашинадилар. Яъни ёзма ҳуқуқий

¹ Broekman J.M., Backer L.C. Lawyers Making Meaning. The Semiotics of Law in Legal Education II. – London, New York: Springer Dordrecht Heidelberg, 2013. – P. 8.

² Kelson R. The Law as a System of Signs. – P. 8.

³ Ўша жойда. – P. 6.

⁴ Ўша жойда. – P. 20.

хужжатлардан ташқари, оғзаки ва новербал ҳуқуқий ҳаракатлар¹ ҳам мавжуд. Ҳуқуқ ёзилмаган бўлиши ҳам мумкин, лекин табиий тил белгилари билан ифодаланиши керак, бунда ўзаро боғланганлик диалогик суҳбат белгилари воситасида амалга ошади”².

Р. Кевельзонга кўра, жамият яратган мураккаб вербал ва новербал рамз ҳамда белги тизимлари тўхтовсиз ривожланади, бунинг сабаби жамият аъзоларининг истиқболдаги мақсад ва қадриятларни доимий равишда қайта баҳолаб бориб, ўзгараётган эҳтиёж ҳамда истакларни қониқтириш учун мавжуд қоида ва қадриятларни қайта кўриб чиқишга ҳаракат қиладилар. Шунинг учун Р. Кевельзон ҳулқ-атвор қоидалари ҳамма вақт ҳам қонунчилик билан белгиланмайди, ҳеч бир жамиятда ягона ҳуқуқий тизим мавжуд эмас, балки бир-бири билан доимий рақобат қиладиган, устуворлик учун ўзаро курашадиган кичик ҳуқуқий тизимлар мажмуи мавжуд, деган хулосага келади.

Бу хулоса Р. Кевельзонни ҳуқуқий реализмга яқинлаштиради ва судьянинг ўз ихтиёрига кўра рақобатлашадиган ҳуқуқий тизим қоидаларидан бирини танлаб қарор чиқариши тўғрисидаги ғоянинг шаклланишига олиб келади. Р. Кевельзон ёпиқ ва очиқ ҳуқуқий тизим тушунчаларини ишлатишни таклиф қилади. Унинг фикрича, ёпиқ ҳуқуқий тизимда суд қарори силлогистик асосда ҳуқуқий нормадан келтириб чиқарилса, очиқ ҳуқуқий тизимда суд қарор чиқаришда силлогик асосдан ташқари, диалогик асослардан ҳам фойдаланади. Диалогизм белгилар воситасида ғоялар ривожланиши ва янги ахборот пайдо бўлишини таъминлаб, мавжуд маълумотларни инновацион талқин қилиш майдонини очади. Бу ўзгариш билан юридик услубда ҳам ўзгариш содир бўлиб, ахборот алмашилишида энди қонун бир тарафлама ахборот узатишни эмас, балки интерфа-

¹ Р. Кевельзон новербал ҳуқуқий ҳаракатларга полиция хизмат кийими, йўл ҳаракати қоидалари, урф-одатлар билан белгиланадиган оммавий ҳулқ-атвор қоидалари, судлар ва бошқа расмий жойларда маросим ҳулқ-атвори қоидалари, шунингдек қатъий қонуний бўлмаган, лекин ижтимоий ҳулқ-атворнинг ёзилмаган қоидаларига риоя қилишни назарда тутадиган юқори мансабдаги шахсларнинг муайян ҳурмат ишоралари каби белгиларни киритади.

² Kevelson R. The Law as a System of Signs. — P. 5.

ол диалогик ахборот алмашилишни ифодалайди¹. Р. Кевельзон фикрича, қонунчилик ҳеч қачон охиригача яқунланмайди, бунда янги ҳуқуқ билан амалдаги ҳуқуқни бирлаштириш вазифаси суднинг шарҳлаш функцияси зиммасига тушади.

Очиқ ҳуқуқий тизим устунлик қиладиган очиқ жамиятда қонунлар абадий ўрнатилган бўлмайди, балки реал ўзгаришлар, янгиланишлар билан амалга ошади. Бу янгиланиш ва ўзгаришлар қадрият ҳамда муносабатлар ўзгаришини англатадиган рамзлар ва белгилар эволюциясида намоён бўлади. Нисбатан ёпиқ жамиятларда ҳуқуқий тизимнинг мақсади ижтимоий норма ва қоидаларни бузганлик оқибатида жамиятга етказилган зарарни бартараф этиш бўлса, очиқ жамиятларда ҳуқуқий тизим ўрнатилган ижтимоий нормалар ва ижтимоий қадриятлар ўртасида воситачи бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, Р. Кевельзон фикрича, мутлақ ёпиқ жамият ёки мутлақо ёпиқ ҳуқуқий тизим мавжуд бўлмайди. “Очиқ” ва “ёпиқ” – бу муайян маданият ва ижтимоий ташкилотларнинг устуворликларидан келиб чиқиб, бир маданий тизимни иккинчисидан ажратиш имконини беради².

Р. Кевельзонга кўра ҳуқуқий тизим – бу ҳулқ-атворлар тизимидир, шунинг учун ҳуқуқий тизимнинг жамият тузилишида тутган ўрнини, унинг муайян маданиятга мансуб одамлар учун аҳамиятини ҳисобга олмасдан тавсифлаб бўлмайди. Ҳуқуқий семиотиканинг вазифаси маълум бир маданиятда самарали ифода этиш кучига эга бўлган белгиларнинг бошқасида мутлақо самарасизлиги сабабларини тадқиқ этишдан иборат³. Биринчидан, қонунларнинг санкцияси таъсир этишнинг ягона манбаи эмас. Маданият рағбатлантириш ва жазолашнинг қадриятлардан иборат бошқа манбаларига ҳам эга (масалан, оила, жамоа, гуруҳ) ва бу манбалар ҳуқуқий тизимнинг кундалик ҳаётга таъсирига ўхшайди. Иккинчидан, қадриятлар ва ғоялар инсонда мажбурий шаклланмайди, балки бошқалар билан ўзаро муносабатлардан келиб чиқади. Инсон рамзлар ва белгилар яратувчиси, бундан келиб чиқиб маданиятнинг ҳам яратувчисидир.

¹ Kevelson R. The Law as a System of Signs. – Б. 27–28.

² Ўша жойда. – Б. 35–36.

³ Ўша жойда. – Б. 46–47.

Шундай қилиб, Р. Кевельзоннинг ҳуқуқий тизим ягона эмас, балки қонунчиликдан ташқари тизимлар ҳам судья учун қарор чиқаришда асос бўла олади, судья қарор чиқаришда қонунчиликдан ташқари интерфаол диалогизм услубида жамиятдан қабул қилиб олган асослардан фойдаланади, деган ғоялари ҳуқуқий реализм руҳида эди.

Судьянинг қарор чиқаришда мулоқотга асосланиши масаласи ҳуқуқшунослар тадқиқотида тобора кўпроқ ўз ифодасини топмоқда. Масалан, ҳуқуқшунос олим О. Сулаймоновнинг фикрига кўра, “бугунги кунда судьянинг фаолияти низоларни ҳал қилиш чегарасидан четга чиқмоқда, судья энди тез-тез жамиятга оид кенг масалалар, жумладан, ижтимоий кадриятлар, инсон ҳуқуқлари, ахлоқ муаммолари каби мураккаб масалалар билан ва жамиятдаги фикрлар хилма-хиллиги шиддат билан ўсиб бориши шароитида шуғулланишига тўғри келади”. Шунингдек, “судья ўзининг жамиятдаги махсус ўрнига мос равишда жамият билан мулоқотда бўлиши лозим”¹.

Ҳуқуқий семиотиканинг Америка анъанаси ҳуқуқ рамзларини ўрганиш методологияси шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқда кашф қилиш мантиғидан фойдаланиш, жамиятда ижтимоий муносабатларнинг доимий ўзгариб туриши ва бу ўзгаришларнинг белгилар тизими воситасида ифодаланиши, ҳуқуқий тизимнинг хулқ-атворлар йиғиндиси эканлиги, очиқ жамиятда ҳуқуқий тизимнинг очиқ ижтимоий мулоқот натижасида ривожланиши, ҳар бир ҳуқуқий тизим, авваламбор, ижтимоий-маданий хусусиятга эга бўлиши ҳамда айни бир ҳуқуқий рамз ва белгилар, ҳуқуқий матнлар турли маданиятга мансуб инсонлар учун турли хил таъсир кучига эга эканлиги каби ғоялари шубҳасиз ҳуқуқ назарияси ва амалиётининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқий тизимнинг ижтимоий муносабатларга мувофиқ узлуксиз ўзгариб бориши ва бунда мулоқот амалларининг ўрни тўғрисидаги хулосалар қонунчиликнинг ижтимоий муаммоларни ҳал этиш эҳтиёжларига мувофиқ доимий янгиланиб, такомиллаштириб борилиши лозимлиги тўғрисидаги ғоянинг назарий асосларини яратади.

¹ Сулаймонов О.Р. Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартлар. — Т.: Tafakkur qanoti, 2020. — Б. 59.

3.2. Ҳуқуқ рамзларини ўрганишнинг Европа анъанаси

Ҳозирги ахборот алмашинувининг юқори самарага эга тизимлари шаклланган ва ривожланиб бораётган рақамли жамият шароитида ижтимоий тараққиёт соҳаларини ўзаро мулоқотнинг муҳим воситаси бўлган рамзларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳуқуқ ҳам рамзий ифодалаш хусусиятига эга воқелик сифатида қабул қилиниши мумкин. Ҳуқуқ ўз мазмунида ҳуқуқий ахборотни сақлайдиган вербал (сўзли матнлар) ва новербал (ашё, тасвир, оҳанг ва ҳаракатлар) рамз ва белгилардан иборат.

Ҳуқуқий ахборот алмашинувининг асосий воситаси ҳуқуқ тили бўлиб, ҳуқуқ тили ва ҳуқуқ рамзларининг ҳуқуқий ахборотни ифодалашдаги ўзаро муносабатини ўрганиш талаб қилинади. Ҳуқуқ тили, қонун тили масаласи миллий ҳуқуқшунослик фанида етарлича тадқиқ этилган масала бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқ тили ва қонун тили қонунчилик техникасини такомиллаштириш нуқтаи назаридан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнини ишлаб чиқишнинг тил қоидалари сифатида тадқиқ этилган. Бунда ҳуқуқий атама ва ибораларни қонунчиликда ишлатиш қоидалари¹, ҳуқуқий тилнинг шакллари ва хусусиятлари², қонун ижодкорлигида тил воситаларидан фойдаланиш йўналишлари³, қонун лойиҳаларининг юридик-лингвистик экспертизаси⁴, юридик терминология ва уни такомиллаштириш⁵ каби масалалар тадқиқот объекти бўлган.

¹ Қаранг: Саидов А., Саркисянц Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. – Т.: Адолат, 1994. – 32 б.; Саидов А.Х., Кўчимов Ш.Н. Қонунчилик техникаси асослари. – Т.: Адолат, 2001. – 272 б.; Кўчимов Ш.Н. Ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари: Филол. фан. док. дис. – Т., 2004. – 290 б.

² Мирхамидов М., Ҳасанов С. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. – Т.: Университет, 2004. – 238 б.

³ Одиқориев Х.Т., Тультеев И.Т. Икки палатали парламент. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б. 196–198; Бердияров Ш.Н. Ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Юрид. фан. док. дисс. Автореферати. – Т., 2018. – Б. 18–19;

⁴ Ҳайитов Х.С. Қонун ижодкорлигида юридик лингвистиканинг ўрни ва аҳамияти. Юрид. фан. номз. дисс. – Т., 2012. – Б. 66–76.

⁵ Касимова М.Х. Структурно-системные особенности юридической терминологии узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1985. – 24 с.; Ғуломов Г.Ё. Ўзбек тилининг юридик терминологияси. – Т.: ТДҶОИ, 2005. – 108 б.

Бироқ, ҳуқуқ тили воситасида шакллантириладиган қонунлар матнининг рамзий тузилиши ва ҳуқуқ рамзларининг қонунлар мазмунини тушунарли ифодалашдаги аҳамияти етарлича тадқиқ этилмаган. Ваҳоланки, қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши самарасининг муҳим жиҳати – улар мазмунининг ижтимоий муносабат иштирокчиларига тушунарли ифодаланганлиги билан боғлиқ. Бу боғлиқликни аниқлашда ҳуқуқий семиотиканинг Европа анъанаси намояндалари амалга оширган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Европада ҳуқуқ рамзларини ўрганиш анъаналари ҳуқуқий семиотиканинг Европа тадқиқотлари доирасида амалга оширилган. Европада ҳуқуқ рамзлари ҳуқуқ тили ва матни тузилишини тадқиқ этиш доирасида ўрганилган. Бу тадқиқотларнинг фалсафий ва тилшунослик асосларини Европа семиотика анъаналари асосчиси Швейцариялик тилшунос Монгин-Фердинанд де Соссюр (1857–1913) яратган.

М. де Соссюр тилни рамзлар ва белгилар тизими сифатида тушунтиради, тилни бошқа белги тизимлари, масалан, маросимлар, имо-ишоралар, тимсолларга қиёслайди. У тилнинг белги тизимларини АҚШдаги Ч. Пирсинг рамз ва белгилар тизими бўйича тадқиқотлари – семиотикадан хабарсиз амалга ошириб, уни “семиология (белгилар тўғрисидаги фан)” деб номлайди. “Умумий лингвистика курси” номли фундаментал асарида М. де Соссюр инсоннинг ташқи оламдаги ахборотларни идрок қилишини инсон онгида олдиндан мавжуд бўлган табиий тилдаги сўзлар тизимидан иборат қолипларга боғлайди. Олимнинг фикрича, олам бир-биридан мустақил объектлардан таркиб топган бўлиб, инсон онгида улар муайян тилдаги бир-биридан мустақил тил белгилари, яъни сўзлар кўринишида намоён бўлади¹. Унга кўра, тил белгиси маълум бир ифодаланадиган нарса билан уни ифодалайдиган нарса бирлашишидан ҳосил бўлган икки томон бир бутун бўлиб, тушунча ва эшитиш образини бир-бири билан боғлайди². Муайян ифодалайдиган нарсани ифодаланадиган нарсага, муайян эшитиш образини тушунчага бириктириб қўядиган нарса – бу тил белгилари келиб чиқи-

¹ Соссюр М.-Ф. Курс общей лингвистики. – С. 19.

² Ўша жойда. – Б. 99.

шининг ижтимоийлигидир ва индивидлар тилни ўзгартира олмайдилар¹.

М. де Соссюрнинг фикрича, ифодаладиган билан ифодаланадиганнинг бирлашишидан маъно ҳосил бўлади. Ҳар бир тил белгиси, яъни сўз унга бириктирилган маънога эга. Лекин алоҳида маъно ҳеч нарсани ифода этмайди, аниқроғи, нисбий “баҳолар бўлмаса маъно ҳам бўлмайди”². Белгиларнинг бошқа белгилар, тушунчаларнинг бошқа тушунчалар билан маълум тизим ичида биргаликдаги баҳолари маъно яратади, яъни белгилар ўзаро муносабатда маънога эга бўлади³. “Сўзда муҳим бўлган нарса товушнинг ўзи эмас, – деб ёзади М. де Соссюр, муҳими сўзни бошқа сўзлардан ажратиб турадиган товуш фарқлиликлари. Чунки маънога эга бўлган нарса – бу фарқлиликлардир”⁴. Масалан, “она” эшитиш образи фарзандни дунёга келтирган ва унга тарбия берадиган инсон тушунчасини англатади, бу эшитиш образининг “она” тушунчасига йўналтириши сабаби, унинг бошқа эшитиш образларидан фарқли эканлигидир⁵.

Европада рамзларни ўрганишга катта ҳисса қўшган яна бир олим белгиялик файласуф, антрополог ва ҳуқуқшунос Клод Леви-Стросс (1908–2003) ўзининг “Антропология тузилмаси” асарида турли маданиятга мансуб инсонлар айланиб бир нарсани турли мазмунда идрок қилишлари мумкинлиги, сўзлар маданий қадрият бўлиб шаклланганлигини аниқлайди. “Биз сўзларни белги сифатида қабул қиламиз, лекин сўзлар қадриятларни ҳам ифодалайди”⁶, – деб ёзади К. Леви-Стросс. Инсонларни сўзлар воситасида мулоқот қилишга олиб келадиган дастлабки туртки гапираётган ва эшитаётгани учун сўзларнинг қадриятга, рамзга айланганлигидир. Ҳозирги мавжуд тизимда қизил ранг хавфни, ўтиш ман этилганлигини ифода этса, яшил ранг тинчликни, йўл очиклигини ифода этади. Қизил ранг йўл очиклигини, яшил ранг эса ўтиш ман этилганини ифода этса нима бўларди? Бун-

¹ Соссюр М. Ф. Курс общей лингвистики. – Б. 69–70.

² Ўша жойда. – Б. 118–120.

³ Ўша жойда. – Б. 118.

⁴ Ўша жойда.

⁵ Ўша жойда. – Б. 121.

⁶ Леви-Стросс К. Структурная антропология / Пер. с фр. В.В.Иванова. – М.: Изд-во ЭКСМО-Пресс, 2001. – С. 67.

да қизил ранг инсоний илиқлик, яшил эса хавф-хатар ва қўрқув рамзи сифатида қабул қилинган бўлар эди. Инсон сезгиларига таъсир кўрсатувчи бу белгилар қадриятлардир, шунинг учун улар анъанавий рамзларнинг асосини ташкил этади, уларни тарихий шаклланганидан бошлаб хоҳлаганча ўзгартириб бўлмайди¹. К. Леви-Стросс тилни маданиятнинг маҳсули сифатида қараш кераклиги, тил халқнинг умумий маданиятини акс эттириши, айнан тил ёрдамида индивид ўз гуруҳининг маданиятини эгаллашини, тил маданият тузилишини белгилайдиган пойдевор эканлигини асослаб берган².

Литвалик тилшунос ва ҳуқуқшунос Альгирдас Жюльен Греймас (1917–1992) ҳуқуқ рамзлари ва белгиларини тилнинг маъноларини ифодалаш, тузилишини тадқиқ этиш доирасида ўрганади. А. Греймас “Семантика тузилмаси”, “Семиотика ва тил: таҳлилий луғат”, “Қонун матнининг семиотик таҳлили” каби асарларида табиий тилдан ҳуқуқий тилга қадар ифодалаш тузилишини таҳлил қилади. А. Греймаснинг фикрига кўра, “Инсон олами маънолар олами сифатида таърифланиши керак”³, ифодаланаётган нарсa ифодалаётган нарсa томонидан қамраб олинган маъно ёки маънолар бўлиб, ифодаланадиган ифодалаётган мавжуд эканлиги туфайли ифодаланади⁴. Бир неча ифодалайдиганлар бирлашиб, янги ифодалайдиганни ташкил қилиши мумкин. Бир неча ифодалайдиган, масалан, сўз, ишора ёки тасвир ягона ифодалаш жараёни доирасида ўзаро биргаликда ҳаракат қилиши мумкин. Буни А. Греймас “маъновий ифода тузилиши” деб номлайди⁵.

А. Греймас рамз ва белгиларни ўрганишда новербал белги тизимлари билан бир қаторда вербал матнларига ҳам асосий тадқиқот объекти сифатида қарайди⁶. Тил деганда, А. Греймас,

¹ Леви-Стросс К. Структурная антропология / Пер. с фр. В.В.Иванова. – М.: Изд-во ЭКСМО-Пресс, 2001. – Б. 103.

² Ўша жойда. – Б. 74.

³ Греймас А.Ж. Структурная семантика: Поиск метода / Пер. с фр. Л.Зиминой. – М.: Академический проект, 2004. – С. 5.

⁴ Ўша жойда. – Б. 12.

⁵ Ўша жойда. – Б. 14.

⁶ Greimas A.J., Courtés J. Semiotics and Language – An Analytical Dictionary. – Bloomington: Indiana University Press, 1982.

фақат табиий тилнигина эмас, балки инсоннинг фикри, туйғуси ва истакларини бошқа инсонлар идрок қилиши ва англаши учун узатиш воситаси вазифасини бажарадиган сўзлар, ишоралар, тимсоллар, ҳаракатлар йиғиндисини тушунади. Лекин табиий тиллар бошқа рамз ва белги тизимларидан фарқ қилиб, тилдан тилга ўгириш имконияти мавжуд бўлганлиги учун муҳим аҳамиятга эга. Масалан, исталган ифодаладиган тузилишни, масалан, тасвирларни муайян бир табиий тилга ўгириш мумкин¹.

А. Греймаснинг ёзишича, маъно яратиш жараёнида рамзлар ва белгилар энг оддийдан энг мураккабга, энг мавҳумдан энг аниққа қараб боради, бу йўл “маъно яратиш жараёни” деб номланади². А. Греймаснинг мақсади маънонинг тузилишини тушунтириш, маъно қандай яратилишини аниқлашдан иборат. Унинг таъкидлашича, “маданий объектларнинг (адабий, оғзаки, кўргазмали в.б.) маъно тузилишига етиб бориш йўлида инсон тафаккури оддий элементлардан йўлга чиқади ва бу йўлда гоҳ бурилишни талаб қиладиган тўсиқлар, гоҳ фойдаланиш мумкин бўлган имкониятларга тўқнаш келиб, мураккаб троекторияга амал қилади”³. Бу жараёнда жумлалар маъноси уларни ҳосил қилишда иштирок этган алоҳида сўзларнинг маъноларидан фарқ қилади, шунингдек жумлаларнинг тўпланишидан ҳосил бўлган матнлар маъноси уларни шаклланишида иштирок этган алоҳида жумлаларнинг маъноларидан фарқ қиладиган янги маъноларни ҳосил қилади⁴.

А. Греймас табиий тиллар асосида иккиламчи матнлар яратилиши мумкинлигини, ҳуқуқнинг ҳам шундай матнлардан бири эканлигини асослайди ҳамда ҳуқуқ матнини бошқа матнлардан ажратиб турадиган хусусиятларни аниқлашга киришади. А. Греймас ҳуқуқий матнлар яратилиши ва тўғри тушунилишига хизмат қиладиган махсус ҳуқуқ тили мавжудлиги, ҳуқуқ тилида маънонинг яратилиши табиий тилда маъно яратилишидан фарқ қилиши ҳамда ҳуқуқ тилининг махсус ҳуқуқий код

¹ Греймас А.Ж. Структурная семантика. – С. 16.

² Қаранг: Uzun E. Hukukun Göstergebilimsel Analizi. Doktora Tezi. – Eskisehir, 2006.

³ Greimas A.J. On Meaning – Selected Writings in Semiotic Theory. – London: Frances Pinter Publishers, 1987. – P. 48.

⁴ Jackson B.S. Semiotics and Legal Theory. – P. 32.

эканлиги тўғрисидаги фикрни илгари суради. А. Греймас фикрича, ҳуқуқ тили махсус тил сифатида ҳар қандай табиий тилда бўлгани каби икки асосий таркибий қисм¹ – ҳуқуқ луғати ва ҳуқуқ грамматикасидан таркиб топган. Ҳуқуқ тили луғати ва грамматикаси ҳуқуқий матнларни яратишда қўлланиладиган махсус ибора, атама ва қоидалар йиғиндисидан иборат. Ҳуқуқ тилининг ана шу луғавий ва грамматик хусусиятлари ҳуқуқ матнини бошқа иккиламчи матнлардан ажратиб туради². Луғат бу тилга тегишли деб тан олинган ибора ва атамалар мажмуи бўлса, грамматика ўз ичига синтаксисни (маъно яратишда жумлалардаги сўзлар нисбатини бошқариш қоидаларини) ва морфологияни (сўзларнинг мазмунидан келиб чиқиб тартибга солиш қоидаларини) олади³.

А. Греймас ҳуқуқ матни воситасида маъно яратиш жараёнининг ташқи кўринишини ифодалаш грамматикаси (нарратив грамматика) сифатида намоён бўлади⁴, – дейди. Ифодалаш грамматикасини ташкил қилган энг кичик бирликлар – актантлар (субъектлар) ва функциялар. “Актантлар – бу маълум хатти-ҳаракатни амалга оширадиган ёки ҳаракатни амалга ошириш юклатилганлар”дир⁵. Бунда “ҳаракатни амалга ошириш қоидаси” ибораси ишлатилади. “Ҳаракатни амалга ошириш қоидаси”га кўра, ҳаракатнинг амалга оширилиши уч категорияни назарда тутди: 1) субъект – объект, 2) узатувчи – қабул қилувчи, 3) ёрдам берувчи – тўсқинлик қилувчи. “Функциялар актантлар нима қилишини кўрсатади⁶.

Актантлар (субъектлар), уларнинг функциялари ва объектлар – бу ҳуқуқ матнлари воситасида ифодаланадиган ҳуқуқий хулқ-атвор моделининг таркибий унсурларидир. Маълум бир объектга эга бўлишга интилиб ҳаракатни амалга оширадиган – бу асосий актант (субъект), асосий актант ҳаракати қаратилган нарса – объектдир. Асосий субъект хулқ-атвор моделининг

¹ Greimas A. J. The Semiotic Analysis of Legal Discourse... – P. 108.

² Ўша жойда. – Б. 107.

³ Jackson B.S. Semiotics and Legal Theory. – P. 33.

⁴ Greimas A.J. The Semiotic Analysis of Legal Discourse. – P. 113.

⁵ Greimas A.J., Courtés J. Semiotics and Language. – P. 5–6.

⁶ Jackson B.S. Semiotics and Legal Theory. – P. 52.

асосий таркибий қисми, ҳуқуқий хулқ-атворни амалга оширадигандир. Масалан, олий таълим муассасасида таълим олиш хулқ-атвор моделининг асосий субъекти талабалар, боғда дам олиш хулқ-атвор моделининг асосий субъекти боғда дам олувчилар ва ҳоказо. Шунингдек, субъектларга (актантларга) асосий субъектдан ташқари ёрдамчи субъектлар ва тўсқинлик қилиши мумкин бўлган субъектлар ҳам киради. Ёрдамчи субъектлар – бу асосий субъектга объектни қўлга киритишга ёрдам бериши лозим ёки мумкин бўлган субъектлар (уларга тегишли ваколатлар берилади). Тўсқинлик қилувчи субъектлар – бу асосий субъектга объектни қўлга киритишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган субъектлар (бундай тўсқинликнинг олдини олиш назарда тутилади)¹.

Хуқуқ ижодкори – ҳуқуқий ахборот узатувчиси бўлиб, асосий субъектга объектни қўлга киритиш учун у ёки бу ҳаракатни амалга оширишга рухсат берувчи, айрим ҳаракатларни амалга оширишга мажбур қилувчи ёки айрим ҳаракатларни амалга оширишни таъқиқловчи қоидалар тўғрисидаги ахборотни узатади. Хуқуқ ижодкори “узатувчи” сифатида “миллий ирода”ни ифода этади. У фақат асосий субъектга имкониятлар яратиб берувчи сифатидагина эмас, балки субъектнинг лаёқатини текширадиган назоратчи сифатида ҳам ҳаракат қилади². Қабул қилувчи – бу хуқуқ ижодкорининг (узатувчи) ахбороти мўлжалланган субъектлар йиғиндиси (ижтимоий муносабат иштирокчилари).

А. Греймас 1966 йилда қабул қилинган Франциянинг “Ширкатлар тўғрисида”ги қонуни бўлимларидан бирини семиотик жиҳатдан таҳлил қилади. Таҳлил хуқуқ тилининг хусусиятларини, хуқуқда маънонинг қандай яратилишини ва ифодалаш грамматикаси доирасида ифода элементларининг қандай қурилишини ўз ичига олган. А. Греймас ифодалаш грамматикасининг услубларини қонун чиқарувчи ва судья фаолияти билан боғлайди³. У хуқуқнинг ҳукмронлигини жамиятга таянтиради, хуқуқ ижодкорини жамият иродасининг ифодачиси сифати-

¹ Jackson B.S. Semiotics and Legal Theory. – Б. 59.

² Ўша жойда. – Б. 114–115.

³ Ўша жойда. – Б. 111.

да таърифлайди. А. Греймасга кўра, ҳуқуқ ижодкори жамият иродаси тўғрисидаги ахборотни жамиятдан қабул қилиб олади ҳамда уни миллий ирода сифатида жамият аъзоларига узатиш учун табиий тилдаги сўзларни қонун матнига киритади ва ҳуқуқ тилини ривожлантиради.

А. Греймас яна бир Франциялик олим Эрик Ландовский билан ҳаммуаллифликда ҳуқуқий нормаларнинг яратилишини икки коммуникатив босқичга ажратади: биринчиси – қонун чиқарувчининг табиий тилдаги атама ва ибораларни қонунчиликка киритиб, ижтимоий муносабат иштирокчиларига узатишидан иборат “ишлаб чиқиш юридикаси” (“production juridique”) ҳамда иккинчиси – қонунларни қўллаш жараёнида унга киритилган атама ва ибораларнинг ҳуқуқийлигини текшириб, ижтимоий муносабат иштирокчиларига такрорий узатишдан иборат “текшириш юридикаси” (“verification juridique”)¹. А. Греймас ва Э. Ландовскийнинг таъкидлашича, “ишлаб чиқиш юридикаси” – бу табиий тил элементларининг ҳуқуқий матнга ўтирилиши ва ҳуқуқий матн таркибий қисмлари сифатида қайта яратилиши, уларнинг қонунчиликда номланиши ҳаракати орқали амалга оширилади. Уларнинг нуқтаи назари бўйича қонунчиликда фойдаланиладиган атамалар қонундан ташқарида маънога эга бўлиши мумкин, ҳатто ҳуқуқий доктринал муҳокамада қўлланилиши ҳам мумкин. Лекин улар ҳуқуқий маънога эга ибораларга айланиши учун қонун чиқарувчи томонидан ҳуқуқий матнни яратишда фойдаланилиши керак, фақат шундагина улар ҳуқуқ луғати таркибий қисмига айланади ва ҳуқуқда маънога эга бўлади².

А. Греймас ва Э. Ландовский ҳуқуқ ижодкорига ҳуқуқнинг яратилиши босқичида марказий аҳамият бериш билан бирга, ҳуқуқ ижодкори томонидан ҳуқуққа киритилган атама ва иборалар фақат ҳаракатсиз ҳуқуқ оламига оид бўлиши тўғрисида гапирадилар. Шунингдек, “ишлаб чиқиш юридикаси” – ҳуқуқий маъно яратиш жараёнининг бошланиши бўлиб, бу босқичда

¹ Greimas A.J. *Semiotique et Sciences Sociales*. – Paris: Editions du Seuil, 1976 (“Analyse semiotique d'un discours juridique”, with E. Landowski), – P. 87.

² Jackson B.S. *Semiotics and Legal Theory*. – P. 33.

атама ва ибораларга ҳуқуқий маъно оламига тегишлилик мақоми берилади, лекин унга берилиши керак бўлган маъно ҳали тасдиқланмаган бўлади. Бу босқичда ҳуқуқий коммуникация жараёни ҳали якунланмайди. Матн ҳатто уни ҳеч ким ўқимаса ҳам маънога эга бўлади, лекин судья томонидан қўлланилганига қадар у виртуал бўлишни давом этади¹. Улар “текшириш юридикаси” – қонунчиликнинг “такрорланадиган текшириш тартиби” хусусиятига эга эканлиги тўғрисидаги ғояни илгари суриб, ҳуқуқ ижодкори томонидан яратилган қонунчилик матни татбиқ этилишга қадар фақат юзага келиши мумкин бўлган муносабатларнигина қўриқлайди ва амалий аҳамиятга эга бўлишига қадар амалий аҳамиятга эга бўлиш имкониятига эга нормалар сифатида борлиқ қозонади, деган хулосага келади. Уларнинг фикрича, қонун матни олдин ҳуқуқий деб ҳисобланмаган ҳолатларнинг ҳуқуққа мувофиқлигини тасдиқлаш босқичида амалий аҳамиятга эга бўлади. Бу босқич судья томонидан амалга оширилади. Судья қонунни қўллаш жараёнида ҳуқуқ ижодкори сўзлари ва баёнлари мақомини текшириб, уларни қонуннинг потенциал ахборотидан қонуннинг амалий ахборотига айлантиради, олдин ҳуқуққа оид бўлмаган атамаларнинг ҳуқуқ оламига мувофиқлигини тасдиқлайди². Судья ҳуқуқий ахборотни қайта йўналтиради. Қонунчилик (ишлаб чиқиш юридикаси) ҳуқуқий маъноларга эга матнлар яратилишига олиб келса, судья (тасдиқлаш юридикаси) унинг бошқа матнларга мувофиқлигини, уларнинг ҳуқуқий грамматиклигини текширади³.

А. Греймас ва Э. Ландовскийнинг тадқиқотлари дастлаб инглиз ҳуқуқшуноси Бернард Жексон томонидан таҳлил қилинган. Б. Жексон таҳлилни ҳуқуқ назарияси тамойилларига мувофиқ амалга оширишга ҳаракат қилади. Б. Жексон қонуннинг “такрорланадиган текшириш тартиби” хусусиятига эга эканлиги тўғрисидаги хулосаларни қўллаб-қувватлайди ва биринчидан, судья қонун чиқарувчи ўрнатган сўзларга исталган маъно бериши мумкин; иккинчидан, амалга оширилмаган нормаларни ҳа-

¹ Jackson B.S. Semiotics and Legal Theory. – Б. 34.

² Ўша жойда. – Б. 35.

³ Ўша жойда. – Б. 116.

ракатдаги самарали нормалардан фарқлаш керак, – деган ғоялар таҳлилини таклиф қилади¹.

Лекин шу билан бирга, Б. Жексон бу хулосаларга нисбатан ўзининг эътирозларини ҳам айтиб ўтади:

биринчидан, қонунчиликка киритилган атама ва ибора судья қўллашига қадар ҳам ҳуқуқий маънога эга бўлади;

иккинчидан, қонунни ўқиган фуқаро “бу қонун сўзи, лекин унга ҳали аниқ маъно берилмаган, шунинг учун мен унга исталган маъно беришим мумкин” деб айтиш ҳуқуқига эга эмас.

Б. Жексон қонунлар эълон қилингандан кейин фуқаролар томонидан доимий ўқилади ва фойдаланилади, шунинг учун ҳуқуқий коммуникациянинг самарали ҳужжати яратилиши учун судьянинг иштироки зарурий эмас², – деган хулосани илгари суради. Суд ҳокимияти ҳам қонуннинг қўлланилиши учун масъул, лекин судья томонидан қўлланилишига қадар қонун “виртуал” бўлиб ҳам қолмайди. Шунингдек, судьялар низо келиб чиққан тақдирдагина қонунга мурожаат қиладилар. Судьялар учун қонунлар мажмуи – бу фақат зарурият туғилганида мурожаат қилинадиган маълумотномадир, – деб ҳисоблайди Б. Жексон³.

Шунингдек, Б. Жексон ҳуқуқий тизим доирасида ўз мақсадларига эга бўлган ҳуқуқий матнни талқин қилувчи турли аудиториялар мавжудлиги ҳақида гапиради. Ҳуқуқий матн маъносининг бирлиги ва уни талқин қилувчи гуруҳларнинг хилма-хиллиги Б. Жексонни бир ҳуқуқий тизим доирасида турли кичик ҳуқуқий тизимлар мавжуд бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосага олиб боради⁴. Б. Жексон ҳуқуқий ахборот мўлжалланган аудиторияларни таҳлил қилади, ҳуқуқий матнлар турли аудиториялар томонидан талқин қилинишига қараб кўриб чиқилиши керак, деган тўхтамга келади.

Б. Жексон ҳуқуқий коммуникацияда фақат судьялар эмас, балки барча ҳуқуқни қўлловчилар, айниқса, бошқарув органлари муҳим ўринга эга эканлигини кўрсатиб ўтади. Б. Жексонга кўра, қонунчилик матни жамиятнинг барча аъзоларига мўлжал-

¹ Jackson B.S. Semiotics and Legal Theory. – P. 119.

² Ўша жойда. – Б. 119.

³ Ўша жойда. – Б. 285.

⁴ Ўша жойда. – Б. 284.

ланган бўлади. Лекин қонунчилик ўз-ўзидан амалга ошмайди. Қонунчиликнинг асосий аудиториясини маъмурият (бошқарув органлари) ташкил қилади. Деярли ҳар бир қонунчилик ҳужжати бошқарув секторига йўналтирилган бўлиб, уларга қонунни ҳаракатга келтириш топширилган. Шу маънода солиқлар тўғрисидаги қонуннинг реал аудиторияси – бу қайсидир алоҳида солиқ масаласини ҳал қилиши зарур бўлиб қолиши мумкин бўлган судья ёки, ҳатто ишлари солиқ қонунчилиги билан тартибга солинаётган фуқаро ҳам эмас, балки солиқ органларидир. Худди шундай, жиноят қонунларининг асосий аудиторияси жиноятчи ҳам, унинг адвокати ҳам, қайсидир одам ҳам эмас, балки ички ишлар ва прокуратура органларининг тегишли бўлимларидир. Улар ҳақиқатдан ҳам бутун қонунни ўқиб, ўзларининг кундалик хулқ-атворини унга мослаштирадilar, чунки қонуннинг тегишли қисмини қўллаш бу идораларнинг кундалик вазифасидир¹. Бошқарув органларига “қонун ости ҳужжатлари”ни ишлаб чиқиш орқали қонунни тўлдириш ёки аниқлаштириш ваколатлари берилган, улар қонунларни фаоллаштиради. Шунингдек, “Иккиламчи қонунчилик” тушунчаси қонунчилик ҳужжатларининг суд томонидан эмас, балки бошқарув органлари томонидан яратилишига нисбатан ишлатилади.

Б. Жексон суд матнининг асосий аудиторияси – бу судьялар, адвокатлар, доктринал матнлар, илмий мақола ва монографияларнинг асосий аудиторияси – бу юридик академик доиралар, олимлар, тадқиқотчилар ва талабалар² бўлиб, аудиториянинг хусусияти ва манфаатлари ахборот хусусиятига албатта таъсир қилади, – деган хулосага келади. Қонун чиқарувчиларнинг асосий аудиторияси – маъмурият, унинг ахборотлари ҳаракат тўғрисида. Суд органларининг асосий аудиторияси – адвокатлар ва судьялар, улар узатадиган ахборот асослашдан иборат. Доктринанинг асосий аудиторияси академик доиралар, унинг ахбороти тизимли тушунишга асосланади. Қонунчилик матни – нормалар матни, суд матни – нотиқлик матни, доктринал матн – тушунчалар матнидир, – деб ёзади Б. Жексон³.

¹ Jackson B.S. Semiotics and Legal Theory. – P. 285.

² Ўша жойда. – Б. 286.

³ Ўша жойда. – Б. 287.

Шундай қилиб, ҳуқуқ рамзлари ва белгиларини ўрганишнинг Европа анъанаси томонидан ҳуқуқий тартибга солиш самарасини оширишга хизмат қилиши мумкин бўлган бир неча фундаментал ғоялар илгари сурилди:

биринчидан, ҳуқуқни ахборотни узатувчи ва қабул қилувчи ўртасидаги коммуникациявий тузилиш сифатида тушуниш, унинг тартибга солиш хусусиятларини чуқурроқ таҳлил қилиш имконини беради. Ҳуқуқни ижод қилиш билан бирга, уни тўғри ифодалаш ва талқин қилиш муҳим, шунинг учун ҳуқуқий матнлардан ташқари уларни талқин қилувчи аудитория хусусиятларини ҳисобга олиш ҳам тақозо этилади;

иккинчидан, ҳуқуққа норматив ёндашувдан фарқ қиладиган, уни рамзлар ва белгилар билан боғлашни назарда тутадиган семиотик ёндашув ҳуқуқий тартибга солиш самарасини ҳуқуқни ифодалаш нуқтаи назаридан ўрганиш имкониятини яратади;

учинчидан, ҳуқуқ рамзларининг миллий-маданий қадриятлар билан боғлиқлиги, уларни ҳуқуқий тартибга солиш самарасига таъсир кўрсатадиган юридик техниканинг муҳим унсури сифатида ўрганиш заруриятини асослайди;

тўртинчидан, ҳуқуқни аниқ функцияларга эга ҳуқ-атвор моделлари субъектлари тўғрисидаги ахборот сифатида ўрганиш имкониятини беради.

Тўртинчи боб. **ҲУҚУҚНИ ТУШУНИШНИНГ АСОСИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ** **ВА ҲУҚУҚ РАМЗЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

4.1. Ҳуқуқ рамзларини ўрганиш ва ҳуқуқий неопозитивизм: умумий жиҳатлар ва ёндашувлар тафовути

Ҳуқуқшунослик фанида формалистик ақидаларнинг якка ҳукмронлиги ҳуқуқни кўп жиҳатли воқелик сифатидаги хусусиятларини ўрганишга имкон бермайди. Шунингдек, академик А. Саидов кейинги ўн йилликлар давомида фундаментал юридик фан билан қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида сезиларли узилиш юзага келганлигини таъкидлайди¹. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгилаш, очик жамият ва ошкораликни таъминлашга йўналтирилган ислохотлар ҳуқуқшунослик фанида қотиб қолган ақидалар ҳукмронлигидан батамом қутулишга, ҳуқуқни турли жиҳатларини ўрганиш ва ундан самарали фойдаланиш истиқболларини тадқиқ этишга, миллий ҳуқуқшунослик фанининг умумжаҳон фанига янада жадалроқ интеграциясига, унинг ютуқларидан кенгроқ фойдаланишга шарт-шароит яратди.

Мамлакатимиз ҳуқуқшунослик фанида ҳуқуқнинг кам ўрганилган жиҳатларидан бири – бу унинг коммуникатив жиҳатидир. Ҳуқуқ қонун чиқарувчи ва фуқаролар, қонун чиқарувчи ва судьялар, қонун чиқарувчи ва бошқарувчилар, судья ва фуқаролар, шартнома тарафлари ўртасидаги ўзаро коммуникацияга асосланади². Ҳуқуқнинг коммуникатив жиҳати унинг рамзлар тизими сифатидаги хоссалари билан боғлиқ. Ҳуқуқ рамзлари ва белгилари назарияси – ҳуқуқий семиотика қонунларнинг ижтимоий муносабат иштирокчиларига тушунарли бўлишини таъминлаш масаласи билан қизиқади. Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг самараси кўп жиҳатдан уларнинг юридик-техник сифати билан бир қаторда қонунлар мақсади, мазмунининг ижтимоий муносабат иштирокчиларига қанчалик

¹ Саидов А.Х. Давлат ва ҳуқуқ институти қандай бўлиши керак? // Халқ сўзи. – 2020. 6 май.

² Хук М. Право, как коммуникация. – СПб.: Издательский дом С.-Петербург. гос. ун-та, 2012. – С. 20.

даражада тушунарли бўлиши ва қабул қилинишига, қонунлар бўйича яшаш ва фаолият кўрсатишга бўлган мотивлар аниқлигига боғлиқ.

Ҳуқуқий семиотиканинг ривожланишида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳон ҳуқуқшунослик фанида асосий мунозаралар майдонига айланган таҳлилий тадқиқотлар йўналишининг таъсири катта бўлган¹. Ҳуқуқий муаммолар ҳуқуқий тил хусусиятлари нуқтаи назаридан тадқиқ этилиб, ҳуқуқшунослик фани тарихида ушбу ёндашувнинг ривожланиши “лингвистик бурилиш”, айрим адабиётларда “прагматик бурилиш”² номини олган. Ҳуқуқшуносликда бу йўналишнинг шаклланиши инглиз ҳуқуқшуноси, аналитик неопозитивизм асосчиси Герберт Харт номи билан боғлиқ. Бугунги кунда ҳуқуқ табиатини ўрганишга бағишланган ҳар қандай тадқиқот Г. Харт ва унинг оппонентлари ўртасидаги баҳс-мунозара мазмунини таҳлилидан бошланади. Г. Харт неопозитивизм нуқтаи назарида туриб эски позитивизм ва нормативизмни танқид қилади, табиий ҳуқуқ ва ҳуқуқий реализм ғоялари билан маълум қадар яқинлашади.

Г. Харт ҳуқуқ нормаларини бирламчи ва иккиламчи қоидаларга ажратди. Унинг фикрича, бирламчи қоидалар муайян ҳаракатни амалга ошириш ёки муайян ҳаракатни амалга оширишдан сақланишга кўрсатма берса, иккиламчи қоидалар янги бирламчи қоидаларни амалга киритадиган ўзгартириш қоидалари, бирламчи қоидалар нуқсонини тузатадиган тан олиш қоидалари ҳамда бирламчи қоидалар бузилганми ёки йўқлиги тўғрисида қарор чиқаришни белгилайдиган суд қоидаларига бўлинади. Агар бирламчи қоидалар инсон хатти-ҳаракатларига тааллуқли бўлса, иккиламчи қоидалар бирламчи қоидалар тўғрисидаги қоидалардир³. Г. Харт тан олиш қоидаларини бирламчи қоидаларнинг ҳақиқийлигини баҳолайдиган якуний мезонлар сифатида тақдим қилади⁴.

¹ Мухитдинова Ф.А. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. – Б. 197–201.

² Честнов И.Л. Знаково-символическое бытие права после прагматического поворота // Знаково-символическое бытие права. 11-е Спиридоновские чтения: мат. междунар. науч.-теор. конф. – СПб.: ИВЭСЭП, 2013. – С. 61–62.

³ Харт Г. Понятие права. – С. 99.

⁴ Ўша жойда. – Б. 110.

Г. Хартнинг асосий оппоненти америкалик ҳуқуқшунос Р. Дворкин ҳуқуқни уч турдаги стандартлар – стратегия, принцип ва норма сифатида тавсифлайди. Г. Харт ва Р. Дворкин ўртасидаги баҳс ҳуқуқ принципларининг улар томонидан турлича таърифланишидан келиб чиқади: Г. Харт ёндашувига кўра, тан олиш қоидалари принципларни қамраб олади, Р. Дворкин принципларни тан олиш қоидалари таркибига киритилиши мумкинлигини рад этади. Г. Харт тан олиш қоидаларини қонунчилик ёки суд прецедентлари воситасида ўрнатилишини айтса, Р. Дворкин ҳуқуқ принципларининг келиб чиқиши қонунчилик ёки суд прецедентлари воситасида ўрнатилиши билан боғлиқ эмаслигини таъкидлайди. “Г. Хартнинг фикрича, – ёзади Р. Дворкин, – ҳуқуқ нормаларининг катта қисми шунинг учун ҳам юридик кучга эгаки, улар маълум бир ваколатли орган, масалан, қонун чиқарувчи орган томонидан амалга киритилган. Аммо амалга киритишнинг бундай мезони принципларга тўғри келмайди. Ҳуқуқ принциплари учун манба маълум бир орган томонидан амалга киритилиш эмас, балки ҳуқуқшунослар ва кенг жамоатчилик ўртасида уларни тушуниш шаклланганлиги билан боғлиқдир. Ҳуқуқ принципини ижтимоий тушуниш қанчалик барқарор бўлса, у шунчалик кучли бўлади”¹. Шу вақтнинг ўзида Р. Дворкин “институционал тасдиқ” тушунчасини ишлатиб, буни принципларнинг қонунчилик ҳужжати муқаддимаси, алоҳида моддалари, парламент комиссияси маърузаси ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари ёки муайян суд ишларида ифодаланиши билан боғлайди. У институционал тасдиқланмаган принциплар билан ҳуқуқни қўллаш ҳаракатини асослаб бўлмаслигини тан олади².

Ҳуқуқий семиотика неопозитивизмни рад этмайди, лекин ундан фарқ қилиб, ҳуқуқнинг давлат иродасини ифодалаш жиҳатидан ташқари ҳуқуқий воқеликни моделлаштириш ҳамда одамлар онги ва ҳуқ-атвориға тартибға солувчи таъсир кўрсатадиган маданий нормативлик жиҳатини ҳисобга олади³.

¹ Дворкин Р. О правах всерьез. – С. 65–66.

² Ўша жойда. – Б. 66.

³ Разуваев Н. В. Государство как предмет изучения юридической семиотики // Знаково-символическое бытие права. 11-е Спиридоновские чтения: мат. междунар. науч.-теор. конф. – СПб.: ИВЭСЭП, 2013. – С. 7–9.

Ҳуқуқий семиотика ҳуқуқнинг ижтимоий муносабат иштирокчиларига рамзлар ва белгилар тизими воситасида ифодаланиш жараёни – ҳуқуқий семиосизни ўрганади¹.

Ҳуқуқий семиотиканинг Америка анъанаси ҳуқуқий прагматикага (ҳуқуқни белгилар воситасида талқин қилишга) ва абдукцияга (асосли фараз воситасида янги ҳуқуқий ғояни кашф қилиш мантиқий амалига) асосланади. Ҳуқуқ вербал ҳамда новербал рамзлар ва белгилар тизими воситасида амалга ошадиган ҳуқуқий ахборот алмашинуви жараёни сифатида тавсифланади². Ҳар бир янги ҳуқуқ рамзи ёки ҳуқуқий белги талқини янги ҳуқуқий маъно яратади, ҳуқуқ матнининг ривожланиши янги ҳулосага келиш бўйича давом этадиган ҳаракатларни, бундан келиб чиқиб юридик тафаккур қонуниятларини ўз ичига олади. Ҳуқуқий қарорга фақат силлогик ҳулоса чиқариш билан эмас, балки икки ва ундан ортиқ муқобил ҳулоса чиқаришга имкон берадиган мулоқот воситасида келинади. Ҳуқуқ ўзаро мулоқотда, тажриба алмашилиш жараёнида шаклланади. Бу мулоқот узлуксиз давом этиб, рамзлар ва белгилар воситасида ҳуқуқий билимлар тўпланади³. Ҳуқуқ ижтимоий муносабат иштирокчиларининг узлуксиз ўзаро мулоқоти ва муносабатга кириши натижасида пайдо бўлиб ривожланадиган белги-рамзлар, ҳуқуқатвор моделлари, ҳуқуқий қадрият ва нормалар мажмуидан иборат. Доимий мулоқот воситасида янгилашиб борадиган жамиятда қонунчиликнинг ҳам доимий янгилалиши ва янги ғоялар билан доимий тўлдирилиб, ривожланадиган ҳуқуқий фан тўғрисида фикрлаш асосларини яратади.

Ҳуқуқий семиотиканинг Европа анъанаси ҳуқуқий матнларда маъно қандай тузилиши билан қизиқиб, ҳуқуқий атама, ибора, жумла ва матнларга ҳуқуқий маъно берилиши, ҳуқуқ матни ифодасини тузиш ва ҳуқуқий ахборотни ҳуқуқ субъектларига узатиш унсурларини тадқиқ этади. Ҳуқуқ матни уни ташкил қилган атама ва иборалар маъносидан мустақил янги маънога эга бўлиши таъкидланади. Жамият иродасига расмий хусусият бериш учун ҳуқуқ ижодкори табиий тилдан олинган атамалар-

¹ Балинська О.М. Семиотика права. – С. 57–63.

² Kevelson R. The Law as a System of Signs. – P. 4–12.

³ Ўша жойда. – Б. 46.

ни қонун матнига киритади ва ҳуқуқ матнларининг ифода тузилишини шакллантиради. Ушбу ифода тузилиши ичида атама ва иборалар қатъийлик, бир маънолилиқ ва аниқлик хусусиятини олади. Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқий атама ва иборалар маъноси улар ифодаланган табиий тилдаги айни бир шаклдаги атамалар ва иборалар маъносидан фарқ қилади¹. Ҳеч қайси бир ҳуқуқий атама ва ибора ўз-ўзидан норматив бўла олмайди ҳамда норматив хулосаларни тасдиқлай олмайди, атама ва иборалар фақат ҳуқуқ матни баёнида фойдаланилганида норматив хулосани тасдиқлай олади, фақат ҳуқуқ матнига киритилгандагина ҳуқуқий бўла олади².

Шундай қилиб, ҳуқуқий семиотиканинг Америка анъанаси бўйича ҳуқуқ ижтимоий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ рамзлари ва белгилари воситасида доимий ўзаро мулоқоти натижасида келиб чиқадиган хулқ-атвор моделлари сифатида таърифланса, Европа анъанаси бўйича ҳуқуқ қонун чиқарувчи томонидан ижтимоий муносабат иштирокчиларига узатиладиган қонунлар матнини, хулқ-атвор моделларини ифодалашга хизмат қиладиган белги-рамз тузилмаси сифатида таърифланади. Семиотика анъаналари бир-бирини тўлдирадиган ғояларни тақдим қилиб, уларни умумлаштириш орқали ҳуқуқнинг яратилиши ва ифодаланиши хусусидаги умумий хулосаларни шакллантириш мумкин.

Ҳуқуқий семиотика нуқтаи назаридан ҳуқуқнинг яратилиши ва табиати тўғрисидаги масалага қуйидагича жавоб бериш мумкин:

биринчидан, ижтимоий мулоқот давомида ҳуқуқ рамзлари ва ҳуқуқий белгилар тизими тўхтовсиз ривожланади, чунки жамият аъзоларининг ўзгараётган эҳтиёжларини қониқтириш учун жамиятдаги ҳуқуқий мақсад ва қадриятлар доимий равишда қайта баҳоланиб борилади, янги хулқ-атвор моделларига зарурат сезилади. Бу жараён узлуксиз давом этиб, хулқ-атвор моделлари, яъни ҳуқуқ доимий янгиланади;

¹ Саидов А., Ахмедов Г. Ўзбекча ҳуқуқий атама ва иборалар муаммолари // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ахборотномаси. – 1992. – 3-сон. – Б. 41–44.

² Jackson B.S. Semiotics and Legal Theory. – P. 300–301.

иккинчидан, жамият ривожлангани сари, унинг аъзоларида янги манфаатларга эришиш истаги кучайиб боради. Лекин муайян манфаатга эришиш истаги қоидалар билан чегараланишига қадар табиатга тааллуқли “ёввойи” истак бўлиб, у қоидаб-узарлик сифатида тақиқланади;

учинчидан, жамият аъзоларининг индивидуал манфаати бошқаларнинг ўхшаш манфаатлари билан тўқнашиши натижа-сида ижтимоийлашиб, индивидуал хулқ-атворга нисбатан жамият иродаси юзага келади, барча ижтимоий муносабат субъектлари ушбу иродага бўйсунишга тайёр ҳолатга келади. Қонун чиқарувчи (ҳуқуқ ижодкори) муайян хулқ-атвор моделига бўлган эҳтиёжни ва унга нисбатан жамият иродасини аниқлаб, хулқ-атвор моделини ҳуқуқий матнда ифодалаш орқали унга ҳуқуқий шакл беради. Қонун чиқарувчи индивидуал манфаат ва хулқ-атворни ижтимоий манфаатларга зид эмас деб топгандан кейин, улар тасдиқлар ва тақиқлар тизими билан тартибга солинади ҳамда маданиятга тааллуқли қонуний ижтимоий манфаатга айланади. Қонуний ижтимоий манфаатга айланган, олдин “ёввойи” бўлган манфаат энди маданийлашади ва тақиқлар йўқолади. Қонуний деб тан олинган манфаатлар тақиқлар билан чекланмаган, эркинлик иборалари билан ифодаланган хулқ-атвор соҳасига қўшилади. Натижада “ёввойи” ўзбошимчаликнинг олди олиниб, манфаатларга эришишнинг қонуний, яъни маданий усули қарор топади¹;

тўртинчидан, шаклланган ҳуқуқий хулқ-атвор моделлари тўғрисидаги ахборот ҳуқуқ рамзлари ва белгилари воситасида ижтимоий муносабат субъектларига узатилади. Хулқ-атвор моделларининг жамият аъзолари учун умумтушунарли бўли-шини² ҳуқуқий атама ва ибораларнинг табиий тилдан олинганлиги таъминлайди³. Қонун чиқарувчи ҳуқуқий хулқ-атвор моделлари тўғрисидаги ахборотни узатади, ижтимоий муносабат иштирокчилари қабул қилади. Ҳуқуқ рамзлари ва белгилари хулқ-атвор моделлари тўғрисидаги ахборотнинг ижтимоий

¹ Ўша жойда. – Б. 84–85.

² Саидов А.Х. Қонунлар халққа тушунарли бўлмоғи керак // Қонун ҳимоясида. – 2002. – 6-сон. – Б. 7–8.

³ Саидов А.Х., Кўчимов Ш.Н. Қонунчилик техникаси асослари. – Б. 45–46.

муносабат иштирокчиларига узатиш воситаси ролини ўйнайди. Ҳуқуқ рамзлари ва белгилари позитивистик юриспруденция ҳисоблагандек, фақат расман эълон қилинган ҳуқ-атвор қоидаларидан иборат бўлмасдан, балки ҳуқ-атвор қоида-сининг ижтимоий ҳуқуқий онгда шаклланаётган образ ва оммавий ҳуқ-атвор билан ўзаро бир-бирига таъсир этишини, индивидуал ҳуқуқий онг ва ҳуқ-атворга ўтишини назарда тутати¹;

бешинчидан, ҳуқуқ рамзлари ва белгилари бирлашиб ҳуқуқ матни мазмунини шакллантиради. Ҳуқуқ рамзлари ва белгилари ҳуқуқ матни шаклидан келиб чиқиб, вербал ва новербал шаклда бўлади. Вербал ҳуқуқ рамзлари (белгилари) алоҳида атама ва иборалар бирлашишидан ҳосил бўлган жумлалар кўринишида бўлса, новербал ҳуқуқ матнларида ашёлар (давлат герби, байроғи, давлат хизмати кийими), тасвирлар (йўл ҳаракати белгилари), чироқли ёки овозли сигналлар (светофор ёки сирена), ҳаракатлар (қасамёд, суд маросимлари, мансабдор шахсларнинг ўзаро ҳурмат ишоралари) шаклида бўлади.

Ҳуқуқий семиотика соҳасидаги тадқиқотларда одатда, ҳуқуқ рамзлари ва белгилари тушунчаси билан ҳуқуқий тил белгилари тушунчаси бир-биридан ажратилмайди². Бизнинг фикримизча, бу икки тушунчани аралаштириб бўлмайди. Ҳуқуқ тили белгилари ҳуқуқ матнини тузишда фойдаланилган атама ва иборалардан иборат бўлса, ҳуқуқ рамзлари ва белгилари ҳуқуқ матни таркибий қисмлари бўлиб, ҳуқ-атвор моделини ифода-лайди. А. Греймас ҳулосаларига таяниб, ҳуқуқ матни таркибий қисмларини қуйидагиларга ажратишни таклиф қилиш мумкин: 1. Ҳуқ-атвор моделининг мақсади; 2. Ҳуқ-атвор моделининг асосий субъекти, унинг тавсифи; 3. Асосий субъект эришишга интиладиган объект, яъни асосий субъектнинг мақсади; 4. Асосий субъектга мақсадга эришиш учун шарт-шароит яратиш мажбурияти юкланган субъектлар; 5. Асосий субъектга мақсадга эришишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган субъектлар.

¹ Честнов И.Л. Знаково-символическое бытие права после прагматического поворота. – С. 63.

² Ковкель Н.Ф. Семиотика права: проблемы определения основных концептов и выбора парадигмы // Правоведение. – 2017. – № 4. – С.48–49.

Ҳуқуқ рамзлари ва белгилари ҳуқ-атвор моделининг мазмунини тузиш учун зарур бўлган сон, тур, сифат ва шаклдаги атама ва иборалардан тузилган бўлади. Қонун чиқарувчи ҳуқуқ матни мазмунини яратиш учун тил белгиларини муайян тартибда жойлаштириб, бу белгиларнинг маъноларини бирлаштиради. Ч. Пирс таснифига асосланиб ҳуқуқ рамзлари ва белгилар тизими таркибий қисмларини функция жиҳатидан уч турга – “нишона белги”, “ишора белги” ва “рамзлар”га ажратиш мумкин. Нишона белги, ишора белги ва рамзлар ҳуқуқий ҳуқ-атвор модели таркибий қисмларининг ифодаловчилари бўлиб хизмат қилади. Рамзлар ҳуқ-атвор моделининг асосий ғояси, мақсади ва принципларини ифодалайди, уларда миллий ирода ва мақсадлар ўз аксини топади. Нишона белгилар ўз объектини ўхшашлиги бўйича ифодалайди, ҳуқ-атвор моделидаги асосий субъектнинг тавсифи ва функциясини ҳамда у эришишга интиладиган объектни ифодалайди. Ишора белгилар ўз объектига боғлиқлигидан келиб чиқиб уни ифодалайди, ҳуқ-атвор моделидаги асосий субъектнинг мақсадга эришиши учун шарт-шароит яратиш мажбурияти юкланган субъектларга ва мақсадга эришишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган субъектларга ишора қилади.

Шундай қилиб, семиотик ёндашувга кўра, ҳуқуқ – бу рамз ва белгилар тизими бўлиб, бу тизим узлуксиз ижтимоий мулоқот натижасида ривожланади ҳамда ҳуқуқий ҳуқ-атвор модели мазмунини ижтимоий муносабат иштирокчиларига узатиш воситаси сифатида хизмат қилади. Ҳуқуқ рамзлари ҳуқ-атвор моделининг ғояси, мақсади ва принципларини ифодалайди. Нишона ва ишора белгилар ҳуқуқ рамзлари атрофида бирлашади ва муайян ҳуқ-атвор модели тўғрисида тўлиқ ахборот вужудга келади.

4.2. Ҳуқуқ рамзларини ўрганиш ва ҳуқуқий реализм: ҳуқуқни қўлловчи ўз ихтиёрига кўра қарор чиқара оладими?

Жамиятимизда юз бераётган янгиланиш жараёни қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида янги реалликлар шаклланишига олиб келди. Шундай реалликлардан бири – Ўзбекис-

тон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, “Бизга тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунлар керак ва қонуности ҳужжатлари билан умуммажбурий нормалар белгилашни тўхтатиш зарур”¹. Шундан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда қонунларнинг тўғридан-тўғри амал қилиши шароитида қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этишнинг ҳуқуқни қўллаш воситаларини ўрганиш йўналишида фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш талаб қилинади. Бунда фан олдида турган вазифалардан бири қонуннинг ифодаланиш турилиши, тўғри шарҳланиши, ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш муаммоларининг янгича илмий ёндашув ва ечимларини аниқлашдан иборат.

Мустабид тузум даврида ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишнинг ҳуқуқни қўллаш воситаларига муносабат унга зарурати йўқ восита сифатида қарашларга асосланган эди:

биринчидан, ҳуқуқий бўшлиқлар қонунчиликнинг жамият тараққиёти суръатларидан орқада қолиши оқибатида юз беради, лекин бўшлиқлар қонунчиликни такомиллаштириш воситасида бартараф этилади ва ҳуқуқни қўллаш воситаларига эҳтиёж қолдирмайди, деб ҳисобланган;

иккинчидан, бўшлиқларни бартараф этишнинг ҳуқуқни қўллаш воситаларига, жумладан, ўхшашлик (аналогия) институтига, айниқса, ҳуқуқ ўхшашлигига бошқа чоралар қолмаганида мурожаат қилиниши мумкин бўлган охириги чора, мақсадга мувофиқ бўлмаган восита сифатида қаралган;

учинчидан, бўшлиқларни бартараф этишнинг ҳуқуқни қўллаш воситалари, жумладан, ҳуқуқнинг ўхшашлиги судларнинг шубҳали принципларни асос қилиб олиб ўз ихтиёрига кўра қарор чиқаришига, ўзбошимчаликка, ўз ҳокимиятини суиистеъмол қилишга, кўплаб хатоларга йўл қўйишига олиб келади, деб ҳисобланган.

Академик А. Саидов таъкидлаганидек, мустабид тузум даврида идоравий ҳужжатлар қонунлар билан рақобат қилиб, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда қонунларни ҳуқуқ манбалари пирамидасининг юқори поғонасидан сиқиб

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: Ўзбекистон, 2021. – Б. 90.

чиқарган. Ўша даврда жами 81 та қонун қабул қилинган бўлиб, қонун устуворлиги ва қонунни қўллаш тушунчаларининг ўзи номинал аҳамиятга эга бўлган ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш ўрнини маъмурий-бўйруқбозлик тизими эгаллаган¹. Табиийки, бундай шароитда бўшлиқларни бартараф этишнинг ҳуқуқни қўллаш воситалари кўпроқ назарий қийматга эга бўлган, улар фақат назарий ўрганилган ва реал ҳаётий ҳолатларга нисбатан ўрганилмаган.

Қонунлар ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситасига айланиши, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларнинг қабул қилина бошланиши ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишнинг амалий воситаларини тадқиқ этиш эҳтиёжини кучайтиради². Постсовет мамлакатларида қонундаги бўшлиқларни бартараф этишнинг ҳуқуқни қўллаш воситалари, масалан, ҳуқуқни шарҳлаш, ҳуқуқни аниқлаштириш, маъмурий ихтиёрийлик (дискрецион ваколат) ҳамда ҳуқуқ ва қонун ўхшашлиги тушунчалари ўртасидаги боғлиқлик³, уларнинг қўлланилиши тадқиқ этилган⁴.

Ўзбекистон Республикасининг 3 та кодексида ўхшашлик бўйича қўллаш институти ўз ифодасини топган: Фуқаролик ко-

¹ Қаранг: Саидов А.Х. Сравнительное правоведение: учебное пособие. – Т.: Адолат, 1999. – С. 245–250.

² Қаранг: Ахмедшаева М.А. Ҳуқуқдаги “бўшлиқлар” ва ижро ҳокимиятига оид ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш (назарий масалалар) // Ҳуқуқдаги бўшлиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари: Республика илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: ТДЮИ, 2009. – Б. 59–62; Сайдуллаев Ш.А. Ҳуқуқдаги бўшлиқлар: назарий ҳуқуқий муаммолар. Юр. фан. номз. дисс. – Т., 2011. – Б. 111–123; Микрюков В.А. О состоянии научных исследований по проблемам института аналогии в гражданском праве // Актуальные проблемы российского права. – 2018. – № 1. – С. 60–65.

³ Абдрасулов Е.Б., Абдрасулова А.Е. Применение методов толкования и аналогии права в деятельности суда и органа конституционного контроля в Республике Казахстан // Вестник СПбГУ. Право. 2020. Т. 11. Вып. 2. – С. 447–463.

⁴ Фидаров В.В. Пределы допустимости применения института аналогии права и аналогии закона в правовой системе России. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Тамбов, 2009. – С. 22–23; Шмалый О.В. Функциональная роль применения аналогии права в механизме осуществления исполнительной власти // Бизнес в законе. – 2011. – № 2. – С. 166–169; Пилипенко А.А. Возможность применения аналогии в публичных отношениях (на примере налогового законодательства) // Конституционные права и свободы: проблемы интерпретации реализации в национальных правовых системах: сб. ст. междунар.науч.-практ. конф. В 3-х т. Т. 3. – Новополюцк: Полоцкий государственный университет, 2016. – С. 201–208 ва бошқалар.

декси (14-модда), Оила кодекси (7-модда), Иқтисодий процесуал кодекси (13-модда) қарорларни ўхшашлик бўйича қабул қилиш, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонунда (17-модда) маъмурий ҳужжатларни маъмурий ихтиёрийлик асосида қабул қилиш асослари белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида” 12-сонли қарорида суднинг қонун ўхшашлиги ва ҳуқуқ ўхшашлигига таяниб қарор қабул қилиши асослари мустаҳкамлаб қўйилган¹.

Кўпинча қонунчиликдаги бўшлиқлар ҳақида сўз борганида норматив бўшлиқлар назарда тутилади, лекин норматив бўшлиқлардан ташқари нормаларнинг ифода тузилишидаги бўшлиқлар тўғрисида ҳам гапиришга тўғри келади². Бу бўшлиқлар ҳуқуқни қўллаш воситалари билан бартараф этилиши мумкинлигини қабул қилишдан олдин “Судья ёки бошқа ҳуқуқни қўллаётган мансабдор шахс ўз ихтиёрига кўра қарор чиқара оладими?” – деган саволга жавоб бериб, қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш воситаларини ўзбошимча қарор чиқаришдан ажратиб турувчи чегара муаммосини кўриб чиқиш лозим.

Бу муаммо муҳокамаси турли ҳуқуқий мактаб намоёндалари ўртасида илмий мунозараларга сабаб бўлган. Қуйида ушбу масалага нисбатан ҳуқуқий реализм, ҳуқуқий неопозитивизм ва ҳуқуқий натурализм нуқтаи назарларини кўриб чиқамиз. Бу муҳокамалар қонундаги бўшлиқларни ҳуқуқни қўллаш вақтида бартараф қилишнинг фундаментал асосларини аниқлашга ёрдам беради. Шундай фундаментал асосларни таклиф қилиши мумкин бўлган илмий йўналишлардан бири – бу ҳуқуқни рамзлар ва белгилар тизими сифатида ўрганиш тадқиқотларидир. “Ҳуқуқни қўлловчи ўз ихтиёрига кўра қарор чиқара оладими?” – деган саволга ҳуқуқни рамзлар ва белгилар тизими сифатида ўрганиш тадқиқотлари нуқтаи назаридан жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Америка реалистик ҳуқуқ мактаби намоёндалари – О. Холмс, К. Ллевеллин, Ж. Фрэнк бу муаммони норма шубҳачи-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 майдаги “Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида” 12-сон қарори // <https://lex.uz/docs/4396483>

² Сайдўллаев Ш.А. Ҳуқуқдаги бўшлиқлар: назарий ҳуқуқий муаммолар. – Б. 40–47.

лиги нуқтаи назаридан ҳал қилишади. Уларнинг фикрича, табиий тил ва унинг тузилишидаги ноаниқлик ҳуқуқий матннинг ноаниқлигини келтириб чиқаради, шунинг учун судья қарор чиқаришда ноаниқ ва бўшлиқларга эга ҳуқуқий нормага эмас, балки бу нормаларни қўллаш бўйича мавжуд амалиётга таяниши керак. Шунингдек, нормаларнинг ноаниқлигини бартараф этиб бўлмайди, шунинг учун ҳуқуқий нормалар кўплаб муқобил талқинларга эга ва судья ёки бошқа ҳуқуқни қўлловчи мансабдор шахс ҳуқуқий норма талқинларидан бирини мустақил танлай олади, шундан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқ нормаларини қўллашда ҳуқуқни қўлловчи ўз ихтиёрига кўра қарор қабул қилади¹.

Неопозитивизм асосчиси Г. Харт реалистларнинг бу хулосасини таҳлил қилади. Унга кўра, нормани муайян ҳолатга қўллаб бўлиши ёки йўқлиги ундаги умумий ифодалар маъносининг чегараланганлиги билан боғлиқ. Оддий ҳолатларга нисбатан умумий ифодалардан иборат ҳуқуқий нормани қўллаш муаммо туғдирмайди. Бироқ, мураккаб ҳолатларда (“хиралик” ҳолатида) нормаларнинг ноаниқлиги, уларни муайян ҳолатга қўллашда қийинчилик келтириб чиқаради, ифодаларнинг маъноси ўзининг аниқлигини йўқотади. Бу ҳолатни Г. Харт қоидаларнинг “очиқ матн тузилиши” деб номлайди.

Г. Хартнинг фикрига кўра, қонун чиқарувчи ҳуқуқ нормасини ижод қилаётганида барча ҳаётий ҳолатларни олдиндан ҳисобга ололмайди ва ҳисобга олиши мумкин ҳам бўлмайди. Г. Харт таъкидлашича, қонун чиқарувчи ҳаётий ҳолатларни ҳуқуқий тартибга солишда барча жиҳатларни атрофлича ҳисобга олишга қанчалик ҳаракат қилмасин, у икки нуқсондан қутула олмайди: биринчидан, ҳаётий ҳолатларни билишнинг нисбийлиги; иккинчидан, мақсаднинг нисбий ноаниқлиги². Г. Хартнинг фикрича, бу ноаниқликларни шарҳлаш воситасида камайтириш мумкин, лекин тўлиқ бартараф этиб бўлмайди. Бунинг сабаби, шарҳлаш ҳам тил қоидаларидан фойдаланиб амалга оширилади ва талқинни талаб қиладиган умумий ифодалардан тузилган бўлади.

¹ Bix B. Law, Language and Legal Determinacy. – Oxford: Oxford University Press, 1993. – 221 p.

² Қаранг: Харт Г. Понятие права. – С. 129–132.

Г. Харт мураккаб ҳолат сифатида транспорт воситаларидан боғда (дам олиш масканида) фойдаланишни тақиқловчи нормани мисол келтиради. Албатта, яхши таниш ва доимий содир бўладиган ҳолатлар борки, деб ёзади Г. Харт, улар умумий ифодаларни қўллаш учун аниқ бўлади ва қийинчилик туғдирмайди – масалан, агар нимадир транспорт воситаси бўлса, бу автомашинадир. Лекин шундай мураккаб ҳолатлар ҳам етарлича учрайдики, уларга нисбатан умумий ифодаларни қўллаб бўладими ёки йўқми номаълум, масалан, “Транспорт воситаси” тушунчаси ўз ичига электр двигателли ўйинчоқ машинани ҳам оладими ёки йўқми? Бунда транспорт воситаларидан боғда фойдаланишни тақиқловчи қоида боғдаги тинчлик, осойишталик, тозалikka зарар етказиши мумкин бўлган автотранспорт воситаларига нисбатан қўллаш учун аниқ, лекин электр двигателли ўйинчоқ машинага нисбатан қўллаш учун ноаниқдир. Энди ҳуқуқ тили хулқ-атвор моделини енгилгина аниқлашга имкон беришини ҳис қилиш йўқолади, фикр-мулоҳаза ва нормадан силлогик (дедуктив) хулоса чиқариш энди асос бўлмайди¹.

Г. Харт бундай мураккаб ҳолатларга нисбатан қоида қўллашда судья ёки бошқа ҳуқуқни қўлловчи қандай йўл тутаядиган саволни ўртага қўяди ва икки услубни кўрсатиб ўтади (ўхшашликлар услуби).

Биринчидан. Ҳуқуқни қўлловчи, дастлаб, ҳолатни аниқлашга киришади. Бунда маълум бир ҳолатларга нисбатан норманинг ноаниқлиги аниқланса, “Уни бу ҳолатларга қўллаш мумкинми?”, деган саволга жавоб беришга тўғри келади. Бунинг учун, аввал, амалдаги янги ҳолат олдинги ҳолатларга етарли даражада ўхшашлиги ёки йўқлиги аниқланади. Бу ерда тил кенг имконият беради, қоида қўлловчи ўхшашлиги ва яқинлиги учун янги ҳолатни ҳуқуқий тартибга солинадиган ҳолатлар қаторига қўшиб қўяди². Юқоридаги мисолда, ҳуқуқни қўлловчи “боғда транспорт воситасидан фойдаланиш тақиқланган” деган мазмундаги ҳуқуқий норма маъносини талқин қилишни “транспорт воситаси – бу автомашина” деган мулоҳазадан бошлайди.

¹ Қаранг: Харт Г. Понятие права. – Б. 130–133.

² Ўша жойда. – Б. 131.

Кейин кўриб чиқиладиган қонданинг боғда енгил автомобиль, автобус ва мотоцикллар ҳаракатини чеклашдан иборат мақсаддан келиб чиқиб, “транспорт воситаси” ифодасини электр двигателли ўйинчоқ машиналарга ҳам қўллаш мумкинлиги ёки йўқлиги тўғрисида қарор чиқариши керак бўлади. Бунинг учун бу ҳолатлар қоида қўлланадиган аниқ ҳолатни яққол эслатиши ёки йўқлиги ҳисобга олинади¹. Жумладан, автомашина сингари электр двигателли ўйинчоқ машина шовқин чиқарадими, тартибга ҳавф соладими, ҳавони ифлослантирадими? Бунда айрим мезонлар тўғри келади, айримлари тўғри келмайди.

Иккинчидан. Боғга транспорт воситаларини олиб келиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги қоида тушунарли шакллантирилганида енгил автомобиль, автобус, мотоцикл ҳолатлари ҳамда қонуннинг боғда тинчлик, осойишталик ва тоза ҳавони таъминлаш мақсади аниқ бўлади. Лекин боғда тинчлик, осойишталик ва тоза ҳавони таъминлаш мақсади доирасида кўриб чиқилмаган электр двигателли ўйинчоқ машина билан боғланишига қадар мақсад ноаниқ бўлиб қолади². Қонун чиқарувчи томонидан олдиндан ҳисобга олинмаган ва ҳал қилинмаган муаммоли вазият юз беради: “электр двигателли ўйинчоқ машиналардан фойдаланувчи болалар учун боғдаги осойишталикнинг бир қисмини қурбон қилиш керакми ёки осойишталик улардан ҳимояланган бўлиши керакми? – деган саволга жавоб берилмаган. Бунда ҳуқуқни қўлловчи (судья, мансабдор шахс) “хатто, агар қонун чиқарувчи боғда электр двигателли ўйинчоқ машинадан фойдаланиш масаласини кўриб чиқмаган бўлса ҳам, у бу ҳолат тўғрисида нима деган бўларди?” каби фаразий саволлар орқали қонун чиқарувчининг мақсадини аниқлайди³. Олдиндан ҳисобга олинмаган вазиятлар юз берганида муаммо рақобатлашадиган манфаатлар ўртасидан муҳимроғини танлаш орқали ҳал қилинади. Шундай йўл тутиб қонуннинг мақсади тўғрисидаги масала ҳал қилинади⁴.

¹ Дидикин А.Б. Аналитическая философия права: истоки, генезис и структура. – Томск: Изд-во Том. ун-та, 2016. – С. 82.

² Харт Г. Понятие права. – С. 132–133.

³ Дидикин А.Б. Аналитическая философия права. – С. 85.

⁴ Харт Г. Понятие права. – С. 133.

Ҳуқуқий нормалар “очиқ матн тузилиши”га эга бўлиб, уларни олдиндан тўлиқ таснифлаш мумкин эмаслиги тўғрисидаги Г. Хартнинг хулосасидан, кўпинча, реалистларнинг судья ўз ихтиёрига кўра қарор чиқариши тўғрисидаги нуқтаи назарини мустаҳкамлашда фойдаланилади. Лекин Г. Харт бунга эътироз билдиради ҳамда ҳуқуқий воқеликни ўрганишда ҳуқуқий норманинг фақат маъно тузилиши ва тартибга солувчи таъсирини эмас, балки инсоннинг реал ҳуққ-атворида уни қўллаш хусусиятини ҳам ҳисобга олиш керак, деб таъкидлайди. Г. Харт бу ерда яна бир янги тушунчани – ҳуқуқ нормаларига нисбатан “ички нуқтаи назар” тушунчасини ишлатишни таклиф қилади. Унинг таъкидлашича, замонавий давлатда индивидлар амалда ички нуқтаи назар деб номланган ҳуққ-атвор ва муносабатлар хусусиятини намоён қилади. Уларнинг ҳаётида қонунлар одатланганлик ёки суд қарорларини башорат қилиш асоси сифатида эмас, балки ҳуққ-атворнинг тан олинган модели сифатида амал қилади. Улар қонунга ҳуққ-атвор модели сифатида қарайдилар, унга ҳавола қиладилар, бошқаларни танқид қиладилар ёки ўзларининг талабларини асослайдилар. Улар қонунни ўз ҳуққ-атворлари учун қўлланма сифатида умумий тан олганларини ифодалайдилар. “Шу нарса шубҳасизки, – деб таъкидлайди Г.Харт, – қонунлар “очиқ матн тузилиши”га эга қоидалардир ҳамда уларнинг тузилиши очиқ бўлган жойларда индивидлар судлар қандай қарорга келишини ва ўз ҳуққ-атворини унга қандай мослаштиришни ўйлайдилар”¹. Г. Хартнинг фикрига кўра, нормалар амал қилиши учун судьяларнинг уларга содиқлиги талаб қилинади, судья нормаларни яратмайди, яъни судья ўз ихтиёрига кўра қарор чиқара олмайди. Судьялар ҳуқуқий нормаларни, уларнинг “очиқ матн тузилиши”га қарамасдан, қарор чиқаришда риоя қилиниши керак бўлган ва эркин ҳаракат қилишни чекламаса ҳам уни чегералайдиган моделлар сифатида қабул қиладилар².

Г. Харт оппоненти Р. Дворкин ҳуқуқнинг “очиқ матн тузилиши” тўғрисидаги ғояга қарши чиқади. У ҳуқуқ нафақат норма-

¹ Харт Г. Понятие права. – Б. 140–142.

² Ўша жойда. – Б. 149–150.

лар, балки принциплар билан ҳам таъминланганлиги сабабли ҳуқуқ матни очиқ тузилишга эга бўла олмайди, деб ҳисоблайди. Р. Дворкинга кўра, ҳар қандай мураккаб ишларнинг кўрилиши доирасида судья ҳуқуқ принципларига таянади ва улардан фойдаланади. Принциплар муайян бир қарорга келишга ундайди, лекин нормалардан фарқ қилиб, уларга риоя қилинмаса ҳам улар ўзгармас кўринишини сақлаб қолади. Агар судьяни, у тан олишга мажбурман деб ҳисоблайдиган принцип муайян бир қарорга ундаса ҳамда бошқа қарорга ундайдиган принциплар у билан тенг аҳамиятга эга бўлмаса, бунда у худди мажбурий нормага риоя қилгандек, биринчи принципга мувофиқ қарор қабул қилади. Албатта, судья принципларни баҳолашда хатога йўл қўйиши мумкин, лекин у худди шундай мажбурий ҳуқуқий норма тўғрисидаги мулоҳазасида ҳам хато қилиши мумкин. Судья турли принципларнинг нисбий аҳамиятини баҳолайди, шунинг учун у ўз ихтиёрига кўра қарор чиқара олмайди¹.

Америкалик ҳуқуқшунос, замонавий ҳуқуқий натурализм намоёндаси Лон Фуллер мазкур илмий баҳсда иштирок этиб, ҳуқуқ нормалари моҳиятан мақсадга йўналтирилган бўлиб, ҳуқуқ нормаси мавжуд бўлиши учун у муайян мақсадни ифодалаши керак, деган хулосани илгари суради². Л. Фуллернинг фикрича, маълум бир мақсадга эришишни назарда тутмайдиган ва бу мақсадга эришиш учун зарур бўлган воситаларни ўзида акс эттирмаган ҳуқуқ нормалари мавжуд бўлмайди. Л. Фуллернинг ёндашувига кўра, ҳуқуқ нормаси, биринчидан, моддий асос – ҳуқуқий норма матни; иккинчидан, ҳуқуқ ижодкори томонидан белгиланган нормадан мўлжалланган мақсад; учинчидан, ҳуқуқ нормасини унинг мақсадидан келиб чиқиб қўллаш воситаларини ўз ичига олади.

Л. Фуллер ҳуқуқни “инсон ҳуқ-атворини ҳуқуқий қоидалар қўлланмасига бўйсундириш тадбири” деб таърифлайди³. Л. Фуллерга кўра, ҳуқуқий матнда ўз ифодасини топган алоҳида атама ва иборалар, ифода ёки жумлалар ўз-ўзидан ҳуқуқий талаблар-

¹ Дворкин Р. О правах всерьез. – С. 62.

² Архипов В.В. Концепция права Лона Л. Фуллера. Дисс. канд. юрид. наук. – СПб., 2009. – С. 77–78.

³ Фуллер Л. Мораль права. – С. 150.

ни ифодалай олмайди. У “боғда транспорт воситалари тақиқланади” деган нормани ҳуқуқнинг мақсади нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Масалан, кимдир Иккинчи жаҳон уруши даврида ишлаб чиқарилган ишчи ҳолатдаги “Джип” русумидаги автомобилни ҳарбий ёдгорлик сифатида томоша учун боғга келтириб қўйса ва бу ҳолатни ҳуқуқни қўлловчи ҳуқуқ нормасининг сўзига қараб шарҳлайдиган бўлса, ҳуқуқбузарлик содир этилган деган хулосага келади. Лекин агар у юқоридаги норманинг мақсади – боғда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш эканлигини ҳисобга олса, бу ҳолатда ҳуқуқбузарлик содир этилган деган хулосага келиш адолатсизлик бўлади. Юридик талабнинг нима мақсадга мўлжалланганлигини билмасдан туриб муайян тўхтамга келиш ва ҳуқуқий нормани қўллаш мумкин эмас. Шунинг учун Л. Фуллер ҳуқуқий реализмни танқид қилиб, “ҳуқуқ амалда қандай” деган масалани “ҳуқуқ қандай бўлиши керак” деган саволга жавоб бермасдан ҳал қилиб бўлмайди, деган хулосани илгари суради¹. Л. Фуллернинг фикрига кўра, ҳуқуқ инсонлар томонидан муайян мақсад учун яратилади, шунинг учун “амалда ҳуқуқ нима”лигини “ҳуқуқ қандай бўлиши керак”лигидан ажратиб бўлмайди, ҳуқуқ ва қадрият алоҳида-алоҳида эмас, улар ягона реалликнинг икки жиҳатидир.

Шундай қилиб, агар ҳуқуқ нормасининг ҳуқуқни қўлловчи (судья ва бошқа мансабдор шахслар) томонидан бутун мамлакат ҳудудида қатъий бир маънода талқин қилиниши ва қўлланилиши талаби бўлмаганда эди, биз қонун, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва умуман ҳуқуқий тизимнинг мавжудлиги тўғрисида гапира олмас эдик. Лекин Г. Харт, Р. Дворкин ва Л. Фуллер баҳсига сабаб бўлган муайян мураккаб вазиятларда нормалар маъноси, мақсадлари нисбий ноаниқлик кўринишини олгандачи? Мураккаб ҳолатларда ҳуқуқни қўлловчи ўз ихтиёрига кўра қарор қабул қила оладими? Унда мураккаб ҳолатларга нисбатан бутун мамлакат ҳудудида қонуннинг қатъий ягона маънода, бир хил қўлланилиши (қонунийлик) талаби қандай амал қилади?

Бу мунозарани ҳуқуқни рамзлар ва белгилар тизими сифатида ўрганиш нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз. Ҳуқуқий семи-

¹ Архипов В.В. Концепция права Лона Л. Фуллера. – С. 82.

отиканинг Америка анъанаси ҳуқ-атвор қоидалари ҳамма вақт ҳам қонунчилик билан белгиланмаслиги, жамиятда бир-бири билан доимий рақобат қиладиган кичик ҳуқуқий тизимлар мавжуд бўлиши, судья рақобатлашадиган ҳуқуқий тизим қоидаларидан бирини танлаши тўғрисидаги ҳулосалари ҳуқуқий реализмнинг “судья ўз ихтиёрига кўра қарор қабул қилади” деган нуқтаи назарини қўллаб-қувватлайди.

Европа анъанаси эса неопозитивистик нуқтаи назарда туриб, қонуннинг очиқ матн тузилиши тўғрисидаги ғояни қўллаб-қувватлайди. Бунда қуйидаги асослар илгари сурилади:

биринчидан, қонун чиқарувчи табиий тилдан олинган ибора ва атамаларга қатъий бир маънолилиқ бериб, чексиз сондаги ҳуқ-атворларни тартибга соладиган чегараланган сондаги нормаларни ишлаб чиқади. Ҳеч қайси ибора ва атамалар ўз-ўзидан ҳуқуқий бўла олмайди, улар фақат қонунчилик матнидаги ҳуқуқий баён таркибидагина ҳуқуқий бўла олади¹. Ҳуқуқий матн таркибий қисмига айланаётганда атама ва иборалар ўзининг одатдаги маъно кенглигини йўқотади ва қатъий чегараланган маънолар вужудга келади²;

иккинчидан, ҳуқуқий ибора ва атамалар ҳуқуқ матнига бирлашганида яратилган матн алоҳида ибора ва атамаларнинг оддий маънолари йиғиндисидан кўпроқ маънога эга бўлади. Бу охирги яратилган маъно талқинни талаб қиладиган “код” хусусиятига эга бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, қонунни қўллаш тўғрисида гапирганда, маъно ва талқин ўртасидаги фарқни ҳисобга олиш керак бўлади³. Маъно – бу қонун матнидаги атама ва иборалар маъноси масаласи бўлса, талқин – бу ҳуқуқни қўллашда қонун матни маъносини талқин қилиш масаласидир. Бунда талқин қийинчиликлари қонун чиқарувчи олдиндан ҳисобга олмаган янги ҳолатлар юзага келганида пайдо бўлади⁴.

Бу масалада ҳуқуқий семиотика тадқиқотчилари ўртасида илмий баҳс мавжудлигини кўриш мумкин. Француз олимлари А. Греймас ва Э. Ландовский қонун матни қўлланилишига қа-

¹ Қаранг: Jackson B.S. Semiotics and Legal Theory. – P. 302.

² Ўша жойда. – Б. 308.

³ Ўша жойда. – Б. 267.

⁴ Ўша жойда. – Б. 269.

дар виртуал бўлади, унинг амалийлиги ҳуқуқни қўллаш орқали таъминланади, – деб ҳисоблайди. Унга кўра, қонунни қўллаб, судья қонун матнидаги баёнларнинг ҳуқуқий мақомини тасдиқлайди, шунингдек уларни қонундаги умумий ахборотдан реал ижтимоий ҳаётга мувофиқлашган ахборотга айлантиради. А. Греймас ва Э. Ландовскийларнинг таъкидлашича, қонун чиқариш – бу “ишлаб чиқиш юридикаси” бўлиб, ҳуқуқий маъноларга эга муайян матнлар яратилишига олиб келади. Судлов эса – бу “текшириш юридикаси” бўлиб, унда қонун матнларининг ҳуқуқий грамматикага мувофиқлиги текширилади¹. Уларнинг фикрича, “текшириш юридикаси” бу “тозалаш юридикаси” вазифасини бажаради. Бунда судья ҳуқуқни қўллаш жараёнида қонун чиқарувчи ишлатган ибора ва баёнларнинг мақомини текширади ҳамда потенциал ҳуқуқий ахборотни амалий ҳуқуқий ахборотга айлантиради².

Б. Жексон судья томонидан қўлланилишига қадар қонун матни виртуал бўлиши тўғрисидаги ғояга эътироз билдиради. Б. Жексонга кўра, судьянинг “ўз ихтиёри билан қарор чиқариши” мумкинлиги ёки йўқлиги масаласига ечим топиш учун қонунчилик нафақат белгилардан, балки рамзлардан ҳам иборат эканлигини ҳисобга олиш керак. Бунда ҳуқуқ матни талқинидаги кўп маънолилиқ муаммоси матннинг ичига мурожаат қилиниб бартараф этилади. Ҳуқуқий матнлар, шубҳасиз, кўплаб талқинларга эга бўлиши мумкин, лекин агар матнга унинг мақсади жиҳатидан ёндашилса, улардан қайси бирини танлаш масаласи ҳал қилинади³.

Ҳақиқатдан ҳам, агар ҳуқуқ матнини ҳуқуқий хулқ-атвори ифодаладиган рамзлар ва белгилардан иборат тузилмадан иборат деб қабул қиладиган бўлсак, талқин билан боғлиқ муаммо ҳуқуқий матн ичига мурожаат қилиниб ҳал этилишини кўрамыз. Бунга Г. Хартнинг таҳлилидаги боғда дам олувчилар хулқ-атвор модели мисолида кўриб чиқамиз.

Мазкур хулқ-атвор моделининг қуйидаги таркибий қисмларга эга эканлигини кўрамыз:

¹ Қаранг: Jackson B.S. Semiotics and Legal Theory. – Б. 116.

² Ўша жойда. – Б. 35.

³ Ўша жойда. – Б. 295–296.

1. Боғда дам олувчилар хулқ-атвор моделининг мақсади – одамларнинг дам олиши учун шарт-шароит яратишдан иборат.

2. Хулқ-атвор моделининг асосий субъекти – боғда дам олувчилар.

3. Асосий субъект эришишга интиладиган объект – боғда тинч, осойишта, тоза муҳитда дам олиш.

4. Асосий субъект ўз объектига эришишига ёрдам бериши керак бўлган субъектлар – боғда дам олиш бўйича шарт-шароитларни яратиш масъулияти юклатилган ва тегишли ваколатлар берилган давлат органлари, мансабдор шахс ва давлат хизматчилари кирази.

5. Асосий субъектга ўз объектига эришиш учун тўсқинлик қилиши мумкин бўлган субъектлар – дам олиш учун шарт-шароитларни бузиш билан боғлиқ қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар содир қилиши мумкин бўлган шахслар кирази (жумладан, транспорт воситаларидан боғда фойдаланиш).

Хулқ-атвор модели ҳуқуқ матнини ташкил қилган рамз ва белгилар воситасида ифодаланади:

1. Хулқ-атвор моделининг мақсади – ҳуқуқ рамзлари.

2. Асосий субъект ва у интиладиган объект – нишона белгилар.

3. Асосий субъектга мақсадга эришиши учун шароит яратиши керак бўлган субъектлар.

4. Асосий субъектга мақсадга эришиши учун тўсқинлик қилиши мумкин бўлган субъектлар – ишора белгилар воситасида ифодаланади.

Ҳуқуқий коммуникацияда қонун чиқарувчи томонидан ижтимоий муносабат иштирокчиларига бир эмас, икки умумий ифодадан иборат ишора белги узатилаётганини кўриш мумкин: биринчиси – бу транспорт воситаларидан боғда фойдаланишнинг тақиқланганлиги, иккинчиси – боғда дам олувчиларнинг дам олиши учун тинчлик, осойишталик, тозалик ва тоза ҳаво шароитига тўсқинлик қилишнинг тақиқланганлиги. Бунда ишора белгилар ҳуқуқ рамзига, яъни одамларнинг дам олиши учун шароит яратиш мақсадини ифодалайдиган матнлар мазмунига боғланган бўлади. Демак, транспорт воситаларидан фойдаланиш, улар транспорт воситаси бўлганлиги учун эмас,

балки одамларнинг боғда дам олишига тўсқинлик қилиши мумкинлиги учун тақиқланган. Масалан, велосипед ҳам транспорт воситаси, лекин агар ишора белги ва рамз боғланишидан келиб чиқилса, улар одамларнинг дам олишига қанчалик зарар етказишига ишора қилинади. Агар у дам олишга тўсқинлик қилмаса, демак ундан фойдаланиш мумкин. Зарар етказишига ишора қилувчи белги – бу унинг шовқин чиқариши, ҳавони ифлослантириши ёки тозаликка зарар етказишидан иборат бўлади. Агар транспорт воситаси шовқинсиз ҳаракат қиладиган ва ҳавони ифлослантirmайдиган электромобиль бўлса-чи, бунда ундан фойдаланиш боғда дам олувчиларга бошқа усулда зарар етказадими ёки йўқлигидан, масалан, боғда эркин ҳаракатланиш шароити таъминланиши нуқтаи назаридан баҳоланади.

Электр двигателли ўйинчоқ машина тўғрисида гап борганда эса, икки хулқ-атвор модели: боғда дам олиш хулқ-атвор модели ҳамда бола хулқ-атвор моделига тааллуқли рамзлар ва белгилар ҳисобга олинади. Бу ҳолатда боғда дам олувчилар учун тинчлик, осойишталик ва тозаликни таъминлаш мақсади билан болаларнинг ўйин фаолияти ҳамда дам олиши учун шарт-шароит яратиш мақсадининг қайси бири устуворлиги ҳуқуқ рамзи ва ишора белгилар боғланиши асосида ҳал қилинади. Агар электр двигателли ўйинчоқ машина шовқинсиз ҳаракат қилса ва ҳавони ифлослантirmаса, боғда дам олиш учун шарт-шароит яратиш мақсад ва принципларига зид бўлмаган восита сифатида рухсат берилади, лекин агар у дам олишга ҳалақит берадиган даражада шовқин чиқарса ёки ҳавони ифлослантирса, у боғда дам олишга тўсқинлик қиладиган восита сифатида тақиқланади.

Шундай қилиб, хулқ-атвор моделининг маълум бир таркибий қисми қонун матнида етарлича ифодааланмаган тақдирда, бу нуқсон ҳуқуқ рамзи ва ифодалаш тузилишидаги бошқа белгилар билан тўлдирилади, яъни ҳуқуқни қўлловчи хулқ-атвор модели мазмуни билан боғланган бўлади ва ҳар қандай мураккабликдаги ҳолатни кўриб чиқаётганда ҳам, у ўзбошимчалик асосида эмас, хулқ-атвор моделига мувофиқ қарор чиқаради.

Ҳуқуқни рамзлар ва белгилар тизими сифатида ўрганиш нуқтаи назарида ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишнинг амалий воситалари, жумладан ўхшашлик ва маъмурий ихти-

ёрийлик институтлари қонунийлик чегарасидан чиқмайдиган ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг зарурий элементи бўлиб, қонун билан тақиқланган ҳолатлардан ташқари уларни қўллаш мумкин. Шунинг учун улардан воз кечиш эмас, балки уларнинг ўзбошимчаликка айланишига йўл қўймайдиган воситаларни белгилаш талаб қилинади.

4.3. Ҳуқуқ рамзларини ўрганиш ва замонавий ҳуқуқий натурализм: ҳуқуқнинг ахлоқийлиги даражаси масаласи

Ҳуқуқни тушунишда унинг асосини илоҳий ақл ва виждондан келиб чиққан олий ахлоқий принциплар йиғиндиси билан боғлайдиган ҳуқуқий натурализм (табиий ҳуқуқ назарияси) “Адолатли ҳуқуқ қандай бўлиши керак?” – деган саволни кўриб чиқмасдан туриб, ҳуқуқ табиатини билиш мумкин эмас, деб ҳисоблайди. Ҳуқуқий натурализмга кўра, ахлоқийлик ва адолатлиликнинг фундаментал тамойилларини қўпол равишда бузадиган нормалар қонун деб номланишга лойиқ эмас. Ҳуқуқий натурализмнинг бу ғояси позитивистларнинг муайян давлатнинг қонунчилик тизимига кирувчи ҳар қандай қонунлар, улар яхшими ёки ёмонми, адолат ва ахлоқ тамойилларига тўғри келадими ёки йўқми, мазкур давлатнинг қонунларидир, деган нуқтаи назарни инкор қилиб келади.

Ҳозирги замон ҳуқуқий натуралиزمи ўзининг нуқтаи назарини нацистлар Германияси қонунларининг адолатсиз бўлганлиги, шунинг учун улар қонун сифатида қабул қилиниши мумкин эмаслиги мисолида ҳимоя қилади. Натуралистлар ахлоқийлик ва адолат тамойилларига мувофиқ келмайдиган қонунлар ҳақиқий қонунлар эмас ва уларга бўйсунушга ҳеч ким мажбур эмас, деб таъкидлайдилар. Улар ахлоқсиз, адолатсиз қонунларга бўйсунган шахслар адолатли қонунлар олдидаги жавобгарликдан озод бўлмаслигини нацистлар устидан Нюрнберг жараёни мисолида исботлашга ҳаракат қиладилар.

Немис ҳуқуқшуноси Роберт Алекси ўзининг “Ҳуқуқ тушунчаси ва воқелиги” асарида ҳуқуқнинг икки жиҳатли воқелик эканлиги, унда идеал (ғоявийлик) ва реал (амалийлик) жиҳат-

лар мужассамлашганлиги тўғрисидаги ғояни илгари суради¹. Р. Алексига кўра, ҳуқуқнинг амалийлиги жиҳати унинг ижод қилиниши ва амалда қўлланилиши самараси билан белгиланса, ғоявийлиги ҳуқуқнинг ахлоқий тамойилларга мувофиқлиги билан белгиланади².

Р. Алексининг фикрига кўра, ҳуқуқнинг ғоявий мазмуни ахлоқий тамойилларга мувофиқлик талабидан келиб чиқади. Р. Алекси ҳуқуқнинг ахлоқийлик мезонларига жавоб бериши нуқтаи назаридан чегараланиши тўғрисида гапиради. У ўз хулосаларини исботлаш учун Германия Федерал Конституциявий суди томонидан 1968 йилда нацистларнинг 1941 йил 25 ноябрдаги мамлакатни тарк этган яҳудийларни фуқароликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарорини кўриб чиқиб, уни ахлоққа ва адолатга зид бўлганлиги учун қабул қилинган қунидан бошлаб асоссиз деган хулосага келганлигини намуна қилиб кўрсатади. Р. Алекси таъкидлайдича, бу ҳолатда юридик жиҳатдан формал ўрнатилган ва узоқ вақт давомида амал қилган норма ахлоқий мезонларга асосан, яъни фундаментал ахлоқий принципларга мувофиқ бўлмаганлиги учун ҳуқуқий эмас деб тан олинган³.

Р. Алексининг фикрича, ҳуқуқ принциплари ҳуқуқий тизимнинг мажбурий таркибий қисмидир, улар ахлоқийликка тааллуқли принципларни ҳам ўз ичига олади. Принципларнинг икки томонлама жиҳати – бу уларнинг бир вақтнинг ўзида ҳам ҳуқуққа, ҳам ахлоққа тааллуқлилигидир. Ахлоқий принциплар мазмунан ҳуқуққа сингдирилгани учун ҳуқуқ ижодкори ва ҳуқуқни қўлловчи ҳам ҳуқуқий, ҳам ахлоқий мезонларга таянади ҳамда ҳуқуқнинг ахлоқийлик талабларига амал қилади⁴.

Л. Фуллер қонунлар ахлоқийлигининг икки турини – “ташқи ахлоқийлик” (қонунлар мазмунига қўйиладиган ахлоқий талабларни) ва “ички ахлоқийлик”ни (қонунчиликда ички тартиб-таомилларга риоя қилинишини) бир-биридан ажратади.

¹ Алекси Р. Понятие и действительность права (ответ юридическому позитивизму) / Пер. с нем. А.Н. Лаптева, Ф. Кальшойера. – М.: Инфотропик Медиа, 2011. – 192 с.

² Алекси Р. Дуальная природа права // Рос. ежегодник теории права. – 2009. – № 2. – С. 19.

³ Алекси Р. Понятие и действительность права. – С. 7.

⁴ Ўша жойда. – Б. 96–102.

У қонунчиликнинг адолат тамойили тартиб-таомилларига хос бўлган талабларни ҳуқуқнинг “ички ахлоқийлиги” деб номлайди. Л. Фуллернинг фикрича, ички ахлоқийликка риоя қилиниши эзгуликка интилишни келтириб чиқаради. Унга кўра, нацистлар қабул қилган қонунлар фақат “ташқи ахлоқийлик”ка зид бўлганлиги учунгина эмас, балки “ички ахлоқийлик”ка, яъни қонунчилик тартиб-таомилларига мувофиқ бўлмаганлиги учун ҳам ҳуқуқ ҳисобланмайди ва одамлар уларга бўйсунмасликка ҳақли эди¹.

Л. Фуллер қонунларнинг ахлоққа зидлигини келтириб чиқарадиган қуйидаги саккиз асосни кўрсатиб ўтади: 1) ҳуқуқий нормани ўрнатишга лаёқатсизлик; 2) қонунларнинг эълон қилинмаслиги ва аҳолига улар билан танишиш имконияти берилмаслиги; 3) орқага қайтиш кучига эга қонунлар қабул қилиш амалиётининг суиистеъмол қилиниши, қонунларни орқа сана билан тасдиқлаш амалиётидан фойдаланиш; 4) қонунларни тушунарли яратишга лаёқатсизлик; 5) бир-бирига зид қонунларни қабул қилиш; 6) бажариш имконияти бўлмаган талаблар қўядиган қонунларни чиқариш; 7) фуқароларга ўз хулқ-атворини қонунчиликка мувофиқ бошқаришга имкон бермайдиган даражада қонунларни тез-тез ўзгартириб туриш; 8) қонунлар билан уларнинг қўлланилиши ўртасида номувофиқлик².

Л. Фуллер, ҳуқуқнинг “ички ахлоқийлиги” тамойиллари ҳуқуқий тизимнинг ахлоқийлиги даражасини кўриш ва мувофиқ муносабат билдириш имкониятини беради, дейди. Ҳуқуқнинг “ички ахлоқийлик” тамойилларидан ҳар қандай чекиниш масъулиятли инсоннинг кадр-қимматини ҳақоратлаш бўлиб, бу принципларга риоя қилмасдан туриб инсонлар хатти-ҳаракатини умумий нормаларга бўйсундиришнинг имконияти йўқ³. Жамиятда ҳуқуқнинг амалийлиги ёки амалий эмаслиги мансабдор шахсларнинг “ички ахлоқийлик” тамойилларига риоя қилишдан иборат бўлган ахлоқий бурчларини бажаришларига боғлиқ. Л. Фуллер қонунларни қўллашга масъул бўлганларнинг

¹ Фуллер Л. Мораль права. – С. 55.

² Ўша жойда. – Б. 53.

³ Ўша жойда. – Б. 194.

ўзи назар-писанд қилмайдиган қонунларга бўйсунушнинг маъноси йўқ, деб ҳисоблайди¹.

Л. Фуллернинг фикрига кўра, ҳуқуқ ижодкори мазкур принципларга зид бўлган нормаларни яратишдан ўзини тийиши керак, чунки бу унга ҳокимиятни ишониб топширган жамият аъзолари олдидаги ахлоқий бурчдир. Шунинг учун ҳуқуқда том маънода ахлоқийлик мавжудлигини ва ҳуқуқ билан ахлоқни бир-биридан ажратиб бўлмаслигини тан олиш керак².

Л. Фуллернинг ҳуқуқнинг “ички ахлоқийлиги” тамойиллари тўғрисидаги ғоялари олимларнинг турли мунозаларига сабаб бўлган бўлса-да³, бугунги кунда ҳуқуқшуносликдаги неопозитивистик ва натуралистик қарашларнинг муайян даражада яқинлашишига ўз ҳиссасини қўшган, деб айтиш мумкин.

Неопозитивизм асосчиси Г. Харт ҳуқуқнинг ахлоқийлиги масаласини тадқиқ этишда Л. Фуллернинг натуралистик ғояларига маълум даражада яқинлашиб, “ҳуқуқнинг ички нуқтаи назари” ва “ҳуқуқнинг минимал ахлоқий мазмуни” тўғрисидаги хулосаларини тақлиф қилади. Г. Хартга кўра, ҳуқуқ нормаларига нисбатан икки хил нуқтаи назардан: ҳуқуқ нормаларини тан олмайдиган ташқи кузатувчи нуқтаи назаридан ва улардан ўз хулқ-атвори учун юриш-туриш қўлланмаси сифатида фойдаланадиган жамият аъзоси нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш мумкин. Г. Харт бу ҳолатни “ташқи ва ички нуқтаи назар”⁴, деб номлайди.

“Ички нуқтаи назар” ҳуқуқий тизим қоидаларини тан оладиган жамият аъзоларининг хулқ-атворини ифода этади, масалан, светофорнинг қизил чироғи бу тўхташни англатувчи белги бўлиб қолмай, балки “ички нуқтаи назар”дан тўхташга кўрсатма берувчи белгидир. Қизил чироқда тўхташлик – бу хулқ-атвор ва мажбуриятларга риоя қилиш намунаси. Инсон светофорнинг қизил чироғида тўхтайди ва “бу менинг мажбуриятим” шаклида фикрлайди, бу унинг ҳуқуқ нормаларига бўйсунувчи хулқ-атворининг вазиятга жавоби бўлади. Ўша инсон

¹ Фуллер Л. Мораль права. – Б. 54.

² Қаранг: Архипов В.В. Концепция права Лона Л. Фуллера. – С. 96.

³ Ўша жойда. – Б. 79–89.

⁴ Харт Г. Понятие права. – С. 94.

хулқ-атворига эътироз билдирилса, у қонун-қоидага мурожаат қилиб ўзини оқлашга ҳаракат қилади, бу унинг қоидани тан олганлигини кўрсатади. Қонун-қоидани тан олганлиги нафақат унинг бу қоидага риоя қилганида, балки ундан четга чиққанда ўзини ва бошқаларни танқид қилишида намоён бўлади¹. Г. Хартнинг фикрича, жамият аъзоларининг қўпчилик қисми ҳаётида ҳуқуқий нормалар жамиятда яшаш ва фаолият кўрсатиш бўйича хулқ-атвор қўлланмаси вазифасини бажаради².

Лекин жамиятнинг барча аъзолари ҳам ҳуқуқий нормаларни яшаш ва фаолият кўрсатиш қўлланмаси сифатида қабул қилмайди. Ҳуқуқий нормаларга бундай муносабатни Г. Харт “ташқи нуқтаи назар” деб номлайди. “Ташқи нуқтаи назар” ҳуқуқий тизим нормаларини тан олмайдиган ва уларга риоя қилмаслик салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкинлиги учунгина уларга риоя қиладиганлар ҳаётида ҳуқуқий қонун-қоидаларнинг амал қилиш хусусиятини ифодалайди. Бундай инсонлар жазоланиш таҳдиди бўлганлиги учунгина светофорнинг қизил чироғида тўхтайди ва ўзининг хулқ-атвори тўғрисида “агар мен шундай қилмасам, мени жазолашлари мумкин” шаклида фикрлайди, лекин унда “бу менинг мажбуриятим” каби фикрлаш бегона бўлади³.

Шунингдек, Г. Харт муайян ҳуқуқий тизимнинг мавжуд бўлиши ва амал қилиши учун, биринчи навбатда, амалдорлар ушбу тизимга ҳурматини намоён қилиши, ҳуқуқ нормаларига нисбатан “ички нуқтаи назар”га эга бўлиши шарт, – деб таъкидлайди. Г. Хартнинг фикрига кўра, агар мансабдор шахсларда улар бошқараётган тизимни “тан олиш”нинг муайян минимал даражаси бўлмаса, бундай ҳуқуқий тизим мавжудлигини таъкидлаш қийин. Г. Хартнинг бу хулосаси Л. Фуллернинг “ҳуқуқнинг ички ахлоқийлиги” ғоясига ҳамоҳанг эди.

Г. Харт ҳуқуқнинг ахлоқий мазмунга эга эканлигини тан олади ва ҳуқуқнинг “минимал ахлоқий мазмуни” тўғрисидаги ғояни илгари суради. Унга кўра, ахлоқий кўрсатмалар инсон хулқ-атворини тартибга солувчи воситалардан бири бў-

¹ Харт Г. Понятие права. – Б. 143.

² Ўша жойда. – Б. 96.

³ Ўша жойда. – Б. 95.

либ, ҳуқуқий нормаларда ахлоқий мазмун сингдирилган бўлади ҳамда исталган давлатнинг ҳуқуқий тизими фундаментал ахлоқий тасаввурларни келтириб чиқаради. Г. Харт “ҳуқуқ устуворлиги”, “адолат”, “эркинлик” тушунчаларини ахлоқнинг муҳим таркибий қисмлари сифатида таҳлил қилади. Г. Харт ҳуқуқ устуворлиги ахлоққа зид қонунларни инкор қилади, лекин мустабид тузумда ҳуқуқ устуворлиги ахлоқсиз мақсадларга хизмат қилиши мумкин, дейди. Қонундан ҳар қандай мақсадда, масалан, мустабид тузумни кучайтиришда ёки аксинча камбағалларнинг ҳимоясини таъминлашда ҳам фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, турли жамиятларда ҳуқуқ ва ахлоқ учун хос бўлган хусусиятлар мавжуд. Айрим жамиятларда ахлоқ жазоловчи, шафқатсиз, жаҳолатда қолган ёки бидъатпараст бўлиши ҳам мумкин, ижтимоий ахлоқ ҳукмрон тоифаларни ҳимоя қилиб, қуллар ва деҳқонларнинг тақдирини уларнинг ҳўжайинлари қўлига топшириб қўйиши ҳам мумкин¹. Бунга Қадимги дунё ёки Ўрта асрлардаги давлатларнинг аксарияти, айрим замонавий давлатлар мисол бўла олади.

“Бундай бўлса, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Германияда судлар тўкнаш келган ҳолатни қандай баҳолаш керак: Фашистлар Германиясининг ахлоқсиз қонунлари асосида жамиятни бошқарган ва ахлоқсиз, адолатсиз қилмишлар содир этган шахслар жазога лойиқ эдими?” – деган саволни ўртага қўйиб, Г. Харт бу муаммони ахлоқсиз қонунларни ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳақиқий деб тан олиш тўғрисидаги ғоя билан ҳал қилиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Г. Харт ҳуқуқни тушунишда ҳақиқий бўлмаган қонунни ахлоқсиз қонундан ажратиш бу муаммоларнинг мураккаблиги ва бошқа-бошқа эканлигини кўришга имкон беради, деб ёзади².

Ҳуқуқни рамзлар ва белгилар тизими сифатида ўрганиш (ҳуқуқий семиотика) нуқтаи назаридан ҳуқуқ қадриятларни ифодалайдиган рамзий шакллар, моделлардан иборат³. Ҳуқуқ рамзлар ва белгилардан иборат тизим сифатида қаралса, ҳуқуқ ижодкори у ёки бу ижтимоий муносабатларга тааллуқли ҳуқуқ-

¹ Харт Г. Понятие права. – Б. 186.

² Ўша жойда. – Б. 213.

³ Разуваев Н.В. Государство как предмет изучения юридической семиотики. – С. 7.

ни (хуқуқий хулқ-атвор моделини) шакллантириш учун дастлаб жамият иродасини ва жамиятда амалда шаклланган ижтимоий муносабатларни аниқлайди. Қонун чиқарувчи томонидан жамият иродаси миллий ирода ва мақсадлар шаклида ўрнатилиб, у хуқуқнинг (хулқ-атвор моделининг) ғоясини, мазмун-моҳиятини ташкил қилади.

Миллий ирода ва мақсадлар мазмунида ахлоқий асослар муҳим ўрин эгаллайди. Улар жамиятда шаклланган ижтимоий ахлоққа асосланади. Ижтимоий ахлоқ умуминсоний ахлоқий қадриятлар билан бирга миллий маданий қадриятларни ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам эркинлик, тенглик, адолат каби ахлоқий мезонларнинг турли жамиятларда турли маънода тушунилиши тўғрисида гапириш мумкин. Умумий кўринишда, масалан, Европа маданиятида эркинлик, тенглик ва адолат мезонлари уларни мутлақ тушунишга асосланса, Шарқ мамлакатларида бу мезонлар миллий-маданий қадриятлар талаби билан йўғрилган мазмунга эга бўлади, яъни бу мезонлар миллий қадриятлар доирасида талқин қилинади. Миллий-маданий қадриятларга таянмаган ирода эса, жамият аъзоларига бегона ва тушунарсиз бўлиши мумкин. Борди-ю, миллий-маданий ахлоққа зид мазмундаги қонунлар қабул қилинса, инсонлар уларни ахлоқсиз ва адолатсиз қонунлар сифатида баҳолаб, уларга риоя қилмайди, бу хуқуқий тизим инқирозини англатади.

Жамият аъзосининг хулқ-атвори жамиятнинг бошқа барча аъзолари учун умумий бўлган маданиятдан келиб чиққан рамзлар тизими воситасида йўналтирилади. Шунингдек, муайян бир маданиятга тааллуқли одамлар учун умумтушунарли рамзлар, бошқа маданият вакиллари учун тушунарсиз бўлиши мумкин¹. Қонуннинг жамият аъзоларига тушунарли ва тўғри идрок қилинишини унга сингдирилган минимал миллий ва умуминсоний ахлоқий мазмун таъминлайди. Қонун чиқарувчи эркинлик, тенглик ва адолат мезонларига таянаётганида, унинг миллий-маданий қадриятларни поймол қилувчи шаклда ифодаланшининг олдини олишга мажбур, масалан, миллий-маданий ахлоққа зид диний секталар ёки ноанъанавий турмуш тарзи ай-

¹ Гаджиев Г.А. Онтология права: (критическое исследование юридического концепта действительности): монография. – М.: Норма: ИНФРА-М, 2013. – С. 239.

рим жамиятларда миллий-маданий ахлоққа зид, бундан келиб чиқиб жамият иродаси ва мақсадларига бегона эканлиги учун уларга рухсат берилмайди. Шунингдек, жамият аъзоларига узатилаётган хулқ-атвор модели жамият аъзоларининг кўпчилик қисми томонидан ички нуқтаи назардан қабул қилиниши учун қонун чиқарувчи жамиятдаги турли гуруҳларнинг муқобил талабларини ҳисобга олиши, уларни жамият аъзолари билан муҳокама қилиши қонунларнинг минимал миллий-ахлоқий мазмунга эга бўлишини таъминлайди.

Агар қонун уни бажариши лозим бўлган жамият аъзоларининг миллий-ахлоқий қадриятларига зид хулқ-атворни улардан талаб қилса, уларнинг олдига рия қилиб бўлмайдиган шартлар қўйилган бўлади ва бу қонун ички нуқтаи назардан қабул қилинмайди. Шундай қилиб, жамият аъзоларига узатилаётган хулқ-атвор моделлари яшаш ва фаолият кўрсатишнинг дастуриламал қоидалари сифатида қабул қилиниши учун уларнинг мазмунида минимал ахлоқий мазмун, яъни умуминсоний ва миллий-маданий ахлоқий мезонлар ўз ифодасини топган бўлиши керак.

Шундай қилиб, ҳуқуқни рамзлар ва белгилар тизими сифатида ўрганиш нуқтаи назаридан ҳуқуқ табиатини таърифлашда унинг идеал жиҳатларини қайта таҳлил қилиш ёки қайта таърифлашга даъво қилинмайди, балки айни мавжуд жиҳатларни умумлаштирувчи ёндашув сифатида хизмат қила олади. Ҳуқуқий семиотика ҳуқуқ табиати тўғрисида турли ғояларни келиштириб, ҳуқуқни кўпжиҳатли воқелик сифатида таклиф қила олади.

Ҳуқуқ рамзларини ўрганиш нуқтаи назаридан ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш самарасини оширишга хизмат қилиши мумкин бўлган қатор хулосаларни илгари суриш мумкин:

биринчидан, ҳуқуқий тизимнинг ижтимоий муносабатларга мувофиқ узлуксиз ўзгариб бориши ва бунда мулоқот амалларининг ўрни тўғрисидаги хулосалар қонунчиликнинг ижтимоий муаммоларни ҳал этиш эҳтиёжларига мувофиқ доимий янгиланиб, такомиллаштириб борилиши лозимлиги тўғрисидаги ғояни назарий асослайди;

иккинчидан, ҳуқуқни ахборотни узатувчи ва қабул қилувчи ўртасидаги коммуникациявий тузилиш сифатида тушуниш унинг тартибга солиш хусусиятларини чуқурроқ таҳлил қилиш имконини беради. Қонун матни маъносини тўғри ифодалаш ва талқин қилиш муҳим бўлиб ҳисобланади, шунинг учун ҳуқуқий тизим қонунчилик матнларидан ташқари уларни талқин қилувчи аудитория хусусиятларини ҳисобга олишни ҳам тақозо этади;

учинчидан, ҳуқуқни ифодаланадиган (матн) ва ифодаладиган (рамзлар ва белгилар) билан боғлаш ҳуқуқий тартибга солиш самарасини ҳуқуқни ифодалаш нуқтаи назаридан ўрганишга имконият яратади;

тўртинчидан, ҳуқуқ рамзларини ўрганиш ҳуқуқ матнини аниқ роль ва функцияларга эга субъектларга мўлжалланган хулқ-атвор моделлари тўғрисидаги ахборот сифатида кўриб чиқишга йўл очади;

бешинчидан, қонунлар ижтимоий муносабат иштирокчилари тушунадиган тилда яратилган ва узатиладиган хулқ-атвор модели тўғрисидаги ахборот сифатида тақдим қилинади, қонунларни яратишда уларнинг ижтимоий муносабат иштирокчиларига тушунарли бўлиши нуқтаи назаридан ёндашилади;

олтинчидан, қонун матнида хулқ-атвор моделининг маълум бир таркибий қисми етарлича ифодаланмаган тақдирда, бу бўшлиқ ҳуқуқ рамзи ва ифодалаш тузилишидаги бошқа белгилар билан тўлдирилади ҳамда бунда ҳуқуқни қўлловчи ўзбошимчалик асосида эмас, балки хулқ-атвор моделига мувофиқ қарор чиқаради, деган тўхтамга келинади;

еттинчидан, қонун жамият аъзоларига тушунарли бўлиши ва хулқ-атворнинг дастуриламал қўлланмаси сифатида тан олиниши учун унга минимал миллий ва умуминсоний ахлоқий мазмун сингдирилади. Бунга шунингдек, ҳуқуқ ижодкорининг жамиятдаги турли гуруҳлар талабларини ҳисобга олиш, ҳуқуқий тартибга солиниши талаб қилинадиган муносабатларни жамият аъзолари билан муҳокама қилиш воситасида эришилади;

саккизинчидан, қонунлар келиб чиқиш манбаи жиҳатидан ижтимоий маданиятга боғланадиган қадриятлардир. Жамият аъзосининг хулқ-атвори жамиятнинг бошқа барча аъзолари

учун умумий бўлган маданиятдан келиб чиққан рамзлар тизими воситасида йўналтирилади. Шунингдек, муайян бир маданиятга тааллуқли одамлар учун умумтушунарли рамзлар, бошқа маданият вакиллари учун тушунарсиз бўлиши мумкин;

тўққизинчидан, ҳуқуқ маданий қадриятлар билан боғлиқ рамзлардан иборат бўлиб, ҳиссий-эмоционал таъсир этиш хусусиятига эга. Бу ҳолат ҳуқуқ рамзларини юридик техниканинг муҳим унсури сифатида ўрганиш заруриятини асослашга замин яратади.

Бешинчи боб. ҲУҚУҚ РАМЗЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

5.1. Ҳуқуқ рамзларини ўрганиш тушунчаси

Ҳуқуқ рамзлари ҳуқуқий герментевтика, ҳуқуқий лингвистика каби ҳуқуқий ва тармоқлараро фан соҳалари томонидан ўрганилади. Ҳуқуқий герментевтика ҳуқуқ рамзларининг ҳуқуқий матнларни шарҳлаш воситаси сифатидаги хусусиятларини ўрганса, ҳуқуқий лингвистика ҳуқуқий тил воситаси сифатидаги хусусиятларини ўрганади. Ҳуқуқ рамзларининг ҳуқуқий ахборотни узатиш ва қабул қилиш хусусиятларини ўрганадиган фан – бу ҳуқуқий семиотикадир. Ҳуқуқий семиотика қандай фан? Бу саволга атрофлича жавоб беришдан олдин фанлараро “семиотика” тушунчаси ва атамасининг пайдо бўлишини кўриб чиқиш керак.

Бугунги кунда “семиотика” атамаси жаҳон фанида умумқабул қилинган бўлиб, рамзлар ва белгилар билан ифодалаш тўғрисидаги фан маъносини англатади. Тегишли адабиётлар таҳлил қилинганда, семиотикага берилган таърифлар мазмуни бир-бирига яқин эканлигини ва улар бир-бирини тўлдиришини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда нашр этилган фалсафага оид луғатда “рамз” тушунчаси таърифланган бўлса-да, “семиотика” тушунчасининг таърифи ўз ифодасини топмаган¹. Тилшуносликка оид луғатда “семиотика”га – турли-туман белгилар (рамзлар) тизимининг умумий хусусиятларини ўрганувчи фан, деган таъриф берилган².

Шунингдек, “семиотика” тушунчаси таърифини хорижда чоп этилган фалсафий ва тилшуносликка оид адабиётлардан топиш мумкин:

Масалан, италиялик файласуф олим, семиотика соҳаси мутахассиси У. Эко семиотика – “маданият воқеликларини белги

¹ Қаранг: Фалсафа. Энциклопедик луғат. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – Б. 44.

² Қаранг: Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б. 87.

тизимлари ва коммуникация воқеликлари сифатида ўрганадиган индуктив фандир”, деган таърифни берган¹. Россиялик адабиётшунос Ю. Лотман “семиотика – бу мулоқот жараёнида инсонлар фойдаланадиган коммуникатив тизимлар ва белгилар тўғрисидаги фан”, деб таърифлаган².

Россияда чоп этилган тилшуносликка оид луғатда – “семиотика (семиология)” ахборотни сақлаш ва ифодалашга хизмат қиладиган турли белги тизимлари тузилиши ва амал қилишининг умумийлигини ўрганадиган фан бўлиб, бу белги тизимлари инсонлар жамиятида (тил, маданият, одат ва маросимлар, кино ва бошқалар), табиатда (ҳайвонлар коммуникацияси) ёки инсоннинг ўзида (нарсаларни кўриш ва эшитиш орқали идрок қилиш, мантикий фикрлаш) амал қилади, деган таърифни кўра-миз³.

Россияда чоп этилган фалсафага оид луғатда “семиотика” турли соҳаларнинг ўзаро мутаносиблигини тил воситасида таъминлашга хизмат қиладиган тармоқлараро хусусиятга эга, лекин шу билан бирга, ҳар бир алоҳида соҳада махсус тилдан фойдаланишни ўрганадиган фан сифатида таърифланиб, семиотиканинг диққат марказида табиий ва сунъий тиллар (шу жумладан, илмий назария тили, кино, театр, мусиқа ва бошқалар), кўргазмали белги тизимларининг барча турлари (йўл ҳаракати белгиларидан тортиб суратларгача), табиат ва жамиятдаги турли-туман сигнал бериш тизимлари туриши белгилаб ўтилган⁴. Яна бир фалсафий луғатда – “семиотика” ёки “семиология” белги тизимларининг умумий хоссаларини тадқиқ этадиган илмий назариялар мажмуи, деб таърифланган⁵. Маданиятшуносликка бағишланган луғатда – “семиотика” белги тизимлари тўғрисидаги фан, кибернетика, маданиятшунослик, виртуалистика билан бир қаторда XX асрнинг махсус фанларидан бири, деб тавсифланган⁶.

¹ Эко У. Отсутствующая структура. – С. 33.

² Лотман Ю.М. Семиосфера. – С. 6.

³ Степанов Ю.С. Семиотика // Языкознание. Большой энциклопедический словарь. – М.: Большая Российская энциклопедия, 1998. – С. 441.

⁴ Усманов А.Р. Семиотика // Всемирная энциклопедия: Философия. – М.: АСТ, 2001. – С. 913.

⁵ Финн В.К. Семиотика // Новая философская энциклопедия. В 4-х т. Т. 3. – М.: Мысль, 2010. – С. 520.

⁶ Руднев В. П. Словарь культуры XX века. – М.: Аграф, 1997. – С. 265.

Агар юқоридаги барча таърифларни умумлаштирадиган бўлсак, “семиотика” атамаси табиат ва жамиятдаги рамзлар ва белгилар тизими, рамзлар ва белгилар билан ифодалаш тўғрисидаги фан, деган маънони англатади. Семиотика энг умумий маънода, рамзлар ва белгиларнинг табиати ҳамда функцияларини, тизим ва жараёнларини аниқлашни мақсад қилади.

“Семиотика” атамаси қандай келиб чиққан?

Семиотика фан сифатида XX асрнинг бошларида шаклланган бўлса-да, рамзлар ва белгилар билан ифодалаш, ахборот узатиш тўғрисидаги ғоялар энг қадимги даврлардан бошлаб пайдо бўлган. “Семиотика” атамаси аслида ишорат, белги маъносини англатувчи юнонча “семеон” сўзидан келиб чиққан. Гомер асарларида “семеон” маъбудлар томонидан юборилган рамзлар ва белгилар бўлиб, келажакни билиш учун улар маъноси талқин қилинган¹. Қадимги Римда маъбудлар томонидан юборилган белги-рамзларни талқин қилиш давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг муҳим унсурига айланган. Давлатнинг энг муҳим қарорлари илоҳий рамзлар талқин қилингандан кейин қабул қилинган². “Маъбудлар ўзининг иродасини одамларга етказишни истайдилар, бунинг учун белгилар (signa) юборадилар, уларни англаб етиш ва талқин қила олиш қобилияти бўлиши керак”, – деб ёзади Цицерон³. Цицеронга кўра, маъбудлар томонидан тақдим қилинган абадий қонун ҳалол ишларга ундайдиган ва жинойтлардан нафратлантирадиган, фақат ёзилган вақтдагина эмас, балки пайдо бўлган вақтидан қонун бўла бошлаган ақлдир. У илоҳий тафаккур билан бир вақтда пайдо бўлган. Олий қонуннинг илоҳий маъносини очишда донишмандлар – “prudentes” (“iuris prudentes” – ҳуқуқ донишмандлари) муҳим ўринга эга⁴.

Илмий билимлар соҳасида “семеон” иборасини, дастлаб, стоиклар ифодалайдиган ва ифодаланадиганнинг муносабатини англатувчи атама сифатида қўллашган. Гераклит, Демокрит, Платон ва Аристотель, стоиклар, скептиклар, эпикурчи-

¹ Фещенко В.В., Коваль О.В. Сотворение знака: Очерки о лингвоэстетике и семиотике искусства. – М.: Языки славянской культуры, 2014. – С. 33.

² Цицерон Марк Тулий. О государстве // Диалоги. О государстве. О законах. – М.: Наука, Ладомир, 1994. – С. 40.

³ Цицерон. О дивинации // Философские трактаты. – М.: Наука, 1985. – С. 235.

⁴ Цицерон Марк Тулий. О государстве. – С. 112–113.

лар, гностиклар и пифагорчилар ўртасида белгилар, рамзлар ва сўзларнинг моҳияти, уларни талқин қилиш, нарсa номларининг улар табиатига мувофиқ келиши, ифодаланаётган нарсa учун номларнинг шартли белги вазифасини бажариши масалалари муҳокама қилинган.

Шарқ Уйғониш даври мутафаккирлари¹ қонунлар моҳияти, уларни рамзлар ва белгилар билан ифодалаш, бир нарсанинг иккинчи нарсани ифодалашда белги сифатида хизмат қилиши, ифодалашда ва фикрлашда мантикий амалларнинг қўлланилиши масалалари бўйича фикр-мулоҳаза юритганлар. Абу Али ибн Сино ўзининг “Китоб ал-Ҳидоя” – “Фалсафа бўйича қўлланма” асарида сўзларнинг ифодалаш тузилишини муҳокама қилган². Абу Наср Форобий нарсанинг белгилар ва рамзлар воситасида ифодаланиши тўғрисида шундай ёзади: “Биз ҳис-туйғу билан биладиган ва улар тасдиқ этадиган нарсалар табиатдан мавжуд нарсалардир. Мавжуд нарсаларни хабардор этувчи нарсаларга келсак, улар бизга ўзга бир нарсa ҳақида эмас, фақат ўша нарсa ҳақида ахборот берадилар, улар бизга ўша нарсa қанчалигини, қандайлигини билдирадидлар ёки ҳис-туйғу билан билинаётган нарсaга нисбатан ташқарида бўлган бошқа нарсa ҳақида ахборот берадилар. Бу ҳолат, қачонки, бирларидан бошқалари орқали фойдаланилса, бошқалари орқали аниқлансалар рўй беради”³.

Янги замонда “Семиотика” атамасини дастлаб XVII асрда инглиз маърифатпарвар файласуфи Ж. Локк ишлатган. У фанларни бир неча турларга бўлиб, улардан бирини “семиотика” ёки “белгилар тўғрисидаги таълимот”⁴ деб номлайди. Ж. Локкнинг фикрича, сўзлар – мулоқот учун зарур бўлган белгилар бўлиб, инсонлар бу белгилардан фикрларни хотирада мустаҳкамлаш ёки ғояларни бошқаларга узатиш учун фойдаланадилар⁵. У семиотикани нарсалар маъносини тушуниш ёки ўз билимларини бошқаларга узатиш учун фойдаланиладиган ақлдаги рамз-

¹ Мухиддинова Ф.А. Шарқ Уйғониш даври мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари (Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синонинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари асосида). Юр. фан. док. дисс. – Т., 2010. – 200-226 б.

² Абу Али ибн Сина. Избранное. В 2-х т. Т. 2. – Душанбе-Ашгабад: Центр культурных и международных исследований, 2003. – С. 30–33.

³ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: Янги аср авлоди, 2018. – Б. 101.

⁴ Локк Дж. Опыт о человеческом разумении. Соч. в 3-х т. Т. 2. – М.: Мысль, 1985. – С. 200.

⁵ Ўша жойда. – Б. 461–462.

лар ва белгиларнинг табиатини ўрганишга хизмат қиладиган фан сифатида тушунтиради. Ж. Локкнинг ғоялари XX асрнинг бошларида лингвистика, мантик, кибернетика, ахборот назарияси каби соҳалардаги тадқиқотларнинг кенгайиши ва семиотика фанининг шаклланишига туртки берган¹.

XX асрнинг бошларида семиотика фани икки йўналишда ривожланган: Америка семиотикасида тадқиқот объекти асосан новербал рамзий тизимлар, Европада тил воситасида ифодалаш билан боғлиқ рамзлар ва белгилар бўлган. “Семиотика” ибораси замонавий илмий истеъмолга XX асрнинг бошларида америкалик файласуф Ч. Пирс томонидан киритилган. Ч. Пирснинг тадқиқотлари семиотика фани пойдевори бўлиб хизмат қилган. Ч. Пирс рамзлар ва белгиларсиз фикрлаб бўлмаслиги ҳамда ҳар қандай нарса: ашё, атама, жумла, ҳаракат, овоз, тасвир ва ҳоказо муайян бошқа нарса ёки воқеликнинг белгиси (рамзи) бўлиши мумкин деган хулосага келган. Худди шу даврда Европада Швейцариялик тилшунос Ф. де Соссюр тил белгилари ва уларнинг хусусиятларини ўрганиб, ўзининг тадқиқотларига нисбатан “семиология” иборасини ишлатган.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб семиотика универсал фанга айланган ва кўплаб фанлар доирасида ўрганила бошланган. Семиотиканинг кўплаб тадқиқот соҳалари пайдо бўлган: биосемиотика, экосемиотика, ижтимоий семиотика, семиотик антропология, сиёсат семиотикаси, ҳуқуқий семиотика, маданият семиотикаси, адабиёт семиотикаси, тиббий семиотика, математик семиотика, компьютер семиотикаси, медиасемиотика, реклама семиотикаси, санъат семиотикаси ва бошқалар². Шунингдек, деярли барча соҳаларда семиотик тадқиқотлар олиб борилиши мумкинлиги уни турли фанлар ўртасида фанлараро кўприк бўлиб хизмат қилиши истиқболи борлигини кўрсатди.

Семиотика тармоқлараро фундаментал фан сифатида бошқа фанлар билан бир қаторда ҳуқуқий тадқиқотлар соҳасига ҳам таъсир кўрсатди ва XX асрнинг иккинчи ярмида ҳуқуқий семиотика фанининг пайдо бўлишига олиб келди. Америкалик ҳуқуқшунос Р. Кевельзон файласуф Ч. Пирснинг рамзлар ва бел-

¹ Лотман Ю.М. Семиосфера... – С. 8.

² Фещенко В.В., Коваль О.В. Сотворение знака... – С. 38–39.

гилар тўғрисидаги таълимотини ҳуқуқий тадқиқотлар соҳасига тадбиқ этиб, асосий эътиборини ҳуқуқий мулоқотда рамзлар ва белгилардан фойдаланиш масалаларига қаратди. Шу вақтнинг ўзида Европада А. Греймас тилшунос Ф. де Соссюр ғояларини ҳуқуқий тадқиқотларга тадбиқ этишга ҳаракат қилди, кейинчалик инглиз ҳуқуқшуноси Б. Жексон бу тадқиқотларни ривожлантирди. Уларнинг тадқиқотларида ҳуқуқий матннинг ифода тузилишига асосий эътибор қаратилган¹. Унга кўра, ҳуқуқий семиотикага бағишланган исталган тадқиқот энг мунозарали уч савол атрофида бўлиши керак: булар ҳуқуқнинг табиати, семиотиканинг хусусияти, улар ўртасидаги муносабат характери. Буларнинг ҳар бири тадқиқотчига кўплаб изланиш вариантларини тақдим қилади².

Мустабид тузум даври ҳуқуқшунослигида семиотик тадқиқотлар зарурати тўғрисидаги дастлабки хулосани академик П. Рабинович илгари сурган, у ҳуқуқий нормаларнинг семиотик хусусиятларини таҳлил қилиш истиқболлари тўғрисида фикр юритган³. Дастлабки семиотик таҳлилни 1973 йилда Е. Прянишников “Семиотика ва ҳуқуқ” номли мақоласида амалга оширган⁴. У қонунни семиотик таҳлил қилиб, қонун матнида қўлланиладиган айрим белгилар (рамзлар) хусусиятини кўрсатиб ўтган. Лекин бу тадқиқот кейинчалик ривожлантирилмаган. Ҳуқуқ рамзлари ва белгиларини ўрганиш соҳаси Ғарбдаги тадқиқотлардан орқада қолган. Ҳуқуқий семиотика соҳасидаги тадқиқотлар постсовет мамлакатларида қайта тикланди.

Ҳуқуқ рамзлари ва белгиларини ўрганиш соҳасида қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлса ҳам ҳозирги кунга қадар, ҳуқуқий семиотиканинг мақоми масаласида умумий ёндашув мавжуд эмас. Айрим олимлар уни умумий семиотиканинг тармоғи, бошқалар ёрдамчи ҳуқуқий фан, давлат ва ҳуқуқ назария-

¹Парадигматик даража атама ва ибораларнинг луғавий маъноси мажмуини ифодаласа, синтагматик даража уларнинг маънога эга бўлиши учун бир чизиқли баён шаклида тартибга солиниши услубини ифодалайди.

²Jackson B.S. Legal Semiotics and Semiotic Aspects of Jurisprudence // Prospects of Legal Semiotics. — London, New York: Springer Dordrecht Heidelberg, 2010. — P. 3.

³Рабинович П. М. Проблемы понимания в правовом регулировании // Правоведение. — 1988. — № 5. — С. 21–27.

⁴Прянишников Е.А. Семиотика и закон // Правовая кибернетика: сб. ст. — М., 1973. — С. 91–97.

сининг бўлими, яна бошқалар эса ҳуқуқий тадқиқотлар услуби сифатида таърифлайди¹. Шунингдек, семиотика услубларининг ҳуқуқий фанларда қўлланилиши мумкинлиги масаласининг ўзини шубҳа остига олувчилар ҳам бор².

Н. Разуваевнинг фикрича, ҳуқуқий семиотика мустақил юридик фан сифатида эмас, балки рамзлар ва белгилар воситасида ижтимоий-маданий коммуникация натижалари моҳиятини аниқлайдиган алоҳида ҳуқуқий ёндашув сифатида қаралиши мумкин. Семиотик ёндашув бўйича ҳуқуқ ижтимоий хулқ-атвор (жамият аъзоларининг ўзаро коммуникатив боғланиши) тури сифатида, шунингдек бу хулқ-атвордан келиб чиқадиган рамзий шакллар, моделлар мажмуи сифатида тушунилиши мумкин³. О. Павлишиннинг фикрига кўра эса, семиотик тадқиқотлар ҳуқуқни рамзий реаллик кўринишида ўрганадиган истиқболли илмий йўналиш бўлиб ҳисобланади⁴.

Ҳуқуқий семиотиканинг мақомига нисбатан ҳуқуқшунослар орасида ягона тўхтамнинг мавжуд эмаслиги бу соҳадаги тадқиқотларнинг нисбатан янгилиги ва камлиги билан боғлиқ. Лекин Б. Жексон айтганидай, ҳуқуқий семиотика мақомига умумий ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, бу соҳани бир вақтнинг ўзида ҳам қизиқарли, ҳам ёрқин қилади⁵.

Ҳуқуқнинг рамзлар ва белгилар тизими сифатидаги хусусиятларини ўрганиш кенг тарқалмаганлигини америкалик ҳуқуқшунослар Ж. Брукман ва Л. Бекер қуйидагилар билан боғлайдилар:

биринчидан, қонунлар ҳамда ҳуқуқий матнлар ҳуқуқ рамзлари ва белгилари воситасида ифодаланади ҳамда барча ҳуқуқшунослар рамзлар ва белгиларни ишлатадилар, лекин бунини маъно учун, қандай шаклларда амалга ошираётганликлари билан қизиқмайдилар. Улар ўз фаолиятларини рамзлар ва белгилар

¹ Jackson B.S. Legal Semiotics and Semiotic Aspects of Jurisprudence. – P. 28–29; Разуваев Н.В. Государство как предмет изучения юридической семиотики. – С. 5.

² Қаранг: Козлихин И. Ю. О нетрадиционных подходах к праву // Правоведение. – 2006. – № 1. – С. 31–40.

³ Разуваев Н.В. Государство как предмет изучения юридической семиотики. – С. 7.

⁴ Павлишин О.В. Теоретичні витоки семіотики права як галузі знань // Науковий вісник Національної академії внутрішніх справ. – 2017. – № 1. – С. 177–185.

⁵ Jackson B.S. Legal Semiotics and Semiotic Aspects of Jurisprudence. – P. 29.

билан ифодалаш сифатида эмас, балки ҳуқуқий фан, ҳуқуқий амалиёт ёки ҳуқуқ назарияси сифатида тушунадилар;

иккинчидан, ҳуқуқни тушунишга бўлган бир ёқлама қарашлар семиотиканинг ҳуқуқшунослар эътиборидан четга қолишига олиб келган;

учинчидан, амалиётчи ҳуқуқшунослар ҳуқуқ табиатини амалиёт билан боғлайдилар ва амалиёт билан бевосита боғланмаган ҳар қандай юридик фан ёки таълимотни эътиборга олмайдилар;

тўртинчидан, ҳуқуқий семиотикани таърифлашда оддий назарий ёки илмий хулоса кифоя қилмайди. Таъриф ўз ичига ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқшунослар яратадиган аниқ маъноларни, ҳуқуққа, хусусан, унинг ривожланиш динамикасига бўлган умумий қарашни, ҳуқуқнинг герменевтик жиҳатларини, жумладан, адолатнинг ифодаланишини, ҳуқуқни ҳаётга жорий қиладиган ҳуқуқий фаолиятнинг юридик-техник мазмунини ўз ичига олиши керак¹.

Шунингдек, Ж. Брукман ва Л. Бекер семиотик тадқиқотларга эҳтиёж кучли эканлигини қуйидагича асослайдилар:

биринчидан, бугунги кунда қонунчилик ва ҳуқуқий амалиётга нисбатан ҳуқуқий билим моделлари ўзгараётганлиги тўғрисида турли муҳокамалар бўлмоқда. Охир-оқибат улар янги қонунлар ёки услубларга эмас, балки ҳуқуқ тўғрисидаги янги билимларга олиб боради;

иккинчидан, жамиятда ижтимоий кўп маданиятлилиқнинг тез ривожланиб бориши натижасида ҳуқуқий билимлар янги истиқболларни тақозо этади;

учинчидан, ҳуқуқий билимлар умумий билимларда юз берган бир қатор фундаментал ўзгаришлар таъсирида ривожланмоқда. Ҳуқуқшунослар семиотикага тўқнаш келганда нафақат ҳозирга қадар номаълум рамзлар ва белгилар, балки инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг янги соҳаси – электрон коммуникация ёки кибермаконда ва нанотехнологияларда юзага келаётган мулоқотнинг илмий андазаларини ҳам кўриб чиқишлари керак бўлади;

¹ Broekman J.M., Backer L.C. Lawyers Making Meaning. – P. 8–9.

тўртинчидан, ҳуқуқий билимларнинг кенгайиши нафақат ҳуқуқий амалиётда, балки ҳуқуқий таълимда ҳам ўз ифодасини топиши керак. Ҳуқуқий таълимда семиотика, ҳуқуқ рамзлари ва белгилари, уларнинг маъноларни ифодалаш хусусиятларининг ўрганилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки талабалар юридик иборалардан, масалан, шартнома ҳуқуқи, хусусий ҳаётнинг дахлсизлиги, конституциявийлик ёки инсон ҳуқуқлари каби иборалардан қай йўсинда фойдаланишни ўрганадилар;

бешинчидан, ҳуқуқ ва семиотика ўртасидаги алоқадорлик академик фан таркибий қисми сифатида ҳамда ижтимоий-сиёсий амалиёт сифатида марказий мавзудир. Бу мавзунини ўрганиш талабалар эътиборини икки масалага йўналтиради: 1) рамз ва белги нима ҳамда ҳуқуқий нуқтаи назардан бу тушунчалар нимани англатиши ўрганилади; 2) ҳуқуқ рамзлари ва белгилари ҳуқуқий тизим таркибий қисмлари умумийлигини ифодаладиган тизим сифатида тушунтирилади. Унга кўра, қонунда, унинг ифодаланишида, функцияларида ҳуқуқий тизимнинг иродавий-мафкуравий хусусиятлари намоён бўлади¹.

Россиялик ҳуқуқшунос олим И. Честнов ҳуқуқий семиотикага бўлган эҳтиёжнинг кучайганлигини гуманитар билимлар соҳасида позитивизм ва структурализм инкирозини бартараф этиш зарурати билан боғлайди. Унинг фикрича, ижтимоий фанлардаги лингвистик, антропологик ва прагматик бурилиш барча ижтимоий воқеликларнинг рамзлар ва белгилар воситасида ифодаланишига эътибор қаратишни тақозо этади. Ҳуқуқий реалликнинг қурилиши ва ифодаланиши белги (рамз) шакллари ёрдамида амалга ошади². Инсонлар ўртасидаги муносабат ва мулоқотнинг рамзий хусусияти ҳуқуқий матн олдига матн маъноси ва уни тушуниш билан боғлиқ қатор муаммолар ечимини ва шунга мувофиқ мантик, герменевтика ва семиотика бўйича билимлар мажмуини долзарб қилиб қўймоқда³.

Француз ҳуқуқшунос олими А. Вагнер ва америкалик олим Ж. Брукман ҳуқуқни рамзлар ва белгилар тизими сифатида ўрганиш уч асосий жиҳатга эга деб ҳисоблайдилар: биринчидан,

¹ Broekman J.M., Backer L.C. Lawyers Making Meaning. — Б. 31–32.

² Честнов И.Л. Постклассическая теория права. — С. 166–167.

³ Ўша жойда. — Б. 355.

хуқуқ матни ва тилини тадқиқ қилишга ҳисса қўшиш; иккинчидан, хуқуқни рамзлар ва белгилар тизими билан узвий мутаносибликда ривожланадиган тизим сифатида тушуниш; учинчидан, хуқуқни маданий воқелик сифатида қараш¹.

Украиналик хуқуқшунос олим О. Павлишиннинг фикрича, хуқуқ кўп даражали рамзлар ва белгилар тизими бўлиб, уни ижтимоий онг шакли, қадриятли ва норматив тизим, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш воситаси, инсонлар ҳаёти-ни ташкил қилиш амалиёти сифатида кўриб чиқиш мумкин. Хуқуқни рамзлар ва белгилар тизими сифатида таҳлил қилиш, унинг тизимли хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш имкониятини беради. Шу билан бирга, О. Павлишин хуқуқий семиотика соҳасидаги тадқиқотлар, биринчи навбатда, хуқуқ рамзлари ва белгиларини ўрганиш, унинг методологик асосларини ёритиш, тушунчалар тизимини шакллантиришни ҳамда бу йўналишда тадқиқот олиб борган хорижий ва маҳаллий олимлар хулосаларини умумлаштиришни талаб қилади, деб ҳисоблайди².

Шундай қилиб, хуқуқ рамзларини ўрганиш (хуқуқий семиотика) хуқуқшуносликнинг илмий-тадқиқот йўналиши сифатида ўзининг предмети, объекти, тузилиши, функциялари, тушунчалар тизими, услубларига эга ва уларни ўрганиш талаб қилинади. Бу соҳада тадқиқотни амалга ошириш учун хуқуқ рамзларини ўрганиш истикболини аниқлаш билан бирга, хуқуқ рамзларидан амалда фойдаланиш масалаларини таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

5.2. Хуқуқ рамзларини ўрганиш предмети

Хуқуқ рамзлари ва белгиларини ўрганиш тўғрисидаги фан – хуқуқий семиотиканинг мақомини кўриб чиқиш, биринчи навбатда, унинг предметини ўрганишдан бошланиши керак. Хуқуқий семиотика нимани ўрганади? – деган саволга жавоб бериш орқали хуқуқ рамзларини ўрганишнинг хуқуқ фани ва хуқуқий амалиётда тутган ўрнини билиш мумкин.

¹ Wagner A., Broekman J. Promises and Prospects of Legal Semiotics – An Introduction // Prospects of Legal Semiotics. – London, New York: Springer Dordrecht Heidelberg, 2010. – P. IX–X.

² Павлишин О.В. Семіотичний аналіз права в контексті правсеологічних досліджень // Філософські та методологічні проблеми права. – 2011. – № 1. – С. 48–56.

О. Павлишин ҳуқуқий семиотиканинг предметини ҳуқуқнинг рамзлар ва белгилар тизими сифатида амал қилиш ва ривожланиш қонуниятлари, ҳуқуқий воқелик, ҳуқуқий белгилар (рамзлар) ва ҳуқуқни талқин қилувчилар ўртасидаги муносабатлар ташкил қилади, деб таърифлаган¹.

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий семиотиканинг предмети-га берилган ушбу таърифни тўлақонли деб бўлмайди. Ҳуқуқий семиотика предметини белгилашда, авваламбор, ҳуқуқнинг ва ҳуқуқ рамзларининг ижтимоий вазифасидан келиб чиқиш керак. Ҳуқуқнинг ижтимоий вазифаси жамиятдаги тартибни белгилаш, ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлса, ҳуқуқ рамзларининг ижтимоий вазифаси ижтимоий муносабатларни тартибга солиш бўйича миллий ирода ва мақсадларни ижтимоий муносабат иштирокчиларига етказишдан иборат. Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқий семиотиканинг предметида муҳим жиҳат – ҳуқуқда (хулқ-атвор моделларида) ўз ифодасини топган миллий ирода ва мақсадларни ижтимоий муносабат иштирокчиларига етказишга хизмат қиладиган ҳуқуқ рамзларини ўрганиш эканлигини ҳисобга олиш лозим.

Шунингдек, ҳуқуқий семиотика предмети-га берилган таърифда ҳуқуқ рамзлари ва белгиларининг коммуникатив восита жиҳати, яъни ижтимоий муносабат иштирокчилари хулқ-атвори-га нисбатан қўйилган талабларни уларга тушунарли тилда шакллантириш, бунинг учун ҳуқуқ рамзлари ва белгиларидан тўғри фойдаланиш масаласи ҳам ўз ифодасини топиши керак.

Ҳуқуқий семиотика умумий семиотикадан фарқ қилиб, ахборотни ифодалашда рамзлар ва белгиларнинг иродавий хусусиятини назарда тутди. Шунга мувофиқ, ҳуқуқий семиотика ҳуқуқни миллий-иродавий хусусиятга эга ахборотни ифодалашдан иборат коммуникатив жараён сифатида ўрганади. Ҳуқуқий семиотикага кўра, ижтимоий муносабат иштирокчиларининг миллий ирода ва мақсадларни қатъий маънода тушуниши учун табиий тилдаги атама ва иборалар қайта ишланиб,

¹ Павлишин О.В. Семиотична парадигма правового пізнання: результати й перспективи наукового пошуку // Науковий вісник Національної академії внутрішніх справ. – 2017. – Вип. 4. – С. 248–261.

ҳуқуқ тили белгилари (ҳуқуқий атама ва иборалар) ва ҳуқуқ матни белгилари (ҳуқуқ рамзлари ва белгилари) яратилади.

Ҳуқуқ рамзлари ва белгилари мажмуи жамият маданияти тараққиётининг муайян даврида ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий хулқ-атвор моделлари, ҳуқуқий нормалар ва бутун ҳуқуқий тизим мазмунини ифодалашга хизмат қилади. Ҳуқуқ шаклан жамият маданиятидан келиб чиққан рамзлар ва белгилар тизими сифатида борлиқ қозонади. Бундан келиб чиқиб, ҳуқуқ борлиғини тушуниш учун уни рамзлар ва белгилар тизими сифатида таҳлил қилиш жуда муҳим масалага айланади.

Бугунги кунда ҳуқуқ рамзлари ва белгиларини ўрганишнинг аҳамияти нималарда намоён бўлади?

Биринчидан. Ҳуқуқий семиотиканинг назарий-ҳуқуқий имкониятлари катта. Ҳозирги кунда ҳуқуқшуносликда ҳукмрон бўлган формализм ақидалари ҳуқуқни ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида давлат томонидан чиқарилган ҳуқуқий нормалар сифатида бир ёқлама тушунишга асосланган. Шу билан бирга, формализм ақидаларини ҳуқуқ табиатини бир-бирига қарама-қарши нуқтаи назарлардан туриб таърифлайдиган классик ҳуқуқий таълимотлар (позитивизм, натурализм, реализм) мажмуи билан алмаштириб бўлмайди. Чунки бу таълимотларда ҳуқуқ фақат маълум бир жиҳати бўйича таърифланиб, ҳуқуқни бир ёқлама тушунишдан келиб чиқадиган қарама-қаршилиқ чуқурлашади.

Ҳуқуқ ўзининг моҳиятига кўра борлиқнинг жуда мураккаб воқелиги бўлиб, уни турли хил тавсифлар билан батамом қамраб олиб бўлмайди. Охир-оқибат ҳуқуқ тўғрисидаги у ёки бу таълимот ҳуқуқнинг ундан узиб олинган муайян бир жиҳатига бағишланади, ҳуқуқ тўғрисида тўлақонли тасаввур беролмайди ва бир ёқлама ёндашувга айланади. Бу ёндашувларнинг яна бир умумий камчилиги уларда ҳуқуқнинг объективлигига катта аҳамият берилиб, унинг инсон ақл-идроки ва тафаккурдан беғоналаштирилишига йўл қўйилади.

Классик таълимотлар қарама-қаршилиги натижасида келиб чиққан инқироз, ундан чиқиш бўйича асосий икки тенденция шаклланишига олиб келди: биринчиси – ҳуқуқни тушунишга

интегратив ёндашувга интилиш; иккинчиси – ҳуқуқни тушунишга ноанъанавий ёндашувга интилиш¹.

Ҳуқуқ табиатини тушунишда бир ёклама ёндашувлар қарама-қаршилигини бартараф этиш учун ҳуқуқни кўп жиҳатли ижтимоий-маданий воқелик сифатида тушуниш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда ҳуқуқни кўп жиҳатли воқелик сифатида интегратив тушунишдан ҳуқуқни тушунишдаги турли-туманликни фарқлаш лозим. Биринчи ҳолатда, ҳуқуқ табиатининг ҳамма жиҳатлари ҳисобга олиниб, унга интегратив таъриф берилади. Бунда ҳуқуқ табиатининг турли жиҳатларини ўрганишга кенг йўл очиб берилади. Иккинчи ҳолатда эса, ҳуқуқ табиатидаги муайян бир жиҳат бўрттирилиб, бошқа жиҳатларга етарли эътибор қаратилмайди ва натижада бир-бирига қарама-қарши бир ёклама кўплаб ёндашувлар пайдо бўлади².

“Интегратив юриспруденция” XX аср охиридан бошлаб фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг назарий асосларини тадқиқ этиш эҳтиёжидан келиб чиқиб, ҳуқуқни тушуниш бўйича марказида инсон тафаккури туриши лозим бўлган ягона назария яратишга бўлган интилиш маҳсулидир. “Интегратив юриспруденция” ҳуқуқни “нормалар, қадриятлар ва амалиёт қўшиладиган ва долзарблашадиган ижтимоий ҳаракат, жараён типи” сифатида кўради. Америкалик ҳуқуқшунос Г. Берманнинг фикрича, агар ҳуқуққа ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг қонун чиқариш, судлов, ҳуқуқни қўллаш жараёни ва ҳуқ-атвор моделлари сифатида таъриф берилса, бунда ҳуқуқнинг сиёсий, ахлоқий ва тарихий жиҳатларини бирлаштириш мумкин³.

Ҳуқуқий семиотика ҳуқуқни тушуниш бўйича юқоридаги икки тенденциянинг қайси бирига мансуб?

Ҳуқуқий семиотика ҳуқуқ тўғрисидаги турли ғояларни бирлаштириш ва уни кўпжиҳатли воқелик сифатида ўрганиш учун йўл очиши мумкин бўлган интегратив ёндашувлардан биридир.

¹ Жавлиев Н.Б. Ҳозирги кунда ҳуқуқни тушуниш муаммолари. Юрид. фан. номз. дисс. – Т., 2008. – Б. 11.

² Қаранг: Лейст О.Э. Три концепции права // Советское государство и право. – 1991. – № 12. – С. 3–11.

³ Берман Г.Ж. Интегрированная юриспруденция // Вера и закон: примирение права и религии / Пер. с англ. Д.Шебельникова. – М.: Ad Marginem, 1999. – С. 343.

Шунингдек, ҳуқуқий семиотика ноанъанавий ёндашув хусусиятига эга бўлса-да, мавжуд анъанавий ёндашувларнинг хулосаларини инкор қилмайди. Б. Жексон ҳуқуқий семиотикани ҳуқуқий натурализм, ҳуқуқий позитивизм ва ҳуқуқий реализмнинг аралашмаси сифатида тушунтиради¹. Ҳуқуқий семиотика ҳуқуқ табиатини таърифлашда формал, идеал ёки реал жиҳатларни қайта таҳлил қилиш ёки қайта таърифлашга даъвогарлик қилмайди. Ҳуқуқни рамзлар ва белгилар тизими сифатида қараш, ҳуқуқнинг ҳам формал, ҳам идеал, ҳам реал жиҳатларини ҳисобга олувчи таърифни шакллантиришга имкон беради².

О. Мережкога кўра, ҳуқуқ кўп жиҳатли воқелик бўлиб, уни фақат битта жиҳатга, масалан, нормалар, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий онг ва бошқа жиҳатга боғлаб қўймаслик керак³. И. Честнов ҳуқуқни, авваламбор, рамзлар ва белгиларни ўз ичига оладиган воқелик сифатида таърифлаш керак, деб ҳисоблайди. Унга кўра, инсонларнинг ўзаро муносабатларда рамзлар ва белгилардан фойдаланиш фаолияти эвазига норматив-ҳуқуқий аҳамиятга эга рамзлар ва белгилар ишлаб чиқилади ҳамда муайян ҳаётий ҳолатлар ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳолатлар сифатида тавсифланади.

Ҳуқуқий семиотика “Яхши, идеал ҳуқуқ қандай бўлиши керак? – деган натуралистик саволни илгари сурмайди. Ҳуқуқий семиотикага кўра, ҳуқуқ табиатини аниқлашда энг муҳим масала – бу ҳуқуқ нимани ифодаलाши тўғрисидаги масаладир. Ҳуқуқ нимани ифодалайди? Ҳуқуқ қандай ифодалайди? – деган саволларга жавоб бериш орқали ҳуқуқий семиотика ҳуқуқий матннинг ифодаланиш тузилишини ўрганади, дейиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқ мазмунида умуминсоний ва миллий қадриятларнинг ифодаланиши масаласида ҳуқуқий идеализм ғоялари билан рақобатлашмайди.

Ҳуқуқий семиотика ҳуқуқ “Ким томонидан, қандай мақсад ва шаклда чиқарилади?” – деган саволни ҳам ўртага қўймайди. Ҳуқуқий позитивизм ҳокимият яратган ҳуқуқни ўрганишни

¹ Jackson B. Semiotics and Legal Theory. – P. 123–143.

² Uzun E. Hukukun Göstergebilimsel Analizi. – S. 108–127.

³ Мережко О.О. Проблеми діалектичної методології права Т. II // Проблеми філософії права. – Киев-Чернівці: Рута, 2004. – Б. 177–180.

мавзу қилади, ҳуқуқийлик жиҳатини ҳуқуқий нормаларни яратиш бўйича формал тартибнинг амалга ошиши сифатида кўради. Ҳуқуқий семиотика эса қонун чиқарувчи томонидан табиий тилдаги сўзларнинг қандай қилиб ҳуқуқий маънога эга бўлиши билан қизиқади. Ҳуқуқий семиотикада ҳуқуқ ижодкори жамият иродаси тўғрисидаги ахборотни жамиятдан қабул қилиб, уни қонунлар мазмунида ифода этади ҳамда уни миллий ирода ва мақсадлар сифатида расмийлаштиради. Ҳуқуқий семиотика ҳуқуқ ижодкорини жамият иродаси тўғрисидаги ахборотни жамиятдан қабул қилувчи сифатида белгилаш билан ҳуқуқнинг келиб чиқиш манбаини жамиятга таянтиради, ҳуқуқни жамият иродаси маҳсули сифатида кўради.

Ҳуқуқий семиотика “Ҳуқуқ сифатида амалда нима қўлланилади?” – деган саволга ҳам жавоб қидирмайди. Албатта, семиотика асосчиси Ч. Пирснинг ҳар қандай нарсанинг маънога эга бўлиши учун амалий натижаларнинг эътиборга олиниши кераклиги, амалий натижаларсиз маъно ҳақида гапириш мумкин эмаслиги, матннинг шарҳлашга (талқинга) очиқлиги ва эволюция ичида эканлиги¹ тўғрисидаги хулосалари ҳуқуқий реализмнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Лекин ғоявий эволюция натижасида олдинги билимнинг кейинги билим учун белги бўлиб хизмат қилиши ва узлуксиз коммуникация воситасида доимий ахборот алмашилиш жараёни ичида эканлиги тўғрисидаги ғоя қонунларнинг бу жараёндан бегоналаштирилиши ҳамда жараён марказида судьянинг қўйилиши маъносида келмайди. Ҳуқуқий семиотика учун ҳуқуқий матнларнинг вужудга келиши ва амал қилиши билан боғлиқ коммуникациявий жараённинг алоҳида бир босқичи, масалан, алоҳида ҳуқуқ ижодкорлиги ёки судлов босқичи эмас, балки бошидан охиригача бўлган бутун жараён муҳим.

Иккинчидан. Ҳуқуқий семиотика давлат ва ҳуқуқ назарияси, ҳуқуқ фалсафаси, ҳуқуқ социологияси, ҳуқуқий герменевтика ва ҳуқуқий лингвистика каби фан соҳаларига таяниб, ҳуқуқий воқеликларни тушунишга янгича ёндашувни, бундан келиб

¹ Kelson R. Semiotics and Methods of Legal Inquiry: Interpretation and Discovery in Law from the Perspective of Peirce's Speculative Rhetoric // Indiana Law Journal. – 1985. С. 61. – P. 355.

чиқиб, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини тақомиллаштириш бўйича тақлифларни тақдим қилиши мумкин. О. Балинськанинг фикрига кўра, ҳозирги кунда ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришга хизмат қилувчи рамзлар ва белгилар тизимини тадқиқ этиш учун ҳуқуқий лингвистика ва ҳуқуқий герменевтика соҳасидаги тадқиқотлар етарли эмас, бунинг учун ҳуқуқ рамзлари ва белгилари тизими, уларнинг шаклланиши ҳамда амал қилиши, ҳуқуқий ахборотни узатиши хусусиятларини ўрганадиган фан – ҳуқуқий семиотика соҳасидаги тадқиқотлар талаб қилинади¹.

Ҳуқуқий семиотика бошқа ҳуқуқий фанлардан ўзининг интегративлиги, фанлараро тадқиқотларни амалга ошириш хусусияти билан ажралиб туради. О. Павлишиннинг фикрича, ҳуқуқий семиотика – мустақил ҳуқуқий фан, назарий ҳуқуқий тадқиқотларнинг интегратив хусусиятга эга методологик асоси, ҳуқуқ рамзлари ва белгилари назарияси, ҳуқуқнинг белги ва рамзлардан иборат тузилишидир². У ҳуқуқий фанлар тизимида “Давлат ва ҳуқуқ тарихи”, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” ҳамда “Ҳуқуқ социологияси” каби фанлар қаторида туради³. Бизнинг фикримизча, ҳуқуқ рамзлари ва белгилар тизимини ўрганиш доирасида ҳуқуқий воқеликларнинг келиб чиқиши ҳамда ривожланиши қонуниятлари ўрганилади, ҳуқуқий тушунчалар ишлаб чиқилади. Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқий семиотика давлат ва ҳуқуқ назарияси соҳаси сифатида кўриб чиқирилиши керак.

Шу билан бирга, ҳуқуқий семиотика қуйидаги ҳуқуқ фанлари билан узвий алоқада ривожланади:

– Давлат ва ҳуқуқ назарияси билан алоқадорликда назарий-ҳуқуқий тушунча ва воқеликларнинг мазмуни, ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни шарҳлаш, ҳуқуқий ҳулқ-атвор, ҳуқуқий онг ва маданият шаклланишининг ҳуқуқ рамзлари ва белгилари билан боғлиқ таҳлили амалга ошириш имконини беради;

¹ Балинська О.М. Семиотика права. – С. 10.

² Павлишин О.В. Семиотика права як методологічна парадигма. – С. 127–128.

³ Ўша жойда. – Б. 102–107.

– ҳуқуқни рамзлар тизими сифатида тушуниш билан боғлиқ фалсафий-методологик муаммоларни тадқиқ этиш жиҳатида кўра Ҳуқуқ фалсафаси ва Ҳуқуқий таълимотлар тарихи фанлари билан узвий боғлиқ;

– давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, ривожланиши хусусиятларини ҳуқуқ рамзлари ва белгилари тизими эволюцияси нуктаи назаридан таҳлил қилишда Давлат ва ҳуқуқ тарихи фани билан боғланган;

– ҳуқуқ рамзлари ва белгиларини ўрганиш учун муҳим бўлган фактологик маълумотлардан фойдаланишда тармоқ ҳуқуқ фанлари билан боғланган.

Ҳуқуқий семиотика ҳуқуқий фанлар учун методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳуқуқий семиотика коммуникатив ҳуқуқий назария бўлиб, ҳуқуқ фанлари учун методологик воситалар ва терминологик илмий аппаратни ишлаб чиқади ҳамда муҳим амалий натижалар бериши мумкин.

О. Павлишин ҳуқуқий семиотиканинг функцияларини қуйидагича белгилайди: 1) таълим-тарбия функцияси – рамзлар ва белгилар воситасида дунёқарашни шакллантириш, назарий билим бериш ва тарбиялаш; 2) методологик функция – ҳуқуқий фанлар учун ҳуқуқий реалликни билиш услубларини шакллантириш ва воситаларини илмий асосланган ҳолда танлаш; 3) рамзий ифодалаш функцияси – ҳуқуқий борлиқ ва унинг қонуниятлари, сиёсий-ҳуқуқий жараёнларни ҳуқуқ рамзлари воситасида ифодалаш; 4) праксеологик (амалий) функция – инсон фаолиятини ташкил қилиш ва шахсий имкониятларини максимал рўёбга чиқариш мақсадида ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг анъанавий воситаларини ислоҳ қилиш; 5) истиқболни белгилаш функцияси – ҳуқуқ ривожланишининг умумий тенденцияларини, жамият ва давлат фаолият кўрсатишининг истиқболдаги сиёсий-ҳуқуқий моделларини аниқлаш¹.

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий семиотиканинг функцияларини яна қуйидагилар билан тўлдириш мумкин: 1) ҳуқуқий-мафкуравий функция – ҳуқуқ рамзларининг ҳиссий-эмоционал таъсир кўрсатиш хусусиятларини ўрганиш; 2) миллий-стратегик функция – ҳуқуқ рамзларининг ҳуқуқда ўз акси-

¹ Павлишин О.В. Семиотика права як методологічна парадигма. – Б. 115–116.

ни топган миллий ирода ва мақсадларни ифодалашини тадқиқ этиш; 3) ҳуқуқий ҳуққ-атворни моделлаштириш функцияси – ҳуқуқий ҳуққ-атвор моделларининг белги-рамз тузилмасини ишлаб чиқиш услубини ўрганиш.

Учинчидан. Ҳуқуқнинг коммуникатив хусусиятлари билан боғлиқ масалалар ҳуқуқий ахборотнинг иродавий мазмунидан келиб чиқади. Коммуникатив жараён давомида ҳуқуқ ижодкори жамият ривожланиши натижасида вужудга келган янги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш эҳтиёжини ҳамда уни тартибга солиш бўйича жамият иродаси тўғрисидаги ахборотни жамиятдан қабул қилиб олади. Сўнгра, жамият иродасини ижтимоий муносабат иштирокчиларига етказиш учун табиий тилдан олинган атама ва ибораларга иродавий қатъийлик ва бир маънолилик хусусиятини беради. Шундай қилиб, ижтимоий муносабат иштирокчиларининг ҳуққ-атвори учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши керак бўлган қонунчилик матни пайдо бўлади.

Ҳуқуқий ахборот асосида ҳуқуқий матннинг белги-рамз тузилмаси ётади. Бу тузилма воситасида ҳуқуқ ижодкори миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ҳуқуқий ахборотни жамият аъзоларига узатади. Ҳуқуқий ахборотни узатишнинг асосий воситаси сўзлар ва бошқа белги (рамз) тизимларидир. Сўзлар ахборотни номлайди ва ифодалайди, бунинг учун баъзида битта сўз кифоя қилса, баъзида сўзлар мажмуи керак.

Ҳуқуқий семиотика ҳуқуқ матнининг ифода тузилишини таҳлил қилиш йўли билан унинг маъноси остида ётган иродавий унсурларни аниқлашга, ҳуқуқнинг табиатини жамият иродаси билан боғлашга имкон беришини, семиотик таҳлил маълум маънода ҳуқуқий матн остида ётган ирода таҳлили бўлиб, у ҳуқуқ нормаларининг моҳиятини аниқлашга ёрдам беришини айтиб ўтиш керак.

Шундай қилиб, ҳуқуқий семиотика ҳуқуқ матнининг белги-рамз тузилмасини ва белги-рамз тузилмаси воситасида ҳуқуқий ахборотни узатиш-қабул қилиш жараёнини ўрганадиган назарий-ҳуқуқий фан соҳаси сифатида тушунилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳуқуқий семиотика предметининг қуйидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

биринчидан, ҳуқуқий семиотика нуқтаи назаридан қаралганда, ҳуқуқ ўзига хос маънолар яратадиган, бу маъноларни рамзлар ва белгилар воситасида инсонлар учун ифодалайдиган тизимдир. Бунда ҳуқуқнинг аниқ нормалар тизими сифатидаги хусусиятлари эмас, балки коммуникатив воқелик сифатидаги хусусиятлари ўрганилади. Бунда рамзлар ва белгилар тизими ўзаро муносабатга киришаётган ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам ифодалайди. Ҳар бир рамз ва белги ҳуққ-атвор моделининг муайян бир элементини ифодалайди, белги-рамз тузилмаси эса тўлақонли ҳуққ-атвор моделини ифодалашга хизмат қилади;

иккинчидан, ҳуқуқий семиотика ҳуқуқни маданият унсури, қадриятлар мажмуи сифатида қабул қилиб, унинг келиб чиқиши ва амал қилишини доимий давом этадиган ижтимоий мулоқот билан боғлайди. Бунда жамият муайян маъно яратмасдан туриб муносабатга киришиб бўлмайдиган маданий дунё мазмунига эга бўлади. Н. Разуваевнинг фикрича, ҳуқуқ нормаларини инсонлар онгига ва ҳуққ-атворига таъсир қилиш хусусиятларига эга маданий нормалар тури сифатида ўрганиш керак. Ҳуқуқ бир томондан, инсон ақл-идрокига нисбатан объективлашган ҳуқуқ нормаларини, иккинчи томондан, муайян маданиятга мансуб бўлган инсонлар томонидан ушбу маданиятда умумий бўлган маънода талқин қилинадиган ҳуқуқий ҳуққ-атвор моделларини англатади. Айни бир қонунчилик матнининг мазмуни турли маданиятга мансуб бўлган инсонлар томонидан турлича маънода талқин қилиниши мумкин. Шунинг учун қонунчилик матнлари ўз-ўзидан ҳали ҳуққ-атвор моделлари эмас, бу матнларнинг муайян ижтимоий маданият субъектлари томонидан ижтимоий муносабатларга киришаётган вақтда умумқабул қилинган мазмундаги талқини ҳуққ-атвор моделлари бўла олади. Шундай экан, қонунчилик матни маъносини очиш учун ушбу қонунчилик матни пайдо бўлган маданиятнинг мазмунини ҳам очиш керак бўлади.

Шунингдек, Р. Кевельзоннинг таъкидлашича, ҳуқуқий семиотика маданий, тарихий ва мафкуравий жиҳатдан жаҳон харитасида турлича жойлашган ва глобал ҳуқуқий тизимлар харитасида бир-биридан фарқ қиладиган турли ҳуқуқий тизимлар

ўртасидаги тизимлараро боғлиқликни ҳам ҳисобга олади. Бундан ташқари, тизимлараро муаммолар, масалан, иқтисодиёт ва ҳуқуқ, сиёсат ва ҳуқуқ, роман-герман ҳуқуқи ва англо-саксон ҳуқуқи, диахрон ва синхрон қиёсий ҳуқуқшунослик бўйича муаммоларни ўрганишда юридик семиотиканинг ҳиссаси катта бўлади¹. А. Вагнер ва Ж. Брукманнинг фикрича, айнан ана шу турли-туманлик ҳуқуқий ва ижтимоий ривожланиш истиқболларини таклиф қилишда ҳуқуқий семиотика соҳасидаги тадқиқотларнинг аҳамиятини белгилайди²;

учинчидан, ҳуқуқий семиотика ҳуқуқ тилини ўрганади, лекин ҳуқуқий лингвистикадан фарқ қилиб, ҳуқуқий матнларнинг тил хусусиятларини ўрганишни мақсад қилмайди, балки тилни ҳуқуқий матн билан ҳуқуқ амалиёти ўртасидаги коммуникатив жараёнларини ҳам ўз ичига олган умумий ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий тафаккур модели сифатида ўрганади. Шунингдек, ҳуқуқий семиотика табиий тилни қайта ишлаб, унга бир маънолилиқ берилиши натижасида пайдо бўлган иккиламчи махсус ҳуқуқ тили тўғрисида муҳокама юритади. Ж. Брукман ва Л. Беккер буни қуйидагича таърифлашади: “Ҳуқуқ – бу сўз касби ва сўздан маънога кўприк ҳолати муҳим... Ҳуқуқшунослар сўзлар билан ишлаётган вақтда маънога диққатларини қаратишади. Бу факт тилнинг тизимли характерини ва ҳуқуқнинг коммуникатив хусусиятларини кўрсатиб туради. Ҳуқуқ тили ҳуқуқшунослар билиши керак бўлган махсус муҳитни яратади: белгилар, рамзлар, маънолар ва доктринал шакллар ҳуқуқшунослар тилининг энг муҳим элементлари бўлиб ҳисобланади”³. Ҳуқуқшунослар ҳуқуқий матнни шакллантираётганида маъноларни бошқариб, жамият муҳандислигини амалга оширадилар. Ҳуқуқшунослар бир вақтнинг ўзида икки тилга эга бўлишади: сўзлар маъносининг табиий шаклини берадиган кундалик тил ва сўзларнинг қонунларда мавжуд бўлган махсус маъноларини берадиган ҳуқуқ тили⁴;

¹ Kevelson R. The Law as a System of Signs. – P. 20.

² Wagner A., Broekman J. Promises and Prospects of Legal Semiotics – An Introduction. – P. XVII.

³ Broekman J., Backer L. Lawyers Making Meaning. – P. 16.

⁴ Ўша жойда. – Б. 120.

тўртинчидан, ҳуқуқий семиотика ҳуқуқий хулқ-атвор моделларини шакллантириш ва ифодалаш воситаларини ўрганади. Ҳуқуқ матнидаги атама ва ибораларга қўйилган талабларнинг ўзи ҳуқуқ матнининг иродавий ва мақсадли эканлигини таъминлаш талабини қондириш учун етарли бўлмайди. Ҳуқуқ матнларида ўз ифодасини топган хулқ-атвор моделлари миллий ирода ва мақсадларни таъминлаш мақсадида тузилади. Ҳар бир хулқ-атвор модели – бу моделнинг яратилишини тақозо этган иродавий ва мақсадли унсурдан, хулқ-атвор моделини амалга оширишда иштирок этадиганлар ҳамда уларга юклатилган вазифалардан, мақсадга эришиш йўлида турган тўсиқларни бартараф этиш талабларидан иборат бўлади. Шунинг учун ҳуқуқ матнини тайёрлаш қоидаларига хулқ-атвор моделининг матний тузилиши ва ҳуқуқий маънони ифодалаш грамматикаси қоидалари ҳам киради.

Шундай қилиб, ҳуқуқий семиотиканинг ўрганиш предмети ҳуқуқий ахборотни ҳуқуқ рамзлари ва белгилари воситаида ифодалаш, узатиш, қабул қилиш, талқин қилиш тузилиши ташкил қилади. Бу тузилишнинг таркибий қисмларига ҳуқуқнинг мазмуни (хулқ-атвор моделлари), бу мазмунни ифодалашга хизмат қиладиган белги-рамз тузилмаси (ҳуқуқ рамзлари ва белгилари), бу мазмунни шакллантиришга хизмат қиладиган ҳуқуқ тили белгилари (ҳуқуқий атама ва иборалар) киради. Ҳуқуқий семиотика ҳуқуқий воқеликнинг ўзига хос белги-рамз тузилмасини, ҳуқуқ табиатининг рамзлар ва белгилар тизими сифатидаги хусусиятларини ўрганадиган назариядир.

5.3. Ҳуқуқ рамзларини ўрганишнинг тушунчалар тизими

Ҳуқуқий семиотиканинг назарий-ҳуқуқий фан йўналиши сифатидаги мақомини белгилашда унинг тушунчалар тизimini ўрганиш талаб қилинади. Олимлар орасида ҳуқуқий семиотиканинг тушунчалар тизими борасида турли ёндашувлар мавжуд. О. Павлишиннинг фикрича, ҳуқуқий семиотиканинг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳал қилувчи фундаментал аҳамиятга эга бўлган тушунчалар базаси – бу “ҳуқуқий белги” ва “ҳуқуқий белги тузилмаси” тушунчаларидир. Унга кўра,

хуқуқ белгилари (рамзлари) тизим ичида амал қилиб, ўзаро бир-бирини тўлдиради ва хуқуқий ахборотни тўлиқ етказишга хизмат қилади¹. Хуқуқий белги тузилмаси эса – бу хуқуқий рамзлар ва белгиларнинг мустақил хуқуқий маъно яратадиган интеграл мутаносиблигидир². О. Балинськанинг фикрига кўра, хуқуқий белги – бу ахборотни новербал рамзда ёки сўзли образда сақлайдиган восита бўлиб, ушбу белги амал қилиб турган муайян хуқуқий маданиятга мансуб кишилар учун тушунарли бўлади. У уч шаклда намоён бўлади: вербал (иконографик кўргазмали мазмун), ақлий (сўзли, лекин оғзаки вариантда намоён бўлиш) ва хулқ-атворда (олдинги икки шаклнинг фаол ёки ҳаракатсиз талқини). Хуқуқий белгилар халқ тарихининг ўзига хос руҳий ворисийлигини таъминлайди, тартибга солиш таъсирига эга бўлади ва миллий-хуқуқий тизим хусусиятларини акс эттиради. Бунда хуқуқий воқелик ёки тушунчалар маъносини ифодалайдиган рамз ёки рамзлар гуруҳи мавжуд бўлади³.

Н. Разуваев хуқуқий семиотиканинг тушунчалар тизимини шакллантириш муаммолари ҳақида гапириб, кўпгина хуқуқий тадқиқотларда умумсоҳавий семиотика фанининг тушунчалар тизимидан фойдаланишга ҳаракат қилинади ва кўпинча умум-семиотик тушунчалар умумқабул қилинган назарий-хуқуқий тушунчалар билан механик бирлаштирилади, – деб ҳисоблайди⁴. Бизнинг фикримизча, албатта, умумсемиотик тушунчаларни хуқуқшуносликда тўғридан-тўғри механик қўллаб бўлмайди, чунки умумий семиотиканинг кўпгина тушунчалари соф фалсафий ва лингвистик хусусиятга эга. Бошқа томондан, хуқуқий семиотика тушунчалари сифатида хуқуқ фанининг фақат амалдаги тушунчаларига урғу бериш бу фанни формалистик хуқуқий тафаккур таркибий қисмига айлантириб қўйиши ҳам мумкин. Шунинг учун хуқуқий воқеликларни тадқиқ этиш

¹ Павлишин О.В. Правова знакова конструкція як елемент знакової системи права в контексті історико-філософського аналізу // Філософські та методологічні проблеми права. – 2012. – № 2. – С. 105–117.

² Павлишин О.В. Семиотика права як методологічна парадигма новітнього філософсько-правового дискурсу. – С. 135–136.

³ Балинська О.М. Семиотика права. – С. 370–371.

⁴ Разуваев Н.В. Государство как предмет изучения юридической семиотики. – С. 6–7.

давомида умумий семиотика тушунчалар қаторини фундамен-
тал ҳуқуқий тушунчалар билан мувофиқлаштириб, ҳуқуқий се-
миотиканинг хусусий тушунчалар қаторини такомиллаштириш
мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқий семиотикада қўлланиладиган
тушунчалар тизимини икки гуруҳга ажратиш мумкин: бирин-
чи гуруҳ – ҳуқуқий семиотикада қўлланиладиган умумҳуқуқий
тушунчалар мажмуи, иккинчи гуруҳ – ҳуқуқий семиотиканинг
махсус тушунчалар мажмуи. Биринчи гуруҳга ҳуқуқ, ҳуқуқий
tizim, ҳуқуқ нормаси, қонун, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, қо-
нунчилик матни, ҳуқуқий ҳуқ-атвор, ҳуқуқий муносабатлар
субъекти каби тушунчалар кирса, иккинчи гуруҳга ҳуқуқ тили,
ҳуқуқ тили белгиси, ҳуқуқ матни, ҳуқуқий белги, ҳуқуқ рамзи,
ҳуқуқнинг белги-рамз тузилмаси, ҳуқуқий ҳуқ-атвор модели,
ҳуқуқий коммуникация, ҳуқуқий семиосиз, ҳуқуқ луғати, ҳуқуқ
грамматикаси, ҳуқуқий матннинг ифода тузилиши каби тушун-
чалар кирази.

Ҳуқуқий семиотика тушунчалар тизимини ўрганишда, биз-
нинг назаримизда, яна бир масала – бу ҳуқуқ тили белгилари
тушунчасининг ҳуқуқ рамзлари ва белгилари тушунчасидан
фарқ қилиши масаласидир. Ҳуқуқ тили белгилари, яъни алоҳи-
да олинган ҳуқуқий атама ва иборалар иродавий хусусиятга эга
ҳуқуқий ахборотни ифодалай олмайди. Фақатгина уларнинг
миллий ирода ва мақсадни ифодалаш мақсадида бирлашиши-
дан ҳосил бўлган ҳуқуқ матнларигина ҳуқуқий ахборотни ифо-
далай олади. Шунинг учун вербал (сўз-матнли) ҳуқуқ рамзла-
ри ва белгилари алоҳида ҳуқуқий атама ва ибораларнинг ўзи
эмас, балки миллий иродани ва мақсадларга мувофиқ муайян
ҳуқ-атвор моделларини ифодалашга хизмат қиладиган ҳамда
алоҳида ҳуқуқий атама ва иборалар маънолари қўшилишидан
ҳосил бўлган ҳамда уларнинг алоҳида маъноларидан фарқ қи-
ладиган ҳуқуқ матнларидир.

Бизнинг мақсадимиз ҳуқуқий семиотика соҳасидаги
тадқиқотлар учун энг муҳим бўлган махсус тушунчалар мажму-
ини ўрганишдан иборат ва бу тушунчалар қаторини қуйидагича
таклиф қилиш мумкин:

Ҳуқуқ тили ва ҳуқуқ тили луғати тушунчаси

Тил – фикрни ифодалаш ва ўзаро ахборот алмашиш воситаси бўлиб хизмат қиладиган товушлар, сўзлар ва грамматик воситалар тизимидир. Ҳуқуқ тил воситасида ифодаланади, узатилади ҳамда қабул қилинади, лекин ҳуқуқни ифодалаш учун тилдан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ҳуқуқий семиотика ҳуқуқ тилини махсус ҳуқуқий фикрлаш модели сифатида қабул қилади. Ҳуқуқ тили, ҳар қандай табиий тил каби икки асосий таркиб – ҳуқуқ луғати (терминология) ва ҳуқуқ матни грамматикасига эга¹. Ҳуқуқ тили луғати табиий тилдаги атама ва ибораларнинг ҳуқуқ тили луғати бирликларига айлантирилиши орқали вужудга келади. Бу ишни ҳуқуқ ижодкори амалга оширади². Бунда ҳуқуқ тили ва қонун тили тушунчалари ўртасидаги фарқ шартли бўлиб³, улар тилни характерлайдиган умумий луғат ва грамматикага асосланади.

Ҳуқуқ мазмунида қатъий талқин ва бир маънолилиқни талаб қиладиган миллий ирода ва мақсадлар ўз аксини топади. Қатъий маъноли ифодаларни тузиш учун табиий тилдан (масалан, ўзбек тили, инглиз тили, рус тили) бевосита фойдаланиб бўлмайди. Миллий иродани ифодалаш учун табиий тилдаги кўп маъноли атама ва ибораларга қатъий бир маъно беришга тўғри келади. Ҳуқуқ тили ҳуқуқ ижодкори томонидан табиий тилга оид атама ва ибораларни қайта ишлаб, уларга қатъий маъно берилиши ҳамда қонунчилик матнида фойдаланилиши натижасида пайдо бўлади ва ривожланади⁴. Ҳуқуқ ижодкори табиий тилга оид атама ва ибораларга қатъий бир маънолилиқ хусусиятини бериб, улар воситасида ҳуқуқий аҳамиятга эга объект, ҳолат ва ҳаракатларга ном беради, натижада фақат ҳуқуққа оид тушунча ва конструкциялар яратилади.

Табиий тилларда бўлганидек, ҳуқуқ тилида ҳам тил белгилари – ҳуқуқий атама ва иборалар ҳуқуқий маъно ифодаловчилари ва зифасини бажаради. Ҳуқуқ тили белгиларининг ҳар бири

¹ Greimas A. The Semiotic Analysis of Legal Discourse. – P. 107.

² Ўша жойда. – Б. 111.

³ Ҳайитов Х.С. Қонун ижодкорлигида юридик лингвистиканинг ўрни ва аҳамияти. Юрид. фан. ном. дис. – Тошкент, 2012. – Б. 26.

⁴ Greimas A. The Semiotic Analysis of Legal Discourse. – P. 109.

хуқуқий аҳамиятга эга маънони, тил белгилари тизими сифатида эса хуқуқий аҳамиятга эга мазмунни ифодалайди.

Табиий тилдаги атама ва иборалар маъноларидан фақат бири қабул қилиниб, янги қатъий маънога эга хуқуқий атама ва иборалар келиб чиқади. Мисол сифатида “бола” атамасининг табиий ўзбек тилидаги ва ўзбек тили асосида қурилган хуқуқ тилидаги маъноларини кўриб чиқамиз.

Табиий ўзбек тилида “бола” сўзи қуйидаги маъноларга эга:

1. Янги туғилган, ҳали она бағридан ажратилмаган гўдак, чақалоқ.

2. Ҳали ёш, вояга етмаган одам.

3. Фарзанд, ўғил-қиз, зурриёт.

4. Ёши улғайган, аммо болаларча иш тутадиган, болаларча мулоҳаза юритадиган одам.

5. Кексаларнинг ёшларга мурожаат формаси.

6. Янги туғилган, тухумдан чиққан, ҳали вояга етмаган ёш ҳайвон ёки парранда.

7. Бир турдаги катта-кичик нарсаларнинг кичиги, кичкинаси¹.

“Бола” атамаси амалдаги қонунчиликда “бола (болалар) – ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар)” маъносини ифодалайди (“Бола хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси). Кўриниб турибдики, табиий тилдаги кўп маъноли атама ўрнида маъноси чегараланган хуқуқий атама шакллантирилган. Барча хуқуқий матнларда “бола” атамаси ана шу қатъий бир маънони ифодалайди. Бунда ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахслар масаласида миллий иродани ифодалаш учун ўзбек тилидаги “бола” атамасининг маъноси чегараланиб, қатъий бир маъноли “бола” атамаси шакллантирилганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, хуқуқий ахборотни ўзаро узатиш – қабул қилишда табиий тилга асосланган вербал белги тизимлари билан бир қаторда тасвирлар, ашёлар, ҳаракатлар, оҳангларни ўз ичига олган новербал белги тизимлари ҳам қўлланилади. Хуқуқий

¹ Бола // Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. 1. А-Д / Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т.: O'zbekiston, 2020. – Б. 305–306.

ахборотни узатишда новербал белгилардан фойдаланиш учун уларга ҳам қатъий маъно берилади ва бу маънони тушунтириш зарурати бўлганида (масалан, давлат байроғи, герби, йўл қоидалари ва бошқалар) уларга ҳуқуқий мустаҳкамланган тавсиф берилади. Новербал белгилар ҳамма вақт эмас, балки ҳуқуқий ахборотга кўргазмалилик хусусиятини бериш эҳтиёжи туғилганида қўлланилади.

Ҳуқуқий код (махсус маъно) тушунчаси

Табиий тилдаги атама ва ибораларга қатъий маъно бериш воситасида уларга махсус маънога эга код хусусияти берилади. Масалан, қонундаги “бола (болалар) – ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар)” ифодасида икки ҳуқуқий код – “ўн саккиз ёшни тўлдирган (вояга етган)” коди ва “шахс (шахслар)” коди ишлатилган. Бу кодларнинг ҳар бири алоҳида маънони ифодалайди. Жумладан, вояга етган жумласи табиий ўзбек тилида – 1) улғайиб балоғатга етган; 2) ривожланиб, ўсиб етилган; 3) улғайиб камол топган; 4) ривожланиб маълум бир босқичга, даражага эришган, камолотга етган каби маъноларни англатса¹, ҳуқуқий код сифатида унинг маъноси Фуқаролик кодексининг 22-моддасига мувофиқ берилади: “фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач тўла ҳажмда вужудга келади”. Худди шундай, “шахс” атамаси табиий ўзбек тилида – 1) жамиятдаги алоҳида бир киши, одам; 2) бирор кишининг ўзига хос бўлган индивидуал хусусиятлари мажмуи деган маъноларни англатса², ҳуқуқий код сифатида унинг маъноси Фуқаролик кодексининг 16-моддасида берилади: “Фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади”.

¹ Вояга етмоқ // Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ж. 1. А-Д / Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т.: Ўзбекистон, 2020. – Б. 469.

² Шахс // Ўзбек тилининг изоҳли луғати Ж. 4. Тартибот – Шукр / Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т.: Ўзбекистон, 2020. – Б. 557.

Алоҳида-алоҳида маъноларни ифодаладиган “вояга етган” ва “шахс” кодлари қўшилиши натижасида “бола” атамасининг ҳуқуқий маъносини ифодалашга хизмат қиладиган янги ифода вужудга келади. Шундай қилиб, бола – бу ўз ҳаракатлари билан ҳуқуқларга эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун бурчларни вужудга келтириш ҳамда уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати)га эга бўлмаган ёки бундай лаёқат тўла ҳажмда вужудга келмаган, яъни ўн саккиз ёшни тўлдирмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслардир деган маъно яратилади.

Бироқ “вояга етган” ва “шахс” ҳуқуқий кодлари ўз ўрнида алоҳида-алоҳида маъноларни ифодалайди. Масалан, “вояга етган” ҳуқуқий коди – тўла ҳажмда муомалага лаёқатлилиқ, ҳуқуқ, бурч, ҳаракат каби маъноларни, “шахс” ҳуқуқий коди – жисмоний шахс, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар каби маъноларни ифодалайди. Шундай қилиб, ҳуқуқий атама ва иборалар муайян тартиб асосида жойлаштирилиб, ҳуқуқий мазмун шакллантирилади.

Ҳуқуқ грамматикаси тушунчаси

Ҳуқуқан маъносиз ва ундан ташқарида бўлган атама ва ибораларнинг қонун матнида жойлаштирилиши йўли билан ҳуқуқий ҳолатларни ифодаладиган матнлар яратилади. Муайян ҳолатлар ва уларнинг ифодаси ҳуқуқ грамматикаси асосида ифода этилишига қадар ҳуқуқий бўла олмайди. Табиий тиллар асосида яратилган матнлардан фарқли равишда ҳуқуқий матн уни ишлаб чиқиш ваколатига эга бўлган давлат органлари томонидан ижод қилинади. Табиий тиллардаги ҳолатлар ва жумлалар ҳуқуқ грамматикасига мувофиқ ҳуқуққа киритилади¹. Ҳуқуқ грамматикаси бадий асар, илмий рисола матни грамматикасидан фарқ қилиб, матнни аниқ иродавий ва мақсадли қилиб тузишга хизмат қиладди. Ҳуқуқ грамматикаси воситасида ижтимоий муносабат иштирокчиларининг миллий иродага мувофиқ келадиган ҳуқ-атвор моделлари яратилади.

¹ Jackson B. Semiotics and Legal Theory. – P. 117–118.

Қонунда инсон хулқ-атвори ҳуқуққа мувофиқ ва ҳуқуққа зид сифатида ифодаланади. Масалан, бола хулқ-атвор моделида болага нисбатан ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атвор (масалан, болага фамилия ва исм бериш, болага таълим-тарбия бериш, болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқини амалга ошириш) ҳамда болага нисбатан ҳуқуққа зид хулқ-атвор (масалан, болани ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, болани моддий таъминлашдан бўйин товлаш) табиий тилдан олинган бўлса-да, ҳуқуқшунос учун улар қонунда берилган таърифга кўра қатъий маънога эга бўлади. Ҳуқуқшунос олимлар ёки амалиётчи ҳуқуқшунослар томонидан бу маънонинг тушунтирилиши ва шарҳланиши ҳуқуқнинг махсус грамматикага асосланганлигини кўрсатиб туради.

Ҳуқуқий коммуникация тушунчаси

Ҳар қандай ижтимоий муносабат, авваламбор, ижтимоий муносабат иштирокчилари ўртасидаги ахборот узатиш – қабул қилиш ҳаракати билан боғлиқ экан, ҳуқуқнинг ҳам фақат коммуникация воситасида амалга ошишини англаш қийин эмас. Инсонлар ўзларининг эҳтиёжларини рўёбга чиқариш мақсадида ижтимоий муносабатларга мунтазам киришишга мажбурлар ва ижтимоий муносабатлар жараёнида ҳуқуқий ахборотни ўзаро бир-бирларига узатадилар. Россиялик ҳуқуқшунос олим М. Марченко таърифига кўра, коммуникация – бу ахборот, ғоялар, эмоциялар, кўникмаларни рамзлар, сўзлар, тасвирлар ва бошқа белгилар воситасида етказиш, коммуникация – бу механизм бўлиб, унинг воситасида ҳокимият амалга оширилади¹.

Ҳуқуқий семиотика ҳуқуқни ўзига хос маънолар яратадиган ва уларни инсонлар идроки учун ифодалайдиган коммуникатив тизим сифатида қабул қилади. Бу тизимда ҳуқуқий ахборот фақат бир томонлама давлат ҳокимиятидан аҳолига узатилибгина қолмайди, балки жамиятда амалга ошириладиган барча ижтимоий муносабатларни қамраб олади. Ҳуқуқий семиотика ҳуқуқни умуммажбурий нормалар тизими сифатидаги хусусиятларини эмас, балки ўзаро муносабатга киришаётган субъект-

¹ Политология. Курс лекций / Под ред. М.Н. Марченко. – М.: Юрист, 2003. – С. 406–407.

ларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифодаладиган белги ва рамзлар тизими сифатидаги хусусиятларини ҳам ҳисобга олади.

Ҳуқуқий коммуникация ҳуқуқий семиосиз воситасида амалга ошади. Ҳуқуқий семиосиз ҳуқуқий ахборотни ифодалаш механизми бўлиб, бунда ҳуқуқий матн ижтимоий муносабат иштирокчилари томонидан идрок қилиниб, талқин қилиниши учун узатилади. Бунда ҳуқуқий ахборотни узатишнинг пировард мақсади ҳуқуқий ахборотни қабул қилувчининг ҳуқуқий хулқ-атвор моделларини англаши ва қабул қилишини таъминлашдан иборат. Юридик семиосиз механизмининг қуйидаги тўрт муҳим таркибий қисмини ажратиш мумкин: 1. Ҳуқуқий матнни (ҳуқуқий хулқ-атвор моделларини) ижтимоий муносабат субъектларига узатувчи – ҳуқуқ ижодкори; 2. Ҳуқуқий матн мазмунини (ҳуқуқий хулқ-атвор моделларини) қабул қилувчи – ижтимоий муносабат иштирокчилари; 3. Ҳуқуқий матн мазмуни (ҳуқуқий хулқ-атвор моделлари) – ҳуқуқий ахборот; 4. Ҳуқуқий матн мазмунини узатиш воситалари – ҳуқуқий рамзлар ва белгилар (ҳуқуқий матн белгилари). Бунда ҳуқуқий рамзлар ва белгилар ифодалаш жараёнини таъминлайдиган, унинг элементларини ўзаро боғлаб турадиган воситалар вазифасини бажаради.

Ҳуқуқий матн ва ҳуқуқ матни (ҳуқуқ дискурси) тушунчалари

Ҳуқуқий матн, ҳуқуқ матни ва қонунчилик ҳужжатлари матни (қонун матни) тушунчаларини бир-биридан фарқлаш керак. Ҳуқуқий матн – бу ҳуқуқий ахборотни ўз мазмунида сақлайдиган вербал ва новербал матнлар мажмуи. Буларга қонунчилик ҳужжатлари (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар) матнлари, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатлари матнлари, ҳуқуқий доктрина матнлари, ҳуқуқий одатлар матнлари, ҳуқуқий ахборотни ифодаладиган тасвирлар, ашёлар, оҳанглар ва ҳаракатлар – давлат рамзлари, йўл ҳаракати қоидалари белгилари, тақиқловчи белгилар, расмий мансабдор шахсларнинг рамзий ҳаракатлари ва бошқалар киради.

Ҳуқуқ матнлари ҳуқуқий матнларнинг хулқ-атвор моделларини ифодалаш унсури, қонунчилик ҳужжатлари матнлари эса ҳуқуқий матннинг шаклий унсуридир. Ҳуқуқ матнлари ижти-

мой муносабат иштирокчиларининг миллий ирода ва мақсадларга мувофиқ бўлган ҳуқуқий хулқ-атвор моделларини ифодалайди. Ҳуқуқ матни ва қонунчилик ҳужжатлари матни (қонун матни, фармон матни, қарор матни ва ҳоказо) тушунчаси айна бир воқеликни англатмайди. Муайян бир ҳуқуқ матни бир неча қонунчилик ҳужжатлари матнида ўз ифодасини топиши мумкин, шунингдек айна бир қонунчилик ҳужжати матнида бир неча ҳуқуқ матнлари жой олган бўлиши мумкин.

Ҳуқуқ матни ҳуқуқ институти тушунчасига ҳам мос тушмайди. Ҳуқуқ институти ҳуқуқ тизими ва тармоғининг унсури бўлиб, муайян бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндисини ифодаласа, ҳуқуқ матни ҳуқуқий матнлар тизимининг унсури бўлиб, хулқ-атвор моделларининг матнлар воситасида ифодаланишидир. Бунда ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ахборот муайян хулқ-атворга нисбатан миллий ирода ва мақсадларни таъминлаш мақсадига мувофиқ тузилади. Ҳуқуқ матни хулқ-атвор моделларини ифодалаш эҳтиёжидан келиб чиқиб, нафақат қонун ҳужжатлари матни, балки ҳуқуқий аҳамиятга эга новербал воситаларни (масалан, ашёлар, тасвирлар, ҳаракатлар ва бошқаларни) ҳам қамраб олади.

Ҳуқуқий хулқ-атвор моделлари тушунчаси

Ҳуқуқий хулқ-атвор моделлари ҳуқуқ ижодкори томонидан ижтимоий муносабат иштирокчиларига узатилган хулқ-атвор намуналари бўлиб, хулқ-атворни ушбу моделлар асосида амалга ошириш талаб қилинади. Хулқ-атвор моделларини жисмоний шахслар моделлари (масалан, бола, ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар, судья, давлат хизматчиси, депутат, тадбиркор, ўқитувчи ва бошқалар), юридик шахслар моделлари (масалан, ширкат, корхона, нодавлат нотижорат ташкилот, акционерлик жамияти, фермер хўжалиги, университет ва бошқалар) ҳамда давлат органлари моделлари (масалан, Президент, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Олий Мажлис Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суд, Олий суд ва бошқалар) ажратилиши мумкин.

Ҳуқуқий хулқ-атвор модели тушунчаси шахснинг ҳуқуқий мақоми тушунчасига яқиндай кўринади. Лекин шахснинг

ҳуқуқий мақоми тушунчаси у ёки бу ижтимоий муносабат иштирокчиси бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари йиғиндисини англатса, хулқ-атвор модели тушунчаси ушбу модел субъектларининг тавсифи ва функцияларини ифодалайди. Худди шундай ҳуқуқий хулқ-атвор модели тушунчаси юридик конструкция тушунчасига ҳам яқиндай кўринади, лекин юридик конструкция ижтимоий муносабатларнинг абстракт модели бўлса, ҳуқуқий хулқ-атвор модели муайян хулқ-атвор субъекти хулқ-атворини тартибга солиш учун узатиладиган ҳуқуқий ахборот модели бўлиб, унинг воситасида ижтимоий муносабатларга таъсир ўтказилишини назарда тутди.

Ҳар бир ҳуқуқий хулқ-атвор модели тавсифловчи ва функцияларни белгиловчи матнлар воситасида ифодаланади. Тавсифловчи матнлар хулқ-атвор модели иштирокчиларини тавсифласа, функцияларни белгиловчи матнлар уларнинг функцияларини кўрсатади. Яратилаётган ҳар бир ҳуқуқий хулқ-атвор моделида унинг асосий субъекти, у эришишга интиладиган объект ва асосий субъектга ёрдам бериши керак бўлган ҳамда унга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган субъектларнинг тавсифи ва функциялари ифодаланади. Шунингдек, ҳуқуқ матнида асосий субъектнинг хулқ-атвор объектига эришишини таъминлаш билан боғлиқ миллий ирода ва мақсад, бу ирода ва мақсадни таъминлаш тамойиллари ўз ифодасини топади. Хулқ-атвор моделларида асосий субъектга фаол ва суст ҳаракатни амалга ошириш лаёқати берилади. Фаол ҳаракатни амалга оширишда асосий субъект ўз ҳаракати билан хулқ-атвор объектига эришишга интилади, суст ҳаракатни амалга оширишда асосий субъектнинг хулқ-атвор объектига эришишини ёрдамчи субъектлар таъминлайдилар.

Ҳуқуқ тили белгилари ва ҳуқуқий белгилар (ҳуқуқий матн белгилари) таснифи

Ҳуқуқ тили белгилари ва ҳуқуқий белгилар таснифи масаласида тадқиқотчилар ўртасида ягона тўхтам мавжуд эмас. Кўпгина олимлар таснифлашда Ч. Пирснинг белгиларни нишона белгилар, ишора белгилар ва рамзларга ажратилишини асос қилиб олсалар, бошқалари муқобил таснифларни ҳам таклиф қи-

лишади. Р. Кевельзон ҳуқуқий белгиларни ҳуқуқий ахборотни ифодалаш шаклига кўра икки турга – вербал ва новербал турларга ажратган. О. Павлишин шу таснифга асосланиб: 1) вербал ҳуқуқий белгиларни – ҳуқуқий матндаги алоҳида атамалар, ифодалар; 2) новербал ҳуқуқий белгиларни – байроқ, эмблема, суратлар, рамзий ҳаракатлар, ҳайкаллар, шунингдек рамзий шахслар; 3) аралаш ҳуқуқий белгиларни – мадҳия, шеърӣ матннинг мусиқа билан тўлдирилиши, геральдик рамзлар билан шиорнинг қўшилиши, қоида матнлари билан тўлдирилган йўл ҳаракати белгиларига ажратади¹. Шунингдек, О. Павлишин новербал ҳуқуқий белгиларни ҳуқуқ субъектлари, белги-ҳаракатлар ва рамзий артефактларга (рамзий хусусиятга эга бинолар, ашёлар ва ҳоказо) ажратади².

Бундан ташқари, О. Павлишин ҳуқуқий белгиларни оптик (кўринишли), овозли, ҳидли, таъмли, пайпаслаб сезиладиган ҳамда оддий ва мураккаб турларга ажратиш мумкин, деб ҳисоблайди³. Н. Ковкель қонунчиликнинг белги тизими таснифи деган тушунчани илгари суриб, белги тизимларини беш асосий турга ажратади: табиий белги тизимлари, образли белги тизимлари, тил белги тизимлари, ёзма белги тизимлари ва кодли белги тизимлари⁴. Шунингдек, Н.Ковкель ҳуқуқий белгиларни келиб чиқишига қараб базис ва ҳосила белгилар, қонунчилик матни тузилишини ифодалашига қараб ажратиб турувчи, кўрсатиб турувчи ва ҳавола қилувчи белгиларга ажратишни таклиф қилади⁵. Н. Ковкель бўйича, қонунчиликнинг белги тизимида ажратиб турувчи белгилар гуруҳи кўп сонли бўлиб, уларга норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнларининг бўлимлар, боблар, моддалар, бандлар ва бошқаларга бўлиниши киради⁶. О. Павлишин ва Н. Ковкель ҳуқуқий белгилар таснифини шунчалик кенгайтирганларки, ҳуқуқий белгиларнинг ҳуқуқийлиги ва ижтимо-

¹ Павлишин О.В. Семіотика права як методологічна парадигма. – С. 132.

² Ўша жойда. – Б. 133–135.

³ Ўша жойда. – Б. 136.

⁴ Ковкель Н.нинг бу таснифи исроиллик тилшунос А.Соломоник ҳулосаларига асосланади. Қаранг. Соломоник А. Позитивная семиотика. О знаках, знаковых системах и семиотической деятельности. – М.: ЛКИ, 2011. – 190 с.

⁵ Ковкель Н.Ф. О перспективах семиотического анализа права и законодательства // Вестник БГЭУ. – 2010. – № 5. – С. 83–84.

⁶ Ўша жойда.

ий мақсади ўта мавҳумлашиб кетган. Ҳуқуқий белгилар билан бошқа ижтимоий белгилар ва тил белгилари ўртасидаги фарқ йўқолиб қолган. Бунда ҳуқуқий белгиларни таснифлаш мезонларини, ҳуқуқни ифодалаш нуқтаи назаридан аҳамиятини аниқлаш имконсиз бўлиб қолган.

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий белгиларни таснифлашда Ч. Пирс ва Р. Кевельзоннинг таснифи фундаментал аҳамиятга эга. Унга кўра, ҳуқуқий белгилар – нишона белгилар, ишора белгилар ва рамзларга ажратилади. Нишона белги – хулқ-атвор моделининг асосий субъектини ва объектини ифодаловчи матнлардан, ишора белги – асосий субъектнинг хулқ-атвор объектига эришишига ёрдам бериши лозим бўлган ва тўсқинлик қилиш эҳтимоли бўлган субъектларни ифодаловчи матнлардан, ҳуқуқ рамзи – хулқ-атвор моделининг умумий ғоясини ифодаловчи матнлардан иборат бўлади. Рамзни талқин қилиш орқали хулқ-атвор моделида ифодаланган миллий ирода ва мақсадлар аниқланади. Бу таснифда, биринчидан, ҳуқуқ рамзи ва белгиларига, уларнинг ижтимоий вазифаси – ижтимоий муносабат иштирокчиларига хулқ-атвор моделлари тўғрисидаги ахборотни узатиш нуқтаи назаридан ёндашилади, иккинчидан, бунда ҳуқуқнинг аниқлиги, қатъийлиги, бир маънолилиги, тизимлилиги ҳисобга олинади.

Шунингдек, бу таснифга кўра, вербал ҳуқуқий белгилар алоҳида атама ва иборалар бирикмасидан иборат ҳуқуқ матни шаклида бўлса, новербал ҳуқуқий белгилар ҳуқуқ матнларини кўргазмалилик жиҳатидан тўлдиришга хизмат қиладиган ашёлар (масалан, давлат байроғи, герби, давлат мукофотлари), кўй ва қўшиқ (масалан, давлат мадҳияси), тасвирлар (масалан, йўл ҳаракати белгилари, давлат идораларининг ажратиб турувчи белгилари), рангли ёки товушли сигналлар (масалан, светофор, сирена), ҳаракатлар (масалан, қасамёд қилиш, суд жараёни ҳаракатлари) шаклида амал қилади.

Ҳуқуқ рамзлари тушунчаси

Ҳуқуқ рамзлари ҳуқуқий белгиларнинг тури бўлиб, маъносини бутун жамият аъзолари учун узоқ муддат давомида сақлайдиган, ҳуқуқий матн мазмунини умумлаштириб ифода-

лайдиган ўзгармас белгилардир. Ҳуқуқ рамзи маъносини очиш муайян ҳуқуқий матн мазмунида ифодаланган хулқ-атвор модели мақсадини аниқлашга имкон беради. Ҳуқуқ рамзининг маъноси аниқ бўлади ва шу хоссаси билан “ноаниқлик” тушунчасига қарама-қарши келади, у ёки бу деган саволга ўрин қолдирмайди.

Ҳуқуқ рамзлари ҳуқуқий тизимни у амал қилаётган маданият билан боғлаб туради. Рамзлар ёрдамида маданият турини аниқлаш мумкин, чунки ҳар бир маданият типига мансуб рамзлар унинг ўзига хослигини ифодалайди. Ҳуқуқий матннинг рамзий маъноларини аниқлаш ушбу матн вужудга келган маданият мазмунини аниқлашга имкон беради. Шунингдек, ҳуқуқ рамзлари умумий маданиятни (она Ватанга, халққа, оилага ҳурмат, ишонч, садоқат, эътиқод ҳислари) ҳуқуқий маданият элементлари (қонунга ҳурмат, ишонч, эътиқод ҳислари) билан бирлаштиради.

Ҳуқуқ рамзлари инсон онги ва тафаккури билан нафақат ақлий, балки ҳиссий-эмоционал боғланган. Ижтимоий муносабат иштирокчилари ҳуқуқ рамзларида сақланидиган миллий ирода ва мақсадларни идрок қилиб, ҳуқуқ матнининг умумий ғояси ва мазмунини англайди. Бошқа томондан, ҳиссий-эмоционал даражада ифодаланган бу ғоя ва мақсадларга нисбатан уларда ишонч, ҳурмат, садоқат ва эътиқод ҳислари туғилади ва кучаяди¹. Ҳуқуқ рамзлари миллий ирода ва мақсадларнинг жамият аъзолари идеали билан муштараклигини таъминлайди. Миллий ирода ва мақсадларни ўзининг идеали сифатида қабул қилган инсон доимо ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ижобий хулқ-атворга интилади. Унда қонунларга риоя қилишдан номоддий манфаатдорлик бўлади.

Ҳуқуқ рамзлари алоҳида ҳуқуқий матнларни (хулқ-атвор моделларини) ҳуқуқий тизим таркибига бирлаштириб турувчи белгилар вазифасини ҳам бажаради. Агар ҳуқуқий тизимни жамиятда мавжуд барча ҳуқуқий матнлар тизими сифатида тасаввур қилсак, ҳуқуқ рамзлари ушбу тизимни бир бутунга бирлаштириб турувчи белгилардир. Бу тизимда атиги бир эле-

¹ Қаранг: Мережко А.А. Юридическая герменевтика и методология права // Проблемы философии права. Т. 1. – Киев-Чернівці: Рута, 2003. – С. 160.

ментнинг етмаслиги бутун рамзлар тизимининг, ундан келиб чиқиб, бутун ҳуқуқий тизимнинг нуқсонли эканлигидан далолат беради.

5.4. Ҳуқуқ рамзларини ўрганиш услублари

Фан методологияси – бу ҳақиқий, объектив реалликни акс эттирадиган билимларга эришиш учун қўлланиладиган илмий фаолият тамойиллари, усуллари, воситалари йиғиндисидир. Метод (услуб) муайян вазифани ҳал қилиш, мақсадга эришиш услуби, воқеликларни ўзлаштиришнинг назарий ва амалий усул ёки амаллари йиғиндисидир¹. Методология услубларнинг услуби бўлиб, муайян илмий йўналишнинг тадқиқот услубларини ўрганади. Методология, Ч. Пирс таърифи бўйича, фикр ёки ғоянинг амалда ривожланиш жараёнини асослашга мўлжалланган мантиқнинг олий қисми бўлиб, муайян хулосага олиб боради ва унга шубҳа юзага келгунига қадар қонуният сифатида қаралади, қонуният сифатида амал қилади, шундан сўнг янги изланиш жараёнининг мавзуга айланади. Методология тадқиқотга илмий ёндашиш, фикрлаш, ҳуқуқий асослаш тизимининг услублари ҳисобланади².

Ҳуқуқ рамзларини ўрганиш (ҳуқуқий семиотика) услублари бир-бирини тўлдирадиган икки гуруҳини ўз ичига олади: биринчиси – бу Р. Кевельзон таклиф қилган прагматик (ҳуқуқ рамзлари ва белгиларидан фойдаланиш ва уларни талқин қилиш) услублар; иккинчиси – бу А. Греймас ва Б. Жексон таклиф қилган семантик (ҳуқуқ рамзлари ва белгилари воситасида ифодалаш) услублардир.

Р. Кевельзон таклиф қилган прагматик хусусиятга эга услублар Ч.Пирснинг рамзлар ва белгилар назариясига асосланади ҳамда ҳуқуқий тизимлар ривожланишини ижтимоий тизим ва инсоний қадриятлар ўзгариши билан боғлаб таҳлил қилишни таклиф қилади. Ҳуқуқий прагматизмга кўра, ҳуқуқий тафаккур ва қадриятлар шахслар ўртасидаги ўзаро келишилган мақсадга эришиш учун ҳамкорлик қилиш ва ғоялар билан алмашилиш

¹ Қаранг: Лазарев В.В., Липень С.В., Саидов А.Х. Теория государства и права: Учебник. – Т.: Akademiya, 2007. – С. 23.

² Kevelson R. The Law as a System of Signs. – P. 83–84.

жараёнида тўпланади¹. Бу услубларнинг мақсади муайян бир фикр ёки хулосадан қандай қилиб иккинчиси келиб чиқишини, янги билимлар қандай пайдо бўлишини, унинг эволюциясини тушунтиришдан иборат. Бу услубга кўра, ахборот узатиш ва қабул қилиш ҳамма вақт диалогик (мулоқот) хусусиятга эга бўлади ҳамда унда ахборот белги тизимлари воситасида алмашилади. Ҳуқуқ ҳам бошқа ижтимоий институтлар, масалан, тил, иқтисодиёт, сиёсат, оила каби ана шундай белги тизимларидан биридир².

А. Греймас ва Б. Жексон таклиф қилган методология хулқатвор моделларини миллий иродага мувофиқ ифодалашини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий матнни шакллантириш ва уни ижтимоий муносабат иштирокчиларига узатиш жараёнида ҳуқуқий ахборотни ифодалаш ва талқин қилиш ўртасидаги боғланишни таъминлаш услубларини таклиф қилади.

Ҳуқуқий семантика, синтактика ва прагматика

Семиотиканинг тадқиқот услублари рамз ва белгилар билан ифодалашнинг уч жиҳатини – семантика, синтактика, прагматикани ажратишга асосланади. Бунда синтактика – рамз ва белгилар тизими элементлари ўртасидаги муносабат, семантика – рамз ва белгилар ҳамда улар ифодаладиган маънолар ўртасидаги муносабат, прагматика – рамз ва белгилар тизими ҳамда улардан фойдаланувчилар (уларни талқин қилувчилар) ўртасидаги муносабат. Маълум бир рамз ёки белгининг маъносини очиш учун унинг коммуникация иштирокчилари томонидан талқин қилинишини, у билан амалга ошириладиган ҳаракатларни ва унинг бошқа рамз ва белгилар билан муносабатини таҳлил қилиш керак бўлади. Матн тилининг, ундаги атама ва ибораларнинг маъносини ёки матннинг сиртдаги маъносини матн семантикасига эга бўлган ҳар қандай инсон тушуниши мумкин. Лекин матннинг ички маъносини тушуниш – уни ижод қилганнинг мақсадини тушуниш билан боғлиқ ва бунга фақат прагматика даражасида эришиш мумкин. Синтактика ахборот ифодасининг тузилиши, белгиларнинг ўзаро муайян нисбатда

¹ Kevelson R. The Law as a System of Signs. – Б. 14.

² Ўша жойда. – Б. 3–4.

ва тартиб асосида жойлашишини назарда тутати, буни матн ичидаги атама ва ибораларнинг грамматик мувофиқликда жойлашуви сифатида тушуниш мумкин¹.

Рамзлар ва белгилар билан ифодалашнинг бу уч жиҳати ҳуқуқий матнларга ҳам тааллуқли. Ҳуқуқ синтактикаси ҳуқуқ ижодкорининг ҳуқуқий атама ва ибораларни муайян тартибда ва нисбатда жойлаштириб, қонунчилик матнларини яратишидан иборат. Ҳуқуқ семантикаси ҳуқуқ ижодкорининг ҳуқуқий матнни яратишда ҳуқуқий атама ва ибораларни уларнинг тизим сифатидаги маъносини ҳисобга олиб жойлаштиришини англатади. Ҳуқуқ прагматикаси ҳуқуқ рамзлари ва белгилари тизимининг ижтимоий муносабат иштирокчилари томонидан талқин қилинишини назарда тутати.

Қонунчилик матни (ҳуқуқий матн) ҳуқуқий атама ва ибораларнинг миллий ирода ва мақсадларни ижтимоий муносабат иштирокчилари томонидан тушунилиши ҳамда амалга оширилишига йўналтирилган йиғиндиси бўлиб, бунда ҳуқуқий хулқ-атвор моделлари тўғрисидаги ахборот шаклланади ва узатилади. Ҳуқуқ рамзлари ва белгилари хулқ-атвор моделларининг ижтимоий муносабат иштирокчилари томонидан миллий ирода ва мақсадга мувофиқ тўғри талқин қилинишини таъминлайди. Шунинг учун ҳуқуқий семиотикада ҳуқуқий матнлар хулқ-атвор моделларини ифодаладиган ҳуқуқий белги-рамз тузилмаси сифатида кўриб чиқилади.

Ҳуқуқни икки жиҳатли коммуникатив восита сифатида ўрганиш

Ҳуқуқий семиотика бўйича ҳуқуқ инсонларнинг хулқ-атворини шакллантириш ва тартибга солиш учун уларга узатиладиган рамзлар ва белгилар тизимидир. Бунда ҳуқуқ нормалардан иборат ёпиқ тизим сифатида эмас, балки инсоний институт, маданиятнинг таркибий қисми, доимий коммуникатив ҳаракатда бўлган хулқ-атвор моделларини фаол ифодалаш сифатида тушунилади.

Бугунги кунда ҳуқуқий матн хусусиятлари тўғрисида ҳуқуқшунос олимлар ўртасида икки хил ёндашув мавжуд.

¹ Соколов А.В. Общая теория социальной коммуникации: Учебное пособие. – СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2002. – С. 59.

Биринчи ёндашувга кўра, ҳуқуқий матн оддий ва тушунарли тилда яратилиши керак, чунки ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, аҳолининг давлатни бошқаришда иштирок этишини таъминлаш қонунларнинг барчага тушунарли бўлишини тақозо этади. Фуқаролардан уларга тушунарли бўлмаган қонунларга бўйсунишни талаб қилиш бемаънилик. Бу эса қонунлар ҳуқуқшунослик сирларини биладиган одамлар учун мураккаб юридик жумлалар билан ёзилади, деган ғояга тўғри келмайди.

Иккинчи ёндашувга кўра, ҳуқуқий матнлар табиий она тилида ёзилган бўлса ҳам, уларни ўқиган одам агар ҳуқуқшунос бўлмаса, маъносига унчалик яхши тушунмаслиги мумкин. Шу сабабдан ҳам ҳуқуқшунослар орасида ҳуқуқ мантиғига эга бўлиш ва ҳуқуқ грамматикасини билиш зарурлиги ҳақида гапирилади. Ҳуқуқшунос ҳуқуқ луғатини, грамматикасини ва мантиғини яхши билганлиги учун ҳам ҳуқуқшуносдир. Бундан ташқари, ҳуқуқ тизимли тузилиш бўлиб, ҳуқуқшунос бу тизимнинг хусусиятларини, юридик техника қоидаларини ҳам билади. Бу жиҳатларни билмаслик ҳам ҳуқуқий матн мазмунини тўғри тушунишга халақит беради.

Бу ёндашувларнинг иккисида ҳам мантиқий асослар мавжуд. Ҳақиқатдан ҳам бир томондан ҳуқуқий матнлар жамият аъзоларига мўлжалланган бўлиб, авваламбор, жамият аъзолари тушунишлари учун мос бўлиши керак. Бундан келиб чиқиб, ҳуқуқий матн тили (ҳуқуқ тили) табиий тил қоидаларига зид бўлиши мумкин эмас ва умумтушунарли бўлиши лозим. Бошқа томондан, ҳуқуқий матн бир маънолилиги ва юридик техника воситалари билан яратиладиган мураккаб тизим эканлигидан келиб чиқиб, махсус тилда яратилиши, уни тўғри талқин қилиш бўйича махсус ҳуқуқий услуб мавжудлиги тўғрисидаги хулоса ҳам нотўғри эмас. Дастлабки қарашда бир-бирига зид бўлиб кўринган юқоридаги икки ёндашув аслида бир-бирига зид эмас, уларнинг фарқи ҳуқуқий матннинг икки турли жиҳати тўғрисида фикр-мулоҳаза юритилишидадир.

Ҳуқуқий матннинг биринчи жиҳати – бу унинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун жамият аъзоларига тушунарли бўлиши лозимлиги талабидан келиб чиқадиған жиҳати.

Ҳуқуқнинг татбиқ этилиши талаби ҳуқуқий матн мазмунининг оддий инсондан бегоналаштирилиши эмас, балки инсон онги ва тафаккурига мувофиқлаштирилишини талаб қилади. Масалан, қонун матни яратилганда унинг фақат ҳуқуқни қўлловчилар учун эмас, балки мутахассис бўлмаган фуқаролар тушуниши учун ҳам мўлжалланганлигини ҳисобга олиш керак. Акс ҳолда, қонун матни жамият аъзоларининг асосий кўпчилик қисми учун тушунарсиз ва бегона ахборотга айланиб қолади. “Эълон қилинган қонунни билмаслик шахсни жавобгарликдан озод қилмайди” – деган қонунни билиш презумпцияси, биринчи навбатда, расмий эълон қилинган қонун матнининг оддий фуқароларга тушунарли тилда бўлишини тахмин қилади. Шунинг учун ҳуқуқий матнлар ҳуқуқий ахборотни жамият аъзоларига етказишга мўлжалланган ва табиий тил қоидаларига мувофиқ, табиий тилдан олинган атама ва иборалар асосида шакллантирилган бўлади. Жамият аъзолари ҳуқуқий матнларда ифодаланган мақсад, тамойил ва қоидаларни табиий тилни билганликлари сабабли тушунишади. Бундан ташқари, ҳуқуқ рамзлари ҳуқуқий матнда ўз ифодасини топган миллий ирода ва мақсадларни умумтушунарли тилда ифодалашга хизмат қилади.

Ҳуқуқий матннинг иккинчи жиҳати – бу унинг бошқа матнлардан фарқ қиладиган қатъий бир маънолиги ва белгиланган тартибда қўлланишга мўлжалланганлиги билан боғлиқ. Бу жиҳатидан ҳуқуқий матн уни аниқ ҳаётий ҳолатларга нисбатан қўлловчи мутахассислар ва хизматчиларга мўлжалланган. Ҳуқуқни тўғри қўллаш учун унинг матнини ҳуқуқ ижодкори назарда тутган маънода тушуниш ва талқин қилиш шарт. Ҳуқуқни уни қўллаш мақсадида тушуниш ва тушунтириш учун уларнинг яратилган табиий тилни билиши етарли эмас. Чунки ҳуқуқий матнларни ишлаб чиқишда ишлатиладиган тил табиий тилдан келиб чиққан бўлса-да, махсус луғат, грамматика ва техникага эга иккиламчи тил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳуқуқни қўлловчи ҳуқуқ луғати, грамматикаси, мантиғи ва техникасини билиши талаб қилинади.

Ҳуқуқий матнлар яратилаётганида ушбу икки жиҳат эътибордан четда қолмаслиги керак. Ҳуқуқий матнларни оддий тилда яратаман деб, юридик техника қоидаларини бузиш, ҳуқуқий луғат ва грамматикага риоя қилмаслик натижасида яроқсиз

матнлар яратиш мумкин эмас. Худди шундай, ҳуқуқий матнларни махсус иборалар, мураккаб ҳуқуқий конструкциялар билан тўлдириб юбориш, ундаги мақсадни тушунтирадиган декларатив зарурати ва ифодалар сифатига эътибор бермаслик натижасида оддий фуқароларга тушунарсиз матнларни яратиш ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Ҳуқуқий силлогизм ва диалогизмнинг мутаносиблиги

Очиқ жамиятда ҳуқуқнинг шаклланишида жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро интерфаол ахборот алмашилишига асосланган мулоқот муҳим ўрин эгаллайди. Силлогизм бўйича ижтимоий муносабат иштирокчиларининг ҳуқ-атвори қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган ҳуқ-атвор моделларига асосланади, диалогизм бўйича эса бу ҳуқ-атвор ижтимоий муносабат иштирокчиларининг ўзаро муносабатлари давомида шаклланади ҳамда қонунлар билан ҳуқуқий ҳуқ-атвор модели сифатида мустаҳкамланади, улар доимий янгиланиб, ривожланиб боради. Жамият аъзолари ҳуқ-атворининг бу икки манбаи бир-бирига зид эмас, балки бир-бирини тўлдиради. Диалогизм ғояларнинг ривожланиши ва янги ахборот пайдо бўлишининг амалий воситасидир. Инновациявий очиқ ҳуқуқий тизимда жамият аъзолари билан давлат доимий мулоқотда ўзаро ахборот алмашилиш жараёнини амалга оширади, қонунлар бир томонлама ахборот узатишни эмас, балки интерфаол диалогик ахборот алмашинувини акс эттиради¹. Бунда қонунлар абадий ўрнатилган бўлмайди, улар доимий янгиланади. Жамиятдаги янгиланишлар ижтимоий қадриятлар ва муносабатлар янгиланишини, улар эса қонунларнинг янгиланиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлайди. Бу янгиланиш жараёнлари ҳуқуқ рамзлари ва белгилари воситасида бир ҳуқуқий ғоядан иккинчи ғоя келиб чиқиши шаклида намоён бўлади². Жамиятнинг янгиланиш суръати қонунчиликдаги янгиланиш суръатидан юқори бўлиб, қонунчиликнинг исталган қисми, у хизмат қилиши керак бўлган жамиятга қанчалик мослигини аниқлаш учун доимий қайта кўриб чиқишга, такомиллаштиришга муҳтож бўлади³.

¹ Kevelson, R. The Law as a System of Signs. – P. 27–28.

² Ўша жойда. – Б. 35.

³ Ўша жойда. – Б. 50.

Кашф қилиш (абдукция) мантиқий амали

Ҳуқуқий рамзлар ва белгилар воситасида бир ҳуқуқий ғоядан иккинчисининг келиб чиқиши – инсон онгида кечадиган абдукция жараёни билан боғлиқ бўлади. Абдукция – кашф қилиш, янги ғоя яратиш мантиғи бўлиб, бунда асословчи фаразларга бориш йўли билан янги ҳуқуқий ғояларга келинади. Абдукция инстинктив ижод жараёни бўлиб, кутилмаган ёки ноодатий ҳуқуқий ҳолат билан тўқнаш келинганда, унинг ечими бўйича янги ҳуқуқий ғоя асослари фараз қилинади. Бунда тартибга солиниши керак бўлган ижтимоий муносабатлар муаммоси кузатилаганда, тартибга солиш бўйича янги ҳуқ-атвор модели ғояси вужудга келади. Абдукция – бу ҳуқуқий муаммоларга ечим ўйлаб топишдир ва бу ечимлар тасодифан эмас, балки инстинктив ижод жараёни воситасида, инсоннинг фикрлаш тажрибаси асосида вужудга келади. Янги ҳуқуқий ғоя ҳуқуқ ижодкорининг билимлари, тажрибаси таъсири остида ҳамда жамиятда амалда юз бераётган воқеалар ва мавжуд тарихий вазиятни билиш асосида пайдо бўлади.

Янги ҳуқуқий ғояни яратиш ва унинг асосида янги ҳуқ-атвор моделларини шакллантиришда мантиқий амаллар (Ч. Пирс назариясидан келиб чиқиб) қуйидаги кетма-кетликда келади: 1. Абдукция – асосли фараз қуриш асосида янги ҳуқ-атвор моделлари ғоясини кашф қилиш; 2. Индукция – алоҳида ижтимоий муносабат иштирокчиларининг ҳуқ-атворига тааллуқли ҳолатларни умумлаштириб, бу ҳолатларнинг умумий хусусияти тўғрисида хулоса чиқариш орқали янги қурилган фаразни тасдиқлаш; 3. Дедукция – ҳуқ-атвор модели ғоясининг алоҳида ҳуқ-атвор ҳолатларига нисбатан қўлланилиши орқали хулоса чиқариш; 4. Аналогия – янги ҳуқ-атвор модели ғоясини амалдаги ўхшаш тажрибалар билан қиёслаш асосида тасдиқлаш.

Ҳуқуқ ижодкори ижтимоий муносабатлардаги муаммоларни ўрганиб, уларга янги ҳуқ-атвор моделлари ғоясини кашф қилиш орқали ечим таклиф қилади, бу ғоя асосида янги ҳуқуқий ҳуқ-атвор моделлари яратилади ва ижтимоий муносабатлар ривожланади, ривожланиш давомида ижтимоий муносабатларда янги муаммолар пайдо бўлади, ҳуқуқ ижодкори уларни ўрганиб яна янги ҳуқ-атвор моделлари ғояларини кашф қила-

ди. Бу жараён узлуксиз давом этиб, қонунчилик ва ижтимоий муносабатларнинг такомиллашиб боришини таъминлайди.

Ҳуқуқий хулқ-атвор моделини шакллантириш

А. Греймас хулқ-атвор модели иштирокчиларини уч категория билан белгилайди: 1. Субъект – объект; 2. Узатувчи – қабул қилувчи; 3. Ёрдам берувчи – тўсқинлик қилувчи. Бунда субъект (асосий субъект) маълум бир объектга эришишга интилиб хатти-ҳаракатни амалга оширади. Асосий субъект хатти-ҳаракатни фаол ва суст амалга ошириши мумкин. Фаол ҳаракатни амалга оширишда асосий субъект ўз хатти-ҳаракати билан объектга эришади, суст ҳаракатни амалга оширишда объектга эришишини ёрдамчи субъектлар таъминлайдилар. Узатувчи – бу ҳуқуқ ижодкори бўлиб, хулқ-атвор модели иштирокчиларига хатти-ҳаракатни амалга оширишга рухсат берувчи, мажбур қилувчи ёки тақиқловчи қоидалар тўғрисидаги ахборотни узатади. Қабул қилувчи – бу узатувчининг (ҳуқуқ ижодкорининг) ахбороти мўлжалланган субъектлар (ижтимоий муносабат иштирокчилари). Ёрдам берувчи – бу асосий субъектга объектни қўлга киритишга ёрдам бериши лозим ёки мумкин бўлган субъектлар бўлиб, ҳуқуқ ижодкори бундай ёрдамни таъминлашни мажбурий қилиб қўяди. Тўсқинлик қилувчи – бу асосий субъектга объектни қўлга киритишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган субъектлар бўлиб, ҳуқуқ ижодкори бундай тўсқинликни тақиқлайди, жазони назарда тутаяди¹.

Хулқ-атвор моделини шакллантиришни “бола” хулқ-атвор модели мисолида кўриб чиқамиз. Бола хулқ-атвор модели Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Фуқаролик кодекси, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнида ўз ифодасини топган.

Бола хулқ-атвор моделида бола асосий субъект бўлиб, ўз объектига эришиш учун хатти-ҳаракатни амалга оширади ёки

¹ Қаранг: Greimas A. J. The Semiotic Analysis of Legal Discourse... – P. 102–38.

хатти-ҳаракатни амалга оширишида болага ёрдам берилади. Хулқ-атвор объекти – боланинг моддий таъминланиши, тарбияланиши, таълим олиши, жамият талабларига мувофиқ вояга етишидир. Ҳуқуқ ижодкори боланинг объектга эришиши учун ёрдам бериши лозим бўлган субъектларни белгилайди: боланинг ота-онаси (қариндошлари, васийлар ва ҳомийлар), давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим-тарбия муассасалари, тиббиёт муассасалари, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролар. Бу субъектлар боланинг хулқ-атвор объектига эришишига қўмаклашиши лозим. Ҳуқуқ ижодкори ижтимоий муносабат иштирокчиларига боланинг таълим-тарбия олиши, соғлом вояга етиши, моддий таъминланишида ҳуқуқий ва ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги ахборотни узатади ҳамда хатти-ҳаракат вариантларидан қайси бирини танлашига қараб субъектларнинг бирлари тақдирланишини, бошқалари эса жазоланишини белгилайди.

Хулқ-атвор моделининг амалга ошиш жараёни А. Греймас томонидан тўрт босқичга ажратилган¹. 1. Келишув (шартнома) босқичи. 2. Лаёқат босқичи. 3. Ҳаракат босқичи. 4. Тан олиниш ёки жавобгарлик босқичи.

1. Келишув босқичида ҳуқуқ ижодкори миллий ирода ва мақсадларни ифодалаб, ижтимоий муносабат иштирокчиларига улардан амалга оширишлари исталаётган хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги ахборотни узатади². Ҳуқуқ ижодкори ижтимоий муносабат иштирокчиларидан маълум бир хатти-ҳаракатларни амалга ошириш бўйича талабларни билишларини, бу хатти-ҳаракатларни амалга ошириш шарт эканлигига ишонишларини ва зарур бўлганда бу ҳаракатларни амалга оширишга мажбур қилинишларини англашларини истайди. Бу босқичда ҳуқуқ ижодкори бир неча функцияларни амалга оширади: биринчидан, бола (вояга етмаганлар) масаласида жамият иродасини аниқлайди; иккинчидан, уни миллий ирода сифатида ўрнатади; учинчидан, бола хулқ-атвор модели иштирокчиларининг тавсифи ва функцияларини белгилайди; тўртинчидан, бола-

¹ Greimas A.J., Courtes J. An Analytical Dictionary... – P. 203–206.

² Greimas A.J. The Semiotic Analysis of Legal Discourse. – P. 125.

нинг таълим-тарбия олиши, моддий таъминланиши, соғлом вояга етиши учун ижтимоий муносабат субъектларидан қандай хатти-ҳаракатни амалга оширишларини исташини ва бундай хатти-ҳаракатларнинг тизимга солинган мазмуни тўғрисидаги ахборотни узатади.

2. Лаёқат босқичида асосий субъект маълум бир хатти-ҳаракатларни амалга ошириши учун талаб қилинадиган лаёқат билан таъминланади. Бу лаёқат амалга оширишга мажбур бўлиш – юридик мажбурият, амалга оширишни иташ – субъектив ҳуқуқ, амалга ошира олиш – ҳуқуқ лаёқати, амалга оширишни билиш – муомала лаёқатидан иборат бўлади. Лаёқат босқичида ҳуқуқ ижодкори бола ва унинг ота-онаси, васий ва ҳомийлари, давлат органлари ва муассасаларнинг лаёқат чегараларини белгилайди. Масалан, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, “ҳар бир бола оилада яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, улар билан бирга яшаш ва уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, Оила кодексининг 73-моддасига мувофиқ, “Ота-она ўз болаларини тарбиялаш ҳуқуқига эга ва тарбиялаши шарт. Улар ўз болаларининг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишлари шарт. Ота-она ўз болаларини тарбиялашда бошқа барча шахсларга нисбатан устун ҳуқуққа эга. Ота-она болаларининг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаши шарт.

Лекин боланинг ўз объектига эришишини таъминлаш учун ҳуқуқ лаёқатининг ўзи етарли эмас, бунинг учун улар муомала лаёқатига эга бўлиши ҳам талаб қилинади. Оила кодексининг 74-моддасига мувофиқ, “Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ота-онаси зиммасига юклатилади. Ота-она ўз болаларининг қонуний вакиллари ҳисобланадилар ва ҳар қандай жисмоний ва юридик шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан, судда алоҳида ваколатсиз уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладилар”.

Шу билан бирга, боланинг ҳуқ-атвор объектига эришишини таъминламаганлик учун деликт лаёқати ҳам белгиланади. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддасига мувофиқ, “Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини бо-

сувчи шахслар томонидан вояга етмаган болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик, шу жумладан, вояга етмаган болаларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келиши учун жавобгар бўлиш белгиланган. Жиноят кодексининг 127-моддасида “вояга етмаган шахсни тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол этишга жалб қилиш” жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган.

3. Хатти-ҳаракат босқичида асосий субъект ўз лаёқати билан хулқ-атвор объектига эга бўлишга ҳаракат қилади. Бола ота-онаси, васий ва ҳомийлари, давлат органлари ва муассасалари ёрдамида берилган лаёқат асосида хатти-ҳаракатни амалга оширади, яъни таълим олиш, тарбияланиш, вояга етиш, моддий таъминланиш ва бошқаларга эришишга ҳаракат қилади.

4. Тан олиниш ва жавобгарлик босқичида хулқ-атвор субъектлари томонидан амалга оширилган хатти-ҳаракат ҳуқуқ ижодкори томонидан баҳоланади, бунда амалга оширилган хатти-ҳаракатнинг келишувга мувофиқлигига қараб ҳуқуқ ижодкори субъектни тақдирлаш ёки жазолашни белгилайди¹. Боланинг таълим олиши, тарбияланиши, вояга етиши, моддий таъминланиши ҳуқуқ ижодкори томонидан баҳоланади, бунда бажарилган ҳаракатнинг келишувга мувофиқлигига қараб қонун чиқарувчи хулқ-атвор субъектларининг тақдирланиши ёки жазоланишини белгилайди.

Ҳуқуқни рамзлар ва белгилар тузилмаси сифатида тадқиқ этиш

Ҳуқуқ – бу ҳуқуқ тили белгилари воситасида механик шакллантирилган ҳуқуқий матнлар эмас, балки ижтимоий маданият ва қадриятлардан келиб чиққан ҳамда ижтимоий муносабат иштирокчиларининг хулқ-атвор моделларини ифодаладиган ҳуқуқ рамзлари ва белгилари тузилмаси бўлиб ҳисобланади. Бу тузилмани нишона белгилар, ишора белгилар ва ҳуқуқ рамзла-

¹ Greimas A.J. The Semiotic Analysis of Legal Discourse. – Б. 126.

ри ташкил этиб, улар ижтимоий муносабат иштирокчиларига қонун ҳужжати қабул қилинишидан мақсадни ва ҳуқуқий хулқ-атвор моделининг тўғри идрок қилинишини таъминлайди.

“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда (3-модда) нишона белгини қуйидаги тавсифловчи матнда кўрамиз: бола (болалар) – ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар)¹. Шунингдек, ушбу матнда болаларнинг бир неча категориялари, жумладан, етим бола, ижтимоий ҳимояга муҳтож бола, ногирон бола келтирилган ва ҳар бир категория алоҳида хулқ-атвор моделининг асосий субъекти бўлади. Демак, бу матнда бир неча хулқ-атвор моделига тааллуқли нишона белгилар борлиги ҳақида гапириш мумкин. Шунингдек, матнда нишона белгилар бола қўлга киритишга интиладиган объектлар, жумладан, яшаш, туғилганда фамилия, ота исмини олиш, миллати ва фуқаролигига эга бўлиш, таълим-тарбия олиш, моддий таъминланиш ҳуқуқи ва бошқаларни ифода ламоқда.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик матнларида ишора белгилар болага объектни қўлга киритишига ёрдам бериши лозим бўлган субъектлар (ёрдамчи субъектлар) тавсифини ифодалайди, жумладан, қонунда боланинг қонуний вакиллари – ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг бу борадаги вазифалари белгиланган. Худди шундай, ишора белги билан ёрдамчи субъектларнинг функциялари ифодаланган. Масалан, давлат боланинг шахси, турар жойи дахлсизлигини, хат-хабарлари сир тутилишини таъминлайди ҳамда болани эксплуатациянинг барча шаклларида, шу жумладан, жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноққа солишлардан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан, шахвоний шилқимликлардан, жиноий фаолиятга, фоҳишалик билан шуғулланиш

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2008. – 1–2-сон. – 1-модда, 2009. – 52-сон. – 554-модда; 2016. – 52-сон. – 597-модда; 2017. – 24-сон. – 487-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон; 07.12.2019 й., 03/19/587/4122-сон; 11.03.2020 й., 03/20/608/0278-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон.

га жалб этилишдан ҳимоя қилишни амалга оширади (“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддаси), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва давлат нотижорат ташкилотлари болага унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ва ҳимоя қилишда кўмаклашади, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш уларнинг ота-онаси зиммасига юклатилади (Оила кодекси 74-модда).

Шунингдек, ишора белгилар боланинг объектни қўлга кiritишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган субъектларга жазо чораларини белгилайди. Масалан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖТК) ва Жиноят кодексининг (ЖК) қатор моддаларида вояга етмаган шахснинг моддий таъминланиши, тарбияланиши ва вояга етишига тўсқинлик қилувчи хатти-ҳаракатларни содир қилганлик учун жавобгарлик белгиланган. Жумладан, болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик (МЖТК 47-модда), никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ муносабатларига кириш (МЖТК 47³-модда), васийлик ҳуқуқини суистеъмол қилиш (МЖТК 48-модда), вояга етмаган шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЖК 122-модда), вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатга жалб қилиш (ЖК 127-модда) ва бошқалар жавобгарликка сабаб бўлади.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик матнларида ҳуқуқ рамзлари бола ҳулқ-атвор моделининг умумий ғоясини, миллий ирода ва мақсадларни ифодалайди. Ҳуқуқ рамзлари декларатив матнлар кўринишида бўлиб “Жамият, фуқаролар ва давлат боланинг маънавий ва жисмоний соғлом бўлиб вояга етишига масъуллигини ҳамда қонунчиликнинг мақсадини белгилайди.

5.5. Ҳуқуқ рамзларини ўрганиш нуқтаи назардан ҳуқуқни тушуниш

Ҳуқуқни тушуниш бўйича кўплаб назариялар яратилган. Уларда турли нуқтаи назардан туриб ҳуқуқ табиати таърифланган. Қайсидир ҳолатда ҳуқуқнинг идеал жиҳатлари, бошқаларида формал жиҳатлари, учинчиларида эса реал жиҳатлари асос қилиб олинган. А. Саидов, М. Рустамбаев, З. Исламов ва бошқа

олимлар ҳуқуқни турли-туман тушуниш замонавий ҳуқуқшунослик фанида ечимини кутаётган назарий масалаларни муҳокама қилишни тақозо этишини қайд этиб ўтганлар¹. Лекин ҳуқуқни ҳар қандай жиҳатдан баҳолаган тақдирда ҳам унинг инсонлар ўртасидаги мулоқот маҳсули эканлиги аён. Мулоқотга киришиш жараёнида инсонлар бир-бирларига ахборот узатиб-қабул қиладилар. Ахборот нафақат индивидлар ўртасида, балки инсон, жамият ва давлат ўртасида ўзаро алмашинади. Бундай ахборот алмашинуви ҳуқуқнинг яратилиши ва ривожланишини таъминлайди.

Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқий семиотика ҳуқуққа янги кўз билан қараш, унинг олдин кўзга ташланмаган рамзий хусусиятларини аниқлашга имкон беради. Буни ҳуқуқшунос олимларнинг ҳуқуқий семиотика соҳасидаги тадқиқот натижалари ва улар ўртасидаги илмий баҳс ҳам кўрсатиб туради. Масалан, Н. Разуваев ҳуқуқ нормасининг ташқи тузилиши (гипотеза, диспозиция ва санкция) билан бир қаторда, унинг ички тузилишини (рамзлар ва белгилардан иборат семиотик тузилишини) ҳам кўриб чиқиш кераклигини таъкидлайди. Бунда ҳуқуқ нормасининг ички тузилиши бир-бирига боғлиқ уч даражани – 1) ифодалаётган, 2) маъно ва 3) ифодаланаётганни ўз ичига олади. Ифодалаётган – бу ҳуқуқий белги (рамз) сифатида ҳуқуқ нормаси, ифодаланаётган – бу ушбу нормада ифодаланган қадриятлар². А. Поляковнинг фикрича, ҳуқуқий нормада мантиқий мазмун, қадрият маъноси ва матний боғланиш ўз ифодасини топиб, бу тузилиш элементларидан бирининг мавжуд эмаслиги ҳуқуқий норма борлигини бузади³.

И. Честнов ҳуқуқ нормалари ҳуқуқий белгилар сифатида қадриятларни ифодалайди, деган ғоя билан илмий баҳсга киришиб, ҳуқуқ нормаси, авваламбор, юридик аҳамиятга эга

¹ Ўқаранг: Саидов А.Х. Ҳуқуқшунослик фанининг ҳолати: муаммолар ва ечимлар // Ҳуқуқ. Право. Law. – 2003. – 3-сон. – Б. 4–6; Рустамбаев М.Х., Абдухолиқов С.О. Ҳуқуқ методологияси: ҳуқуқни фалсафий тушуниш бўйича изланишлар. – Т.: ТДҶОИ, 2005. – 316 б.

² Разуваев Н.В. Норма права как явление правовой культуры. – С. 13–16; Разуваев Н.В. Правовая система и критерии отраслевой дифференциации права // Правоведение. – 2002. – № 3. – С. 31–55; Честнов И.Л. Постклассическая теория права. – С. 432–433.

³ Поляков А.В. Общая теория права: проблемы интерпретации в контексте коммуникативного подхода. – С. 689.

амалдаги хулқ-атворни ифодалайди¹, яъни хулқ-атвор қоида-си рамзлар ва белгилар шаклида ифодаланади, қайд этилади ҳамда ижтимоий онгда аниқ образга эга бўлади. Шу билан хулқ-атвор қоидаси шаклланади ва ижтимоий маданиятга, жумладан, ҳуқуқий тартиботга киради, – деб таъкидлайди². И. Честновнинг фикрига кўра, ҳуқуқнинг борлиғи, авваламбор, лозим бўлган, исталган хулқ-атвор тўғрисидаги тасаввурларда мавжуд бўлиб, у кенг ҳуқуқий муносабатларда намоён бўладиган омманинг хулқ-атворида амалга ошади. Тасаввурлар (ментал образлар) белги-рамзий шаклларда бўлади ҳамда ҳуқуқ нормалари сифатида ифодаланади³. Постклассик методология нуқтаи назаридан ҳуқуқ тизими доимий ўзгарувчан, бошқа ижтимоий кичик тизимлар билан ўзаро таъсирда бўлган, инсонлар томонидан тарихий эволюция жараёнида яратилган, рамзлар ва белгилар воситасида ифодаладиган ва кенг аҳоли қатламлари хулқ-атворида амалга ошадиган хулқ-атвор қоидалари тўғрисидаги тасаввурларни ўз ичига олади⁴.

В. Любашиц ва Н. Разуваев хулосасига кўра, ҳуқуқ жамият аъзоларининг ўзаро коммуникатив таъсири жараёнида шаклланади ва инсонларнинг ўзаро мулоқоти воситаси бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқни тилнинг махсус тури, яъни мумкин бўлган, лозим бўлган ва ман этилган хулқ-атвор тўғрисидаги ахборотни кодлаштириш учун ишлатиладиган белгилар тизими сифатида қараш мумкин. У ижтимоий муносабатларни тартибга солишга ва ижтимоий тизимдаги ноаниқлик даражасини камайтиришга қаратилган. Ҳуқуқ рамзлари ва белгилари тизими ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг амалдаги босқичида қўлга киритилган коммуникатив ўзаро муносабатларнинг умумий мезонларини белгилайди⁵.

Юқоридаги хулосаларда, ҳуқуқ – рамзлар ва белгилар воситасида амалга ошадиган мулоқот жараёнида ривожланиб бо-

¹ Честнов И.Л. Постклассическая теория права. – С. 435.

² Ўша жойда. – Б. 96–97.

³ Ўша жойда. – Б. 379.

⁴ Қаранг: Честнов И.Л. Принцип диалога в современной теории права (проблемы правопонимания). Автореф. дисс. ... док. юрид. наук. – СПб., 2002. – 42 с. Честнов И.Л. Постклассическая теория права. – С. 482–483.

⁵ Любашиц В.Я., Разуваев Н.В. Эволюция государства: историческая динамика и теоретическая модель. – М.: РИОР, 2018. – С. 17.

радиган қадриятлар сифатида баҳоланади. Лекин ҳуқуқнинг рамзлар ва белгилардан иборат моддий борлиғини кўрсатишга турлича ёндашилади, бирида ҳуқуқ нормаларининг ички тузилиши сифатида қаралса, иккинчисида ҳуқуқ тўғрисидаги тасаввурлар сифатида қабул қилинади.

Ҳуқуқнинг рамзлар ва белгилардан иборат моддий борлиғи нималарда ўз ифодасини топади?

Украиналик ҳуқуқшунос олима О. Балинська ҳуқуқнинг инсонлар ва ташкилотлар ўртасидаги мулоқот тури эканлигидан келиб чиқадиган жиҳатларини санаб ўтади: 1) ҳуқуқ – инсонлар коммуникатив фаолиятининг натижаси; 2) ҳуқуқ – ижтимоий-маданий маконда ўзаро хулқ-атвор натижаси ва асоси; 3) ҳуқуқ – ахборотни баён этишнинг махсус усули; 4) ҳуқуқ – муайян хатти-ҳаракатни амалга оширишга туртки берадиган қўлланма¹. Яъни, умуман олганда, ҳуқуқ инсонлар ва уларнинг ташкилотлари ўртасидаги ўзаро мулоқот тури, ҳуқуқ рамзлари ва белгилари эса унинг воситаларидир. Бундан келиб чиқиб, ҳуқуқни рамзлар ва белгилар тизими сифатида қаралганда, унинг энг муҳим хусусиятларидан бири – ҳуқуқнинг ҳаракатчан эканлиги назарда тутилади. Албатта, ҳуқуқнинг ҳаддан ташқари ҳаракатчанлиги, яъни ҳуқуқ нормаларининг ҳаддан ташқари тез ўзгариши ижтимоий муносабатларни барқарор тартибга солишни самарали амалга оширишига зарар етказиши мумкин, ҳаддан ташқари тез ўзгарувчан нормалар жамият аъзоларининг ўз хулқ-атворини уларга мувофиқлаштиришларини қийинлаштиради. Аксинча, ҳуқуқнинг ҳаддан ташқари барқарорлиги ҳам зарарли, бунда ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни ривожланишдан тўхтатиб турувчи тўсиққа айланади, сўнгра, ижтимоий муносабатлар ривожланишидан жуда орқада қолиб, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш хусусиятини йўқотади. Ҳуқуқ ҳаракатчан тизим бўлиши, ижтимоий муносабатлардаги ўзгаришларга мувофиқ ривожланиши, ижтимоий тараққиёт даражасидан келиб чиқиб ҳуқуқ мазмуни такомиллашиши зурур².

Ижтимоий муносабатлар жамият аъзолари эҳтиёжи, манфаат ва мақсадларидан келиб чиқади. Шахс ижтимоий муноса-

¹ Балинська О.М. Семіотика права. – С. 372–374.

² Ўша жойда. – Б. 123–124.

батларга ўзининг муайян эҳтиёж ва манфаатлари билан киради. Шахснинг эҳтиёж ва манфаатларини унинг иродаси ҳаракатга келтиради, бу ҳаракат давомида у жамиятнинг барча аъзолари иродасини ўзида мужассамлаштирган жамият иродаси билан тўқнаш келади. Инсон маълум хатти-ҳаракатни ўз иродаси асосида амалга оширади, яъни у субъектив-индивидуал ирода эгаси, лекин унинг ирода эркинлиги чегаралари маълум бир субъект иродасига боғлиқ бўлмаган ва жамиятнинг барча аъзолари, қисмлари, яъни бутун жамиятнинг умумий иродасини ўзида мужассамлаштирган объектив-ижтимоий ирода билан белгиланади.

Объектив-ижтимоий ирода субъектив иродаларнинг йиғиндисидан иборат, лекин бу оддий миқдорий йиғинди эмас, балки субъектив иродаларнинг диалектик қўшилишидан келиб чиқадиган сифат йиғиндиси, ижтимоий муносабат иштирокчилари иродаларининг объективлашган йиғиндисидан иборат. Субъектив ирода билан объектив ироданинг ўзаро нисбати тўғрисида Гегель: “Ўзимнинг у ёки бу йўналишдаги ҳаракатимни белгилаб олиш имкониятига, яъни танлаш имкониятига эга бўлиб, мен ўзим истаган ҳаракатимни қила оламан, одатда, бу ҳолатни эркинлик деб номлайдилар, ... лекин менинг ихтиёримда бўлган танлаш чегараси ироданинг ижтимоийлигидан иборатдир”, – деб ёзади¹.

Индивидларни маълум мақсад асосида бирлаштирувчи муайян жамоанинг иродаси индивидлар хатти-ҳаракати учун умумий мезонни белгилаш хусусиятига эга бўлмайди. Жамиятнинг маълум бир қисмини ташкил қилувчи ижтимоий бирлик, масалан, оила, жамоат бирлашмаси, маҳалла, маъмурий-ҳудудий бирлик аъзоларининг умумий иродаси ижтимоий ирода бўлиб, шу ижтимоий бирлик аъзолари учун умумий ҳисобланса-да, у жамиятнинг фақат бир қисми эҳтиёж ва манфаатларини ифода этади, шунинг учун бутун жамиятга нисбатан субъектив ирода бўлиб ҳисобланади.

Айрим мутафаккирлар, масалан, француз маърифатпарвари Ж.Ж. Руссо объектив-ижтимоий иродани сиёсий шаклда жамият аъзоларининг умумий иродаси – халқ иродаси сифати-

¹ Гегель Г.В. Философия права / Пер. Б.Г. Столпнер. – М.: Юрайт, 2019. – С. 24.

да тушунади: “Ҳар биримиз иродамизни, мулкимизни ва шахсимизни умумий ирода раҳбарлиги остига бериб қўйганмиз¹, бунда келишув суверен сифатида халқ ва уни ташкил қилувчи хусусий шахслар ўртасида тузилади”², – деб айтади. Бунда олий сиёсий ирода – халқ иродаси жамиятдаги устувор ирода эканлиги белгиланган. Ж.Ж. Руссонинг бу фикрига асосланиб, кўпгина муаллифлар жамият иродаси сиёсий шаклда халқ иродаси сифатида ифодаланади, деб ҳисоблаганлар.

Шу жойда жамият иродаси ва халқ иродаси тушунчаларининг бирлиги ва алоҳидалиги масаласига тўхталиб ўтиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Жамият иродаси ва халқ иродаси айна бир воқеликни ифодалайдиган тушунчалар эмас. Жамият иродаси жамият аъзолари иродаларининг сифат йиғиндиси бўлиб, у объектив-ижтимоий характерда бўлади, яъни жамиятнинг алоҳида шахс ва гуруҳлари иродасидан мустақил бўлади. Халқ иродаси эса жамиятнинг кўпчилик қисмини ташкил қилган шахслар ва гуруҳлар иродасининг миқдор йиғиндисидир, у субъектив-жамоавий ирода характерида бўлади. Шунинг учун халқ иродаси жамият иродаси билан чегараланиши лозим, акс ҳолда, жамиятда кўпчиликнинг камчиликка нисбатан ўзбошимчалиги ўрнатилганлиги ҳолати, бу эса тоталитар давлат ва жамиятни келтириб чиқаради (Нацистлар Германиясида мустабид ҳокимият немис халқининг кўпчилик қисми иродасининг мутлақлаштирилишига асосланган эди).

Жамият иродаси халқ иродаси учун ҳам хатти-ҳаракат эркинлиги мезонларини белгилайди. Халқ ҳокимиятчилиги бу жамият иродасини ифодалайдиган адолатли қонунлар асосида кўпчиликнинг камчилик устидан ҳокимиятидир. Давлат халқдан ҳокимиятни олади ва халқ номидан фаолият юритади. Лекин давлат иродаси ҳам қонунда расмийлаштирилган жамият иродаси билан чегараланади, яъни “давлат нормаларни қабул қилади ва ижтимоий муносабатларга киришганда ўзи ҳам бу нормаларга бўйсунди” формуласига амал қилинади. Акс ҳолда, давлатнинг ўзбошимчалиги ҳақида гапириш мумкин бўлади.

¹ Руссо Ж.Ж. Трактаты. – М.: Наука, 1969. – С. 312.

² Ўша жойда. – Б. 314.

Жамият иродаси (объектив-ижтимоий ирода) жамиятнинг таркибий қисмлари иродаси (субъектив иродалар) эркинлиги учун мезонлар вазифасини бажарар экан, ушбу мезонлар адолатли қонунлар билан таъминланади. Яъни субъектив иродалар объектив-ижтимоий иродадан келиб чиққан мезонлар билан ўрнатилган чегараларга тўқнашиш жойида адолатли қонунлар вужудга келади. Шундай қилиб, субъектив иродалар эркинлиги ва ўзбошимчалигини бир-биридан ажратиб турувчи чегаралар шаклланади. Адолатли қонунлар жамият иродасини амалга ошириш воситалари сифатида вужудга келади.

Ҳар бир инсонда ўзининг табиий эҳтиёжларини қондиришда ёввойи истаклари йиғиндиси мавжуд. Инсон бошқа инсонлар билан муносабатга киришганда ўз манфаатларига эришишнинг қонунларга зид ёввойи усуллари танлаши ҳам мумкин. Бунда бошқа инсонлар манфаатини бузиш ҳисобидан ўзига кўпроқ имконият яратишга ҳаракат қилинади. Бунга қарши адолатли қонунлар жамият аъзолари ўртасида ўзаро муносабат мезонларини белгилайди. Ёввойи истакларни қондириш ушбу мезонларни бузиш орқалигина амалга оширилиши мумкин бўлади. Адолатли қонунлар жамиятда қайсидир инсонлар манфаати учун имкониятларнинг кенгайиши ҳисобидан бошқа инсонлар имкониятларининг қисқаришига чек қўяди, шунинг учун ҳам бундай қонунлар адолатли қонунлардир.

Инсоннинг ўз имкониятларини адолатга зид кенгайтириши ўзбошимчалик ҳисобланади. Жамиятда бундай ўзбошимчаликларга йўл қўйилиши зўравонликнинг ҳукм суришига, ижтимоий парокандалик ва жамиятда барчанинг бир-бирига қарши урушига, “мансаб, билак ва чўнтак кучи”га қараб тоифавий имкониятлар юзага келишига олиб келиши мумкин. Давлатнинг асосий вазифаси жамият иродасини қонунлар мазмунида ифодалаб, унга зид ҳар қандай ўзбошимчаликни бартараф этишдан иборат. Давлат инсонлар ҳуқ-атворини умумий моделлар доирасига киритиш ва маданийлаштириш учун қонунлар яратади ва улар билан ижтимоий муносабат иштирокчилари ҳуқ-атвори стандартларини ўрнатади, бу стандартларни бузганларга нисбатан санкцияни белгилайди. Яъни давлат инсоннинг ёввойи истакларини адолатли қонунлар билан чегаралаб, уларни маданийлаштиради.

Ҳуқуқий хулқ-атвор моделлари субъектив эҳтиёж ва манфаатларни қондиришнинг қонуний усуллариға мувофиқ шакллантирилади. Қонунда ифодаланган хулқ-атвор моделларида ижтимоий муносабат иштирокчилари қонуний манфаатлар орқасидан борадиган қаҳрамонлар ва ғайриқонуний манфаатлар орқасидан борадиган аксилқаҳрамонлар сифатида иккига ажралади. Қонуний манфаатни ифода этган қаҳрамон субъект, ноқонуний манфаатни ифода этган аксилқаҳрамон субъект билан курашга киришади¹.

Объективлашиш жараёнида хулқ-атвор моделлари ҳуқуқ ижодкори томонидан қонун сифатида ўрнатилади. Шу тариқа формал маънодаги ҳуқуқ шаклланади. Формал ҳуқуқ ижтимоий муносабатларни самарали тартибга солиш мақсадига қаратилган шакл бериш қоидаларини қўллаган ҳолда яратилади. Бу шакл бериш қоидалари юридик техника, юридик конструкция, терминология, ҳуқуқ тили, ҳуқуқий грамматика ва бошқа услубларни ўз ичига олади. Бунда ҳуқуқ ижодкори икки коммуникатив функцияни амалга оширади: биринчиси – ҳуқуқ ижодкори янги хулқ-атвор моделлариға эҳтиёж тўғрисидаги ахборотни жамиятдан қабул қилиб олади; иккинчиси – ҳуқуқ ижодкори объективлашган хулқ-атвор моделлари тўғрисидаги ахборотни ижтимоий муносабат иштирокчилариға узатади.

Хулқ-атвор моделларининг объективлашиши, биринчи навбатда, инсон ҳаётининг замонавий параметрларини муҳофаза қилишға хизмат қиладиган маънавий-ахлоқий принципларнинг ўрнатилишини тақозо этади. Бу принципларға умуминсоний тамойиллар (эркинлик, тенглик ва адолат) ҳамда миллий маданият, анъана ва қадриятлар киради. Умуминсоний тамойиллардан бегоналашган қонунлар мустабид, миллий-маданий асоссиз, жамият аъзолариға бегона ва тушунарсиз бўлади.

Хулқ-атвор моделларининг объективлашиш жараёни бир неча босқичда амалга ошади.

Биринчи босқичда, шахсларнинг ўзаро муносабатлари давомида муайян хатти-ҳаракатларға нисбатан жамият иродаси (объектив ижтимоий ирода) шаклланади. Жамият иродаси асо-

¹ Қаранг: Uzun E. Hukukun Göstergebilimsel Analizi. – S. 99.

сида доимий такрорланадиган янги хулқ-атвор вариантлари ва бу хулқ-атвор вариантларини белгилайдиган адолатли қонунларга эҳтиёж пайдо бўлади.

Иккинчи босқичда, ижтимоий муносабатларнинг барча иштирокчилари янги хулқ-атвор вариантларини хулқ-атвор моделлари сифатида умумқабул қилишга тайёр бўлишади.

Учинчи босқичда, янги хулқ-атвор моделлари ҳуқуқ ижодкори томонидан қонунлар воситасида ҳуқуқий мустаҳкамланиб, муайян ҳуқуқий хулқ-атвор моделлари сифатида шакллантирилади, мавжудлари такомиллаштирилади. Шаклланган хулқ-атвор моделлари ёки уларга киритилган ўзгартириш объективлик хусусиятига, яъни ижтимоий муносабат иштирокчиларининг субъектив иродасидан мустақил сифатларга эга бўлади.

Тўртинчи босқичда, ҳуқуқни қўлловчи (судьялар ва бошқа мансабдор шахслар) қонун билан ўрнатилган хулқ-атвор моделлари асосида шахсларнинг хулқ-атворига баҳо беради.

Хулқ-атвор моделларининг объективлашиши ҳуқуқнинг тақдирини ҳал қилади. Чунки бунда ҳуқуқ ижодкори жамият иродасига мувофиқ келадиган ва амалий бўла оладиган хулқ-атвор моделларини ўрната оладими ёки йўқми? – деган саволга жавоб берилади. Агар жамият иродаси тўғри аниқланган бўлса, ҳуқуқ ижодкори ўрнатган формал ҳуқуқ (ҳуқуқий хулқ-атвор моделлари) амалий аҳамиятга эга бўлади ва ижтимоий муносабат иштирокчилари уни ўз хулқ-атворларини бошқаришда дастуриламал қўлланма сифатида қабул қилишади, акс ҳолда яратилган формаллик қоғозда қолади.

Хулқ-атвор моделларининг амал қилиши жараёнида пайдо бўлган янги эҳтиёжлардан келиб чиқиб, хулқ-атвор моделлари янги даражага кўтарилади. Бу объективлашиш жараёнининг узлуксиз давом этишини, ҳуқуқнинг ҳаракатчанлигини ва янги тараққиёт эволюцияси босқичида янги хулқ-атвор моделлари, яъни янги ҳуқуқ яратилишини англатади.

Хулқ-атвор моделларида ўз ифодасини топган миллий ирода ва мақсадлар жамият иродасидан келиб чиқади. Миллий ирода ва мақсадлар хулқ-атвор моделлари тизимини умумлаштиради. Хулқ-атвор моделларининг мақсади миллий иро-

дага асосланади. Шунингдек, ҳуқуқий норма чуқур яширин маданий мазмунга эга бўлиб, у жамиятнинг фақат ҳозирда яшаётган аъзоларидан иборат авлоди билангина эмас, балки жамиятнинг бутун тарихи давомида турли авлодлар тажрибасига таяниб яратилган. Хулқ-атвор модели шарҳланаётганда унда узоқ тарихий ривожланиш давомида шаклланган ва объектив хусусиятга эга умуминсоний ва миллий маданий қадриятлар яширинганлиги ҳисобга олинishi керак.

Янги ижтимоий муносабатлар ва уларга нисбатан жамият иродасини аниқлашда ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнининг барча субъектлари, жумладан, янги ҳуқуқ ғоясини кашф қилишда иштирок этувчи субъектлар, ҳуқуқ ташаббускорлиги ҳуқуқига эга субъектлар, ҳуқуқнинг татбиқ этилиши ҳолатини доимий мониторинг қилувчи субъектлар, ҳуқуқшунос олимлар, давлат хизматчилари, юридик хизмат кўрсатувчи амалиётчи юристлар, турли меҳнат жамоалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, хусусий сектор вакиллари ва оддий фуқаролар иштирок этиши тўғрисида гапириш мумкин. Масалан, хулқ-атвор моделлари фақат соҳани бошқарадиган орган (вазирлик, қўмита ва ҳ.к.) нуқтаи назаридан ишлаб чиқилса ва ҳуқуқ ижодкорлиги механизмининг бошқа таркибий қисмлари (масалан, фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, меҳнат жамоалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, олимлар, оддий фуқароларнинг нуқтаи назари) ҳисобга олинмаса, ижтимоий муносабат тартибга солишда назоратни кучайтириш нуқтаи назаридан келиб чиқиб баҳоланади, бошқа субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлақонли таъминланмай қолади. Бунинг натижасида фақат назорат нуқтаи назаридан яратилган хулқ-атвор моделлари соҳанинг бошқа иштирокчилари манфаатини қондирмайди, ижтимоий муносабатларнинг тартибга солиниши жамият иродаси ва тараққиёти талабларига номувофиқ бўлиб қолади.

Шундай қилиб, хулқ-атвор моделлари тўлақонли амал қилишининг асосий шarti – уларнинг умумий тушунарли бўлиши, умумий тан оlinиши ва умумий ҳурмат объектига айланиши билан боғлиқ. Бунда ҳуқуқ ижодкори жамият иродаси асосида нормаларни ўрнатади, ижтимоий муносабат иштирокчилари эса жамият иродаси ҳукмронлигидан манфаатдор бўладилар

ва ҳуққ-атвор моделларини дастуриламал қўлланма сифатида қабул қиладилар, жамият аъзолари бу моделларни рўёбга чиқариш устидан ижтимоий назоратни амалга оширадилар. Ҳуқуқни рамзлар ва белгилар тизими сифатида ўрганиш нуқтаи назаридан ҳуқуқ – бу муайян жамият маданияти, анъана ва одатлари, умуминсоний ва миллий маънавий-ахлоқий қадриятларга ҳамда давлат томонидан расмийлаштирилган жамият иродаси (миллий ирода)га мувофиқ ишлаб чиқилган ҳуққ-атвор моделлари ва уларни ифодаладиган ҳуқуқ рамзлари ва белгилари тизимидир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқ рамзларини ўрганиш (ҳуқуқий семиотика) назарий-ҳуқуқий фан сифатида ривожланиш жараёнини бошидан кечирмоқда. Ҳозирги кунда ушбу назарий-ҳуқуқий фан соҳасининг методологик асослари тўғрисидаги билимларни умумлаштириш ва такомиллаштириш талаб қилинади.

Ҳуқуқ рамзларини ўрганиш методологиясининг қуйидаги жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

биринчидан, ҳуқуқ – рамзлар ва белгилар тизими сифатида, шунингдек ҳуқуқда маъно яратиш ва уни ижтимоий муносабат итирокчиларига узатишга йўналтириб ўрганилади;

иккинчидан, ҳуқуқ рамзларини ўрганиш (ҳуқуқий семиотика) фан шаклланишининг барча зарурий босқичларидан ўтган: 1) энг қадимги даврларда рамзлар ва белгилар тўғрисидаги илк тушунчалар, илмий билимлар пайдо бўлган; 2) рамзлар ва белгилар тўғрисидаги фанлараро соҳа (семиотика назарияси) шаклланган; 3) ҳуқуқ рамзларини ўрнагиш фан соҳаси сифатида (ҳуқуқий семиотика) шаклланган;

учинчидан, ҳуқуқий семиотика доирасида ҳуқуқий аҳборотни рамзлар ва белгилар воситасида ифодалаш, узатиш, қабул қилиш, талқин қилиш тузилиши, бу тузилишнинг таркибий қисмлари – ҳуқуқий ҳуққ-атвор моделлари, қонунчилик матнининг белги-рамз тузилмаси ўрганилади;

тўртинчидан, ҳуқуқнинг вужудга келиши, такомиллашуви ва амалга оширилишининг муҳим жиҳати сифатида ҳуққ-атвор моделлари, ҳуқуқ нормаларининг жамият иродаси ва мақсадларига асосланганлиги ҳисобга олинади;

бешинчидан, ҳуқуқ рамзларини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳуқуққа қуйидаги таъриф берилади: ҳуқуқ – бу муайян жамият маданияти, умуминсоний ва миллий маънавий-ахлоқий қадриятлар, жамият иродасига (миллий иродага) мувофиқ ҳуқуқ ижодкори томонидан ишлаб чиқилган ҳуқ-атвор моделлари, ҳуқуқий нормалар ва уларни ижтимоий муносабат иштирокчилари учун ифодаладиган ҳуқуқ рамзлари ва белгилари тизимидир;

олтинчидан, ҳуқуқий семиотиканинг тушунчалар тизими тартибга солиниб, умумҳуқуқий ва махсус тушунчаларга ажратилади. Махсус тушунчалар сифатида ҳуқуқ тили белгиси, ҳуқуқ матни, ҳуқуқий белги, ҳуқуқ рамзи, қонунчилик матнининг белги-рамз тузилмаси, ҳуқ-атвор модели, ҳуқуқий коммуникация, ҳуқуқ луғати, ҳуқуқ грамматикаси, ҳуқуқий матннинг ифода тузилиши каби тушунчалар таклиф қилинади;

еттинчидан, ҳуқуқ рамзлари ва белгилари тушунчаси ҳуқуқ тили белгилари тушунчасидан ажратилади: ҳуқуқий атама ва иборалар ҳуқуқ тили белгилари бўлиб, улар алоҳида-алоҳида олинганда иродавий хусусиятга эга ҳуқуқий ахборотни ифодалай олмайди, уларнинг миллий иродани ифодалаш мақсадида бирлашишидан ҳосил бўлган матнларгина (ҳуқуқ рамзлари ва белгилари) ҳуқуқий ахборотни ифодалай олади. Шунингдек, ҳуқуқ рамзлари ва белгиларининг вербал (сўз-матнлардан иборат) шаклидан ташқари новербал (тасвир, ашё, оҳанг ва ҳаракат) шакллари ҳам амал қилади;

саккизинчидан, ҳуқуқ рамзларини ўрганиш услублари таснифланиб, умумий услублар ва махсус услубларга ажратилади. Махсус услубларни ҳуқуқий матнларнинг миллий иродани ифодалаш хусусиятини тадқиқ этиш, ҳуқуқни рамзлар ва белгилар тизими сифатида тадқиқ этиш, ҳуқ-атвор моделини шакллантириш, кашф қилиш (абдукция) мантиқий амали, ҳуқуқий силлогизм ва диалогизмнинг мутаносиблиги, ҳуқуқни коммуникатив восита сифатида тадқиқ этиш, ҳуқуқий семантика, синтактика ва прагматика услублари ҳуқуқ рамзларини ўрганишда методологик ўзига хосликни ташкил қилади.

Олтинчи боб. **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING** **ҲУҚУҚ РАМЗЛАРИ**

6.1. Ҳуқуқ рамзлари тушунчаси

Жамиятни янгилаш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган жараёнларнинг негизда ҳуқуқий тизим модернизацияси ётади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев: “Янги Ўзбекистон – демократик қонунлар, юксак ҳуқуқий маданиятга эга фуқаролар мамлакатидир”, деб ёзади¹. Модернизация ғояси ҳуқуқнинг жамият аъзоларини умумий мақсад йўлида бирлашишини таъминлайдиган, умуминсоний ва миллий қадриятлар билан боғланган, жамият аъзолари ўртасида ўзаро келишув воситаси сифатидаги ўрнини ўрганишни тақозо этади. Бунда ҳуқуқ инсондан бегоналаштириб бўлмайдиган, жамиятда биргаликда яшаш ва мулоқот жараёнида ривожландиган, доимий янгиланадиган коммуникатив жараён сифатида қабул қилинади. Ҳуқуқнинг коммуникатив жараён сифатидаги хоссалари ҳуқуқ рамзлари таҳлилида кенгроқ намоён бўлади.

Ҳуқуқий адабиётлар таҳлил қилинганда ҳуқуқ рамзлари масаласида ҳали умумий тўхтам шаклланмаганлиги маълум бўлади. Адабиётларда ҳуқуқ рамзлари тушунчаси эмас, ҳуқуқий рамзлар тушунчаси таҳлил этилган.

Н. Вовленко ҳуқуқий рамзларни ижтимоий рамзларнинг бир тури, ҳуқуқий маданият элементи сифатида тавсифлайди. Унинг ҳулосасига кўра, ҳуқуқий рамзлар – тарихан урф-одат ва анъаналар даражасида шаклланган ҳуқуқий воситалар бўлиб, ижтимоий муносабатларни кодлаштирилган белгилар воситасида тартибга солади². А. Никитин ва П. Шалагинов таърифига кўра, ҳуқуқий рамзлар умумий ва ҳуқуқий маданиятни боғлаб туради, улар тушуниш учун энг қулай ва осон бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш воситалари. Ҳуқуқий рамз давлат томонидан яратилган, санкцияланган, қўриқланадиган ва махсус тартибда фойдаланиладиган шартли белги, маданий-қадриятли тузилиш бўлиб, ҳуқуқ ижодкори унга алоҳида

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: Ўзбекистон, 2021. – Б. 79.

² Вовленко Н. Н. Правовая символика. – С. 72.

сиёсий-ҳуқуқий мазмун беради. Кўргазмалик, лўндалик, аниқлик ҳуқуқий рамзларга хос бўлиб, агар рамзлар фуқаролар онгига ўрнашса, унда ифодаланган қоидалар фуқаролар томонидан, ҳатто, ҳиссий даражада ҳам амалга оширилиши мумкин¹. А. Глушаковнинг фикрича, ҳуқуқий рамз қонунчиликда мустаҳкамланган норматив ахборот модели бўлиб, ҳуқуқий таъсир кўрсатиш субъектлари учун тушунарли бўлади².

В. Бабаев, В. Баранов, И. Туранский, В. Толстик, Л. Кругликов ва О. Спиридоновалар ҳуқуқий рамзларга қонунчилик билан мустаҳкамланган, муайян юридик мазмунни ифодалаш учун фойдаланиладиган ва атрофдаги инсонларга тушунарли бўлган шартли тимсол, ажратиб турувчи белгилар сифатида таъриф беришади. Рамзий тимсоллар ҳуқуқий мазмунга аниқлик, тушунарлилик, лўндалик беради³. Уларнинг фикрига кўра, ҳуқуқни белги-рамз тизими сифатида кўриб чиқиш мумкин бўлиб, у ҳуқуқ борлигининг коммуникатив ва тартибга солиш воситасидир⁴. Шунингдек, ҳуқуқий рамзлар – аксиомалар, юридик конструкциялар, презумпциялар ва фикциялар билан бир қаторда ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим ўринга эга эканлигига қарамай, ҳуқуқий, хусусан, ўқув адабиётининг назаридан четда қолган юридик техника воситаларидан бири⁵. Л. Кругликов ва О. Спиридонова ҳуқуқий рамзларга қонунчилик билан мустаҳкамланган муайян ҳуқуқий мазмунни ифодаладиган ва атрофдагиларга тушунарли бўлган шартли белги, деган таърифни беришади⁶.

¹ Никитин А.В. Правовые символы. – С. 19; Шалагинов П.Д. Функции правовых символов. – С. 8.

² Глушаков А.Ю. Правовой символ: понятие, признаки, классификация // Социология власти. – 2009. – № 2. – С. 199.

³ Бабаев В.К., Баранов В.М., Толстик В.А. Теория государства и права в схемах и определениях. – М.: Юрист, 2001. – С. 87; Бабаев В.К., Баранов В.М. Общая теория права: Краткая энциклопедия. – Н. Новгород: Нижегородская ВШ МВД РФ, 1998. – С. 74; Кругликов Л.Л., Спиридонова О.Е. Юридические конструкции и символы в уголовном праве. – С. 98–99.

⁴ Баранов В. М., Туранский И. И. Право и язык // Российская правовая система и международное право: современные проблемы взаимодействия. Ч. II. – Н.Новгород, 1998. – С. 238.

⁵ Общая теория права. Курс лекций /Под ред. В. К. Бабаева. – Н. Новгород: Нижегородская Высшая школа МВД РФ, 1993. – С. 101.

⁶ Кругликов Л.Л., Спиридонова О.Е. Юридические конструкции и символы в уголовном праве. – С. 98–99.

И. Исаевнинг фикрича, ҳуқуқий шаклнинг рамзийлиги ташқи ва моддий белгиларда эмас, балки улар томонидан ҳуқуқий реалликни акс эттиришнинг динамизми ва кўп маънолилигидадир. Ҳар қандай ҳуқуқий шакл – таъриф, норма, тимсол ва бошқалар рамз бўлиши мумкин, бунда рамз бўлишнинг асосий шарти ҳуқуқий шаклларнинг кўп маънолилигида ётади. Айнан нормада сақланадиган маънолар занжирининг узлуксизлиги уни рамз билан яқинлаштиради. Тарихий истиқболда рамзларга абстракт тушунчалар босими остида ҳуқуқий соҳадан йўқолиш тақдири ёзилган эди, лекин анъана, урф-одат ва “халқ руҳи” соҳасида унинг қадимдан сақланиб қолинган элементлари узоқ вақтдан бери мавжуд бўлиб, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий амалиётга сезиларли таъсир кўрсатиб келмоқда¹.

М. Давидова ҳуқуқий рамзларни тор, кенг ва позитив ҳуқуқ билан белгиланган рамзлар маъносида тушунишни таклиф қилади. Унга кўра, тор маънода ҳуқуқий рамзлар деганда амалдаги қонунлар билан ўрнатилган ёки санкцияланган рамзлар тушунилади. Кенг маънода ҳуқуқий рамзлар деганда, жамият ҳуқуқий маданиятининг таркибий қисми бўлган, ҳуқуқий тизимга қўшилиб кетган барча рамзлар (қонунчиликда мустаҳкамланган рамзлар ҳамда қонунчилик билан мустаҳкамланмаган, лекин ижтимоий ҳуқуқий онгда муайян ҳуқуқий қадриятларни рамзий ифодалагани сабабли одамлар томонидан ҳуқуқ сифатида қабул қилинган рамзлар) тушунилади. Позитив ҳуқуқ томонидан белгиланган рамзлар деганда, қўриқладиган ва ман қилинган рамзларни ўз ичига оладиган юридик аҳамиятга эга рамзлар тушунилади². М. Давидова ҳуқуқнинг ўзини ҳам рамз сифатида таърифлаш мумкин, деб ҳисоблайди. Ҳуқуқ ўз-ўзидан инсонлар онгига таъсир кўрсатади. Ҳуқуқ умуман адолат ва тартиб рамзи сифатида идрок қилинади. Маълум маънода ҳуқуқнинг қадрият эканлиги тўғрисидаги масала ҳам – бу унинг рамзий маъносини ўқиш, кодини очиш масаласидир³.

¹ Исаев И.А. Символизм правовой формы (историческая перспектива). – С. 4–9.

² Давыдова М.Л. Юридическая техника: проблемы теории и методологии. – Волгоград: Изд-во ВолГУ, 2009. – С. 292–293; Давыдова М.Л. Правовые символы и символы в праве: понятие, значение, классификация // Юридическая техника. – 2008. – № 2. – С. 56–58.

³ Политико-правовые ценности: история и современность / Под ред. В. С. Нерсисянца. – М., 2000. – С. 12.

О. Шарно ҳуқуқий рамзларни ҳуқуқий маълумотларни идрок қилиш самарадорлиги учун мўлжалланган ва сиёсий-ҳуқуқий маънодан келиб чиқиб, муайян шакл ва мазмунга эга бўлган, аниқ тартибда фойдаланиладиган ва давлат томонидан қўриқланадиган маданий-қадриятли юридик техника воситалари деб таърифлайди¹. Унинг фикрига кўра, ҳуқуқий рамзлардан ҳуқуқий таъсир кўрсатиш вазифаларини ҳал қилиш ва ҳуқуқий таъсир кўрсатиш воситаларини тежаш учун фойдаланилади². Н. Гончарованинг фикрича, ҳуқуқий рамзлар норматив мустаҳкамланган шартли белги бўлиб, ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари ва ҳуқуқни қўлловчилар келишуви бўйича муайян гуруҳлар, инсонлар категориялари учун яратилади, ҳуқуқий маълумотларни етказишнинг ўзига хос ва самарали шакли бўлиб ҳисобланади ҳамда юридик фаолиятни такомиллаштиришга хизмат қилади³. И. Мальцев ҳуқуқий рамзлар деганда турли ифодалаш даражаларида ҳуқуқ субъектларини шартли ифодалайдиган, ҳуқуқ нормалари асосида ўрнатиладиган, фойдаланиладиган ва қўриқланадиган, уникал, барқарор, махсус ифодаланган қадриятли объектларни тушуниш керак⁴, деб ҳисоблайди.

Юқорида келтирилган таърифларда ҳуқуқий рамзларнинг қуйидаги асосий хоссалари кўрсатиб ўтилади: 1) давлат томонидан яратилади ёки санкцияланади, қўриқланади ва фойдаланилади, қонунчилик билан мустаҳкамланади; 2) шартли, ажратиб турувчи, атрофдагиларга тушунарли белгилар; 3) ҳуқуқ ижодкорлиги субъекти томонидан берилган сиёсий-ҳуқуқий мазмунга эга; 4) мазмунида ҳуқуқий ахборотни сақлайди; 5) маданий-қадриятли тузилиш; 6) ҳуқуқий мазмунга аниқлик, тушунарлилиқ, лўндалик берадиган юридик техника воситаси;

¹ Шарно О.И. Правовые символы как средства правоприменительной техники. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Саратов, 2014. – 32 с.

² Шарно О. И. Классификационная модель правоприменительной символики // Вестник Волгоградского государственного университета. – Серия 5. Юриспруденция. – 2013. – № 3. – С. 41–44; Шарно О.И. Правовые символы как средства реализации принципов гражданского общества (на примере адвокатской деятельности в России и стран СНГ) // Вестник Волгоградского государственного университета. – Серия 5. Юриспруденция. – 2014. – № 2. – С. 75–78.

³ Гончарова Н.С. Правовой символ: понятие и признаки // Вестник Волгоградского государственного университета. – Серия Право. – 2017. – № 3. – С. 73–74.

⁴ Ўша жойда. – Б. 117.

7) ҳуқуқий материални идрок қилиш самарасини оширади, ҳиссиётларга таъсир этади; 8) ҳуқуқий тизимнинг мустақил элементи.

Шунингдек, юқоридаги таърифларда қуйидаги тафовутлар кўзга ташланади: 1) айрим тадқиқотчилар ҳуқуқий рамзларнинг асосий хоссаси сифатида уларнинг тасвирий-кўргазмалилигини кўрсатиб ўтсалар (масалан, Н. Вопленко, В. Бабаев, В. Баранов, А. Никитин, П. Шалагинов ва бошқалар), бошқалар ҳуқуқий тасдиқланганликни асосий хосса сифатида кўрсатадилар (М. Давидова, О. Шарно), учинчилари ҳуқуқий рамзлар тушунчаси остида ҳуқуқий маънони ифодаладиган ҳар қандай рамзийликни тушунадилар (И. Исаев); 2) айрим тадқиқотчилар ҳуқуқий рамзларнинг новербал, яъни ашё, тасвир, оҳанг, ҳаракат шакллари асос қилиб олсалар, бошқалари вербал, яъни сўз-матнли шакллари ҳам асос қиладилар; 3) ишлатилган ибораларда ҳам тафовутлар бор: айрим адабиётларда ҳуқуқий рамзлар (правовые символы), бошқаларида ҳуқуқий рамзий белгилар (правовая символика), яна бирларида ҳуқуқий тимсоллар (правовые эмблемы), тўртинчиларида рамзий ҳуқуқий шакллар (символические правовые формы) каби иборалар қўлланилади. Кўпчилик адабиётларда ҳуқуқий рамз, ҳуқуқий рамзий белги, ҳуқуқий тимсол тушунчалари бир маънода ишлатилади. Д. Смирновнинг фикрича, ҳуқуқий рамзларга берилган таърифларда уларнинг турли-туман, жумладан, маданий ва фалсафий категорияга тааллуқли хоссалари қамраб олинган, шунингдек уларга юридик техника воситаси сифатида берилган таърифларда рамзларнинг ҳал қилувчи хоссаси – матнни тежаш ва ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига руҳий таъсир қилиш хоссаси етарлича инобатга олинмаган¹.

Академик А. Саидов томонидан ҳуқуқий рамзлар замонавий қонунчилик тизимининг муҳим элементи сифатида тавсифланади. А. Саидов талқинида “Рамзлар ёхуд символлар – инсон ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб, улар бўшлиқдан пайдо бўлмайди, улар ижтимоий маданиятнинг ажралмас қисми, жамият ва давлатнинг муайян даврдаги умумий интилишлари

¹ Смирнов Д.А. Символы и символические действия в контексте последних изменений статьи 19.1 ТК РФ (Трудового кодекса Российской Федерации) // Вестник ЯрГУ. – Серия Гуманитарные науки. – 2017. – № 4. – С. 53.

кўринишидир. Улар инсонлар онгида давлат ва ҳуқуқ тўғрисида асосий тасаввурларнинг шаклланишига сезиларли таъсир қиладиган воситалардир”¹. Масалан, герб, байроқ, мадҳия давлат рамзи сифатида, суд ҳайъати кириб келиши билан суд залидагиларнинг ўрнидан туриши – судга ҳурмат рамзи сифатида қарор топган. Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёди ҳам халққа хизмат қилиш рамзидир. Олим томонидан давлат рамзлари жамият ҳаётида муҳим ўрин тутган ҳуқуқий рамзлар турларидан бири сифатида белгиланади².

Бизнинг фикримизча, А. Саидов ҳулосаларини ривожлантирган ҳолда, ҳуқуқий рамзларни моҳияти, ижтимоий вазифасидан келиб чиқиб тавсифлаш зарур. Д. Керимовнинг фикрига кўра, ҳуқуқий тушунчалар воқелик хусусиятларини очиш учун етарли бўлган энг муҳим белгилар йиғиндисидан шакллантирилса ва воқелик моҳиятини аниқлашга етарли бўлсагина илмий ҳисобланади. Ҳуқуқий воқеликлар асосини унинг барча хусусиятлари, белгилари эмас, балки зарурий, асосий, ҳал қилувчи белгилари ташкил этади³. Ҳуқуқий рамзларнинг энг муҳим белгиларини тадқиқ этиш орқали унинг ҳуқуқий моҳиятини билиш мумкин бўлади. Бунинг учун ҳуқуқий рамзларнинг табиатидаги икки жиҳатни кўриб чиқиш лозим: биринчидан, улар рамзларнинг бир тури бўлиб, рамз хоссаларини ўзида мужассамлаштиради, иккинчидан, улар ҳуқуқий воқелик бўлиб, зарурияти ва борлиғи ҳуқуқнинг ижтимоий вазифасидан келиб чиқади ҳамда ҳуқуқий тизимнинг бошқа элементлари билан узвий боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳуқуқий рамзларни ўрганишни рамзларнинг энг муҳим хосса ва белгиларини кўриб чиқишдан бошлаш муҳим.

Рамзларнинг хоссаларини ўрганишни “рамз” тушунчасининг келиб чиқишини кўриб чиқишдан бошлаш керак. “Рамз” атамаси ўзбек тилига араб тилидан кириб келган. Ўзбек тилининг этимологик луғатида “Рамз” атамаси белги, ишора маъно-

¹ Саидов А.Х. Конституция ва давлат рамзлари. – Б. 4.

² Саидов А.Х. Мустақиллик рамзлари (Сўз боши ўрнида) // Очилов Ў.С. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий маркази, 2007. – Б. 3.

³ Керимов Д.А. Методология права (предмет, функции, проблемы философии права). 2-е изд. – М.: Аванта+, 2001. – С. 160.

сини англатиши ёзилган¹. Лекин амалда “Рамз” атамаси белги ёки ишора маъноларидан кенгроқ маънони англатади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра, “Рамз” атамаси – бирор ғоя, тушунча, ҳодиса ва шу кабиларни ифодаловчи, эслатувчи шартли белгини англатади².

“Символ” атамаси юнонча “симбалло” сўзидан келиб чиққан бўлиб, икки бошланғичнинг бирлашиши деган маънони англатган. “Символ” атамаси, дастлаб, балиқчиларнинг биргаликда тўр ташлашини ифодалашга нисбатан ишлатилган³. Тўр ташлаш эҳтиёжи балиқчиларни умумий гуруҳга бирлаштирарди, шунинг учун тўр ташлаш образи ва тўр тасвири бу бирлашувнинг, яъни балиқчилар гуруҳининг шартли белгисига айланган. Кейинчалик рамз “дўстона муносабатлар белгиси” бўлиб хизмат қилган сополакни (махсус сопол буюм) англатган. Ўзининг дўсти билан видолашаётган одам унга шартли тасвир туширилган сополакнинг ярим бўлагини берган, иккинчисини ўзида қолдирган. Кўп йиллар ўтганидан кейин эски кадрдонлар, кўпинча, уларнинг авлодлари сополак бўлакларини бирлаштириб, уларни ўзаро боғлаган, риштани аниқлашган. Шунингдек, юнонча “символ” атамасининг илк маъноси – “шахс гувоҳномаси”ни ҳам англатган⁴. “Символ” тузилган шартномалар, гувоҳномалар ёки суд жараёнида иштирок этиш ва овоз бериш ҳуқуқини берадиган махсус тамға туширилган тахтачалар – “суд тессерлари”ни англатадиган тушунча сифатида қўлланилган⁵. Кейинчалик “символ” атамаси ижтимоий гуруҳлар, уюшмалар, ташкилотлар аъзолари учун умумий шартли маънога эга ва унга мансубликни ифодаладиган нишонлар, тимсоллар, тамғалар, узуклар, ранглар, тасвирларга нисбатан ишлатилган. Турли ташкилотларни шартли белгилар ёрдамида бир-биридан ажратиш анъанага айланган⁶.

¹ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. 2-том (араб сўзлари ва улар билан ҳосилалар). –Т.: Университет, 2003. – Б. 352.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати: Ж. З. Н-Тартибли / Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т.: O'zbekiston, 2020. – Б. 346.

³ Брокгауз Ф.А., Ефронъ И.А. Символ // Энциклопедический словарь. Т. 58. – СПб., 1900. – С. 59.

⁴ Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. – М.: Искусство, 1991. – С. 287.

⁵ Тахо-Годи А.А. Термин “символ” в древнегреческой литературе // Тахо-Годи А.А., Лосев А.А. Греческая культура в мифах, символах и терминах. – СПб.: Алетейя, 1999. – С. 330–334.

⁶ Брокгауз Ф.А., Ефронъ И.А. Символ // Энциклопедический словарь. – С. 60.

Қадимги юнон фалсафасида ҳам рамз тушунчаси икки бошланғичнинг қўшилиши ва умумийнинг ҳосил бўлиши маъносида тушунилган. Арасту жамиятни олигархия ва демократияга ажратиб, сўнг уларни худди дўстлик ва қадрдонлик риштала-ри билан боғланган одамларни саполак, тамға ва узуклар билан боғлагандай бирлаштиришни таклиф қилади¹. У рамзларни шартли “номлар” ва табиий “белгиларга” ажратади, шунингдек рамзни бири иккинчиси тўғрисида учинчиси орқали тасаввур уйғотадиган таркибий қисмлардан иборат белги сифатида тавсифлайди².

Демокритнинг фикрича, ҳар бир нарсанинг рамзи инсонлар ўртасидаги ўзаро мулоқотда тил воситасида яратилган. Рамзлар нарсаларнинг оддий белгилар билан етказиш мумкин бўлмаган хоссаларини, моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама ифода-лайди. Пифагорнинг фикрига кўра, рамз ўзида қандайдир яширин маънони сақлайди³. Плутархнинг фикрича, рамз икки-ланаётган инсонга таъсир қилади ва қарорлардан бирини қабул қилишига туртки беради, натижада инсон ҳал қилувчи қарорга келиб олдинга интилади. Маъбудлар инсонга рамзлар восита-сида йўл кўрсатади. Олдинда кутилаётган воқеалардан хабар-дор қилади. Плутарх бунга мисол келтиради. Унда кунларнинг бирида Зевснинг хизматкори – бургут подшоҳнинг тан соқчиси қўлидан ҳокимият ва ҳукмдорлик рамзи – найзани олиб ден-гизга улоқтиради. Бу воқеа “маъбудлар мустабид тузум йўқоли-шини истамоқда” деб талқин қилинади⁴.

Стоикларнинг фикрича, бутун олам рамзларда тасвирлан-ган ва оламини фақат рамзлар воситасида билиш мумкин. Рамз – воқелик билан унинг моҳиятини бирлаштириб турувчи ту-шунчадир. Янги платончи Проклнинг фикрига кўра, рамз воқе-ликни акс эттиришни эмас, балки унинг ички моҳиятини, нари-ги тарафда турган бошланғичини аниқлашни англатади. Икки қарама-қарши тарафда турган бошланғичларни, яъни воқелик-

¹ Аристотель. Соч. в 4-х т. Т. 4. – М.: Мысль, 1984. – С. 503.

² Яковлева М.В. Основные теоретические подходы изучения символики в социально-гуманитарных областях знания // Вестник Удмуртского университета. – 2010. – Вып. 1. – Ст. 19.

³ Тахо-Годи А.А. Термин “символ” в древнегреческой литературе. – С. 334–335.

⁴ Плутарх. Сравнительное жизнеописание в 3-х т. Т. 3. – М.: Азбука, 2020. – С. 293.

нинг ўзи билан унинг моҳиятини қўшиш рамзлар воситасида амалга ошади. Рамз инсон тафаккурини қоронғи тушунарсизликдан ўтказиб, шаффоф ҳақиқатга қараб боришга мажбур қилади¹.

И. Кантга кўра, рамз тасаввур этишнинг махсус тури бўлиб, унинг воситасида ифодаланган нарсани оддий идрок воситасида билиш мумкин эмас. Кант билишнинг икки турини – идрок ва ақлни бир-биридан ажратади. Мантиқий фикрлашга асосланган идрок – бу бутунни қисмларга бўйсунган сифатида тасаввур қилишдир, ақл эса қисмларнинг бутунга бўйсунган сифатида фикрлашдир. Ақл синтетик (синтез қилинган) умумийликдан хусусийликка боради. Рамз – мушоҳадада ғояларни тасаввур қилишнинг ҳиссий усули, рамзни мушоҳада қилиш – бу ғояни интуитив тушуниш бўлиб, у чексиз ва ўзининг айтилмаганлиги билан тугамайди, чунки уни айтиш имконсиздир². Гегелнинг фикрича, рамз – бу шундай белгики, биз унинг маъносини муайян маданият билан боғлагандагина тушунамиз. Рамз – бу “мушоҳада бўлиб, унинг моҳиятини аниқлаш у ифодалаётган мазмунга боғлиқ”³.

Янги кантчилик фалсафаси намоёнчаси немис файласуфи Э. Кассирерга кўра, инсон рамзий шакллар воситасида уни ўраб турган бетартиб оламни тартибга солади. Маданият турли янги рамзларнинг туғилишидан иборатдир. Тил, афсона, дин, санъат ва фан рамзнинг туғилишига олиб келадиган бошланғичлар – рамзий шакллар мажмуидир. Рамзлар ниманидир моҳиятини ифодалайди ва бу “нимадир” рамзий шакллар ортида яширинган бўлади⁴.

Герменевтика намоёнчаси француз файласуфи П. Рикернинг таъкидлашича, “агар тушуниш борлиқнинг индивидуал воқеликларини ўзлаштириш усули бўлса, тил маънолари ортидан рамзларнинг бой дунёсига бориш зарурдир”. Тил маъноларини аниқлаш матн мазмунини аниқлашга имкон беради,

¹ Тахо-Годи А.А. Термин “символ” в древнегреческой литературе. – С. 355–357.

² Кант И. Критика способности суждения / Пер. с нем. – М.: Искусство, 1994. – С. 226–227.

³ Гегель Г. Сочинения. Т. 3. Философия духа. – М.: Государственное изд-во политической литературы, 1956. – С. 265–256.

⁴ Кассирер Э. Избранное. Опыт о человеке. – М.: Гардарики, 1998. – С. 440–710.

ўша матннинг рамзий маъноларини аниқлаш ушбу матн пайдо бўлган маданият мазмунини аниқлашга имкон беради. П. Рикер “мен рамз деб тўғридан-тўғри, бирламчи, бевосита маъноси бир вақтнинг ўзида бошқа билвосита, иккиламчи, маънони ҳам англатишини, лекин бу маънонинг фақат биринчиси орқали тушунилиши мумкин бўлган ҳар қандай маъно тузилишини айтаман”, – деб ёзади¹.

Швейцариялик руҳшунос олим К. Юнг рамзларни “коллектив онгсизлик” тушунчаси билан боғлайди. Унинг фикрига кўра, рамз ақлий тушунчаларга нисбатан кўпроқ нарсадир, чунки у илдизлари билан онгсизликка, руҳиятга бориб тақалади. Руҳият эса, онгдан кўра кўпроқ нарсадир, у фақат ҳаёт тажрибасидангина орттирилмайди, балки туғма элементлар – инсоният, халқ, қабила, уруғ, оила эволюцияси натижасидир. Коллектив онгсизликни ўзида сақлайдиган тимсолларни К. Юнг архетип деб номлайди. Архетип – тимсол ва эмоция бирлигини ифодаладиган рамзлар мажмуи. Бир архетипдан кўплаб рамзлар шаклланиши мумкин, бу рамзлар умумий ягона архетипга бирлашади. Рамз – бу аниқ шаклни олган маданийлашган архетипдир².

Шундай қилиб, қадимги замонлардан бошлаб ҳозирга қадар олимлар рамзни кўпжиҳатли воқелик сифатида талқин қиладилар ва унинг қуйидаги хоссаларини кўрсатиб ўтадилар: 1) рамз – муайян нарса ёки воқелик тўғрисида яширин, ўзгармас, принципал характердаги ҳақиқатлардан иборат ахборотни ўзида сақлайдиган белги; 2) ўз объекти учун таркибий қисмларини умумлаштирувчи, моҳиятга йўналтирувчи белги; 3) ўз объектини бошқа объектлардан ажратиб турувчи белги; 4) ўз объектининг ички моҳиятини ифодаладиган белги; 5) ўз моддий борлигидан кўра кўпроқ маънони ифодаладиган белги; 6) тасвир, ҳаракат, жумла, тимсол каби турли шаклларда мавжуд бўлиши мумкин бўлган белги; 7) муайян маданиятга мансуб инсонлар учун умумтушунарли ва умумий маънога эга бўлган белги; 8) инсонларнинг фақат ақлига эмас, балки ҳиссиётларига таъсир қилиб, уларнинг хулқ-атворига таъсир қилувчи белги.

¹ Рикер П. Конфликт интерпретаций. Очерки о герменевтике / Пер. с фр. И.С.Вдовиной. – М.: Академический проект, 2008. – С. 51.

² Современная западная философия: Словарь / Сост. Малахов В.С., Филатов В.П. – М.: ТОН-Остожье, 1998. – С. 524–525.

Нарсанинг ички моҳиятини умумлаштирган кўринишда ифодаладиган ҳар қандай нарсa рамз бўла олади, ҳар қандай нарсанинг бошқа бир нарсa ички моҳиятини умумлаштирган кўринишда ифодалаш хусусияти нарсанинг рамзий хусусиятидир. Хўш, қандай нарсалар рамзий хусусиятга эга бўлиши мумкин? Уларни чегаралаш мумкинми? Табиат ва жамиятда мавжуд ҳар қандай нарсa-воқелик инсон томонидан рамзлар ва белгилар воситасида идрок қилинади. Рамзлар ва белгилар воситасида инсонлар ўзарo бир-бирларига муайян маънога эга ахборотни узатишади. Рамзлар ва белгилар ашё, тасвир, оҳанг, овоз, ҳаракат, сўзли матн ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин.

Рамзлар муайян маданиятнинг ҳосиласи, уларнинг муайян жамият аъзолари учун умумтушунарли эканлиги ва умумқабул қилинганлиги ўша маданиятга мансублик билан белгиланади. Айни бир нарсa турли маданиятга мансуб бўлганлар учун турлича маънога эга бўлиши мумкин. Агар белги умумтушунарли ва умумқабул қилинган бўлмаса, бундай белги воқеликнинг рамзи бўла олмайди, рамзлари бўлмаган воқелик эса идрок қилувчиларга бегона, тушунарсиз бўлади. Агар воқеликни ифодаладиган муайян белгилар мавжуд бўлмаса, воқеликни тушуниш қийинлашади, агар муайян рамзлари мавжуд бўлмаса, воқеликни тўғри тушуниш мутлақо мумкин бўлмайди. Рамзлар воқеликнинг моҳиятини, унинг энг асосий хоссаларини ифодалайди. Воқеликнинг тўғри идрок қилиниши унинг рамзий ифодалаш хусусиятига эга воситалар билан қанчалик тўлақонли таъминланганлигига боғлиқ бўлади.

Рамз шартли белги хусусиятига эга бўлади. Лекин белги тушунчаси рамз тушунчасидан кенгрок – “нарсанинг ҳар қандай рамзи унинг белгиси бўла олса ҳам нарсанинг ҳар қандай белгиси унинг рамзи бўла олмайди”¹. Рамз муайян нарсa-воқеликка тааллуқли таркибий қисмларни умумлаштириб, бутунлик сифатида ифодаладиган белгилардир. Сиёсатшунос олим В. Капицын белги ва рамзни фарқи ҳақида гапириб, белги нарсa тўғрисидаги билимнинг бир элементи бўлиб, белгилар кўплиги рамзлар кўплигини англатмайди. Рамзда образ ва ғоянинг

¹ Лосев А.Ф. Проблемы становления символа и реалистическое искусство. – М.: Искусство, 1995. – 320 с.

мураккаб бирлашиши содир бўлиб, уларнинг талқини белгини рамзга олиб боради, деб ҳисоблайди¹.

Ҳуқуқ рамзлари ижтимоий рамзларнинг бир тури. Ҳуқуқ ижтимоий воқелик сифатида муайян ҳуқуқий тизим мазмунида намоён бўлади. Шундай экан, ҳуқуқий тизимнинг моҳиятига тааллуқли ҳақиқатлар ҳуқуқ рамзлари воситасида ифодаланади. Ҳуқуқ рамзлари ҳуқуқий тизим учун унинг элементларини умумлаштириб ифодаловчи воситалардир. Шунингдек, ҳуқуқий норманинг инсон онига таъсири механик, яъни “санкция борми – бўйсунаман, йўқми – эътибор бермайман” шаклида бўлмайди. Бундай таъсир ҳуқуқнинг рамзий табиати билан белгиланади. Маълум ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш инсонлар онига жамият, давлат, ҳокимият, куч-қудрат, тартиб, анъаналарга содиқлик каби қадриятларни рамзий ифодалаши билан боғлиқ. Ҳуқуқ рамзлари ҳуқуқий хулқ-атвор модели ғояси ва мақсадини ифодалайди, белги эса аниқ хатти-ҳаракатларни тартибга солади. Шунинг учун “йўл ҳаракати белгилари” деб юритилади, лекин “йўл ҳаракати рамзлари” деб айтилмайди². Ҳуқуқий белги ҳуқуқ рамзи бўлиши учун у ҳуқуқда ифодаланган ирода ва мақсадларни умумлаштириб ифодалаши керак. Ҳуқуқий мустаҳкамланган, ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қиладиган, лекин ҳуқуқдаги ирода ва мақсадлар мазмунини умумлаштириб ифодалаш хоссасига эга бўлмаган восита ҳуқуқ рамзи эмас, балки ҳуқуқий белгидир. Масалан, светофор чироқлари маъноси ҳуқуқ билан мустаҳкамланган, ҳуқуқий тартибга солиш воситалари ва ҳаракатли-рангли шаклга эга бўлган ҳуқуқий белги бўлиб ҳисобланади, лекин светофор ҳуқуқда ўрнатилган ироданинг умумий мазмунини ифодаламайди, шунинг учун у ҳуқуқ рамзи эмас, балки йўл ҳаракати қоидабини ифодаладиган белгидир.

Амалда, ҳуқуқ матни мазмунини ифодалашда ҳуқуқ рамзи сифатида исталган объект – ҳаракат, маросим, ранг, товуш, тасвир, матн хизмат қилиши мумкин. Рамз ўзига хос “ўзак белги”

¹ Капицын В.М. Семиозис городского патриотизма (опыт осмысления теории и практики) // Вестник Рязанского государственного университета. – 2014. – № 3. – С. 28.

² Мечковская Н. Б. Семиотика: Язык. Природа. Культура. Курс лекций. – М.: Академия, 2007. – С. 190.

ролини бажаради. Ҳуқуқ матнлари тузилишида ҳар бир ҳуқуқ рамзи ўз атрофида бошқа белгиларни бирлаштирган ҳолда ҳуқуқий мазмунни ҳосил қилади. Агар белги маълум бир ҳуқуқий мазмун таркибига кирувчи маънони ифодаласа, ҳуқуқ рамзи ҳуқуқий мазмун асосини ташкил қилувчи ва бошқа белгилар учун умумлаштирувчи маънони ифодалайди.

Ҳуқуқий рамзлар ва ҳуқуқ рамзлари тушунчалари турдош бўлса-да, улар бир-биридан фарқ қилади. Ҳуқуқий рамзлар ҳуқуқий тасдиқланганликни, ҳуқуқ рамзлари ирода ва мақсаднинг ифодаланганлигини англатади. Ҳуқуқий рамзлар деганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган рамзларни тушуниш мумкин. Бунда ҳуқуқий тасдиқланган рамзлар ва ҳуқуқий тасдиқланмаган рамзлар тушунчаси ишлатилади. Шунингдек, ҳуқуқий рамзлар ва ғайриҳуқуқий рамзлар тушунчаси ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда ғайриҳуқуқий рамзлар, қўлланилиши қонун билан ман қилинган рамзлар сифатида таърифланиши мумкин. Масалан, маънавиятга, конституциявий тузумга зид, зўравонлик, уруш, геноцидни тарғиб этувчи рамзлар.

Ҳуқуқни ифодалайдиган рамзларнинг ҳуқуқий тасдиқланганлик хоссасидан ташқари ҳуқуқ матнлари мазмунини ифодалаш хоссаси ҳам муҳимлигидан келиб чиқиб, “ҳуқуқий рамзлар” тушунчаси билан бирга “ҳуқуқ рамзлари” тушунчасини ҳам ишлатиш мақсадга мувофиқ. Ҳуқуқ рамзлари тушунчаси ҳуқуқнинг ички моҳиятини ифодалашга алоқадор. Ҳуқуқнинг ички моҳияти – унинг мазмунида сақланадиган мақсад ва иродадир. Ҳуқуқнинг ички моҳияти – давлат томонидан мустаҳкамланган миллий ирода ва мақсадлардан иборат.

Рамзшунос олим В. Похлебкиннинг фикрига кўра, “рамз тасвирий эталонга эга эмас ва уни тасвирлар орқали билиб бўлмайди”, шу маънода рамз тушунчасини рамзий белги (правовая символика) ва эмблема тушунчасидан фарқлаш керак¹. Шунга мувофиқ, ҳуқуқ рамзлари ва ҳуқуқнинг рамзий белгилари тушунчаларини бир-биридан фарқлаш лозим. Рамзий белгилар рамзнинг ўзи эмас, лекин бу тушунчаларни қарама-қарши қў-

¹ Похлебкин В.В. Кўрсатилган асар. – Б. 381.

йиб ҳам бўлмайди, рамзий белги рамзнинг чизилган тасвирлар, қуйланган образлардан иборат махсус шакли. Рамзий белгилар миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборотни тасвирлар, оҳанглар ва ҳаракатлар воситасида ифодалашни назарда тутати. Рамзий белгиларга, масалан, эмблемалар – байроқ ва герб ҳамда уларнинг мусиқа ва қўшиқдан иборат кўриниши – мадҳия киради. Бунда ҳуқуқнинг ички моҳияти тасвирланганлик хусусиятига эга рамзлар воситасида ифодалангани.

Ҳуқуқ рамзлари тушунчасини тор ва кенг маъноларда тушуниш мумкин. Тор маънода ҳуқуқ рамзлари деганда, ҳуқуқнинг мазмунидаги миллий ирода ва мақсадларни ифодалашнинг новербал шакллари тушунилса, кенг маънода вербал ва новербал шакллари тушунилади. Ҳуқуқнинг рамзий белгиси тушунчаси ҳуқуқ рамзи тушунчасидан торроқ, унинг фақат новербал (сўз-матнлардан иборат бўлмаган, ашё, тасвир, оҳанг, ҳаракатлардан иборат) шакли бўлиб, унинг вазифаси ҳуқуқ мазмунида ифодаланган миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборотни махсус тасвирлар ва эмблемалар воситасида ифодалашдан иборат. Ҳуқуқнинг рамзий белгилари ҳуқуқнинг моҳиятини ифодалаш учун махсус яратилган, кўргазмали шаклда ишлаб чиқилган (масалан, Давлат байроғи, герби, мадҳияси). Вербал (сўз-матнли) ҳуқуқ рамзлари, масалан, “Ўзбекистон суверен демократик республика” ёки “Конституция ва қонунлар устувордир” каби жумлалар миллий ирода ва мақсадларни сўз-матнлар воситасида ифодалайди.

Шундай қилиб, ҳуқуқ рамзлари ҳуқуқнинг моҳияти билан боғланган белгилардир. Ҳуқуқнинг моҳияти – бу ҳуқуқнинг ички, нисбатан барқарор асоси бўлиб, унинг жамиятдаги вазифасини ифодалайди. Ҳуқуқнинг моҳияти хусусий манфаатларнинг мутаносиблиги натижаси сифатида шаклланган жамият иродаси намоён бўлиб, у давлат томонидан тан олинади ҳамда шу йўл билан инсонлар ҳуқ-атвори ва фаолиятининг умумий мезони бўлиб хизмат қилади¹. Ҳуқуқ рамзларининг ижтимоий

¹ Лазарев В.В., Липень С.В., Саидов А.Х. Теория государства и права. – С. 226; Общая теория государства и права. Учебник / Под ред. В.В. Лазарева. – М.: Юристъ, 1999. – С. 129–130; Теория государства и права: Курс лекций / Под ред. Н.И. Матузова и А.В. Малько. – М.: Юристъ, 2000. – С. 138.

вазифаси, биринчидан, миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборотни жамият аъзолари қабул қилиши учун умумлашган, умумтушунарли шаклда узатиш, иккинчидан, бу ирода ва мақсадларга нисбатан жамият аъзолари онгида ғоявий-ҳиссий тузилиш (тасаввур, муносабат, ҳурмат, эътиқод) ҳосил бўлиши-ни таъминлашда намоён бўлади. Бундан келиб чиқиб, ҳуқуқ рамзларининг юридик техника воситаси сифатидаги аҳамияти ҳам фақат сўзларни тежашда эмас, балки миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборотни умумлаштириб узатишда ўз ифодасини топади.

Ҳуқуқ рамзларининг энг муҳим хусусиятлари тўғрисида қуйидаги хулосани илгари суриш мумкин:

биринчидан, ҳуқуқ рамзлари воситасида ифодаланадиган мазмун ҳуқуқнинг моҳияти билан ўзаро сингиб кетган бўлади. Ҳуқуқ рамзи – бу рамз шакллари мазмунининг ўзи эмас, балки рамз шаклининг ҳуқуқда ўрнатилган ирода мазмунини ифода этиш қобилиятидир. Ҳуқуқ рамзларидан фойдаланишдан мақсад миллий ирода ва мақсадлар мазмунини ифодалашдан иборат;

иккинчидан, ҳуқуқ рамзлари ҳуқуқ мазмунида ўрнатилган иродани ифодаловчи, бу ирода тўғрисидаги ахборот мазмунини жамият аъзоларига узатишга хизмат қилувчи воситаларни англатади. Шунингдек, ҳуқуқ рамзлари ҳиссий-эмоционал таъсир қилувчи воситалар бўлиб, фақат онг даражасидагина эмас, онг ости даражасида ҳам инсоннинг ҳуқуқий ҳуқ-атворини тарбиялайди. Ҳуқуққа риоя қилиш даражасига жазоланишдан қўрқиш ҳиссига қараганда манфаатдорлик ҳисси кучлироқ таъсир қилади. Жамият аъзолари ҳуқуқ рамзлари воситасида жамият иродаси ва мақсади уларнинг хусусий манфаати билан уйғун эканлигини ҳис қилади ҳамда қонун уларнинг ҳуқ-атвори учун дастуриламалга айланади, улар қонунга ишонгани ва манфаатдорлиги учун риоя қилади;

учинчидан, ҳуқуқ рамзлари узоқ тарихий тараққиёт натижасида шаклланган ҳамда жамият аъзолари учун қадриятга айланган умуминсоний ва миллий ғояларни ўзида мужассамлаштиради. Умуминсоний ва миллий қадриятлар инсонларни жамият тараққиёти ва барқарорлиги учун курашга етаклайди-

ган ноиқтисодий, яъни эвазига моддий манфаат талаби турмайдиган манфаатларни юзага келтиради. Бундай манфаатнинг юзага келиши эзгуликка интилиш, миллий ғурур, бунёдкорлик ҳисларининг кучайишига сабаб бўлади.

Ҳуқуқ рамзларининг энг муҳим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидагича таъриф бериш мумкин: ҳуқуқ рамзлари – бу ҳуқуқий матнда ўз ифодасини топган, миллий ирода ва мақсадлар мазмуни тўғрисида умумлашган ахборотни ифодалайдиган, жамият аъзолари учун умумтушунарли, умуминсоний ва миллий маданий қадриятларга айланган, инсонларнинг фақат ақлига эмас, балки ҳиссиётларига таъсир қилиб, уларни умумий мақсад йўлида бирлаштириш хусусиятига эга бўлган белгилардир.

6.2. Ҳуқуқ рамзларининг таснифи ва функциялари

Ҳуқуқ коммуникатив воқелик бўлиб, уни рамзлар тизимисиз тасаввур қилиб бўлмайди, коммуникациясиз ҳуқуқ мавжуд эмас. Коммуникация эса ахборотни узатувчи ва қабул қилувчининг турли рамзлар воситасида мулоқотга киришидан иборат. Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқ рамзларининг қандай гуруҳларга ажралишини ўрганиш муҳим.

Қатор тадқиқотларда ҳуқуқий рамзлар қуйидагича таснифланади:

Н. Воппенко “ҳуқуқий рамзий белгилар” (“правовая символика”) иборасини қўллаб, уларни ёзма, оғзаки, тасвирий ва ҳаракатлар каби гуруҳларини кўрсатиб ўтади¹. Н. Власенко уларнинг схема, расмлар, харита рамзий белгилар, атрибут рамзий белгилар, ҳаракат (йўл ҳаракатни бошқарувчи ходимнинг сигналлари) ва йўл белгилари (автойўл, дарё ва денгиз йўл белгилари), овозли (транспортдаги овозли сигналлар) каби турларини кўрсатиб ўтади². В. Бабаев, В. Баранов, В. Толстик, И. Туранскийлар ҳуқуқий рамзларнинг ашёли, график, рангли, ҳаракатли,

¹ Воппенко Н.Н. Правовая символика и международное право // Российская правовая система и международное право: современные проблемы взаимодействия. Ч. II. – Н. Новгород, 1998. – С. 189–190; Воппенко Н.Н. Правовая символика. – С. 73.

² Власенко Н.А. Язык права. – Иркутск: Норма-плюс, 1997. – С. 30–32.

сўзли ва шартли маънога эга сўзли формулалар, муסיқавий каби гуруҳларини ажратадилар¹.

Ҳуқуқий рамзларнинг нисбатан кенгроқ таснифини А. Никитин амалга оширади². У ҳуқуқий рамзларни саккиз таснифлаш мезонига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратади: 1) ташқи ифодаланиш услубига кўра – ашёли, ҳаракатли, тасвирий, оҳангли, нурли, сўзли, оғзаки ва ёзма рамзлар; 2) ҳуқуқ субъектига кўра – давлат рамзлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви рамзлари, давлат мансабдор шахсларининг рамзлари, тижорат ва но-тижорат ташкилотлари рамзлари, хусусий шахслар рамзлари; 3) ифодаланадиган маънога кўра огоҳлантирувчи, устуворлик берувчи, ман этувчи, буйруқ берувчи, ахборотга йўналтирувчи, хизмат белгилари ва қўшимча маълумот берувчи рамзлар; 4) давлат тузилишига кўра – федерал, федерация субъекти ва муниципал рамзлар; 5) ҳуқуқий тартибга солиш предмети-га кўра – халқаро оммавий ва халқаро хусусий ҳуқуқ, конституциявий, фуқаролик, молиявий, маъмурий, моддий ва процессуал ҳамда бошқа рамзлар; 6) юридик техника воситаси сифатидаги ўрнига кўра – норматив, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни шарҳлаш рамзлари; 7) ижтимоий муносабат соҳаларига кўра – иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, экологик, ижтимоий соҳа рамзлари; 8) барқарорлик даражасига кўра – доимий ва вақтинчалик рамзлар.

А. Никитиннинг таснифи Л. Кругликов ва О. Спиридонова томонидан яна уч таснифлаш мезони бўйича тўлдирилади: 1. Ҳокимият тақсимланиши принципи-га кўра – қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимияти рамзлари; 2. Келиб чиқишига кўра – табиий ва сунъий рамзлар; 3. Ҳуқуқ функцияларига кўра – тартибга солувчи ва қўриқловчи рамзлар³.

¹ Бабаев В.К., Баранов В.М., Толстик В.А. Теория государства и права в схемах и определениях. – С. 88; Баранов В.М., Туранский И.И. Право и язык // Российская правовая система и международное право: современные проблемы взаимодействия. – Н. Новгород, 1998. – С. 238.

² Никитин А.В. Правовые символы... – С. 22–25.

³ Кругликов Л.Л., Спиридонова О.Е. Юридические конструкции и символы в уголовном праве. – С. 102–107.

Ҳуқуқий рамзларни юридик техника воситаси сифатида ўрганган М. Давидова ҳуқуқий рамзлар таснифини қуйидагича такомиллаштиради: 1) ташқи шаклига кўра – статик рамзлар (ашёли, тасвирли ва ёзма сўзли рамзлар) ва динамик рамзлар (ҳаракат-рамзлар, овозли, нурли, оғзаки тилли рамзлар); 2) функционал вазифасига кўра – регулятив ва декларатив рамзлар; 3) норматив-ҳуқуқий ҳужжат хусусиятларига кўра – ҳуқуқий норма гипотезасида ўз ифодасини топган рамзлар, ҳуқуқий норма диспозиясида ўз ифодасини топган рамзлар, дефинитив норматив қоидаларда ўз ифодасини топган рамзлар; 4) субъектив тегишлигига кўра – халқаро рамзлар, давлат рамзлари, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг рамзлари, давлат органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари рамзлари, давлат мансабдор шахслари рамзлари, давлат ташкилотлари, муассасалари ва корхонлари рамзлари, нодавлат ташкилотлари рамзлари ва хусусий шахслар рамзлари¹.

П. Шалагинов ҳуқуқий рамзлар таснифини уларнинг функцияси нуқтаи назаридан янада такомиллаштириб, расмийлик характери бўйича, ҳуқуқий рамзни яратган субъектнинг мақоми бўйича, қонунга мувофиқлиги бўйича рамзларни таснифлашни таклиф қилади².

О. Шарно олдинги таснифларни умумлаштиради ва жами таснифлаш мезонларини ўн биттага етказди. У олдинги таснифларга қуйидаги таснифлаш мезонларини қўшимча қилиб киритади: 1) миллий давлатчилик белгиларига кўра – халқаро (чегаралар) ва миллий (миллат) рамзлар; 2) келиб чиқиши ва шаклланишига кўра – давлат ва миллий рамзлар; 3) ўрнатилиш шакли ва расмийлигига риоя қилишга кўра – расмий ва норасмий рамзлар; 4) ҳуқуқийлиги даражасига кўра – рухсат этилган (юлдуз) ва рухсат этилмаган (свастика) рамзлар; 5) ҳуқуқни қўллаш жиҳатига кўра – давлат рамзлари (байроқ, герб, мадҳия), бадий-атрибути рамзлар (архитектура ёдгорликлари, бинолар), мусикий-оҳангли рамзлар (мадҳия, тўйдаги Мен-

¹ Давыдова М.Л. Теоретические и методологические проблемы понятия и состава юридической техники. Автореф. дисс. ... док. юрид. наук. – Волгоград, 2010. – С. 41; Давыдова М.Л. Юридическая техника... – С. 304–311.

² Шалагинов П.Д. Функции правовых символов. – С. 17.

дельсон марши), топонимик рамзлар (маъмурий-худудий бирлик, шаҳар, кўча номлари), процессуал-маросим рамзлар (президент инаугурацияси, суд мажлиси), мафкуравий ундайдиган рамзлар (кўргазмали тарғибот воситалари), ижтимоий-субъектив рамзлар (президент – республика рамзи, судья одил судлов рамзи) ва бошқалар¹.

Юқоридаги таснифларда қуйидаги фундаментал тафовутларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

Биринчидан, қўлланилган терминология бўйича ягона тўхтамнинг йўқлиги таснифлашда қийинчилик туғдирган. Айрим жойда ҳуқуқий тасдиқланганликни англатадиган – ҳуқуқий рамз (правовой символ), бошқасида ташқи кўргазмалиликни англатадиган – ҳуқуқий рамзий белги (правовая символика) тушунчаларидан фойдаланилган²;

Иккинчидан, таснифларда келтирилган воситалар қайси мезонларга кўра ҳуқуқий рамзлар қаторига киритилганлиги масаласи етарлича ўрганилмаган. Натижада ҳуқуқий рамзлар таснифи рамзийлик ва ҳуқуқийлик хусусиятига қараб чегараланмаган. Ҳуқуқ рамзларини чегаралаш мезонлари белгиланмаганлиги учун улар таркибини чексиз торайтириш ёки кенгайтириш мумкин бўлиб қолган. Рамзлар таркиби бошқа ҳуқуқий воситалар – ҳуқуқий белгилар, ҳуқуқ тили белгилари, нормалар, таърифлар билан аралашиб кетган.

Юқорида ҳуқуқий рамзларни таснифлаш бўйича икки асосий ёндашув юзага келганлигини кўриш мумкин. Биринчи ёндашувда таснифлаш учун асосий мезон сифатида ташқи кўргазмалилик хусусияти олинган бўлса, иккинчи ёндашувда ҳуқуқий тасдиқланганлик асосий мезон сифатида олинган. Рамзларнинг асосий хоссаси ва ижтимоий вазифасидан келиб чиқадиган мезонларга эътибор берилмаган. Биринчи ёндашувда (Н. Вопленко, Н. Власенко, В. Бабаев, В. Баранов ва бошқалар) тасниф рамзларнинг ташқи шаклига қараб торайти-

¹ Шарно О.И. Классификация правовых символов в контексте правоприменения // Вестник Волгоградской Академии МВД России. – 2012. – № 2. – С. 23–25; Шарно О.И. Правовые символы как средство правоприменительной техники. – С. 24.

² Кругликов Л.Л., Спиридонова О.Е. Юридические конструкции и символы в уголовном праве. – С. 103.

рилган ва бундай ёндашув рамзлар турларини тўлақонли ёритиш имконини бермаган; иккинчи ёндашувда (А. Никитин, Л. Кругликов, О. Спиридонова, М. Давидова, О. Шарно ва бошқалар) кенг қамровли таснифлашга ҳаракат қилинган, лекин бошқа ҳуқуқий воситаларни таснифлаш мезонлари ҳам ҳуқуқий рамзларни таснифлашда қўлланилган, шунинг учун таснифни қайси чегарагача кенгайтириш мумкинлиги кўринмай қолган. Масалан, А. Никитин таклиф этган рамзларни ифодаланадиган маънога кўра огоҳлантирувчи, устуворлик берувчи, ман этувчи, буйруқ берувчи, ахборотга йўналтирувчи, хизмат белгилари ва қўшимча маълумот берувчи белгиларга ажратиш¹ ҳуқуқ рамзларига эмас, балки ҳуқуқий белгиларга хос. М. Давидова таклиф этган рамзларни функционал вазифасига кўра регулятив ва декларатив каби турларга ажратиш² рамзларга эмас, балки ҳуқуқ нормаларига хос.

Таснифлаш мезонлари рамзларнинг асосий хоссасига мувофиқ эмаслиги натижасида ҳуқуқ рамзлари турларини тўла қамраб ололмаган ва аксинча ҳуқуқий рамзлар хусусиятига эга бўлмаган бошқа турдош воситалар ҳам унинг таснифига киритилган. Масалан, Н. Власенко чизмалар, суратлар, хариталар, йўл ҳаракатни бошқарувчи ходимнинг сигналлари, автойўл, дарё ва денгиз йўл белгилари, транспортдаги оҳангли сигналларни³, А. Никитин светофор, юридик ва жисмоний шахсларнинг номлари, ҳужжатдаги мансабдор шахс ёки фуқаро имзоси, номларнинг абривиатура шаклида ёзилиши, ҳарбий буйруқларни⁴, М. Давидова почта маркаси, товар белгиси, муҳр, штамп, милиция хуштаги, ёнғин сиренаси, махсус транспортдаги ўчиб-ёнадиган чироқлар, авиациянинг чироқли сигналларини⁵, О. Шарно бинолар, ҳайкаллар, лентанинг кесилиши, тўйдаги Менделсон марши, юридик шахс муҳрини⁶ ҳуқуқий рамзлар қаторига киритган.

¹ Никитин А.В. Правовые символы... – С. 24.

² Давыдова М.Л. Юридическая техника: проблемы теории и методологии. – С. 306–307.

³ Власенко Н.А. Язык права. – С. 31.

⁴ Никитин А.В. Правовые символы. – С. 23–24.

⁵ Давыдова М.Л. Юридическая техника: проблемы теории и методологии. – С. 306.

⁶ Шарно О.И. Классификация правовых символов в контексте правоприменения. – С. 24–25.

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқий рамзлар (ҳуқуқий тасдиқланган рамзлар) ҳамда ҳуқуқ рамзлари (ҳуқуқда ўрнатилган миллий ирода ва мақсадларни ифодаладиган рамзлар) тушунчалари ўртасидаги тафовутни ҳисобга олиб, рамзларни таснифлаш учун дастлаб таснифлаш мезонларини аниқлаш, бунда ҳуқуқ рамзларининг ижтимоий вазифаси – ҳуқуқда ўрнатилган миллий ирода ва мақсадларни ифодалашни асос қилиб олиш керак. Бундан келиб чиқиб, асосий тушунча сифатида ҳуқуқий рамзлар (правовые символы) ёки ҳуқуқий рамзий белгилар (правовая символика) таснифи тушунчалари эмас, балки ҳуқуқ рамзлари (символы права) таснифи тушунчаси олиниши керак.

Миллий ирода ва мақсадларни ифодалаш вазифасидан келиб чиқиб ҳуқуқ рамзларини қуйидаги уч мезон бўйича гуруҳлаштириш мумкин деб ҳисоблаймиз: 1. Миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборотни узатувчи субъектга мувофиқ; 2. Миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборот мазмунига мувофиқ; 3. Миллий ирода ва мақсадларни ифодалаш шакли ва воситаларига мувофиқ.

1. Миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборотни узатувчи субъектларга мувофиқ ҳуқуқ рамзларининг қуйидаги уч гуруҳини бир-биридан ажратиш мумкин: 1) қонунчилик рамзлари – қонунчилик жараёни субъектлари томонидан узатиладиган ҳуқуқ рамзлари; 2) бошқарув рамзлари – қонунларни ижро этиш субъектлари томонидан узатиладиган ҳуқуқ рамзлари; 3) суд рамзлари – суд амалиёти субъектлари томонидан узатиладиган ҳуқуқ рамзлари.

2. Миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборот мазмунига мувофиқ ҳуқуқ рамзларини қуйидаги икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) жамият ва давлат ривожланиш моделини ифодаладиган – умуммиллий ҳуқуқ рамзлари; 2) ижтимоий муносабат субъектлари хулқ-атвор моделини ифодаладиган – ҳуқуқий хулқ-атвор рамзлари.

Умуммиллий ҳуқуқ рамзлари суверен давлатнинг таъсис этилиши, унинг умумий мақсадлари ва принциплари мазмунини ифодалашга хизмат қилади. Агар давлат жамиятнинг сиёсий вакили, ижтимоий муносабатлар иштирокчиси, халқаро ҳам-жамият аъзоси сифатида характерланадиган бўлса, ҳуқуқ рамз-

лари унинг ривожланиш модели мақсадларини ифодалайди. Уларни миллий давлат суверенитети рамзлари, халқ ҳокимиятчилиги рамзлари, давлат ҳокимияти рамзлари, қонун устуворлиги рамзлари, инсон ҳуқуқлари устуворлиги рамзлари, дунёвий давлатлатчилик рамзлари, унитаризм рамзлари, ҳуқуқий тизим бирлиги рамзлари каби турларга ажратиш мумкин.

Миллий давлат суверенитети рамзларига давлат байроғи, герби, улардаги тасвирлар, давлат мадҳияси, номи, асосий қонуни, давлат пойтахти, миллий валюта, давлат мукофотлари, Конституциядаги “Ўзбекистон – суверен демократик республика”, “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади”, “Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир” каби сўзли матнлар ва бошқалар киради.

Халқ ҳокимиятчилиги рамзларига президент ва парламент сайлови, маҳаллий кенгаш депутатлари сайлови, референдум ва қонунларнинг умумхалқ муҳокамаси жараёнларида давлат байроғи ва мадҳиясининг қўлланилиши, Конституциядаги “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир”, “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади”, Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин” каби сўзли матнлар ва бошқалар киради.

Давлат ҳокимияти рамзларига президент ҳокимияти, қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимияти рамзлари киради. Ўз ўрнида президент ҳокимияти рамзларига давлат байроғи ва гербининг президент қароргоҳларида, транспортларида, мажлис залларида ўрнатилиши, президент штандарти, белгиси, инаугурация маросими, президент портретининг мансабдор шахслар хоналарига қўйилиши, президентнинг расмий тантанали тадбирларни очиши, парламентга мурожаати маросими, Конституциядаги “Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди”, “Мамлакат ичкарасида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш қўради” каби сўзли матнлар ва бошқалар киради. Худди шундай қонун

чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимияти рамзлари тўғрисида гапириш мумкин.

Ҳуқуқий хулқ-атвор рамзлари муайян хулқ-атвор модели бўйича миллий ирода ва мақсадларни ифодалайди. Бунда ҳуқуқ рамзлари хулқ-атвор моделларига қараб турларга бўлинади, жумладан, судья, прокурор, ҳоким, давлат хизматчиси, нодавлат нотижорат ташкилоти, журналист, адвокат, оила, ота-она, бола, ёшлар, аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар, тадбиркор хулқ-атвор модели рамзлари ва бошқалар.

3. Миллий ирода ва мақсадлари ифодалаш шакли ва воситаларига мувофиқ ҳуқуқ рамзларини вербал ва новербал рамзларга ажратиш мумкин. Вербал ҳуқуқ рамзлари сўзли матнларда, жумладан, конституция, қонунлар, қонун ости ҳужжатлари, ҳуқуқни қўллаш ва шарҳлаш ҳужжатлари матнларида сақланади. Новербал ҳуқуқ рамзлари миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборотни ашё, тасвир, оҳанг, ҳаракатлар воситасида ифодаланишини назарда тутати. Новербал ҳуқуқ рамзлари вербал ҳуқуқ рамзларига нисбатан кам сонли. Улардан вербал ҳуқуқ рамзларини тўлдириш, уларга кўргазмалилик хусусиятини бериш мақсадида фойдаланилади.

Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқ рамзларини сўз-матнли, оҳанг-овозли, ашё-тасвирли, маросим-ҳаракатли каби турларга ажратиш мумкин.

1) Сўз-матнли ҳуқуқ рамзларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни шарҳлаш ҳужжатларининг миллий ирода ва мақсадлар мазмунини ифодалайдиган матнлари кирази. Лекин ҳар қандай сўзли матн ҳам ҳуқуқ рамзи бўла олмайди. Фақат миллий ирода ва мақсадлар мазмунини умумлашган ҳолда ифодалайдиган матнларгина ҳуқуқ рамзи бўла олади. Бундай рамзларга конституция муқаддимаси ва умумий нормалари матни, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муқаддималари, декларатив матнлар, принцип-норма матнлари, давлат бошлиғининг расмий нутқлари матни, давлат номи, давлат шиори, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар номи ва бошқалар кирази. Бундай рамзлар миллий ирода ва мақсадлар мазмунини сўзли матнлар воситасида ифодалашга хизмат қилади. Аслида, миллий ирода ва мақсадлар барча ҳуқуқ матнла-

ри мазмунига сингдирилган бўлади, лекин фақат ҳуқуқ рамзлари мазмунида бу ирода ва мақсадлар маъноси бевосита баён этилади, барча қолган ҳуқуқ матни элементлари ҳуқуқ рамзи атрофида бирлашади ва ҳуқуқий белгилар бўлиб хизмат қилади. Конституция ва қонунлар муқаддимаси ва декларатив матнларнинг салмоқли қисми сўз-матнли ҳуқуқ рамзлари хоссасига эга. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасидаги – “Ўзбекистон – суверен демократик республика”, 2-моддасидаги – “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади”, 3-моддасидаги – “Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир”, 61-моддасидаги – “Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар”, 63-моддасидаги – “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” каби жумлалар миллий ирода ва мақсадларни бевосита ифодалайди;

2) Оҳанг-овозли ҳуқуқ рамзларига давлат мадҳияси, давлат бошлиғининг байрамлар муносабати билан табригининг ўқилиши, мансабдор шахс ва давлат хизматчилари қасамёдининг овозли ўқилиши киради. Бундай рамзлар миллий ирода ва мақсадлар мазмунини мадҳ этувчи мусиқа, қўшиқ ва овоз воситасида ифодалашга хизмат қилади. Рамзий оҳанглар шаклидаги ҳуқуқ рамзлари мазмунида миллий ирода тўғрисидаги ахборот оҳангларда сақланади. Уларга давлат мадҳиясининг мусиқа оҳанглари киради. Айрим муаллифлар (масалан, М. Давидова, О. Шарно)¹ милиция хуштаги чалиниши, ўт ўчириш сиренаси, тез ёрдам, ҳарбий сиреналар, тўйда Мендельсон маршининг ижро этилиши каби оҳангларни ҳам ҳуқуқий рамзлар сифатида таърифлайди. Албатта, бу оҳанглар ҳам ҳуқуқий аҳамиятга эга ва ҳуқуқий белгилар бўлиб ҳисобланади, лекин улар ҳуқуқ рамзи бўла олмайди. Чунки улар ҳуқуқий матнда ўрнатилган ирода ва мақсадлар мазмунини ифодалаш хусусиятига эга эмас;

3) Ашё-тасвирли ҳуқуқ рамзлари ашёлар, тасвирлар, тимсоллар, эмблемалар шаклида бўлади. Тасвирли ҳуқуқий матн-

¹ Давидова М.Л. Юридическая техника: проблемы теории и методологии. – С. 306; Шарно О.И. Классификация правовых символов в контексте правоприменения. – С. 24–25.

ларнинг яққол намунаси давлат байроғи ва гербидир. Бундан ташқари, ашё-тасвирли ҳуқуқ рамзларига, масалан, давлатнинг асосий қонуни, фуқаролик паспорти, миллий валюта банкноталари, давлат мукофотлари, давлат бошлиғининг штандарти, давлат органларининг фарқловчи белгилари киради. Улар миллий ирода ва мақсадлар мазмунини ашёлар ва тасвирлар воситасида ифодалашга хизмат қилади;

4) Маросим-ҳаракатли ҳуқуқ рамзлари муайян тартибда ва кетма-кетликда амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуидан иборат бўлиб, миллий ирода ва мақсадлар мазмунини турли маросим ва ҳаракатлар воситасида ифодалайди. Уларга турли расмий тантана ва маросимлардаги рамзий ҳаракатлар киради. Масалан, Президент инаугурацияси маросими, давлат бошлиғининг парламентга мурожаати маросими, Олий Мажлис палаталари мажлисларининг очилиш маросими, давлат мукофотлари ва унвонларни топшириш маросими, хорижий давлат ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш маросими, умуммиллий байрамларга бағишланган тантаналарнинг очилиш маросими, қасамёд маросимлари, давлат мадҳияси ўқилганда белгиланган ҳаракатлар, давлат байроғининг кўтарилиши, хорижий давлат элчиларини қабул қилиш ва уларга ишонч ёрлиғи топшириш маросими ва бошқалар киради.

Бундан ташқари, ҳуқуқ рамзларининг махсус тури сифатида давлат рамзларини кўрсатиш мумкин. Давлат рамзлари (давлат байроғи, герби ва мадҳияси) жамиятда суверен ирода эгаси, миллий ирода ва мақсадлар субъектини, суверенитет жараёнларини ифодалашга хизмат қилади.

Ҳуқуқий рамзларнинг функцияси масаласи қатор Россиялик ҳуқуқшунос олимлар томонидан ўрганилган. Н. Вовленко ҳуқуқий рамзларнинг учта функциясини ажратади¹: огоҳлантириш – йўл кўрсатиш функцияси, тартибга солиш самарасини кучайтириш функцияси ҳамда юридик техника воситаларини тежаш функцияси. А. Никитин ҳуқуқ субъектларини, юридик фактларни идентификациялаш, ҳуқуқий ахборотнинг аниқлиги, яққоллиги, ихчамлиги даражасини ошириш, ҳуқуқий тар-

¹ Вовленко Н.Н. Правовая символика. – С. 73.

тибга солиш объектларини идрок қилишни осонлаштириш, уларни расмийлик билан таъминлаш функциялари ҳақида гапиради¹.

Ҳуқуқий рамзларнинг функциялари мавзуида махсус диссертациявий тадқиқотни амалга оширган П. Шалагинов функциялар таснифини янада кенгайтириб, уларни учта мезонга кўра таснифлайди²: 1. Ижтимоий ҳаётнинг қайси соҳасига таъсир қилишга қаратилганига қараб иқтисодий, мафкуравий, сиёсий функциялар. 2. Ҳуқуқий рамзларнинг белги турларидан бири эканлигидан келиб чиқиб, ҳуқуқий аҳамиятга эга ахборотни қайд қилиш, сақлаш ва узатиш, ишора қилиш, аниқлаш, ажратиш, сигнификатив ва коммуникатив, аксиологик ва йўналиш кўрсатиш функциялари. 3. Ҳуқуқий рамзларнинг ҳуқуқий тартибга солиш воситаси сифатидаги моҳиятидан келиб чиқиб, ҳуқуқий аҳамиятга эга ахборотни ифодалаш, ҳуқуқий материални унификациялаш, ҳуқуқни тушунтириш, аниқлаштириш, ҳуқуқий қоидаларни белгилаш, превентив, қўриқлаш, легитимлаш, ҳуқуқий ҳужжатга расмийлик ва қонунийлик бериш функциялари.

М. Давидова ҳуқуқий рамзларнинг юридик техника воситаси сифатида қуйидаги функцияларини ажратади: 1. Тартибга солиш функцияси. Рамзлар – ҳуқуқий амрларни ифодалашнинг махсус шакли бўлиб, талабларни кўп сонли субъектларга тез ва тушунарли тилда етказиш зарур бўлган ҳолатда, тил воситаларининг лўндалиги, бир хиллиги, тушунарлилиги, тежалишини, бундан келиб чиқиб, ҳуқуқий амр таъсири самарадорлигини таъминлаш учун хизмат қилади. 2. Ҳуқуқ рамзларининг ҳуқуқни ўрнатиш функцияси. Рамзлар кўпинча ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки тугатилиши асоси бўлиб хизмат қилади. 3. Мафкуравий функция. Рамзлар субъектга эмоционал, психологик таъсир кўрсатиш, ҳуқуқ “руҳи”ни етказиш, ҳуқуқ нормасини қабул қилувчига расмий давлат мафкураси элементларини сингдириш вазифасини бажаради. 4. Ахборот етказиш функцияси. Рамзлар, қоидага кўра, ҳам давлат ичида,

¹ Никитин А.В. Правовые символы. – С. 20–21.

² Шалагинов П.Д. Функции правовых символов. – С. 19.

хам халқаро даражада ахборот етказиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Рамзларнинг тушунарлилиги, умуммаълумлиги улардан субъектларнинг кенг доирасига мўлжалланган жуда қулай ахборот манбаи сифатида фойдаланиш имконини беради. 5. Йўл кўрсатиш ёки ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий йўналишни кўрсатиш функцияси. Рамзлар ҳуқуқий амрни қабул қилувчилар учун уларни ўраб турган дунёни янада тушунарли қилади. 6. Идентификациялаш функцияси. Рамзлар ёрдамида ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқий воқеликлар доирасида ўз ўрнини аниқлаш имкониятини қўлга киритади. 7. Қўриқлаш функцияси. Рамзлар ўз-ўзидан давлат томонидан қўриқланишидан ташқари, кўпинча у ёки бу ҳуқуқий воқелик ёки институтнинг қўриқланишидан далолат берувчи белги сифатида қўлланилади. 8. Тежаш функцияси. Рамзлар тил ва юридик воситаларни тежаш воситаси. Бланклар, ҳужжатлар, формулярлар, расмий реквизитлардан фойдаланиш юридик фаолиятни оқилона ташкил қилиш, ахборот баёнининг аниқлиги ва лўндалигига эришиш имконини беради¹.

О. Шарно ҳуқуқий рамзларни ҳуқуқни қўллаш техникасининг махсус воситаси сифатида тадқиқ қилиб, уларнинг аксиологик (макон ва замонда умумий қадриятларни яратиш ва етказиш), онтологик (олам тузилишида боғловчи бўғин сифатидаги) функцияси, гносеологик (оламни рамзлар воситасида билиш), социаллаштириш (индивидни муайян бир маданиятга қўшиш), мослаштириш (индивидга аниқ бир маданият соҳаси меъёрлари, қадриятлари, тушунчаларини ўзлаштиришга ёрдам бериш), интегратив (одамларни маълум бир гуруҳ ёки жамоага боғлаш ва тааллуқли қилиш), ахборот-коммуникатив (муайян маданият ичида ва маданиятлараро ахборот алмашинуви воситаси) функцияларни кўрсатиб ўтади².

Юқорида келтирилган функциялар таснифида қуйидаги зиддиятлар кўзга ташланади: биринчидан, тадқиқот ҳуқуқий рамзлар функциясини ўрганиш доирасида ўтказилиб, ҳуқуқ рамзлари табиати ва моҳиятидан келиб чиқадиған мезонлар аниқлаб олинмаган, натижада рамзлар тартибга солиш,

¹ Давыдова М.Л. Юридическая техника: проблемы теории и методологии. – С. 294–296.

² Шарно О.И. Правовые символы как средство правоприменительной техники. – С. 86–88.

қўриқлаш ва бошқа ҳуқуқий нормага хос функцияларни амалга оширувчи воситалар сифатида талқин қилинган; иккинчидан, рамзларнинг ҳуқуқий белгилар тизимида тутган ўрни ўрганилмаганлиги сабабли уларнинг функцияларидаги хусусиятлар ҳам аниқ белгиланмаган; учинчидан, ҳуқуқ рамзлари – ҳуқуқнинг моҳиятини ифодалайдиган рамзлар ҳамда ҳуқуқий рамзлар – ҳуқуқий тасдиқланган рамзлар айрими нуқтаи назаридан амалга оширилмаган. Натижада ҳуқуқ рамзларининг функциялари уларнинг ижтимоий вазифасидан келиб чиқиб кўриб чиқилмаган.

Функция тушунчаси тизимни, унинг ижтимоий вазифасидан келиб чиқадиган ташқи муҳитга таъсир кўрсатиши йўналишларини англатади. Айрим тадқиқотчилар ҳуқуқ рамзларининг тартибга солиш ва қўриқлаш функцияларига эга эканлиги тўғрисида гапиришади. Лекин ҳуқуқ рамзлари ҳуқуқ нормаси эмас, уларнинг ижтимоий вазифаси ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ёки қўриқлаш билан боғлиқ эмас, балки ҳуқуқнинг мазмунида сақланадиган иродани, мақсадни, ғояни ифодалаш, яъни ҳуқуқий ахборотнинг умумий моҳиятини ижтимоий муносабат иштирокчиларига узатиш билан боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, ҳуқуқ рамзлари ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ёки қўриқлаш функцияларини бажармайди, лекин тартибга солиш ёки қўриқлашга таъсир ўтказади. Унинг таъсири, биринчидан, ҳуқуқий хулқ-атвор моделининг мақсадини ифодалаш, жумладан ҳуқуқ нормасини қўллашда, унинг мақсадини белгилаш; иккинчидан, миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборотни ижтимоий муносабат иштирокчиларига етказиш орқали уларни ҳуқуқий тартибга солиш ва қўриқлаш заруратига ишонтириш, уларга мақсадни кўрсатиш, уларни бирлаштириш, ҳиссиётларга таъсир этишдан иборат. Бошқа томондан ҳуқуқ рамзларининг вазифаси қонун талабларини умумтушунарли қилиш, уларни инсон идроки учун тартибга солинган шаклда етказиш, яъни ҳуқуқий коммуникация жараёнида ҳуқуқий ахборотни тартибга солинган мазмунда етказишдан иборат.

Ҳуқуқ рамзлари функцияси деганда ҳуқуқ рамзларининг ижтимоий вазифасидан келиб чиқиб, ижтимоий муносабатлар-

га таъсир ўтказиш йўналишларини тушуниш керак. Ҳуқуқ рамзларининг ижтимоий вазифаси ижтимоий муносабат иштирокчиларига таъсир кўрсатиш йўналишлари орқали рўёбга чиқади, бошқа томондан, ижтимоий муносабат иштирокчиларига таъсир кўрсатиш йўналишларида уларнинг ижтимоий вазифаси белгиланади.

Ҳуқуқ рамзларининг ижтимоий вазифаси миллий ирода ва мақсадларни жамият аъзоларига етказиш эҳтиёжидан келиб чиқиб шаклланади. Бу эҳтиёж жамият тараққиёти давомида ҳуқуқ олдига қўйилган мақсадлар билан боғлиқ. У ёки бу даврда яратилган қонунларнинг мақсади нима, ҳуқуқ ижодкори жамиятдаги ҳуқуқий тартибот қандай бўлишини истайди, бунда миллий ирода ва мақсадларни ижтимоий муносабат иштирокчиларига қандай даражада етказиш талаб қилинади, булар ҳуқуқ рамзларининг ижтимоий вазифасини белгилайдиган асосий омиллар бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, ҳуқуқ рамзлари ифодалайдиган ирода ва мақсадлар мазмуни уларнинг ижтимоий вазифасини белгилашда муҳим ўрин эгаллайди. Ҳуқуқ рамзлари муайян бир тарихий даврларда ёки айрим замонавий давлатларда ҳукмрон табақа иродасини ифодалаган бўлса, бошқаларида бутун жамият иродасини ифодалайди.

Ҳуқуқ рамзларининг ижтимоий муносабат иштирокчиларига таъсир кўрсатиш йўналишлари уларнинг ижтимоий вазифаси ва табиати билан боғлиқ энг муҳим хоссаларидан келиб чиқиб аниқланади. Ҳуқуқ рамзларининг энг муҳим умумий хоссаларидан ташқари алоҳида ҳуқуқ рамзлари гуруҳларининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Масалан, ашёлар, тасвирлар ёки ҳаракат-маросимлар кўринишидаги ҳуқуқ рамзлари ташқи кўргазмалилик хоссасига эга. Уларнинг бу хосасидан келиб чиқиб, ҳуқуқ рамзларининг шу гуруҳида қўшимча функциялар мавжудлиги тўғрисида гапириш мумкин.

Шундай қилиб, ҳуқуқ рамзларининг хоссалари ва ижтимоий вазифасидан келиб чиқиб, уларнинг қуйидаги асосий функцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин деб ҳисоблаймиз:

1. Коммуникатив функцияси – ҳуқуқ рамзлари миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги умумий ахборотни умумтушунарли, умумқабул қилинган тилда етказади (бу ерда тил деганда

фақат табиий тил эмас, балки тасвирлар, ҳаракатлар тили ҳам тушунилади). Бунда ҳуқуқий ахборот тузилишида ҳуқуқ рамзлари атрофида бошқа ҳуқуқий белгилар тўпланади, натижада тўлақонли ҳуқуқий ахборот шаклланади.

2. Ҳуқуқий ахборотни тартибга солиш функцияси – ҳуқуқ рамзлари ҳуқуқий ахборотни тартибга солинган шаклда етказишга хизмат қилади. Ҳуқуқ рамзлари тизими миллий ирода ва мақсадларни ифодалайдиган вербал ва новербал рамзлардан иборат бўлиб, ижтимоий муносабат иштирокчиларига ҳуқуқий талабларни тўғри тушунишга қўмаклашади.

3. Мафкуравий функция – ҳуқуқ рамзлари воситасида ҳуқуқий ахборот умуминсоний ва миллий қадриятлар билан боғланади ҳамда ижтимоий муносабат иштирокчиларининг ҳиссиётларига таъсир қилади, уларни миллий иродани амалга ошириш мақсади атрофида бирлаштиради.

4. Тарбиявий функция – ҳуқуқ рамзлари ижтимоий муносабат иштирокчиларини қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, уларда ҳуқуқий онг ва маданият шаклланишига қўмаклашади. Қонунларнинг мақсади, унинг мазмунида сақланадиган ирода ва ғояни ифодалаш орқали инсонларнинг қонунларга ҳурмат, инсон, жамият ва давлат манфаатлари муштарақлигига, Ватан равнақига, жамият келажагига ишонч руҳини тарбиялашнинг кучли воситаларига айланиши мумкин. Фақат ҳуқуқий таълим-тарбия, ҳуқуқий тарғибот мақсадларида улардан тўғри фойдаланиш талаб этилади.

Ҳуқуқ рамзларининг қўшимча функциялари сифатида новербал ҳуқуқ рамзларининг ҳуқуқий ахборотнинг кўргазмалилигини таъминлаш функциясини, вербал ҳуқуқ рамзларининг миллий ирода, мақсад, ғояни матнда умумлаштириш функциясини кўрсатиш мумкин. Шунингдек, ҳуқуқ рамзларининг ўз мазмунида ҳуқуқий қадриятларни сақлаш функцияси ҳам унинг қўшимча функцияси бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқ рамзлари таснифига тааллуқли мунозарали жиҳатлардан яна бири – бу ҳуқуқий тил хусусиятларидан келиб чиқиб, фақат бир маънода тушунилиши ва тушунтирилиши мумкин бўлган атама ва иборалардан иборат ҳуқуқий матнларнинг рамзий хусусиятга эга бўлиши мумкинлиги масаласидир. Шундан

бўлса керак, кўпчилик муаллифлар, масалан, Н. Вопленко, А. Никитин, Л. Кругликов, О. Спиридонова сўз-матнли ҳуқуқий рамзлар мавжудлигини тан олсалар-да, уларни жуда эҳтиёткорлик билан рамз сифатида тавсифлайдилар, уларни типик бўлмаган рамзларга киритиш мумкин, – деб ҳисоблайдилар ва сўз-матнли рамзлар таркибини жуда тор қилиб белгилайдилар¹. Лекин айрим муаллифлар, масалан, М. Давидова ҳуқуқий рамзларни кенг маънода тушунишни таклиф қилиб, таркибига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муқаддимасидаги декларатив нормаларни сўз-матнли рамзларга киритиш мумкин, деган хулосага келади². Бу мунозарани кенгайтириб, ҳуқуқ рамзларининг нафақат декларатив нормалар, балки аксиома ва принцип нормалар билан ўхшаш жиҳатларини муҳокама қилишга тўғри келади. Бу муҳокама ҳуқуқ рамзларининг юридик техника воситаси сифатидаги аҳамиятини аниқлашга ёрдам беради³.

М. Давидова ҳуқуқий декларация ва ҳуқуқий рамз тушунчаларининг нисбати ва боғлиқлигини таҳлил қилган, лекин бу таҳлил ҳуқуқ рамзларининг хоссаларини ўрганиш нуқтаи назаридан амалга оширилмаган.

Ҳуқуқшунос олимларнинг тадқиқотларидан фойдаланиб, ҳуқуқ рамзларининг ҳуқуқ принциплари, аксиомалари ва декларациялари билан қуйидаги ўхшаш жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

биринчидан, улар ҳуқуқий бошланғич ғояларнинг турли кўринишда ифодаланиши бўлиб, универсаллиги, умумаҳамиятли эканлиги, ҳуқуқий тартибга солиш механизмини йўналтира олиши, ҳуқуқий воқеликка мантикийлик, кетма-кетлик ва мутаносиблик бағишлай олиши хоссалари билан бир-бирига ўхшайди;

иккинчидан, ҳуқуқ принциплари аксиома хусусиятига эга⁴. Ҳуқуқ аксиомаларининг ҳал қилувчи белгиси уларнинг умумий маълум эканлиги ва тан олинганлигидир, шунинг учун ҳам аксиомалар исботни талаб қилмайди. Ўхшаш тарзда, ҳуқуқ рамз-

¹ Вопленко Н.Н. Правовая символика и международное право. – С. 189–190; Вопленко Н.Н. Правовая символика. – С. 72; Никитин А.В. Правовые символы... – С. 23; Кругликов Л.Л., Спиридонова О.Е. Юридические конструкции и символы в уголовном праве. – С. 102.

² Давыдова М.Л. Юридическая техника: проблемы теории и методологии. – С. 300–301.

³ Саидов А.Х., Кўчимов Ш.Н. Қонунчилик техникаси асослари. – Б. 8–11; Бердияров Ш.Н. Ҳуқуқий фаолиятда юридик техникани қўллашнинг... – Б. 33.

⁴ Алексеев С.С. Проблемы теории права. В 2 т. Т. 1. – Свердловск, 1972. – С. 111–112.

лари жамият аъзоларига таниш, тушунарли¹. Ҳуқуқ аксиомалари, принциплари, рамзлари ижтимоий онгда чуқур илдиз отган, ҳамма томонидан қабул қилинган ва ҳаммага тушунарли қадриятларни ифодалайди.

Ҳуқуқ рамзларининг принцип, аксиома ва декларациялардан фарқ қиладиган томонларини қуйидагича кўрсатиб ўтиш мумкин.

Биринчидан, ҳуқуқ аксиомалари кенгроқ ва абстрактроқ тушунча бўлиб, ҳуқуқий тафаккур ва амалий тажриба ютуқларини акс эттирадиган фундаментал ғоя ва идеалларни ҳамда ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш сифати, самараси ва умумий йўналишини белгилайдиган бошланғич норматив-раҳбарий талабларни қамраб олади. Ҳуқуқ принципи аксиомаларни ҳуқуқий расмийлаштириш шаклларида бири-дир. Аксиомалар, қоидага кўра, кенгроқ мулоҳазалар шаклида бўлади. Принципларни, уларнинг маъносини тушунишга зарар етказмасдан қисқа белгилаш мумкин².

Ҳуқуқ рамзлари коммуникатив восита сифатида қонундаги ирода ва мақсадларни ифодалаш, ижтимоий муносабат иштирокчилари учун умумтушунарли, ҳиссий-эмоционал таъсирга эга ахборот сифатида узатилишини назарда тутди. Яъни ҳуқуқ рамзлари, принциплари (аксиомалари) ва декларациялари ҳуқуқнинг асосий ғоясини, ундаги ирода ва мақсадларни ифодалайдиган ҳуқуқ матнларининг турли жиҳатларига тааллуқли. Ҳуқуқ принциплари ва декларациялари ҳуқуқий матн мазмуни учун умумлаштирувчи бошланғич қоидаларни, ҳуқуқ рамзлари ирода ва мақсадлар тўғрисидаги ахборотни етказувчи воситаларни ўз ичига олади.

Бироқ ҳуқуқ рамзлари принцип ёки декларация сифатида ўрнатилган ҳуқуқий ғоялар билангина чегараланмайди, ҳуқуқ рамзлари тушунчаси миллий ирода ва мақсадлар мазмунини ифодалайдиган ва ҳиссий-эмоционал таъсирга эга барча ҳуқуқ матнларини ўз ичига қамраб олади. Ҳуқуқ рамзлари қаторига

¹ Давыдова М.Л. Юридическая техника: проблемы теории и методологии. – С. 297; Бабаев В.К., Баранов В.М. Общая теория права: крат. энцикл. – Н. Новгород, 1997. – С. 74.

² Масленников А.В. Правовые аксиомы. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Владимир, 2006. – С. 13.

стратегия (мақсадни кўрсатувчи) хусусиятга эга ҳуқуқ матнлари ҳам киради. Ижтимоий муносабат иштирокчилари ҳуқуқ рамзлари воситасида ҳуқуқнинг мақсадини англайди.

Иккинчидан, М. Давидованинг фикрига кўра, ҳуқуқ аксиомалари ҳуқуқнинг мазмунини, принциплари эса тузилишини ифодалайди. Бу икки воқеликдан фарқ қилиб, ҳуқуқ рамзларини фақат рамзий шакл ва мазмун бирлигида кўриб чиқиш мумкин. Ҳуқуқ рамзлари шакли айти шу шакл билан боғлиқ бўлмаган маънога ҳам эга бўлади¹. “Ахлоқий қадриятларни ифодаладиган рамзларни аксиомалар сифатида ҳам қараш мумкин, лекин аксиома учун рамз фақат ташқи ифодаланиш шакли бўлиб хизмат қилади, рамз учун эса бундан бошқа шакл ва мазмун ҳам бўлмайди”².

Учинчидан, ҳуқуқий аксиомалар кўп асрлик қўллаш амалиёти натижасида одатий ва ўз-ўзидан аниқ қоидаларга айланиб, вақт ўтиши билан ўзгармайдиган ҳуқуқий мазмунни³, умуминсоний ахлоқий талабларни акс эттиради, сезиларли ўзгаришларсиз ҳуқуқнинг бир тарихий типидан иккинчисига ўтиши мумкин⁴. Принциплар ҳуқуқнинг моҳияти ва вазифасини аниқ тарихий даврда акс эттиради. Рамзлар эса амалдаги миллий ирода ва мақсадларни инсониятнинг ва жамиятнинг бутун тарихи давомида шаклланган ҳуқуқий тажрибаси ва қадриятлари билан боғлайди.

М. Давидова сўз-матнли ҳуқуқий рамзлар деганда декларатив нормаларни тушунади. Унга кўра, декларатив нормалардан иборат норматив-ҳуқуқий ҳужжат муқаддимаси ўзига хос нотипик матн шаклида ифодаланган ҳуқуқ рамзи сифатида қараб чиқилиши мумкин. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тузилишида муқаддима унинг муҳимлигини, аҳамиятини рамзий ифодалашга хизмат қилади⁵. М. Давидованинг фикрича, ҳуқуқ декларациялари ва ҳуқуқий рамзлар ўртасида мавжуд бўлган фарқ шундаки, декларациялар тил воситалари ёрдамида баён қилинса, рамзлар учун кўпроқ ёзма бўлмаган ифодаланиш шакли ха-

¹ Давыдова М. Л. Юридическая техника: проблемы теории и методологии. – С. 297.

² Уша жойда.

³ Масленников А.В. Правовые аксиомы. – С. 9.

⁴ Уша жойда. – Б. 13.

⁵ Давыдова М.Л. Юридическая техника: проблемы теории и методологии. – С. 300.

рактерли. Лекин шу билан бирга, бу фарқ М. Давидовага кўра, ушбу воқелиklar моҳиятига тааллуқли эмас. Шунинг учун норматив-ҳуқуқий декларациялар ва расмий давлат рамзларининг фақат ўхшашлиги эмас, балки бирлиги тўғрисида гапиришга тўғри келади. Шунинг учун, бу воқелиklarни ҳуқуқий рамзларнинг турлари сифатида қараш керак¹.

М. Давидова қуйидаги асосларга кўра декларатив нормаларни ҳуқуқий рамзлар таркибига қўшади:

биринчидан, кўпроқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг муқаддимасида ёки умумий нормаларида ўз ифодасини топган декларатив нормалар “мафкуравий тўйинган”, ҳиссий-эмоционал таъсир этиш хусусиятига эга бўлиб, мақсади ҳулқ-атворнинг мажбурий вариантини ўрнатиш эмас, балки давлат учун аҳамиятли бўлган ғоя, ирода, мақсад ва қадриятларни эмоционал тарзда етказишдан иборат²;

иккинчидан, тегишли қоидалар нафақат рационал, балки эмоционал идрок қилинишга ҳам мўлжалланган. Қоидага кўра, бир вақтнинг ўзида инсон онгининг турли даражаларига таъсир кўрсатувчи ахборот яхшироқ ўзлаштирилади ва ишонч, ҳурмат, эътиқод шаклланишини кўзлайди;

учинчидан, тасвири ва ҳаракатли рамзлар бадий образлар, сезиш органларига таъсир қиладиган тузилишлардан иборат бўлса, сўз-матнли рамзлар жамият иродаси ва мақсадини акс эттиришда таъсирчан сўз ва ифодаларни ишлатишда ўз аксини топади. Кўпгина муаллифлар норматив матнларнинг “дабдабалилиги”, “шиорийлиги”ни салбий баҳолайдилар. Бироқ уларнинг айнан муқаддимада фойдаланилиши субъектнинг ҳис-туйғусига таъсир кўрсатиш орқали жамият иродаси ва мақсади тўғрисидаги ахборотни етказиш мақсадига хизмат қилади;

тўртинчидан, мафкуравий тўйинганлик кўриб чиқиладиган ҳуқуқий воқелиklarга хос, чунки улар ифодалаши керак бўлган ғоялар жамият миллий мафкурасининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади;

бешинчидан, рамзлар ҳар қандай бошқа ижтимоий воқелиklar каби фақат тил муҳитида мавжуд бўла олади, тилдан ву-

¹ Давидова М.Л. Юридическая техника: проблемы теории и методологии. – Б. 300–301.

² Қаранг: Никитин А.В. Правовые символы. – С. 25.

жудга келади. Рамзий деб номланадиган тизим асосида оддий, табиий тил ётади. Шунга қарамасдан, ҳуқуқий рамзларнинг ўзига хос новербал шаклда мавжуд бўлиши уларга тадқиқотчилар эътиборини тортади ва юридик техника воситалари тизимида уларнинг алоҳида ҳолатини белгилайди¹.

Бизнинг фикримизча, декларатив нормалар ижтимоий муносабат иштирокчиларига эмоционал таъсир қилиш орқали ҳуқуқий тартибга солиш предметига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш, миллий ирода ва мақсадни етказишга мўлжалланган. Бу хусусиятлар ҳуқуқ рамзларига хос. Лекин декларатив нормаларни ҳуқуқ рамзлари тури сифатида қабул қилиб бўлмайди. Декларатив нормалар эмас, балки декларатив матнлар ҳуқуқ рамзлари хоссасига эга бўлиши мумкин. Шунингдек, фақат норматив-ҳуқуқий ҳужжат муқаддимасидаги декларатив матнларнигина эмас, балки миллий ирода ва мақсадларни ифодаладиган, ҳиссий-эмоционал таъсир этиш хусусиятига эга исталган ҳуқуқ матнларини сўз-матнли ҳуқуқ рамзлари сифатида қабул қилиш мумкин. Лекин муқаддимада ўз ифодасини топган декларатив матнларнинг алоҳида аҳамияти шундаки, улар миллий ирода ва мақсадларни ҳиссий-эмоционал шаклда ифодалашга махсус хизмат қилади.

Шундай қилиб, ҳуқуқ тилининг эмоциялардан холи эканлиги хусусияти ҳуқуқ матнининг рамзий хоссага эга бўлишига монелик қилмайди. Бунда ҳуқуқ тилининг қатъий бир маънолиги билан рамзнинг кўп маънолигини бир-бирига қарама-қарши қўйиб бўлмайди, аксинча, бу икки хусусият бир-бирини тўлдиради: биринчидан, ҳуқуқий атама ва ибораларнинг бир маънолиги уларнинг миллий ирода ва мақсадлар маъносини ифодалашга йўналтирилганлиги билан боғлиқ. Ҳуқуқ рамзлари ҳуқуқий матнни умумий ирода ва мақсад атрофида бирлаштириб туради, шунингдек ҳуқуқ рамзлари мазмунида миллий ғоя ҳам яширинган бўлиб, жамият аъзолари учун умумий мақсад йўлида бирлаштирувчи восита вазифасини бажаради. Ҳуқуқ рамзлари юридик техника элементи бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни рамзий ифода хусусияти билан таъминлаш воситаси бўлиб ҳисобланади.

¹ Давыдова М. Л. Юридическая техника: проблемы теории и методологии. – С. 299–300.

6.3. Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқ рамзларидан фойдаланиш анъаналарининг пайдо бўлиши

Ҳуқуқ рамзлари жамият аъзоларининг биргаликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш, қўлга киритилган тажрибани умумтушунарли шаклда кейинги авлодларга қолдиришга эҳтиёж пайдо бўлган вақтда вужудга келган. Ҳуқуқ рамзлари икки асосий шаклда – вербал ва новербал шаклда бўлиб, новербал рамзлар ёзма ҳуқуқ ҳали мавжуд бўлмаган илк ҳуқуқнинг пайдо бўлиши даврида жамият аъзолари хулқ-атворини тартибга солишда асосий роль ўйнаган. Ҳуқуқий ахборотни узатишда оддий муомала воситаси бўлган новербал рамзлар тилидан кенг фойдаланилган. У даврда ҳаракат-маросимдан иборат рамзлар кўпчиликти ташкил қилган. Буни у даврда ҳуқуқий шаклнинг ривожланмаганлиги, тафаккур, тил даражасининг юқори эмаслиги билан тушунтириш мумкин. НOVERбал рамзлар ёзма нутқнинг мавжуд бўлмаганлиги шароитида ўзаро мулоқотга киришнинг асосий воситаси бўлган¹. Улар диний-мифологик эътиқод таркибини ташкил қилиб, умумий тан олинган адолат тимсоллари воситасида жамият иродаси ва мақсадларини ифодалаган. Жамият иродаси ва мақсадлари ёзилмаган бўлса-да, лекин жамиятнинг барча аъзоларига маълум ва уларнинг эътиқоди билан чамбарчас боғланган, бу ҳуқуқ нормаларининг кучли ҳиссий-эмоционал таъсирга эга бўлишини таъминлаган.

Илк ҳуқуқи рамзлари Ўзбекистон ҳудудида илк давлатлар билан бирга мил. ав. 7–8 асрларда пайдо бўлган². Қадимги Ўзбекистон ҳудудида юз берган илк давлатчиликка ўтиш даврида давлат ва ҳуқуқ рамзлари давлат иродасини ифодалашда муҳим роль ўйнаган. Ўзбекистон ҳудудида яшаган қадимги уруғ-қабилалар, дунёнинг бошқа жойларида бўлганидек³, ўзининг келиб чиқишини муайян илоҳийлаштирилган ҳайвон-тотемлар билан боғлаган. Тотем ҳайвон тасвири ва образи қабила-уруғларни

¹ Общая теория права. Курс лекций / Под ред. В. К. Бабаева. – С. 104.

² Қаранг: Саидов А.Х. Ўзбекистон Конституцияси тарихи. – Б. 148; Саидов А.Х. Конституция ва давлат рамзлари. – Б. 6; Очилов Ў.С. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари. – Б. 29.

³ Қаранг. Арсеньев Ю.В. Геральдика. Лекции. М.: ТЕРРА-Книжный клуб, 2001. – С. 11.

бир-биридан фарқловчи, қабиланинг мақсади ва интилишлари-ни ифода этувчи рамзлар вазифасини ҳам бажарган. Қабиллада ҳокимиятни ўрнатган уруғ илк давлат ҳокимияти идораларини шакллантирган, ўз тотемини давлат ҳокимиятини ифодалайди-ган илк байроқ ва тамғалар сифатида ўрнатган.

Ўзбекистон ҳудудида илк ҳуқуқ Авестода ўз ифодасини топган моделга асосланган. Мамлакатнинг турли ҳудудларида амалда бўлган ҳуқуқий одат нормалари унификация қилиниб, Авестода ўрнатилган принципларга бўйсиндирилган. Авесто бутун давлат ҳудудида ягона қонун деб эълон қилинган. Авестодаги миф ва афсоналар мазмунида ўз ифодасини топган ҳуқуқий принцип ва умумий нормалар шахс, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилиш қоидаларидан иборат бўлган. Ушбу принцип ва нормаларга зид қилмишни содир этган шахс бутун жамият борлиғига хавф солади деб ҳисобланган. Ҳуқуқий принцип ва нормалар жамиятни муҳофаза қилиш, унинг тинч-лиги ва фаровонлигини таъминлаш, жамиятга зарар етказувчи хатти-ҳаракатларни чеклаш вазифасини бажарган. Инсонлар рамзлар воситасида ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишган ҳамда бу ҳақда бир-бирларига ахборот узатишган. Аҳолининг катта қисми ёзма нутққа эга бўлмаган бир шароитда ҳуқуқни ашё, тасвир ва ҳаракат рамзлар воситасида ифодалаш ҳуқуқий ахборотни узатишнинг ягона шакли бўлиб хизмат қилган.

Авестода ифодаланган қадимги ҳуқуқнинг муҳим белгиси – бу эзгулик ва ёвузлик қарама-қаршилиги концепсиясидир. Маъбудлар пантеони бир-бирига қарама-қарши икки гуруҳни, эзгу ва ёвуз маъбудлар гуруҳини ташкил қилган. Бунда ҳар бир эзгу маъбудга муайян ёвуз маъбуд қарши туради. Шунга мувофиқ ҳар бир эзгуликка муайян ёвузлик, ҳар бир ҳуқуқий хулқ-атворга муайян ғайриҳуқуқий хулқ-атвор қарши қўйилади. Жамият учун фойдали ҳуқуқий хулқ-атвор эзгу маъбудлар (ахуралар) тимсолида ифодаланса, зарар етказувчи хулқ-атвор ёвуз маъбудлар (девлар) тимсолида ифодаланган. Ахуралар жамият аъзоларининг ҳуқуқий хулқ-атворини, девлар ғайриҳуқуқий хулқ-атворини ифодалаган. Масалан, олий маъбуд Ахура Мазда

олий ақл сиймоси, олий ҳокимият ва бошқарув тимсоли (“Ахура” – ҳукмдор, “Мазда” – донишманд), ҳукмдорлик қилиш учун устувор хулқ-атвор талабларини – адолат, тартиб-интизом, эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амални ўзида мужассамлаштирган.

Афсонага кўра, Ахура Мазда Спента-Майнью (муқаддас рух) ёрдамида олти та умрбоқий маъбудларни – ахураларни яратади, улар Ахура-Мазда билан биргаликда етти маъбуд бирлигини ташкил қилади. Бу маъбудлар ҳуқуқий хулқ-атворнинг етти асосий мақсад ва принципларни акс эттирган. Бунда олов, сув, ер, ўсимликлар, металллар, чорва ўзининг моддий мазмуни билан бирга “адолат”, “эзгулик”, “тартиб”, “интизом” ва бошқа маъноларни англатган. Эзгу фикр, хулқ-атвор ва чорвага ҳомийлик – маъбуд Воху Мана; адолатли ҳақиқат, одиллик, тартиб ва оловга ҳомийлик – маъбуд Аша Вахишта; эзгу ҳукмронлик (подшолик), адолатли бошқарув, энг яхши тартиб ва металга ҳомийлик – маъбуд Хшатра Варья; тақводорлик, ерга ҳомийлик ва деҳқончилик билан шуғулланиш – маъбуд Спента Армати; мукамал хулқ-атвор, тўлақонлилик, соғломлик ва сувга ҳомийлик – маъбуд Хорватат; ўрнатилган тартиб барқарорлиги, тинчлик ва осойишталик, умрбоқийлик ва ўсимликларга ҳомийлик – маъбуд Амертат. Етти асосий мақсад ва принциплар асосида бошқа принциплар мустаҳкамланган. Булардан айримлари шартномага содиқлик ва одил судлов – Митра, берилган ваъдага ва мажбуриятга содиқлик – Апам Напат, итоат ва интизом – Суруш, адолат – Рашну, тақдир – Аши, мақсадга эришиш ва ҳосилдорлик – Ардвисура Анахита ва б.

Барча фожа, бахтсизликлар, гуноҳ ишлар девлар тимсолида ифодаланган ва эзгу маъбудларга қарши қўйилган. Олий эзгу маъбуд Ахура Маздага бош ёвуз маъбуд Ахриман қарши туради. Ахриман бутун ёвузликлар, зараркунандаликлар, уруш ва тартибсизликлар, ҳуқуқбузарликлар, касалликларни яратади¹. У ҳар бир эзгу маъбудга қарши муайян ёвуз иблис – девни яратади, бу билан ҳар бир ҳуқуқий хулқ-атвор моделига муай-

¹ Соколов С.Н. Зороастризм // Авеста в русских переводах (1861–1996). – СПб.: Нева, 1997. – С. 15.

ян ғайрихуқуқий хулқ-атвор модели қарама-қарши қўйилади. Ёвуз фикр ва хулқ-атвор – Ака Ману; тартибсизлик, адолатсизлик ва уруш – Индра; адолатсиз бошқарув ва золимлик – Шару; пасткашлик ва хиёнат – Нахатъя; очлик ва чанқоқлик – Тарви ва Заири; ёлғон деви – Митаохту; ёлғоннинг ўзи – Дуруғ; бебошлик, ахлоқсизлик, бузуқлик, тартибсизлик, интизомсизлик, зўравонлик, ваҳшийлик, одам ўлдириш ва барча ҳуқуқбузарликлар ҳомийси – Айшма яратилган. Барча девлар Айшмага эргашадилар ва унинг ёрдамида одамларнинг ҳаётини бузадилар, пароканда қиладилар. Араска – “ҳасад, рашк”, Варэна – “шаҳвоний нафс”, Ази – “очкўзлик, бахиллик”, Спазга – “туҳмат” ва ҳоказо. Масалан, Бушъяста¹ (урғочи дев), эрталаблар хўроз (интизом маъбуди Сурушнинг хабарчиси) қичқирганда, ўзининг узун қўллари билан инсонни кучоқлаб олиб, унинг вужудига уйқу ва ишёқмасликни солади, фойдали ишлардан қолдиради, деб ҳисобланган.

Жамиятда адолат ва ҳақиқатни давлат бошлиғи (подшоҳ) ҳимоя қилади, у жамият фаровонлиги, унинг хавфсизлиги учун кафил, деҳқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши, шаҳарларнинг қурилиши учун илоҳий масъулият юклатилган шахс ҳисобланади. Давлат бошлиғининг вазифаси тартибсизлик, қонунбузарлик, “ўзбошимчалик” ва зўравонлик девларининг “адолатли тартибот”, “ҳаққоний қонун”га қарши фитнасига қарши курашиш, айбдор деб топилганларни судлаш ва жазолашдир, деб ҳисобланган. “Одамлар ва чорва тартибсизлик деви – Айшмадан азият чекаяпти. Айшмани жиловлаш керак. Кучли ҳокимият зарур”², деб ёзилади Авестодаги мадҳиялардан бирида. Давлатнинг тинчликсеварлик ва эзгуликка интилишини ифодалашда мифологик мавжудот – Хумо қушининг образидан фойдаланилган³. Қадимги матнларда Хумо эзгулик, қайта тикланиш, фаровонлик, янгиланиш, ҳосилдорлик, қут-барака,

¹ Авеста «Закон против дэвов» (Видевдат) / Под ред. Э. Ртвеладзе, А. Саидов, Е. Абдуллаев. – СПб.: Изд-во Политех. ун-та, 2008. – С. 194.

² Абаев В.И. Тематические пересказы «Гат» // Авеста в русских переводах (1861–1996). – СПб.: Нева, 1997. – С. 144.

³ 1998 йили Қорақалпоғистон археолог олимлари Кердер қалъасидан IX асрга оид товоққа солинган рангли Хумо қушининг суратини топдилар. Суратда Хумо қуши қанотини ёйиб турибди.

барқарор ривожланиш ғояларини мужассамлаштирган¹. Энг қадимги аждодларимиз тасаввурига кўра, Хумо қуши олам марказида улкан тоғ тепасидаги олам дарахтида уя қуради. Дарахтда борлиқдаги барча мавжудотлар уруғи тўпланади. Тоғдан водийга икки дарё оқиб тушиб, Хумо қушининг қанотларини баланд кўтариб силкитишидан мавжудотлар уруғлари бутун оламга нур сифатида сочилади ва янги ҳаёт бошланади².

Инсон эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги курашнинг марказида туради. Ўзининг табиатига кўра, инсон эзгу ҳам эмас, ёвуз ҳам эмас, лекин у эзгулик ва ёвузлик йўлини танлаши мумкин. Инсон ўзининг хулқ-атвори вариантыни ўзи танлайди, лекин у қайси хулқ-атвор вариантни танлаганига қараб шахсан жавобгар бўлади. Авестонинг мазмуни шундан иборатки, эзгулик кучлари ёвузлик билан курашда ёрдам беришни сўраб инсонга мурожаат қилишади. Инсон жамият учун фойдали хулқ-атворга интилсагина ёвузликни енгиш мумкин, инсонлар ўз жамиятларининг фаол бунёдкорлари бўлишлари лозим. Жамиятнинг қанчалар адолатли, фаровон ва ривожланган бўлиши унда яшаётган инсонларнинг ўзига боғлиқ.

Инсоннинг хулқ-атвори унинг муқаддас учлик: эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амалга қанчалик риоя қилиши билан белгиланган. Ҳуқуқий хулқ-атвор инсоннинг фақат хатти-ҳаракатида эмас, балки унинг фикри ва сўзида ҳам ўз аксини топиши керак, деб ҳисобланган. Девлар ғайриҳуқуқий хулқ-атвор рамзлари бўлиб, зўравонлик, ўзбошимчалик, тартибсизлик ва ҳуқуқбузарликни тарқатувчи одамларнинг ёвуз моҳияти туфайли пайдо бўлган, деб ҳисобланган. Девларда инсоннинг ҳасадгўйлик, ёлғончилик, ишёқмаслик, товламачилик, фирибгарлик, бузуқлик, ўғрилик, интизомсизлик, безорилик, одам ўлдириш, ёмон одатларга мойиллик, ифвогарлик каби салбий хулқ-атвори мужассамлашган. Улар тинч меҳнаткаш аҳолига нисбатан зўравонлик, қоидабузарлик қилади, улар хонадонга, қишлоққа, вилоятга ҳамда мамлакатга қашшоқлик ва хонавайронлик келтиради, улар тинч меҳнат билан машғул одамларнинг ашад-

¹ Бобоев Х., Хасанов С. “Авесто” маънавиятимиз сарчашмаси. – Т.: “Адолат”, 2001. – Б. 54.

² Зороастрийские тексты. Суждения Духа разума (Дадестан-и меног-и храд). Сотворение основы (Бундахишн) и другие тексты / Подготовлено О.М. Чунаковой. – М.: Восточная литература, 1997. – С. 26.

дий душманлари бўлиб, шунинг учун уларга қарши курашиш керак, деб ҳисобланган. Адолатли ҳақиқат, тартиб, ҳуқуқий хулқ-атвор маъбуди Аша Вахиштага ёлғон деви Дуруғ қарши турган. Ёлғон (Дуруғ) ҳар қандай гуноҳнинг бирламчи сабаби ҳамда адолат ва ҳақиқатнинг душмани ҳисобланган. Одамлар ҳуқуқий хулқ-атворга эга Аша издоши – ашаван ва ҳуқуққа ҳилоф хулқ-атворга эга Дуруғ издоши – “дуруғван”га (девпарастларга) ажратилган. Бу эпитетлар маъбудлар ва девларга нисбатан ҳамда инсоний хулқ-атворга қараб инсонларга нисбатан ҳам ишлатилган. Жиноятчиларни “ўз қилмиши учун масъулият сезмайдиган одамлар” икки оёғли девлар ёки ярим девлар деб айтганлар¹. Авлоддан-авлодга “девпарастлик”ка қарши кураш тарғиб қилиб борилган. Девлардан озод бўлиш учун дуолар ўқилган, покланиш маросимлари ўтказилган, жамиятга зарар ва хавф келтирувчи хатти-ҳаракатлар “девпарастлик” сифатида ман қилинган. Қонунларга риоя қилмаслик бутун жамиятга ўлим, қашшоқлик, очлик, қирғин ва касалликларни келтириб чиқарувчи девларга йўл очиб бериш сифатида баҳоланган.

Айрим адабиётларда ҳуқуқий тизимларнинг ривожланиши, юридик шаклларнинг такомиллашиши билан давлат ва ҳуқуқ рамзларининг катта қисми ўз ўрнини ҳуқуқий тушунчалар, конструкциялар, терминологияга бўшатиб берди, деган фикр келтирилган². Бироқ бунда рамзларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига уларнинг фақат шакли жиҳатидан баҳо берилган. Бизнинг фикримизча, замонавий ҳуқуқий тизимлар пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши давомида ҳуқуқ рамзларининг катта қисми ўз ўрнини жамият иродаси ва мақсадларини ифодалайдиган қандайдир янги воситаларга бўшатиб бермаган. Ҳуқуқий тизимнинг ҳар қандай шаклий ўзгаришидан қатъи назар жамият иродаси ва мақсадларини рамзий ифодалаш эҳтиёжи ўзгармайди. Рамзий ифодалаш эҳтиёжи ўзгармас экан, уни ифодалаш унсурларининг мазмуни ҳам ўзгармайди, уларнинг шакли ўзгаради, холос. Яъни ҳеч қайси қадимги рамз йўқолиб кетмаган, балки жамият иродаси ва мақсадларини ифодалашнинг янги, сўзли матнлардан иборат шакли пайдо бўлган. Ёзма

¹ Авеста «Закон против дэвов» (Видевдат). – С. 17.

² Общая теория права. Курс лекций / Под ред. В. К. Бабаева. – С. 105–106.

ва тизимга солинган қонунлар вужудга келиши билан қадимги новербал рамзларнинг муайян бир қисми ўзининг илк шаклини сақлаб қолган бўлса, уларнинг катта қисми ўз ўрнини вербал рамзларга бўшатиб берган.

Бугунги кунда ҳуқуқий мақсад ва принципларни ифода-лайдиган кўпгина ибораларнинг келиб чиқиши энг қадимги рамзларга бориб тақалади. Масалан, шундай иборалардан “ҳуқуқ”, “адолат”, “одил суд”, “юридик” кабиларни мисол келтиришимиз мумкин. Қуйида сўз матнли ҳуқуқ рамзлари пайдо бўлишига пойдевор бўлган ҳамда ҳуқуқ, адолат ва одил судлов принципларини ифодалаган айрим қадимги ҳуқуқ рамзларини кўриб чиқамиз.

Масалан, ўзбек тилидаги “ҳуқуқ” ибораси “тегишли ҳисса”¹ деган маънони англатадиган арабча “ҳақ” сўзидан келиб чиққан. Бу иборанинг келиб чиқиши, аслида, қадимги адолат тарозиси тимсоли билан боғлиқ. Тарози тимсоли ҳуқуқ, адолат ва одил судловни ифодалайдиган энг қадимги рамз бўлиб, унинг пайдо бўлиши уруғ тотемларига боғланади. Қадимги жамоада тотем ҳисобланган ҳайвон сўйилиб, уруғнинг ҳар бир аъзосига тегишли ҳисса, унинг ҳаққи ажратилган, бу ҳақ унинг жамоадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини акс эттирган. Тегишли ҳақ тарози билан ўлчанганлигидан келиб чиқиб, тарози ҳақнинг адолатли ўлчови рамзига айланган². Ҳар бир кишининг ҳаққини ва тақдирини ўлчаш тушунчаси тарози образини илоҳий ҳақиқат, илоҳий адолат ва илоҳий суд рамзига айлантирган. Маъбудлар инсонларнинг тақдирини тақдир тарозисида ўлчайди ва адолатли ҳукм чиқаради, деб ҳисобланган.

Қадимги Миср манбаси – “Марҳумлар китоби”да адолат тарозисининг вазифаси атрофлича тасвирланган. Унга кўра, одам ўлганидан кейин маъбудлар унинг қалбини адолат тарозисининг бир палласига, адолат маъбудаси Маатнинг патини иккинчи палласига қўйишади. Марҳум жиноят содир этмаганлиги тўғрисида онт ичгандан кейин маъбудлар унинг яхши ва

¹ Қаранг: Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати, 2-том. – Т.: Университет, 2003. – Б. 579.

² Қаранг: Нерсисянц В.С. Общая теория права и государства. – М.: ИНФРА-М, 1999. – С. 201–202.

ёмон қилмишлари тўғрисида судга гувоҳлик беришади. Ҳимоячи маъбудлар марҳумни суд олдида ҳимоя қиладилар. Марҳумнинг гуноҳлари оғир келса, унинг руҳи абадий азоб-уқубатлар маконига олиб кетилади. Агар тарозининг мувозанати бузилмаса, суд якунланиб марҳумнинг руҳи абадий роҳат-фароғат маконига йўл олади¹. Қадимги Мисрда судьялар илоҳий суд принципларига амал қилишган, улар адолат маъбудаси Маат ибодатхонаси коҳинлари бўлиб ҳисобланиб, адолат маъбудаси тасвирланган тумор тақиб юришган.

Ўзбек давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихининг муҳим манбаи – “Авесто”да² ҳам адолат тарозиси тимсолига алоҳида аҳамият берилади, шунингдек Авестода кейинчалик одил суд модели белгиларига айланган – уч судьядан иборат суд образи, суд қарорларининг устуворлиги ифодаси (олтин ранги) ҳамда одил судловнинг уч белгиси: қонун устуворлиги, адолат ва жазо тайинлаш тимсоллари тасвирланган. Тасаввурларга кўра, ҳар бир жон танадан чиққанида, ҳаёти давомида қилган ишлари учун уч судья маъбуддан иборат илоҳий суд олдида жавоб беради. “Чинвад кўприги” (“Айирувчи кўприк”) суд жараёни ўтказиладиган жой ҳисобланади. Судни инсонларнинг қилмишларини ҳолис баҳолайдиган бош судья, келишувга содиқлик маъбуди Митра бошқаради, у қўлида жазо муқаррарлиги рамзи – “вазра” (олтин болта) билан тасвирланади. Тасаввурларга кўра, Митра инсонларнинг қилмишини осмондан кузатиб туради, яхшиларни ҳимоя қилади, девпарастрларни (ҳуқуқбузарларни) аёвсиз жазолайди. Митранинг икки томонида илоҳий судьялар – қўлида олтин тарози кўтариб турган адолат маъбуди Рашну ва қўлида қамчи ушлаб турган интизом ва жазо тайинлаш маъбуди Суруш тасвирланган. Одил суд тарозисида ҳар бир инсоннинг фикри, сўзи ва амаллари ўлчанади: эзгуликлари тарозининг бир палласига, ёвузликлари иккинчи палласига қўйилади. Агар эзгуликлари кўпроқ бўлса, кўприк кенгаяди ва гўзал қиз қиёфасида пайдо бўлган марҳумнинг виждони уни абадий роҳат-фароғат маконига ўтказиб қўяди. Агар ёвуз қилмишлар палласи оғир-

¹ Қаранг: Рак И. В. Мифы Древнего Египта. – СПб.: Петро – РИФ, 1993. – С. 175–178.

² Қаранг: Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Ведение // Авеста «Закон против дэвов» (Видевдат). – СПб.: Изд-во Политех. ун-та, 2008. – С. 53–60.

лик қилса, бунда кўприк торайиб шамшир тиғига ўхшаб қолади, бунда мархумнинг жирканч ялмоғиз қиёфасидаги виждони уни абадий азоб-уқубат ва дард-аламлар маконига тортиб кетади¹. Кохин-судьялар суд жараёнини амалга оширишда илоҳий суд модели принципларига қатъий риоя қилишган.

Бугунги кунда қўлланиладиган “юрист”, “юридик”, “юриспруденция”, “юстиция” ибораларининг келиб чиқиши қадимги Рим мифологиясидаги адолат маъбудаси Юстиция номи билан боғлиқ бўлиб, латинча “iustitia” – адолат маъносини ҳамда унинг ўзагини ташкил қилган латинча “ius” – ҳуқуқ маъносини англатадиган сўзлардан келиб чиққан². “Юриспруденция” ибораси “ius” – “ҳуқуқ” ва “prudentes” – “донишманд” ибораларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб³, ҳуқуқ донишмандлиги, унинг қисқа варианты “юрист” ибораси эса ҳуқуқ донишманди маъносини англатади.

Ҳозирги кунда ҳуқуқ, адолат ва одил суд рамзи сифатида қабул қилинган қадимги Юнон маъбудаси Фемида тимсоли, аслида қадимги Рим адолат маъбудаси Юстициядир. Маъбуда Юстиция дастлаб қўлида тарози билан тасвирланган, кейинчалик бу тасвирга қилич қўшилган, энг охирида эса кўзлари боғланган ҳолда тасвирлана бошланган. Юстициянинг қилич ва тарози билан бир вақтда тасвирланиши Европада Рим ҳуқуқининг қайта тикланиши бошланган даврга – 12–13 асрларга⁴, унинг кўзлари боғланган шакли эса Европа Ўйғониш даврига тўғри келади.

Маъбуда Юстиция тимсоли ўзининг мазмунида фақатгина адолат ва тартиб маъбудаси Фемидани эмас, балки адолатли суд тимсоли маъбуда Дикани ҳам мужассамлаштиради. Юнон мифларига кўра, Фемида адолат ва тартиб қўриқчиси⁵, у қонунларнинг руҳи ва принципларини ифодалайди, Дика эса адолатсизликларга қарши курашиш учун одамлар орасига юборилган,

¹ Қаранг: Бойс М. Зороастрийцы. Верования и обычаи / Пер. с англ. и прим. И.М. Стеблин-Каменского. – М.: Наука, 1988. – С. 37–38.

² Қаранг: Дигесты Юстиниана. Т. I / Пер. с латин.; Отв. ред. Л.Л. Кофанов. – М.: Статут, 2008. – С. 82–83.

³ Қаранг. Кофанов Л.Л. Lex и ius: возникновение и развитие римского права в VIII–III вв. до н.э. – М.: Статут, 2006. – С. 163–168; 179–190.

⁴ Қаранг: De Ville. Images of Justice // Law and Literature. – 2011. – Vol. 23. – № 3. – P. 349–350.

⁵ Қаранг: Burnett C. Justice: Myth and Symbol // Legal Studies Forum. – 1987. – Vol. XI. – № 1. – S. 80.

у қонунларнинг қўлланилишини ифодалайди. Фемида жазоламайди, у табиий мувозанат қонуниятларини таъминлайди, Дика эса инсонлар учун адолатли судловни амалга оширади ва гуноҳкорларни жазолайди¹. Шунинг учун Фемида бир қўлида тарози, иккинчи қўлида эса фаровонлик бурғуси билан², Дика эса қилич ёки болта билан тасвирланган³. Юнонларда “dika” ибораси ҳуқуқ ва адолат маъноларини англатган, судларга нисбатан ҳам “dika” ибораси қўлланилган, “diken didonai” ибораси эса жазо тайинлаш маъносида келган⁴. Бизнинг фикримизча, ўзбек тилидаги “юридик”, инглиз тилидаги “juridica” иборасининг келиб чиқиши ҳам “ius” (ҳуқуқ) ва “dika” (адолат) сўзларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, “ҳуқуқий адолат” деган маънони англатади.

Бугунги кунда қўлланиладиган “адолат”, “одил”, “адлия” каби иборалар арабча “адл” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “тўғри” деган маънони англатади⁵. У қадимги адолат ўлчови “тўғри таёқ” рамзи билан боғлиқ. “Адл” сўзи дастлаб “тўппа-тўғри шаклга эга” деган маънони англатган, кейинчалик ундан “адолатли”, “адолатлилиқ”, “адлия” каби кўчма маънолар келиб чиққан. Ислом динида “адл” ибораси Оллоҳнинг сифатларидан бири, олий адолат маъносида ишлатилади.

Шунингдек, ўзбек тилидаги “қонун” ибораси арабча “qanun(un)” сўзидан олинган бўлиб, ҳамма бажариши мажбурий қарор-қоида маъносини англатади⁶. Аслида, бу иборанинг келиб чиқиши ғарбий семит тилидаги “qanu” сўзи билан боғлиқ бўлиб, “қамиш хода” маъносини беради ва тўғри йўналишни кўрсатувчи қоидани, ўлчовни англатади. Кейинчалик, бу сўз юнонлар томонидан ўзлаштирилиб, юнонча “kanw” – ҳуқуқий масалани ҳал қилиш учун амалдаги қонунчиликдан олинган қоида маъноси-

¹ Қаранг: Harun B. Adalet Tanrı(ça)ları: Themis ve Diğerleri // <http://hfsa-sempozyum.com/wp-content/uploads/2019/02/HFSA>.

² Қаранг: Юнгер Ф.Г. Греческие мифы. – СПб.: Владимир Даль, 2006. – С. 52.

³ Қаранг: Havelock E. The Greek Concept of Justice. – Cambridge, Massachusetts, and London, England: Harvard University Press, 1978. – P. 13.

⁴ Қаранг: Erhat A. Mitoloji Sözlüğü. – İstanbul: Remzi Kitabevi, 1996. – S. 80.

⁵ Қаранг: Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. 2-том. – Т.: Университет, 2003. – Б. 14–15.

⁶ Қаранг: Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. – Б. 540.

ни англатган¹, ундан қонун-қоидалар мажмуини англатадиган инглизча “canon” ва русча “канон” сўзлари келиб чиққан.

“Тўғри” маъносини берувчи тимсоллар қадимги мифларда тасвирланади. Масалан, Бобил ҳукмдори Хаммурапи машҳур қонунноманинг маъбуд Шамаш томонидан нозил этилганлигини ёзган. Шамаш ва Хаммурапи тасвирланган рельефларда улар ўртасида тўғри таёқ ва ҳалқа тасвирланган. Тўғри таёқ ва ҳалқа тўғрилиқни таъминлайдиган ўлчов қуроллари бўлиб, бир нарсани тўғри амалга ошириш, адолатни таъминлаш маъносида келган². Бу рамзлар ҳукмдор Хаммурапи Шамаш ҳомийлигида адолат ва тўғрилиқ йўлини танлаб, адолатли қонунларни таъсис этишга қорланганини ифодалайди.

Ўзбек тилидаги “суд”, “судья”, “судлов”, “суд қилиш” иборалари рус тилидан кириб келган деб ҳисобланади. Аслида, “суд” ибораси туркий сўз бўлиб, “қора бўлиш” маъносини англатади. Қадимда туркий халқларда ким гуноҳ иш қилса, унинг эшигига, деворига, устига қора рангли бўёқ тўкиш анъанаси мавжуд бўлган³. Шундан бошлаб, “қоралаш” ва унинг акси “оқлаш” суд жараёни иборалари сифатида қўлланилиб келинган. Туркий халқларда оқ ранг эзгулик маъбуди Тангрининг рамзи⁴, қора ранг эса ер ости маъбуди ёвуз Эрликнинг рамзи бўлиб ҳисобланган⁵.

Шунингдек, “онт ичиш” ибораси туркий жумла бўлиб⁶, дастлаб “Тангрининг номи билан онт ичаман” кўринишида қўлланилган. Маъбудлар номи билан қасам ичиш, қасамни маъбудларга боғлаш учун муқаддас саналган китобларга қўл босиш, маъбудларни шохид тутиш каби ҳаракатлар энг қадимги даврлардан мавжуд бўлган⁷. Шунингдек, қасамёд қилиш вақтида,

¹ Қаранг: Брокгауз Ф.А. и Евфрон И.А. Канон // Энциклопедический словарь. Т. 14. – СПб.: 1895. – С. 306–308.

² Қаранг: Slanski K.E. The Law of Hammurabi and Its Audience // Yale Journal of Law & the Humanities. – 2012. – Vol. 24. – P. 106.

³ Қаранг: Хусаинов Н.Н. Словарь тюркских основ русского языка. – Уфа: Полиграфдизайн, 2012. – С. 363.

⁴ Қаранг: Çoruhlu Y. Türk mitolojisinin anahatları. – İstanbul: Kabcacı Yayınevi, 2000. – S. 190–191.

⁵ Ўша жойда. – Б. 183–186.

⁶ Қаранг: Радлов В.В. Ant // Опыт словаря тюркских наречий. Том 1. – С.-Петербург, 1893. – С. 237–238.

⁷ Қаранг: Kahya Ö. Kultepeden “Tanrının kadehini içme” örneği // Arhivum Anatolicum. 11/2. 2017. – S. 45–58.

одатда, онтнинг ҳақиқийлиги рамзи сифатида тоза сув ичилган. Сув адолатнинг, ҳақиқатнинг юзини кўради, чунки ҳаёт яралиши сувдан бошланади, бутун олам сувдан яратилган, деб ҳисобланган¹. Кейинчалик сув ўрнида бошқа ичимликларни ҳам ичиб онт ичиш русумга кирган. Судда онт ичиш маросими ўтказилиб, жабрланувчи, айбланувчи ва гувоҳ судга кўрсатма беришдан олдин “онт ичаман” деган сўзлар билан уч марта такроран кафтига қуйилган сувни ичган. Бундай қасамёд “Тангри томонидан инсонларга инъом қилинган соф сувни ичгандай Тангри олдида соф ҳақиқатни гапираман”, – деган маънони англатган².

VI асрнинг иккинчи ярмида Манжуриядан Боспоргача, Энасойдан Амударёгача ҳудудни эгаллаган Турк хоқонлиги Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқ рамзларидан фойдаланиш анъаналарининг пайдо бўлишида муҳим ўрин тутди. Турк хоқонлиги ҳуқуқий тизими тузилишини бирламчи икки элемент – тўра ва йўсун нормалари ташкил қилган. “Тўра” Турк хоқонлигида энг муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи оммавий ҳуқуқ манбаи бўлган. Хусусий ҳуқуқ, яъни оила, мулк, мерос қолдириш, шартномавий муносабатларга тааллуқли қонунлар эса аҳоли ҳуқуқий одатлари ёки “йўсун” (йўл, қоида, усул, одат деган маъноларни англатади) ҳуқуқи деб номланган³.

Тўра ўзига хос илоҳий нормалар, бошқарувнинг илоҳийлиги рамзи деб тасаввур қилинган бўлса, йўсунлар оддий ҳуқуқий одатлар деб қабул қилинган⁴. “Тўра” турли даврларда суд, судья, қонун ва ҳуқуқ маъноларини англатган, бунда қонун асосида ҳукм чиқарадиган идора тўра, қонун асосида ҳукм чиқарувчилар эса тўралар деб юритилган⁵. Ўрхун-Энасой битигларида

¹ Қаранг: Arpacı G.Y. Gö'k-tanrı inancının bilinmeyenleri. Din ve millet kavramları. – İstanbul: Cati kitapları, 2012. – S. 135.

² Қаранг: Шимырбаева Г. Судья не должен судить один // Казахстанская правда. <http://www.zakon.kz>.

³ Арсал С.М. Тюркская история и право. – Казань: Изд-во Фэн, 2002. – С. 232–233.

⁴ Почаев Р.Ю. Эволюция торе в системе монгольского средневекового права // Монгольская империя и кочевой мир. – Улан-Удэ: Изд-во БНЦ СО РАН, 2004. – С. 530–543; Скрынникова Т.Д. Харизма и власть в эпоху Чингиз-хана. – Москва: Евразия, 2013. – С. 59.

⁵ Шимырбаева Г. Судья не должен судить один // Казахстанская правда. <http://www.zakon.kz>.

“тўра” давлат ва жамиятда тартиб ўрнатувчи қонунлар сифатида эътироф этилиб, тўрасиз давлатнинг мавжуд бўлмаслиги бир неча марта таъкидланган¹. Тўра асосида ҳоқон расман тахтни эгаллаган, давлат бошқаруви лавозимларининг бўйсуниб тартиби белгиланган, қабиалараро низолар бартараф этилган, давлат манфаатларига алоқадор мулк бошқарилган, муҳофаа ва ҳарбий юришлар ташкил этилган, жиноий жазо белгиланган, суд ишлари олиб борилган.

Тўра ўзига хос ҳуқуқ рамзлари тизими билан таъминланган. Фуқаролар тасаввурига кўра тўра – бош маъбуд Тангри томонидан ерда тартиб ўрнатиш учун юборилган илоҳий қонун эди. Битигтошларида² “Юқорида Кўк-Тангри пастда қора ер бунёд этилганда, иккисининг ўртасида инсон болалари яратилган”³, деган матнларни учратиш мумкин. Тўрага риоя қилмаслик илоҳий кучларга қарши бориш деб қабул қилинган. Тангри дунёдаги ҳамма нарсани бошқаради, жумладан, инсонлар тақдирини ҳам. У хоқонларга ҳокимият беради. Хоқон бошқа қадимги жамиятларда бўлгани каби бош илоҳнинг ўғли ёки ердаги сояси саналмасдан, балки Тангри иродаси билан давлат бошлиғи сифатида танланган энг жасур ва қобилятли шахс, тўралар ҳимоячиси саналган. Туркий қабиалар учун бирламчи аҳамиятга эга илоҳий куч хоқоннинг ўзи эмас, балки хоқон кўриқлаши лозим бўлган тартиб ҳисобланган.

Тўра Ўзбекистон ҳуқуқи тарихида Роман-герман ҳуқуқи кириб келгунга қадар оммавий ҳуқуқнинг асосий манбаи – давлат ҳокимияти ва бошқарувини ташкил қилиш муносабатларини тартибга солган ҳуқуқий одатлар сифатида қўлланилган. Амир Темур тузукларида “давлат ишларини қонун-қоидаларга асосланган ҳолда бошқардим, тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим”⁴, деган жумлаларни ўқиш мумкин. Ҳуқуқшунос олим З. Муқимов Амир

¹ Малов С.Е. Памятник в честь Куль-Тегина // Памятники древнетюркской письменности. – Москва-Ленинград, 1951. – С. 37–38.

² Қул Тегин битигтоши – бундан тахминан икки минг йил илгари Турк хоқонининг укаси турк қўшинларининг лашкарбоҳиси Қул Тегин шарафига Ўрхун қирғоқларида тошга битилган ёзувлар.

³ Ўша жойда. – Б. 88.

⁴ Temur tuzuklari. – T.: Yoshlar nashriyot uyi, 2018. – B. 86.

Темур давлатида ҳуқуқ манбаларини санаб ўтиб, мусулмон ҳуқуқи биринчи манба, тўралар эса иккинчи манба сифатида кўрсатиб ўтилган¹. Бизнинг фикримизча, Амир Темур давлатида тўралар тузуклар билан бирга давлатни бошқаришга тааллуқли оммавий муносабатларни тартибга солган бўлса, мусулмон ҳуқуқи маҳаллий одатлар, жумладан, туркий йўсинлар билан бирга хусусий муносабатларни тартибга солган ва хусусий ҳуқуқ характерида бўлган. Тўраларнинг аҳамияти энг қадимги даврлардан бошлаб шаклланган ва миллий қадриятларни ўзида мужассамлаштирган турли маросим ва таомиллар, тамойиллар тўғрисидаги ғояларни ўз ичига олган ҳуқуқ рамзлари аҳамиятига эга бўлган.

Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган илк давлат ва ҳуқуқ рамзларидан бири тамғалар бўлган. Тамғалар, дастлаб, қадимги уруғларни бир-биридан фарқловчи белгилар вазифасини бажарган² бўлса, кейинчалик давлатга тааллуқлилиқни ифодалаб, байроқ, муҳр, пуллар, ёрлиқлар ва бошқаларда туширилган. Темур давлатида тамға – бир-бирига боғланган уч ҳалқадан иборат тасвир бўлиб, давлатнинг қудратини ва унинг ҳудуди жойлашган Шимолий, Жанубий ва Ғарбий ҳудудларни ифодалаган. Бу тасвир тангаларга, муҳрларга туширилган. Тамғада уч ҳалқа тасвиридан ташқари “рости-русти” ибораси ҳам ёзилган. Шунингдек, бу ибора Оқсарой дарвозасининг пештоқида ҳам бўлган³, Амир Темур муҳрида ҳам тушурилган⁴.

Ибн Арабшоҳ асарини таржима қилган Сильвестр де Саси “рости-русти” иборасини “ростгўйлик, қутулиш” ҳамда Ж. Сандерс “Ҳақиқат – нажотдир” тарзида таржима қилган бўлсалар, Шарафиддин Али Яздий асарларини таржима қилган Пети де Ла Круа “Нажот ростгўйлик эвазигадир” ва А. Мюллер

¹ Муқимов З. Амир Темур тузуклари (тарихий-ҳуқуқий тадқиқот). – Т.: – Б. 53–54.

² Арсеньев Ю.В. Геральдика. Лекции. – С.12.

³ Равшанов П. Шаҳрисабз тарихи: энг қадимги даврлардан XX асрнинг 1-чорагигача. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2011. – Б. 317–318.

⁴ Қаранг: Саидов А.Х. Ўзбекистон Конституцияси тарихи. – Б. 153–154; Саидов А.Х. Конституция ва давлат рамзлари. Б. – 11–13; Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. – Тошкент. “Адолат”, 2016. – Б. 514–524; Франция Қироли Карл VI нинг Амир Темурга мактуби // Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. – Т.: “Адолат”, 1996. – Б. 77; Франция Қироли Карл VI нинг Амир Темурга мактуби // Холбеков М. Амир Темурнинг Европа қироллари билан ёзишмалари. – Самарқанд. “Мерос”, 1996. – Б. 25.

“хуқуқ-куч” деб таржима қилганлар. Бу иборанинг мазмуни айрим тадқиқотчилар томонидан “агар адолатли бўлсанг, ҳар бир ишда омад ёр бўлади” деган маънода таърифланган бўлса, бошқалари томонидан “куч – адолатдадир” сифатида тавсифланади. Ҳар қайси талқинда ҳам бу ибора давлатни адолатли бошқариш тўғрисидаги давлат шиори бўлганлигини кўрсатади¹.

Темур давлатида рамзлардан давлат бошқаруви идоралари ва мансабдор шахсларини ифодалашда фойдаланилган. Шунингдек, бу рамзлар давлат олдидаги хизматлари учун унвон ва мартаба бўйича кўтарилиш белгилари, фарқловчи белгилар ва давлат мукофотлари функцияларини ҳам бажарган. Ҳар бир мансаб ва лавозимни туғ² – махсус байроқ акс эттириб, мансаб ва лавозимда ўсиш туғга эга бўлишни англатган. Қўйи даражадаги давлат хизматчиси хизматлари учун туғ, ноғора ва фахрли китоб билан тақдирланиб, “баҳодир” унвони берилган ва шу унвонга мувофиқ лавозим ва мансаб даражасига тайинланган, тегишли ваколатлар билан таъминланган, масалан, унга давлат бошқаруви бўйича кенгаш мажлисларига кириш ҳуқуқи берилиб, чегарадаги вилоят бошқаруви топширилган³. Худди шундай қўйдан юқорига қараб лавозим ва мансаб даражаларини давлат хизматчисининг туғлар сонига қараб билиш мумкин бўлган. Энг олий унвон ва лавозим даражаларидан бири бўлиб ҳисобланган амирул-умаро тумонтуғи, чортуғ каби рамзий белгиларга эга бўлган. Давлат байроғи ҳарбий юришлар вақтида баланд кўтарилган. Унинг қулаши мағлубиятни, душман байроғини эгаллаш ғалабани англатган. Темур давлатида давлат мадҳияси сифатида “Аллоёр” қўшиғидан фойдаланиб⁴, Аллоҳ ўз паноҳида асрасин, Аллоҳ ёр бўлсин, йўл кўрсатсин маъносига эга бўлган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ҳудудида давлат ва ҳуқуқ рамзларидан фойдаланиш анъаналари илк давлат ва ҳуқуқ билан

¹ Саидов А.Х. Ўзбекистон Конституцияси тарихи. – Б. 154–155; Саидов А.Х. Конституция ва давлат рамзлари. – Б. 12–13.

² Саидов А.Х. Конституция ва давлат рамзлари. – Б. 14.

³ Темур тузуклари. – Б. 81–83.

⁴ Азимов Э., Ашрафхужаев Ф. Амир Темур давлатининг рамзлари // Тафаккур. 1996. 3-сон. – Б. 44–46.

бирга пайдо бўлиб, ворисийлик асосида кейинги авлодларга мерос қолган.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ рамзларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

биринчидан, ҳуқуқ рамзлари деганда, ҳуқуқий матнда ўз ифодасини топган, миллий ирода мазмуни тўғрисида умумлашган ахборотни ифодаладиган, жамият аъзолари учун умумтушунарли, умуминсоний ва миллий қадриятларга айланган, фақат ақлга эмас, балки ҳиссиётларга таъсир қилиб, умумий мақсад йўлида бирлаштириш хусусиятига эга вербал ва новербал шаклдаги белгилар тушунилади;

иккинчидан, ҳуқуқ рамзлари икки катта гуруҳга ажралади: вербал (сўз-матнлар) ва новербал (ашёлар, тасвирлар, оҳанглар, ҳаракатлар) шаклдаги ҳуқуқ рамзлари. Вербал ҳуқуқ рамзлари ҳуқуқий матннинг номи, муқаддимаси, принциплар матнида сақланиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мақсадини рамзий ифодалаш воситаси бўлиб ҳисобланади;

учинчидан, Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқ рамзларидан фойдаланиш анъаналари энг қадимги даврлардан пайдо бўлиб, давлат ва ҳуқуқ тарихининг ривожланиши давомида кейинги авлодларга ўтиб келган. Энг қадимги ҳуқуқ рамзлари асосан новербал шаклда бўлиб, ёзма ва тизимга солинган қонунлар вужудга келиши давомида уларнинг катта қисми ўз ўрнини вербал, яъни сўз-матнли рамзларга бўшатиб берган. Ҳуқуқни кўргазмали ифодалаш эҳтиёжига мувофиқ новербал шаклдаги ҳуқуқ рамзларининг муайян бир қисми ўзининг илк шаклини сақлаб қолган;

тўртинчидан, ҳуқуқ рамзлари умуммиллий ғояни (мамлакатни ривожлантириш, жамиятни фаровонлаштириш, давлатни юксалтириш) ҳам ифодалаб, жамият аъзоларини умумий мақсад йўлида бирлаштирувчи восита вазифасини бажаради;

бешинчидан, ҳуқуқ рамзлари коммуникатив, тизимга солиш, мафкуравий, тарбиявий функцияларни амалга ошириб, миллий ирода ва мақсадлар тўғрисидаги умумий ахборотни ижтимоий муносабат иштирокчиларига умумтушунарли, умумқабул қилинган маънода, тизимга солинган шаклда етка-

зади, қонунларга ҳурмат руҳини тарбиялаш, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришга хизмат қилади;

олтинчидан, ҳуқуқ тилининг ҳиссий-эмоционал таъсир эта олиш имконияти чегараланганлиги муаммосини ҳуқуқ рамзларидан самарали фойдаланиш воситасида ҳал этиш мумкин. Ҳуқуқ рамзлари инсон ҳиссиётига таъсир этиш хусусиятига эга бўлиб, улардан ҳуқуқий тартибга солиш самарасини кучайтиришдан ташқари ҳуқуқий таълим ва тарбия бериш, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш, ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Еттинчи боб. ҲУҚУҚ РАМЗЛАРИ ВА ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ

7.1. Ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва шарҳлаш жараёнида ҳуқуқ рамзларидан фойдаланиш талқини

Ҳуқуқий адабиётларда “ҳуқуқ ижодкорлигининг муҳим жиҳати ҳуқуқий тартибга солишни талаб этадиган ҳолат ва жараёнини англаш, ўрганиш ва таҳлил этиш” – деб изоҳланган¹. Бу изоҳдан бир неча савол туғилади: биринчидан, англаш, ўрганиш ва таҳлил этиш ҳаракатларининг мазмуни нимадан иборат, улар қандай таркибга эга; иккинчидан, бу ҳаракатни ким амалга оширади? Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнининг ўзи нима? Ҳуқуқни ижод қилиш ғоясининг пайдо бўлиши, ҳуқуқий матн яратилиши ва бошқа босқичларнинг қайси бири ҳуқуқни ижод қилиш мазмунида ҳал қилувчи аҳамиятга эга? Бу саволларга жавоб қидириш орқали ҳуқуқ ижодкорлигининг ҳуқуқ рамзлари билан боғлиқ табиатига баҳо бериш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Ҳуқуқий адабиётларда ҳуқуқ ижодкорлигини тушунишда асосан тўртта ёндашув борлигини кўриш мумкин.

Биринчи ёндашув, ҳуқуқ ижодкорлиги – бу давлат органларининг ҳуқуқ нормаларини қабул қилиш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган фаолиятидир². Бу ёндашув ҳуқуқ ижодкорлиги воқелигини тор, унинг фақат расмий, давлат органларининг ҳуқуқ нормаларини қабул қилиш билан боғлиқ босқичини ҳисобга олиб тушунишдир.

Иккинчи ёндашув, ҳуқуқ ижодкорлиги жамиятда у ёки бу нормаларнинг яратилишига ижтимоий эҳтиёжнинг пайдо бўлишидан бошлаб, ҳуқуқ нормаларининг тегишли давлат органларида қабул қилинишигача бўлган мураккаб жараёнини ўз

¹ Қаранг: Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Б. 584.

² Қаранг: Одилқориев Х., Тўлтеев Т., Мухамедов Ў. Икки палатали парламент. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – Б. 71; Одилқориев Х. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б. 5; Худойбердиев А.Қ. Ўзбекистон Республикаси қонун ижодкорлиги жараёнида ижтимоий фикрни фойдаланишнинг назарий муаммолари. Юр. фан. номз. дис. – Т.: 2010. – Б. 15–17; Венгеров А.Б. Теория государства и права. Учебник. – М.: «Омега-Л», 2013. – С. 476–480.

ичига олади¹. Бу ёндашувга кўра, биринчидан, ҳуқуқ ижодкорлигининг бирламчи манбаи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни яратадиган органларнинг фаолияти эмас, балки ижтимоий ҳаёт ва ижтимоий муносабатлардир; иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш фаолияти жамият иродаси ва мақсадлари билан боғланган; учинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг охириги босқичи; тўртинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш фаолиятининг асосий мазмуни янги вужудга келаётган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини тўғри аниқлашдан иборат, деб белгиланади.

Учинчи ёндашув, ҳуқуқ ижодкорлиги ҳуқуқ нормаси шаклланиши жараёнини ифодаласа-да, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқ нормаси шаклланиши тушунчалари айни бир воқелик эмас. Ҳуқуқ нормасининг шаклланиши реал ижтимоий муносабатлардан ҳуқуқий нормалар яратилишигача бўлган босқичларни ўз ичига олади: 1) жамият иродасининг шаклланиши; 2) унинг ҳуқуқий баён қилиниши; 3) унга амалдаги ҳуқуқ нормаси сифатининг берилиши. Ҳуқуқ ижодкорлиги эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш ваколатига эга давлат органлари ҳуқуқни шакллантириш жараёнига киришганда бошланади².

Тўртинчи ёндашув, Либертар таълимот доирасида илгари сурилган бўлиб, ҳуқуқнинг нормалар йиғиндиси сифатида эмас, балки қонунчилик учун асос бўлган тенглик, эркинлик ва адолат принциплари сифатида таърифланиши билан боғлиқ. Бу ёндашув бўйича ҳуқуқ давлат томонидан эмас, балки жамият томонидан ижод қилинади³.

¹ Қаранг: Лазарев В.В., Липень С.В., Саидов А.Х. Теория государства и права. – С. 333; Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Б. 584–585; Алексеев С.С. Собрание сочинений. В 10 т. Том 3: Проблемы теории права: Курс лекций. – М.: Статут, 2010. – С. 392; Керимов Д.А. Проблемы общей теории государства и права. – М.: «Современный Гуманитарный Институт», 2000. – С. 42; Нерсисянц В.С. Общая теория права и государства. – М.: ИНФРА-М, 1999. – С. 416.

² Алексеев С.С. Собрание сочинений. В 10 т. Том 3: Проблемы теории права: Курс лекций. – М.: Статут, 2010. – С. 394; Марченко М.Н. Теория государства и права: Учебник. – М.: ТК Велби, Проспект, 2004. – С. 548.

³ Қаранг: Нерсисянц В.С. Общая теория государства и права... – С. 415–416.

Ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнини ҳуқуқ рамзларини ўрганиш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнининг моҳиятини чуқурроқ англашга ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқий хулқ-атвор модели қурилишида муҳим роль ўйнайди. Ҳуқуқ ижодкорлиги тўғрисида гапирганда, алоҳида нормалар шаклланиши борасида гапиришдан ташқари тўлақонли амал қиладиган хулқ-атвор моделларининг шаклланиши тўғрисида ҳам гапиришга тўғри келади. Ҳуқуқ ижтимоий муносабатлар тизимининг расмий моделлаштирилган шакли бўлиб, жамиятнинг барқарор ривожланишини мустаҳкамлайдиган ижтимоий муносабатларни давлат муҳофазасига олишга, аксинча, жамиятнинг барқарор ривожланишига зарар етказадиган ижтимоий муносабатларга барҳам беришга мўлжалланади.

Ҳуқуқ шаклланиши жараёнининг биринчи босқичида жамият тараққиёти давомида ижтимоий муносабатлар ўзгаради, ривожланади ва бу узлуксиз давом этади. Айрим ижтимоий муносабатлар эскириб, унинг ўрнида янгилари пайдо бўлади, бошқалари тобора мураккаблашади.

Ҳуқуқ шаклланиши жараёнининг иккинчи босқичидан бевосита ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни бошланади. Бунда янги пайдо бўлган ва ҳуқуқий тартибга солиниши талаб қилинадиган ижтимоий муносабатлар ҳамда уларни тартибга солишдан мақсадни ўзида мужассамлаштирган жамият иродаси аниқланади. Жамият иродасини аниқлаш янги пайдо бўлган ижтимоий муносабатлар билан амалдаги ҳуқуқий хулқ-атвор моделлари ўртасидаги номувофиқликни таҳлил қилишдан бошланади. Номувофиқликлар таҳлили орқали янги хулқ-атвор модели ғояси тахмин қилинади. Янги ғояни яратишда ижодий тасаввур, интуиция ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ҳуқуқ ижодкори янги хулқ-атвор моделининг мақсадини аниқлашда ҳуқуқий декларация, стратегия, принцип ва доктринадаги ҳуқуқий ғояларга таянади. Ҳуқуқий декларация, стратегия, принцип ва доктринада баён этилган ҳуқуқий ғоялар билан қуролланган ҳуқуқий билимлар соҳиби ўзининг интуициясига таяниб, янги хулқ-атвор моделига эҳтиёжни, жамият иродаси-

ни аниқлайди ва янги ҳуққ-атвор моделини яратиш ғоясини шакллантиради.

Ҳуқуқ шаклланишининг учинчи босқичида ҳуқуқий ҳуққ-атвор модели расмий ўрнатилади. Ҳуқуқий ҳуққ-атвор моделининг тўғри ва тушунарли ўрнатилиши, уни ижтимоий муносабат иштирокчилари ҳуққ-атвори учун дастуриламалга айланишининг асосий шартидир. Бу босқичда ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини мониторинг қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, ҳуқуқий тартибга солиш қўламини прогнозлаш, ҳуқуқий нормалар яратишни режалаштириш каби услублар қўлланилади.

Ҳуқуқ шаклланишининг тўртинчи босқичида ҳуққ-атвор моделларидаги бўшлиқларни тузатиш амалга оширилади. Бундай бўшлиқлар ҳуқуқ ижодкорининг барча ҳаётий ҳолатларни ҳисобга олиш имконияти йўқлиги, ҳуқуқ матнларини тузишда умумий иборалардан фойдаланилиши, ҳуққ-атвор моделларини шакллантиришда айрим техник хатоларга йўл қўйилиши оқибатида келиб чиқади. Шунингдек, ижтимоий муносабатлар доимий ривожланишда бўлганлиги учун ҳуқуқий ҳуққ-атвор моделлари доимий эскириб туради¹. Бунда ҳуқуқий бўшлиқлар, қонунга тузатишлар киритишдан ташқари шарҳлаш, ўхшашликлардан (аналогиялардан) фойдаланиш воситасида бартараф этилади.

Ҳуқуқ ижодкорлиги ҳуқуқ шаклланиши жараёнининг таркибий қисми бўлиб, унинг субъектив, инсон тафаккури билан боғлиқ босқичларини акс эттиради. Бунда ҳуқуқнинг шаклланиши кенг маънода ҳуқуқий тартибга солиш талаб қилинадиган, жамият тараққиёти учун муҳим янги ижтимоий муносабатлар пайдо бўлиши ҳамда жамият иродаси ва мақсадларини аниқлашдан бошлаб, ҳуқуқни қўллаш босқичида ҳуқуқий бўшлиқларни тузатишгача давом этадиган жараёни тушуниш керак.

Ҳуқуқ шаклланиши жараёнининг ҳар бир босқичи мантиқий фикрлаш амаллари воситасида амалга ошади. Бунда дастлаб ақлга келадиган фикрлаш амали индукция – бир нечта такрорланадиган ҳаётий ҳолатларнинг умумий белгисини аниқлаб, шу ҳолатлар учун умумий қонуниятни аниқлаш амали. Индукция

¹ Гаджиев Г.А. Онтология права... – С. 248–249.

лотинча сўз бўлиб, “тааллуқли бўлиш, ичига бориш” деган маънога эга. Индукция амали воситасида алоҳида ҳолатлар ягона қоидага умумлашади. Ҳуқуқ ижодкори такрорланиб турадиган бир неча аниқ ҳаётий ҳолатларни ўрганиб, уларни тартибга соладиган умумий абстракт қонидани яратади.

Ҳаммаси оддийдай кўринади. Лекин ҳуқуқ ижодкори у ёки бу ҳаётий ҳолатни ҳуқуқий тартибга солиш кераклигини қандай аниқлайди? Ҳуқуқ ижодкорида у ёки бу ҳаётий ҳолатни тартибга солиш ғояси қандай пайдо бўлади? Индукция амали воситасида бу каби саволларга тўлақонли жавоб бериб бўлмайди. Индукция умумий ҳулосаларга боришнинг асосий услуби сифатида кўринса-да, бу услуб чалғитувчи ҳулосаларга олиб бориши мумкин. Масалан, Республика туманларида ноябрь–январь ойларида ишсизликнинг ўсиши ҳамда ёғингарчиликнинг кўпайиши билан бу туманларда ўғрилиқ ва талончилик жиноятларининг ўсиши ўртасида боғланиш ўрнатилиши мумкин. Лекин бундай маълумотларнинг қайсилари асос сифатида олинишини индукция билан аниқлаб бўлмайди¹. Индукция амали воситасида ҳеч қачон янги ғоя яратилмайди, янги ҳуқуқни ижод қилиш ғояси пайдо бўлмайди. Индукция умумий қонуниятни аниқлаш учун унга боғланган хусусий ҳолатларни тўплашдан бошланса-да, уларнинг дастлабки асосларига эътиборни қаратмайди². Индукция мавжуд ғояларни кўриб чиқади ва уларни аниқланган фактларга мувофиқлигини текширади, холос.

Бу ҳолатда ҳуқуқшуноснога аналогия амали ёрдамга келади, деб айтиш мумкин. Аналогия амалида ҳуқуқ ижодкори янги вужудга келган муносабатларни тартибга солишда унга ўхшаш бошқа муносабатларни тартибга соладиган нормалар намунасидан фойдаланиб янги нормаларни яратади. Бунда намуна миллий ҳуқуқий тизим ичидан ёки хорижий мамлакатлар ҳуқуқий тизимларидан олиниши мумкин. Айниқса, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги намуна олиш манбаи сифатида жуда жозибали кўринади. Дастлабки тарзда қараганда, анало-

¹ Uzun E. Hukukun göstergibilimsel analizi. – S. 148–150.

² Рузавин Г.И. Методология научного познания: Учебное пособие для вузов. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2012. – С. 126–145; Рузавин Г.И. Абдукция как метод поиска и обоснования объяснительных гипотез // Теория и практика аргументации. – М.: 2001. – С. 28–49.

гия ҳуқуқ ижодкорининг ишини анча енгиллаштирганга, намуна олиш ёрдамида мавжуд тажрибалардан самарали фойдаланиш имконияти юзага келганга ўхшайди. Лекин асосий саволга ҳали ҳам жавоб берилмади: Ҳуқуқни ижод қилиш ғояси қандай пайдо бўлади?

Бу саволларга жавоб сифатида дедукция амалини қўллаш мумкинлиги тўғрисидаги фикр ақлимизга келади. “Дедукция” лотинча сўз бўлиб, “айрилишга бориш” деган маънони беради. Дедукцияда умумий асосдан хусусий ҳолатларга борилади. Албатта, дедукция амали устун раҳбарий қоидалар, янги ҳуқуқий мақсадлар (стратегиялар), принципларни хусусий ҳолатларга жорий қилиш воситаси бўлиб ҳисобланади. Лекин дедукция ҳам янги ҳуқуқни ижод қилиш ғоясини, янги мақсадлар (стратегиялар), принципларнинг пайдо бўлишини таъминлай олмайди.

Шундай қилиб, юқорида кўриб чиқилган ҳуқуқий фикрлашнинг уч амали ҳам янги ҳуқуқни ижод қилиш ғоясининг пайдо бўлишини таъминлай олмайди. Бунда фикрлашнинг тўртинчи амали – абдукцияни қўллаб кўришимизга тўғри келади. Абдукция лотинча сўз бўлиб, “бир нарсанинг узоғига бориш” деган маънони англатади. Ч. Пирс абдукцияни янги ғояни кашф қилиш учун асосли фаразни яратувчи илмий фикрлаш услуги, янги ғоялар пайдо бўлиши воситаси сифатида таърифлайди¹. Барча янги ғоялар абдукция йўли билан пайдо бўлади, у фикрлашнинг янги ғояга олиб борадиган ягона тури. Абдукция билиш жараёнига тасаввур ва интуицияни киритади, охир-оқибат фақат тасаввур ва интуициягина ҳақиқатни кўришга имкон беради.

Инсон уни ўраб турган оламдан ахборотни қабул қилади, идрок қилади, фикрлай бошлайди. Фикрлаш фикрларнинг ички ҳаракати бўлиб, қабул қилинган ахборот у тўғрисида фикрлашни келтириб чиқаради. Фикрлаш тажриба ва ақлнинг қўшилишидан келиб чиққан билим асосига қурилади, қабул қилинган ахборотга нисбатан тушунча ва мулоҳазалар ҳосил бўлади. Кейин бу мулоҳазалар матнлар шаклини олади. Фикрлашнинг муҳим жиҳати бу интуиция ва тасаввурлардир. Интуиция ва та-

¹ Uzun E. Hukukun göstergebilimsel analizi. – S. 143–148.

саввурлар билим асосида янги ғояларни келтириб чиқаришда муҳим роль ўйнайди. Билимга таянган интуиция ва тасаввурлар одамга асосли фаразлар қуриш имкониятини беради. Асосли фараз воситасида инсон тахмин қилиш йўли билан етарли бўлмаган билимларни тажрибадан келиб чиқиб тўлдиради¹.

Дедуктив хулоса чиқаришдан фарқ қилиб, абдуктив хулоса чиқаришда олдиндан маълум ғоядан натижалар келтириб чиқарилмайди, балки фикрлаш жараёни аниқланган ҳолатларни таҳлил қилиш ва баҳолашдан бошланади. Бу аниқланган ҳолат уни асослашга хизмат қиладиган ғояни кашф қилишга олиб келади. Олдиндан маълум ғоялар эса талқин қилишга очиқ бўлган рамзлар сифатида хизмат қилади. Олимлар ўзларининг назарияларини яратишда ҳам шундай йўл тутишади. Улар олдин фактларни кузатишади, кейин уларни тушунтирадиган ғояни яратишади².

Абдукция – ноодатий фактга тўқнаш келинганида, кўпчилик фаразлардан биргина тўғри ғояга, олдин маълум бўлмаган янги хулосаларга боришга имкон яратади. Абдукция ҳақиқатни очишни кафолатламайди, балки уни қидиришни осонлаштиради, у янги ғояни тасдиқлайдиган фактлар сонига эмас, балки янги ғояни асослай оладиган фактнинг сифат хусусиятларига таянади³. Абдукцияда олдин бирламчи умумий ғоя танланади. Бу бирламчи ғоя кейинги ғоялар келиб чиқишига туртки беради, кейин уларни индукция йўли билан текшириш керак бўлади. Кузатишларнинг қанчалик кўп сони абдуктив ғоядан келиб чиқиб, индуктив хулосага келишга имкон берса, бу ғояни тушунтириш имконияти шунчалик кўпаяди. Бунда бирламчи ғоялар кейинги ғоялар келиб чиқиши учун белги вазифасини бажаради.

Бирламчи ҳуқуқий ғоялар декларация, стратегия, принцип ва доктрина матнлари ҳамда давлат рамзлари мазмунида сақланиб, шундан келиб чиқиб, бу воситалар ҳуқуқ рамзлари хоссасига эга бўлади. Ҳуқуқ рамзлари амалдаги ҳуқуқий ғояларни янги ҳуқуқий ғоялар, яъни янги ҳулқ-атвор модели ғоя-

¹Новицкий В.А. Теория российского процессуального доказывания и правоприменения. Монография. – Ставрополь: Изд-во СГУ, 2002. – С. 69–80.

² Рузавин Г.И. Абдукция как метод поиска и обоснования объяснительных гипотез // Теория и практика аргументации. – М.: 2001. – С. 28–49.

³ Рузавин Г.И. Методология научного познания... – С. 129–130.

си билан боғлайди ва ғоялар занжирини ҳосил қилади. Ҳуқуқ рамзлари қонунчилик учун “умумий бошланғичлар” вазифасини бажаради. Бу боғланишда ҳуқуқ рамзлари фақат амалдаги қонунчилик мазмунини белгиламасдан, балки янгилашни жараёнида истиқболда пайдо бўлиши мумкин бўлган қонунчилик мазмунини ҳам белгилаб беради. Бу нуқтаи назардан ҳуқуқ рамзлари қонунчилик учун умумий йўлни белгилайдиган маёқ функциясини бажаради¹.

Ҳуқуқ рамзлари олдинги ҳуқуқий ғоялардан янги ҳуқуқий ғояларни келтириб чиқариш воситалари, ғоялар эволюцияси бўғинларини боғловчи белгилардир. Абдукция тартибга солиниши эҳтиёжи бўлган янги ижтимоий муносабатлар доираларини белгилайдиган жамият иродасини аниқлаш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Янги ҳуқуқни яратишда фойдаланиладиган ҳуқуқий фикрлаш амалларини бирма-бир кўриб чиқамиз.

Янги ҳуқуқ (хулқ-атвор модели) ғоясини яратишда абдукция амали қуйидагича кўриниш олади:

1) ҳуқуқий тартибга солинмаган P ҳаётий ҳолат кузатила-япти;

2) агар бу P ҳаётий ҳолатни тартибга солиш бўйича N янги ҳуқуқ ғояси тўғри бўлса, P ҳолатни ҳуқуқий тартибга солишни асослаш мумкин;

3) N янги ҳуқуқ ғояси тўғри деб ҳисоблаш учун ғоявий асос ҳуқуқ рамзлари воситасида аниқланади.

Янги ҳуқуқ ғояси тўғрилигини текширишда индукция амали қуйидагича кўриниш олади:

1) янги ҳуқуқ ғояси тўғрилигини текшириш учун $P^1, P^2, P^3, \dots, P^n$ ҳаётий ҳолатлар кузатилади;

2) $P^1, P^2, P^3, \dots, P^n$ ҳаётий ҳолатларни умумий N янги ҳуқуқ ғояси билан тушунтириш мумкин;

3) бундан келиб чиқиб, $P^1, P^2, P^3, \dots, P^n$ ҳолатлари умумий N янги ҳуқуқ ғоясига тааллуқли (яъни уни исботлайди).

Янги ҳуқуқ ғоясининг тўғрилигини асослашда дедукция амали қуйидагича кўриниш олади:

¹ Қаранг: Гаджиев Г. Онтология права... – С. 266.

- 1) янги ҳуқуқ ғояси мавжуд;
- 2) янги ҳуқуқ ғоясига тааллуқли Р ҳаётий ҳолат кузатила-
япти;
- 3) янги ҳуқуқ ғоясини Р ҳаётий ҳолатга нисбатан қўллаш
мумкин.

Шундай қилиб, абдукция аслида кузатилган ҳулқ-атворни асослаш учун бир фараз, тахмин яратиш амали. Лекин оддий фараздан фарқ қилиб, абдукция амали билан, яъни асосланган фараз қилиш йўли билан кашф қилинадиган янги ғоя мавҳум эмас, балки ўзидан олдинги ғояларга таянади. Шундай қилиб, бири иккинчиси учун рамз вазифасини бажарадиган ғоялар занжири юзага келади. Бутун ҳуқуқий тизим ҳам, аслида, мураккаб тузилишга эга ҳуқуқий ғоялар занжиридир.

Энди ҳуқуқ рамзларини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳуқуқни қўллаш ва шарҳлашдаги фикрлаш амалларини кўриб чиқамиз. Ҳуқуқий адабиётларда ҳуқуқни қўллаш жараёнининг босқичлари сонини турлича кўрсатиб ўтиш тенденцияси кўзга ташланса-да (масалан, Х.Т. Одилқориев тўртта¹, Ш.А. Сайдуллаев олтита²), аксарият ҳолларда мазмун жиҳатдан аъёнага айланган учта асосий босқич ажратилишини кўришимиз мумкин: 1) ҳуқуқни қўллаш талаб қилинадиган ҳолатни аниқлаш; 2) аниқланган ҳолат тааллуқли бўлган ҳуқуқ тармоғи, институти, ҳуқуқий нормани аниқлаш; 3) ҳолатга ҳуқуқий нормани қўллаш бўйича қарор қабул қилиш.

Юқоридаги босқичлардан ҳуқуқни қўллаш жуда оддий механик ижро этишни талаб қиладиган ҳаракатга ўхшайди. Лекин ҳақиқатдан ҳам шундайми?

Ҳуқуқни қўлловчи ҳуқуқ нормасини ҳолатга нисбатан қўллаш бўйича қарорни дедукция (силлогизм) йўли билан келтириб чиқаради. Лекин фикрлаш жараёнида ҳуқуқни қўлловчи аналогия ва абдукция мантиқий амалларини ҳам ишлатилишини кўриш мумкин. Биринчидан, одатда, ҳуқуқни қўллашда аналогия (ўхшашликлар) тўғрисида гапирилганида, ҳуқуқий

¹ Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. – Т.: Адолат, 2018. – Б. 373.

² Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. – Т.: ТДҶОУ, 2018. – Б. 171; Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. II жилд. – Т.: Адолат, 2001. – Б. 220–224; Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Б. 680–682.

бўшлиқларни тўлдириш воситаси тушунилади. Лекин аналогия мантикий фикрлаш амали сифатида қаралса, ҳуқуқни қўлловчи ҳуқуқни қўллашда аналогия амалидан доимий фойдаланишини кўрамиз. Ҳуқуқни қўлловчи ҳуқуқий тартибга солиниши керак бўлган ҳолатларга дуч келганида, авваламбор, олдинроқ кўрган тажриба намуналари, олий ўқув юртида ва малака ошириш курсларида, ўзининг устида ишлаш давомида олган малакадан ҳамда бошқа тажрибали давлат хизматчиларининг тажрибасидан фойдаланади, улардан намуна олади. Одатда, ҳуқуқни қўлловчи ҳолатни илк кўрган заҳотиёқ ҳуқуқни қўллаш қарори учун асос бўладиган ҳуқуқий нормани таснифлайди, чунки у бу ҳолатнинг ўхшашини олдинроқ ҳам кўрган бўлади.

Агар аналогия амали ҳуқуқни қўлловчининг қарор чиқаришида доимий ишлатиладиган мантикий фикрлаш амали сифатида тан олинадиган бўлса, демак ҳуқуқни қўллашни фақат дедукция (силлогизм) амали билан тушунтириб бўлмаслигини англаш мумкин. Лекин ҳуқуқ нормасининг ҳолатга нисбатан мувофиқлиги механик аниқланмайди. Ҳуқуқни қўлловчи ҳуқуқий ҳолатга дуч келганида қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ нормаси тўғрисида мантикий фараз қуради. Мантикий фараз қуриш аслида ҳуқуқни шарҳлаш жараёнининг натижасидир. Силлогизм шарҳлаш жараёнининг охириги босқичида ҳуқуқни қўллаш бўйича қарор ёзиладиган вақтдагина муҳим бўлади¹.

Ҳуқуқни қўлловчи ҳуқуқий ҳолатга қўлланиладиган нормаларни тўғри танлай оладиган киши бўлиши керак. Албатта, аниқланган ҳолатга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ нормасини топиш учун барча ҳуқуқ нормаларини бирма-бир кўриб чиқиб бўлмайди. Ҳуқуқни қўлловчининг маълум хулосага келиши у қабул қилган ахборотлар билан боғлиқ. Ҳуқуқни қўлловчининг нуқтаи назари вакуумда эмас, балки ахборотнинг ўрганилиши ва баҳоланишидан келиб чиқиб шаклланади. Инсон олами қандай бўлса шундай эмас, балки уни кўргани, эшитгани бўйича билади. Билим бу билишнинг пировард натижасидир. Ҳуқуқни қўлловчи эришган билими асосида қарор чиқаради. Билимнинг асосида билинган ахборотни тушуниш ётади. Ҳуқуқни қўлловчи

¹ Uzun E. Hukukun göstergebilimsel analizi. – S. 171–172.

ўзининг билимларига таяниб ҳолатга мувофиқ келадиган ҳуқуқ нормасини танлайди. Ҳуқуқий билимлар ҳолатларга нисбатан ҳуқуқни қўллашнинг тажрибадан ўтган намуналари ёки ҳуқуқни қўллаш амалиётидир. Ҳуқуқни қўлловчи ҳуқуқни қўллаш амалиёти бўйича маълумотлардан намуна олади.

Ҳуқуқни қўлловчи ўхшашликлардан йўлга чиқиб асосли фаразлар қура бошлайди. Асосли фаразлар ҳолатнинг қайси ҳуқуқий ҳулқ-атвор модели доирасига киришини аниқлашни таъминлайди. Кейин бу фаразларни индукция йўли билан текширади¹. Фаразларни текшириш жараёнида ахборот ҳуқуқий тил воситасида қайта ишланади. Охирида фаразлардан бирида тўхталиб, ҳолатга нисбатан қўлланиладиган норма тўғрисида тегишли ҳулосаларга келинади.

Ҳуқуқни қўллашда фойдаланиладиган мантикий фикрлаш амаллари, биринчи навбатда, ҳуқуқни шарҳлаш билан боғлиқ. В.Лазарев, С.Липень, А.Саидовларнинг фикрига кўра, “шарҳлаш жараёни – мураккаб фикрлаш фаолияти бўлиб, унда фикрлашнинг мантиқ усулларида ҳамда махсус ҳуқуқий билимлардан фойдаланилади. Шу билан кўп ҳолларда ҳуқуқни татбиқ этишда шарҳлаш автоматик равишда сезилмасдан юз беради, у ҳолатни ҳал қилишда ҳуқуқий асосларни аниқлаш жараёнида ўз-ўзидан маълум фаолиятга ўхшайди”².

“Шарҳлаш” ибораси кўплаб маъноларга, жумладан, кенг ва тор маънога эга. Г. Тастанбекованинг фикрича, кенг маънода шарҳлаш исталган билиш жараёнини, тор маънода турли сўз, ибора, ифода ва рамзлар маъносини аниқлаштиришни англатади³. Л. Харитоновнинг фикрига кўра, “шарҳлаш деганда, бир томондан белгилар (рамзлар) тизимини тушунтиришга қаратилган билиш жараёнини, иккинчи томондан, белгилар (рамзлар) тизимига муайян мазмун берувчи ифодаларни тушунтириш натижасини, ҳуқуқий нормаларнинг маъносини аниқлаш ва тушунтириш бўйича ақлий-иродавий жараённи тушуниш

¹ Uzun E. Hukukun göstergebilimsel analizi. – S. 170.

² Лазарев В.В., Липень С.В., Саидов А.Х. Теория государства и права... – С. 419.

³ Тастанбекова Г.С. Ҳуқуқни шарҳлаш муаммолари. Юрид. фан. номз. дис. – Т.: 2012. – Б. 16.

мумкин”¹. Фанда “ҳуқуқни шарҳлаш” тушунчасининг умумий таърифи шакланмаган², лекин ҳуқуқшуносларнинг аксарият қисми ҳуқуқни шарҳлаш икки жиҳатни: ҳуқуқ нормаларини тушуниш (аниқлаш) ва тушунтиришни ўз ичига олади, деб ҳисоблайди³.

3. Исломов таърифига кўра, “ҳуқуқни шарҳлашни ҳуқуқ нормаларини тўғри ишлатиш мақсадида уларнинг маъноси-ни аниқлаш ва тушунтириш бўйича ақлий-иродавий фаолият сифатида тасаввур қилиш мумкин”⁴. Х. Одилқориев шарҳлашнинг мақсади “қонун чиқарувчи идоранинг ҳуқуқ нормасида мужассамлашган иродасини, ушбу норма билан боғлиқ деб ҳисоблаган тасаввурлар ва тушунчаларни ифодалаш”⁵ деб белгилайди. Т. Хабриева ҳуқуқни шарҳлашнинг ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқий фан, ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарбия ва бошқа даражалари борлиги ҳамда уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш мумкин эмаслиги ҳақида гапиради⁶. Т. Хабриеванинг фикрича, ҳуқуқ нормаларининг барчасини истисносиз шарҳлаш масаласи амалий аҳамиятга эга. Ҳуқуқ нормаларини олдиндан тушунарли ва тушунарсизга ажратиб бўлмайди. Айрим ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш тез, ақлий қийинчиликларсиз ўтади, шунинг учун кўзга ташланмайди. Қонуннинг тушунарлилиги даражаси турли ҳуқуқ субъектлари учун бир хил бўла олмайди. Ҳуқуқ нормаси маъноси тўғрисида аниқ тасаввур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни кўп йиллар давомида қўлланилиши, олдинги тажрибаларнинг ҳисобга олиниши натижаси бўлиши мумкин⁷.

¹ Харитонов Л.А. Понятие толкования правовых норм // Криминалист. 2015. № 2. – С. 74–75.

² Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Б. 680; Кузьмин И.А. Правоприменение и толкование права: в 2 ч. учеб. пособие. – Иркутск : Изд-во ИГУ. Ч. 2 Толкование права. 2017. – С. 7.

³ Саидов А., Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. II жилд. – Т.: Адолат, 2001. – Б. 220–224; Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Б. 680–682; Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик / Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тўлтеев ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – Б. 423–424; Сайдуллаев Ш. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т.: 2018. – Б. 178.

⁴ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Б. 682.

⁵ Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. – Т.: Адолат, 2018. – Б. 382.

⁶ Хабриева Т.Я. Избранные труды: в 10 т. Т. 6. – М.: Российская акад. наук, 2018. – С. 101.

⁷ Ўша жойда. – Б. 102.

Л. Харитонов ҳуқуқни шарҳлаш тушунчасини ҳуқуқ рамзларини ўрганиш нуқтаи назаридан таърифлайди. У ҳуқуқни шарҳлашда ҳуқуқий принципларга мурожаат қилинади, чунки ҳуқуқий “ҳаётӣ тажриба” чегарасидан четга чиқадиган ижтимоӣ ҳаётнинг янги векеликларига тўқнаш келинганида, уларга шаклланган рамзлар ва белгилар тизимидан келиб чиқиб маъно берилади¹, деб ҳисоблайди. Г. Гаджиевнинг фикрига кўра, “рамзлар маданият объекти сифатида унда сақланадиган маънони очишни назарда тутати. Ҳуқуқ рамзлари онгли фаолият натижасида яратилгани сабабли ҳуқуқшуносликда маънони очиш ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш тушунчаси билан алмаштирилган”². Бунда шарҳлаш жараёни ғояларни етказишга мўлжалланган исталган рамзларнинг, белгиларнинг ҳақиқий маъносини аниқлашга қаратилади.

Шарҳлаш ҳуқуқий тафаккур билан боғлиқ барча жараёнларда амалга оширилади. Ҳуқуқ нормаларининг қўлланилиши механик шаклда қарор чиқариш амали эмас, балки мураккаб мантиқий фикрлаш жараёнидир. Қўлланиладиган ҳар бир норма моҳиятида миллий ирода ва мақсадлар ётади ҳамда бу ирода ва мақсадларни ифодаладиган ҳуқуқ рамзлари маъносини англамасдан туриб, нормани тўғри қўллаб бўлмайди. Ҳуқуқни шарҳлашнинг мақсади ҳуқуқий матнларнинг мазмунини очиш, яъни ҳуқуқ ижодкори томонидан ҳуқуқий матнларга сингдирилган миллий ирода ва мақсадларни ҳамда улардан келиб чиқадиган ҳуқ-атвор талабларини, ҳуқуқ нормаларини аниқлаш ва тушунтиришдан иборат.

Шундай қилиб, ҳуқуқни қўлловчи, аввал, интуиция ва тасаввурлар асосида фаразлар қуриб мавжуд ҳолат бўйича бирламчи умумий ҳуқуқий ғояларга – миллий ирода ва мақсадларга мурожаат қилади ҳамда ушбу миллий ирода ва мақсадларни мавжуд ҳолат билан боғлайди, сўнгра, ҳуқуқий ғоя ва аниқланган ҳолатни амалдаги ҳуқуқ нормаси билан боғлайди. Бундай фикрлаш амали абдукция бўлиб, ҳуқуқни қўлловчи аниқланган ҳолатга қайси нормани қўллашни аниқлашда миллий ирода ва мақсадлар мазмунини ифодаладиган ҳуқуқ рамзларидан фой-

¹ Харитонов Л.А. Понятие толкования правовых норм... – С. 75.

² Гаджиев Г.А. Онтология права... – С. 243.

даланади. Албатта, ҳуқуқ рамзларидан фойдаланиш ҳуқуқни қўлловчининг фикрида интуитив юз беради ва бунда фикрлаш амаллари математикадаги формулага ўхшаб ҳисоблаб ўтирилмайди. Лекин фақат ана шу фикрлаш амаллари воситасидагина ҳуқуқни қўлловчи тўғри қарор чиқаради.

7.2. Ҳуқуқ рамзлари – ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш воситаси сифатида

Ҳуқуқий онг ва маданият ҳолати фуқароларнинг ҳуқуқий воқеликларга муносабатини, жамият тараққиёти йўлида бирлашганлиги, бунёдкорлик ишларига сафарбарлиги ва жамоат тартиботи қарор топишига руҳий тайёрлигини белгилайди. Шундан келиб чиқиб, юксак даражадаги ҳуқуқий онг ва маданиятга эга фуқароларни тарбиялаш жамиятни янгилаш жараёнининг муҳим таркибий қисмидир.

Инсоннинг ҳуқуққа, унда ифодаланган жамият иродаси ва мақсадларига бўлган муносабати ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Муносабат ижобий бўлганида инсон ҳуқуқнинг аҳамиятини тушунади, қадрлайди, ҳурмат қилади. Салбий бўлганида, аксинча, ҳуқуқни менсимайди, ҳақоратлайди, таҳқирлайди, ўзи учун кераксиз юк деб ҳисоблайди. Инсоннинг ҳуқуққа нисбатан қандай муносабатда эканлиги унинг бошқа инсонлар билан муносабатларга киришиш вақтида мавжуд қонун талабларига риоя қилишида, унинг турли ҳаётий ҳолатлардаги хатти-ҳаракатларида намоён бўлади.

Ҳуқуқий адабиётларда инсон ҳуқуқий онги ҳолатини тавсифлашда “ҳуқуқий онгнинг мўътадиллиги” ва “ҳуқуқий онгнинг бузилиши (деформацияси)”¹ тушунчалари қўлланилиб келинмоқда. Адабиётларда ҳуқуқий онг бузилиши ва ҳуқуқий маданиятсизликнинг кўринишлари кенг ёритилган². Ҳуқуқий онгнинг

¹ Таджихонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. Дарслик. 1-том. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1998. – Б. 43–44; Одиқориев Х.Т., Тультеев И.Т. ва бошқ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – Б. 286.

² Қаранг: Маматов Х.Т. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг шаклланиши муаммолари. ю.ф.д. диссертация. – Т.: ТДЮИ, 2011. – Б. 151–167; Вопленко Н.Н. Правосознание и правовая культура: Учебное пособие. – Волгоград: Изд-во ВолГУ, 2000. – С. 27–33.

бузилиши ва ҳуқуқий маданиятсизлик инсонда қонунийлик ва адолат қадриятларига, ҳуқуқ идеалларига ишончининг йўқолиши оқибатида юзага келиб, уларнинг ўрнини ғайриҳуқуқий ўзбошимчаликка етакловчи идеаллар эгаллайди. Агар бунинг устига таълим-тарбиядаги бўшлиқ оқибатида келиб чиққан ақлий ва руҳий қобилиятсизлик, ҳуқуқий саводсизлик қўшилса, ҳуқуқий онг бузилиши ва маданиятсизлик янада кучаяди.

Биз бу тадқиқотда ҳуқуқий онг ва маданият ёки ҳуқуқий онгнинг бузилиши ва маданиятсизлик тавсифига тўхталиб ўтмаймиз. Бизнинг мақсадимиз ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланишида ҳуқуқ рамзларининг ўрнини кўрсатишдан иборат. Ҳуқуқ рамзлари ҳуқуқий матн мазмунининг умумтушунарли бўлишини, ҳуқуқ тўғрисида ҳиссий-қадриятли хусусиятга эга тасаввур ва билимлар шаклланишини таъминлайди. Қонунлар инсон интилишларини белгилайдиган қадриятлар билан боғланса, уларнинг таъсир кучи ошади, қонунларга сўзсиз риоя қилишдан номоддий манфаатдорлик кучаяди.

Инсон онги ижтимоий-қадриятли хусусиятга эга бўлиб, унда ақлий ҳамда ҳиссий-эмоционал, миллий-маданий ва анъанавий жиҳатлар қўшилиб кетган бўлади. Шунинг учун ҳам инсон онгига қадриятларни ифодалайдиган рамзларнинг таъсири юқори бўлади. “Рамзлар дунёси инсонлар онгида давлат ва ҳуқуқ тўғрисида асосий тасаввурларнинг шаклланишига сезиларли таъсир қиладиган воситалардир”¹. Шундан келиб чиқиб, ижобий ҳиссий-эмоционал муносабат шаклланишини таъминлайдиган ҳуқуқ рамзларининг ҳуқуқий хулқ-атвор шаклланишидаги ўрнини тадқиқ этиш муҳим. Ҳуқуқ рамзлари жамиятда ҳуқуқий онг ва маданият ҳолати шаклланишининг муҳим воситаси бўлиб, ҳуқуқни хулқ-атворнинг асосига айлантиришни таъминлайди, ҳуқуқ ижодкори ва жамият аъзолари ўртасида ўзаро мулоқотнинг рамзий тилини ташкил қилади.

Бугунги кунда барча соҳаларда янгиланиш йўлига ўтган жамиятимизда фаол, бунёдкор, инсоний ва фуқаролик позициясига эга, қонунларга ҳурмат ва эътиқод руҳида тарбияланган инсонларни вояга етказиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Ҳуқуқий онг ва маданият ҳолати инсоннинг қанча сон-

¹ Саидов А.Х. Конституция ва давлат рамзлари. – Б. 4.

даги қонун-қоидаларни билиши билан эмас, балки қонунларни, тартиботни, ўз ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қанчалик даражада ҳурмат қилиши ҳамда кундалик хулқ-атворида буни намоён қилиши билан белгиланади. Тадқиқотлар ҳуқуқбузарлик содир этилишида ҳуқуқий нормаларни билиш ёки билмаслик даражасининг ҳал қилувчи аҳамияти йўқлигини тасдиқлайди¹. Шунинг учун ҳуқуқий онг ва маданият воқелигини ўрганишга, авваламбор, инсоннинг қонун-қоидаларга ҳурмат руҳида тарбияланганлиги ва бунга ахборот-психологик муҳитнинг таъсири нуқтаи назардан ёндашиш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Ҳуқуқий тартибга риоя қилиши учун инсоннинг ҳар бир ҳаётий ҳолатга тегишли қонун талабларини ёддан билиши муҳим эмас, ҳеч бир инсон, ҳатто энг таниқли ҳуқуқшунос ҳам барча ҳаётий ҳолатларга тегишли қоидаларни ёддан билиши мумкин эмас. Асосийси, инсон ҳуқуқ рамзлари воситасида ифодаланган миллий ирода ва мақсадларни, хулқ-атвор моделлари мақсадини, ҳуқуқий тартиб тамойилларини билиши, уларни ҳурмат қилиши, қадрлаши, ижтимоий ва шахсий фаровонликнинг шарти сифатида тан олишидир. Чунки барча қонун талаблари уларга асосланади ва уларни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Инсоннинг қонунларни ҳурмат қилиш руҳида тарбияланганлигини белгилайдиган онг ҳолатини эркинлик ва маданият, аксинча қонунларни менсимаслик руҳидаги онг ҳолатини ўзбошимчалик ва ёввойилик деб айтиш мумкин.

Қуйида бир ҳолатни кўриб чиқамиз:

Норин тумани давлат солиқ инспекцияси, туман прокуратураси ва ички ишлар бўлими ходимлари қўшма рейд ўтказдилар. Рейд давомида “Тўда” қишлоқ фуқаролар йиғини “Отбозор” маҳалласида яшовчи Шерали Ўрозовнинг хонадони кўздан кечирилганда, унинг ноқонуний ёғ ишлаб чиқараётгани маълум бўлди. Қўлбола усулда ишлаб чиқарилган пахта ёғи санитария-эпидемиология марказида таҳлил қилиниб, истеъмолга яроқсизлиги ва қўплаб касалликлар келиб чиқишига сабабчи эканлигини тасдиқлади. Ноқонуний яширин цехларнинг фао-

¹ Таджихонов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. – Б. 45.

лиятига нуқта қўйилди, қонунбузарлар эса қилмишларига яраша жазога тортилдилар¹.

Уқоридаги ҳолатда фуқаро Шерали Ўрозовнинг хатти-ҳаракати ҳуқуқий онг бузилиши ва ҳуқуқий маданиятсизлик билан боғлиқми?

Ҳар бир инсон ижтимоий муносабатларга ўзининг муайян эҳтиёж ва манфаатларини амалга ошириш учун киришади. Инсон ўз эҳтиёж ва манфаатларини амалга ошириш масаласида эркиндир. Буни ирода эркинлиги деб номлайдилар. Лекин ижтимоий муносабат вақтида инсоннинг ирода эркинлиги жамиятнинг қолган барча аъзолари ирода эркинликларини ўзида мужассамлаштирган жамият иродаси (миллий ирода) билан тўқнаш келади. Бу тўқнашувда инсоннинг муайян эҳтиёж ва манфаатини амалга оширишдаги ирода эркинлиги чегараси белгиланади. “Бошқаларнинг эркинлигига раҳна солмаслиги учун, – деб ёзади И.Кант, – ҳар бир шахснинг ўзбошимча хатти-ҳаракати жамият томонидан чеклаб қўйилмоғи зарур”².

Жамият иродаси жамиятнинг маълум бир аъзоси иродасидан мустақил объективлашган иродадир. Жамият иродаси билан чегараланган ирода эркинлиги маданиятга тааллуқлиликини, бу чегарани ўзбошимчалик билан бузганлик ёввойиликни англатади. Инсон ўз эҳтиёжларини қондириш учун бошқалар ҳуқуқ ва эркинлигига фақат ёввойилик ҳолатидагина тажовуз қилади. Эркинлик инсон эҳтиёжларини қондиришнинг маданий усули бўлса, ўзбошимчалик ёввойи усулидир. Эҳтиёжларни қондиришнинг ёввойи усули қонунлар билан ман этилади, қонунлар билан ман этилмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар эҳтиёжларни қондиришнинг маданий усулига киради (фуқаролар учун – “Қонун билан ман этилмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатга рухсат этилган” тамойили амал қилса, мансабдор шахслар учун – “Қонун билан рухсат этилмаган ҳар қандай хатти-ҳаракат ман этилган” тамойили амал қилади).

¹ Қилмиш фош этилди // Инсон ва қонун. 2012. 17 апрель. – Б. 3.

² Саидов А.Х. Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2012. – Б. 40–41.

Қонунлар воситасида ҳуқуқ ижодкори ижтимоий муносабат субъектларига у ёки бу ҳаётий ҳолатларда хулқ-атвор чегаралари тўғрисида ахборот узатади. Муайян ҳолатларда нима қилиш мумкин, нима қилиш мумкин эмас ва нима қилиш мажбурийлиги тўғрисидаги ҳуқуқий ахборот уни қабул қилувчи инсон онги билан тўқнашади. Бу тўқнашувда инсоннинг ҳуқуқий хулқ-атвор моделларига, ундаги миллий ирода ва мақсадларга нисбатан муносабати аниқланади. “Бизнинг ақлимиз, – ёзади И.Кант, – биринчидан, барча ҳис қилинган ахборотларни замон ва макон шаклида тартибга келтиради ёки ҳиссий воқеликлар оламини яратади; иккинчидан, бу ҳиссий воқеликларни тушунишнинг асосий усуллари (ақл тушунчалари) билан бир-бирига боғлайди. Шу билан ҳис қилинган оламга нисбатан у ёки бу хулосага келиниши, муносабат билдирилиши ва бошқалар билан муносабатга киришилишига олиб келади”¹.

Инсон ҳуқуқий онги ва маданиятининг шаклланишида ҳуқуқ рамзлари муҳим ўрин эгаллайди. Инсон онги ҳуқуқий ахборотни ҳуқуқ рамзлари ва ҳуқуқий белгилар мажмуи сифатида тизимга солади. Инсон ҳуқуқ рамзлари ва белгилари воситасида фикрлайди, ҳуқуқий воқеликларни англайди. Инсоннинг туғилиши билан бошланадиган тўхтовсиз ғоявий-ҳуқуқий эволюция жараёнида ҳуқуқий ахборот инсоннинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиради. Онг оддийдан мураккабга қараб ривожланади. Ҳеч ким қаҳрамон бўлиб ҳам, жиноятчи бўлиб ҳам туғилмайди. Уни қаҳрамонга айлантириши мумкин бўлган ҳам, жиноятчига айлантириши мумкин бўлган ҳам унинг онги ва онг остида кечадиган ғоявий-ҳуқуқий эволюция жараёнидир.

Инсон ўзлаштирган ҳуқуқий хулқ-атвор моделлари ва реал ижтимоий муносабатдан орттирилган тажрибалар тўғрисидаги ахборот инсон онгида рамзлар ва белгилар тизими кўринишида тартибга солинади. Инсон миллий ирода ва мақсадларни ҳуқуқий ахборотдан қабул қилиб олади, реал ижтимоий муносабатлардаги руҳий тажрибадан келиб чиқиб, унга нисбатан ижобий ёки салбий эмоцияни ҳис қилади. Бу эмоциялар ташқи

¹ Кант И. Критика чистого разума / пер. с нем. Н.О. Лосского. – Минск: Литература, 1998. – С. 14.

шакли ҳуқуқ рамзларига нисбатан муносабатда намоён бўлади. Муносабатлар давомида бундай ҳиссиёт сусайиши ёки кучайиши мумкин.

Қонун матнларида ҳуқуқ рамзлари сўз-матнли шаклда бўлади ва ҳуқуқий тизим таркибида умумлаштирувчи қонун номи, муқаддимаси, принцип, декларатив матнлар мазмунида сақланади. Масалан, “ҳамма қонун олдида тенгдир”, “инсон ҳуқуқлари, манфаатлари олий қадрият”, “мулк дахлсиздир”, “инсон эркин ва дахлсиздир”, “ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик муқаррар”, “ҳокимиятлар тақсимланиши – қонун устуворлиги гарови”, “Конституция ва қонунлар бошқа барча ҳужжатлардан устун”, “Ўзбекистон Республикаси суверен демократик республика”, “бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳар бир инсоннинг мажбурияти”, “ўзгаларга зарар етказиш қоидабузарлик”, “судьялар мустақилдир ва фақат қонунга бўйсунди” ва бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқ рамзларини мисол келтиришимиз мумкин. Бу сўзли-матнли рамзларнинг кўргазмалиги жиҳатини кучайтирувчи ашё, ҳаракат, тасвир, оҳанглар шаклидаги рамзлардан ҳам фойдаланилади (масалан, давлат байроғи, герби ва мадҳияси, одил суд рамзлари ва бошқалар).

Ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланишида жамиятда ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги даражаси муҳим ўрин тутает. Буни қуйидаги ҳолат мисолида кўриб чиқамиз:

Фурқат Асадов корхонага бошлиқ бўлгач ўзини йўқотди. Унинг атрофида “Хўжайин, сизнинг барча ишларингиз тўғри”, дейдиганлар кўпайиб қолди. Босар-тусарини йўқотган раҳбар мансаб ваколатларини суиистеъмол қила бошлади. У жиноий шериклари билан тил бириктириб, аслида йўқ маҳсулотни сохта ҳужжатлар билан корхонага кириш қила бошлади. Прокуратура томонидан текширишлар ўтказилганда жиноят фош этилди. Фурқат Асадов қонунни бузганлиги учун айбига яраша жазоланди¹.

Юқоридаги ҳолатда фуқаро Фурқат Асадов жамият учун қаҳрамонми ёки аксилқаҳрамонми? Уни қаҳрамон ёки аксилқаҳрамон сифатида тан олишнинг аҳамияти нимада?

¹ Сохта ҳужжатлар “ишбилармон” раҳбарни ҳамтовоқлари билан суднинг қора курсисига етаклади // Инсон ва қонун. 2012. 28 февраль. – Б. 4.

Соғлом ҳуқуқий ахборот-психологик муҳитида ўз эҳтиёжларини амалга оширишнинг қонун билан рухсат этилган вариантыни танлаган инсон қаҳрамонга айланиб, интилган объектига эгалик билан сийланса, қонунга хилоф вариантыни танлаган инсон аксилқаҳрамонга айланиб, жавобгарлик шаклидаги турли маҳрумликларга дучор қилинади. Хулқ-атворнинг қонуний вариантыни танлаганларнинг қаҳрамонлигини, қонунга хилоф вариантыни танлаганларнинг аксилқаҳрамонлигини тўғри ажратиш бошқарув-назорат ва суд тизимининг вазифасидир. Бу вазифани амалга ошириш йўлидаги энг катта хавф қонуний йўлни танлаган қаҳрамоннинг қаҳрамонлигини тан олмаслик, ноқонуний йўлни танлаган аксилқаҳрамонни эса қўлга киритган объекти уники эканлигини тан олиш, яъни уни қаҳрамон сифатида рағбатлантириш хавфидир. Агар аксилқаҳрамон қаҳрамон сифатида тан олиниб, унинг ўрнини эгалласа, аксилқаҳрамон бўлиш йўлидан борадиганлар кўпаяди.

К. Юнгнинг таъкидлашича, “ижтимоий психология тақлид қилишсиз мавжуд бўла олмайди, ...ижтимоий тартиботни қонун эмас, балки тақлид қилиш яратади, бу тушунчага, шунингдек таъсир кўрсатиш, ишонтириш ва маънавий заҳарлаш ҳам киради”¹. Аксилқаҳрамонни қаҳрамон сифатида тан олиш жамиятда ҳуқуқий тартиботни таъминлашдаги энг катта тўсиққа айланиши мумкин. Аксилқаҳрамонни рағбатлантириш ҳуқуқни инкор қилишнинг энг осон йўлидир. Бу ҳуқуқий онг бузилиши ва ҳуқуқий маданиятсизликка олиб келадиган, ҳуқуқни инкор қилиш кайфиятини оммавий тус олишига йўл очадиган омилга айланиши мумкин. Бунда қонун устуворлиги, яъни миллий ирода устунлигини рад этувчи аксилқаҳрамонлик рамзлари ҳуқуқ рамзларининг ўрнини эгаллайди.

Инсон ҳуқуқ тўғрисида кўплаб маълумот тўплаган, қонунларнинг талабларини яхши ўзлаштирган бўлиши мумкин. Лекин ҳуқуқни билиш ҳали унга онгли равишда амал қилиш дегани эмас. Ҳуқуқ-тартиботнинг энг хавфли душмани – бу қонунларнинг мазмунини яхши ўрганган, лекин уларни қадрламайдиган, менсимайдиган ва “ахлоқларни алдаш учун” чиқарилган қоидалар деб ҳисоблайдиган инсонлардир. Бундай

¹ Юнг К.Г. Психология бессознательного. – М.: «Канон», 1994. – С. 213.

инсонларнинг хавфи шундаки, улар қонунчилик тўғрисидаги билимларидан қонун талабларини бузиш ва четлаб ўтиш учун фойдаланишади.

Инсон ҳуқуқ рамзларини (уларни қаҳрамонлик рамзлари деб ҳам айтиш мумкин) идрок қилиш воситасида жамиятда амал қилувчи ҳуқуқий хулқ-атвор модели, ҳуқуқий нормалар тўғрисида ахборотга эга бўлиб, унга ижобий, салбий ёки бефарқ муносабатда бўлади. Бунда инсон ҳуқуқий хулқ-атвор моделлари ва нормаларини ўзининг қадриятлари билан қиёслаб кўради. Инсоннинг қадриятлари унинг хулқ-атворини бошқаради. Ҳуқуқ талабларини қадрият сифатида қабул қилиш, ҳуқуқий қадриятларни ўзлаштириш инсоннинг ўз мақсад-манфаатларини қонун талаблари билан мувофиқлаштиришига сабаб бўлади. Ҳуқуқий талабларнинг ижтимоий-маданий қадриятга айланиши даражасига қараб, ҳуқуқ ижтимоий муносабатлар тартиби сифатида жамият томонидан тан олинганми ёки йўқлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Инсон бошқалар билан муносабатга киришганида, яъни аниқ ҳаётий ҳолатда унинг олдида икки йўл бўлади: ўзининг эҳтиёж ва манфаатларини амалга оширишда қонун талаблари асосида йўл тутиш ёки уларни бузиб, четлаб ўтган ҳолда ўз мақсадларига эришиш. Бунда қандай йўлни танлаш инсоннинг иродасига боғлиқ ва бу ирода ҳуқуқий хулқ-атворга айланадими ёки ғайриҳуқуқий ўзбошимчаликка айланадими, бунининг қадриятлари, эътиқоди ва ҳуқуқий тарбияланганлиги ҳал қилади.

Шундай қилиб, Фурқат Асадов жамиятга нисбатан аксилқаҳрамон, уни аксилқаҳрамон сифатида тан олиш жамиятда қаҳрамонлик (ҳуқуқий хулқ-атвор) тантанасини, аксинча, қаҳрамон сифатида тан олиш аксилқаҳрамонлик (ғайриҳуқуқий хулқ-атвор) тантанасини англатади.

Инсон ёшлигидан ҳуқуқ рамзлари воситасида ҳуқуқнинг нималиги, унинг жамиятдаги ўрни, унинг талаби тўғрисида ахборотга эга бўла бошлайди. Бундай ахборот инсон томонидан кундалик фаолияти давомида дастлаб ота-онаси, тарбиячиси, қариндошлари ва бошқа инсонларнинг ўрнагида, кейинчалик ўзининг бошқалар билан муносабатга киришиш тажрибаси,

турли фильмлар, оммавий ахборот воситалари, бадиий асарлар ва ўқув адабиётлари, турли ҳужжатлар матнларидан ўзлаштирилади. Рус ҳуқуқшуноси Л. Петражицкийнинг фикрига кўра, “Ҳуқуқий воқеликлар инсон онгида у маълум бир ҳолатда ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқ ҳиссиётларни ҳис қилиш вақтида вужудга келади. Инсон фақат ўз тажрибасида ҳис қилган руҳий воқеликларни ўзлаштиради. Шунингдек, инсон бошқа одамларнинг хатти-ҳаракатини кузатиб, уларда ҳам ўхшаш руҳий тажриба мавжудлигини кўради. Бунда инсон ўзи кузатган ёки тасаввур қилган руҳий тажрибани ижобий ва салбий баҳолаши мумкин. Салбий баҳо инсон қандайдир бир хатти-ҳаракатни тасаввур қилиб ёки кузатиб, бундай хатти-ҳаракатни амалга ошириш истаги йўқлиги ёки унга нафрат ҳисси борлигида ифодаланса, ижобий баҳо бундай хатти-ҳаракатни маъқуллаши ва ўхшаш ҳолатда содир этишга тайёрлигида ифодаланади¹.

Инсон ҳуқуқий онги ва маданиятининг шаклланишида унинг ёшлигидан бошлаб ўзи учун яратган идеаллари муҳим ўрин эгаллайди. Ҳуқуқий хулқ-атворли инсонлар тарбияланишида инсонни ўраб турган ахборот майдони ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Инсон ёшлигида кузатган хулқ-атвор намуналари ва ўзаро муносабат тажрибалари инсоннинг бутун ҳаёти ҳамда фаолиятида онг ва онг ости даражасида уни бошқариб турадиган қадриятлар базасига айланади. Руҳий таҳлил асосчиси З. Фрейднинг ёзишича, “Ҳар бир индивид турли гуруҳларга кираётиб, ўзини турли одамларга тенглаштириб кўради ва турли тимсоллар асосида ўзининг “мен-идеал”ини яратади”². Бу ўринда инсоннинг онг ва онг ости даражасида тақлидий хулқ-атворга руҳий йўналтирилганлиги икки тушунча билан ифодаланади: “мендан-юқори” ва “мен-идеал”. “Мендан-юқори” – бу идеал одамни назарда тутаяди, “мен-идеал” эса – бу шундай хулқ-атворки, у орқали субъект ўзи учун идеал одам талабларига жавоб беришга интилади³.

¹ Петражицкий Л.И. Теория права и государства в связи с теорией нравственности. – Санкт-Петербург: Лань, 2000. – С. 382–401.

² Лапланш Ж., Понталис Ж.-Б. Словарь по психоанализу / Перевод с французского. – М.: Высшая школа, 1996. – С. 153.

³ Ўша жойда. – Б. 154.

Структуравий антропология асосчиси К. Леви-Стросснинг хулосасига кўра, инсонлар рамзий ифодаланган ғояни ҳаёт мазмуни сифатида қабул қилади¹. Инсон ёшлигида қанчалик тартиб, масъулият, интизом ва эзгуликни кўрса, ўзи учун идеал деб ҳисоблайдиган инсонлар хулқ-атворида ахлоқий ва ҳуқуқий тартибнинг қатъий амал қилинишини кузатиб, руҳий тажрибадан ўтказса, у шунчалик юксак маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий тамойилларга мувофиқ яшашга мойил, қонунни, ўзининг ва ўзгаларнинг ҳуқуқи, эркинлиги ва манфаатларини ҳурмат қиладиган инсон бўлиб улғаяди.

Инсон ҳуқуқий онги ва маданиятининг шаклланишида унинг қайси маданиятга мансублиги, ота-боболардан қолган миллий-маънавий ва ахлоқий тамойилларга қай даражада боғланганлиги ҳам муҳим ўрин тутати. Жамиятда амал қиладиган қонун-қоидалар, тартибот, авваламбор, шу жамият аъзоларининг қайси маданиятга мансублигига қараб улар учун муайян амалий мазмун ва аҳамият касб этади. Айни бир қонун-қоида турли маданиятга мансуб инсонлар учун турлича амалий мазмунга эга бўлиши мумкин. Масалан, ота-она ўз фарзандларини вояга етгунча моддий таъминлашга мажбурдирлар, деган қоида айрим давлатларда вояга етган фарзанднинг ҳаёти учун ота-она масъул эмас, – деган мазмунга эга бўлса, ўзбек жамиятида ота-она вояга етган фарзандини мустақил ҳаётга ўргатиши кераклигини англатади.

Шундай қилиб, ҳуқуқнинг таъсирчанлигини таъминлаш, уни маданий қадриятлар билан уйғунлаштирган ҳолда тушунтириш учун ҳуқуқ рамзларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқ рамзларидан ҳуқуқий амалиётда фойдаланилиши масаласида қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

Биринчидан, ҳуқуқ рамзлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида муҳим ўринга эга бўлиб, бирламчи ҳуқуқий ғоялардан янги ҳуқуқий ғояларнинг келиб чиқишида боғловчи сифатида фойдаланилади. Ҳуқуқ рамзлари хусусиятига эга ҳуқуқий декларация, стратегия, принцип ва доктрина матнлари ҳамда ҳаракат,

¹ Леви-Строс К. Структурная антропология. – С. 210.

ашё, тасвир, оҳанглар амалдаги ҳуқуқий ғояларни янги ҳуқуқий ғоялар, яъни янги хулқ-атвор модели ғояси билан боғлайди ва ҳуқуқий ғоялар занжирина ҳосил қилади, ҳуқуқий ғоялар эволюцияси узлуксиз давом этади.

Иккинчидан, бирламчи ҳуқуқий ғоялардан янги ҳуқуқий ғояларнинг ижод қилиниши абдукция мантикий амали (кашф қилиш мантиғи) воситасида амалга оширилади. Бунда ҳуқуқий ғоялар тўғрисида чуқур билимларга, шунингдек катта ҳаётий тажрибага эга бўлган шахслар ўзининг ижодий тасаввури ва интуициясига таяниб муайян тартибга солиш эҳтиёжи бўлган янги ижтимоий муносабатлар ва улар бўйича жамият иродасини аниқлаш имкониятига эга бўлади.

Учинчидан, ҳуқуқ рамзлари ҳуқуқий тизим таркибий қисмларини ўзаро боғлаб туради, қонунчилик учун “умумий бошланғичлар” вазифасини бажаради. Бу боғланишда ҳуқуқ рамзлари ўзгармасдир, улар фақатгина амалда ишлаб чиқиладиган қонунчилик мазмунини белгилаш билан чегараланмайди, балки янгиланиш жараёнида келажақда пайдо бўлиши мумкин бўлган қонунчилик мазмунини ҳам белгилаб беради. Бу нуқтаи назардан ҳуқуқ рамзлари қонунчилик учун умумий йўлни белгилаш функциясини бажаради.

Тўртинчидан, ҳуқуқ рамзлари чуқур миллий-маданий мазмунга эга бўлиб, бу мазмуннинг келиб чиқиши фақат ҳозирда яшаётган авлодга эмас, балки жамиятнинг бутун тарихи давомида турли давр авлодларига тааллуқли. Шунинг учун ҳуқуқ рамзлари воситасида жамият ва давлатнинг фақат ҳозирги кундаги ирода ва мақсадлари эмас, балки бу ирода ва мақсадлар таянадиган ҳамда минг йиллар давомида ривожланиб келаётган умуминсоний ва миллий тажриба, қадриятлар ифодаланади.

Бешинчидан, ҳуқуқ рамзлари инсон онгига нафақат ақлий, балки ҳиссий-эмоционал таъсир этиш хусусиятига эга бўлиб, шу жиҳатидан ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланиши, маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, ахборот-психологик муҳит майдонини миллий-мафкуравий мазмун билан тўлдиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни “Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари тўғрисида”

Муқаддима

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат рамзлари: герби, байроғи, мадҳиясига эга. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзларидир, улар муқаддасдир, улар Ўзбекистон халқи ва давлат ҳокимияти ирода, мақсад ва интилишларини ифодалайди ҳамда уларни ҳар қандай таҳқирлаш қонун билан жазоланади.

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Конституциявий қонуннинг мақсади

Ушбу Конституциявий қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларини тавсифлаш, ишлаб чиқиш, улардан фойдаланиш муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ва Давлат мадҳияси – Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларидир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ифодалайди ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади

3-модда. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш

Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Конституциявий қонун, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

4-модда. Конституциявий қонунда фойдаланилган тушунчалар

Давлат байроғи – Ўзбекистон Республикасининг тарихий-географик хусусиятларини, бойликларини ҳамда халқ ва давлат ҳокимияти ирода ва мақсадларини ифодалайдиган тасвирлардан иборат мато.

Давлат герби – Ўзбекистон Республикасининг тарихий-географик хусусиятларини, бойликларини ҳамда халқ ва давлат ҳокимияти ирода ва мақсадларини ифодаладиган тасвирлардан иборат геральдик эмблема.

Ушбу Конституциявий қонун билан Давлат байроғи ва Давлат гербининг блазонлаштирилган тавсифи тасдиқланади.

Давлат мадҳияси – Ўзбекистон Республикасининг тарихий-географик хусусиятларини, бойликларини ҳамда халқ ва давлат ҳокимияти ирода ва мақсадларини ифодаладиган мусиқа ва шеърини матн.

Геральдик эмблема – геральдика қоидалари асосида ишлаб чиқилган эмблема.

Блазонлаштирилган тавсиф – блазон қоидалари асосида ишлаб чиқилган Давлат байроғи ва Давлат герби тавсифи бўлиб, байроқ ва гербининг таркибий қисмлари, тасвирлари ва рангларини таърифлаш кетма-кетлигини назарда тутувчи қоидаларни ўз ичига олади.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг тавсифи

Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг схематик ва рангли тасвири 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг рангли ва оқ-қора тасвири 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг матни ва мусиқавий таҳрири 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг ҳақиқийлиги

Ушбу Конституциявий Қонун билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг ягона нусхалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва Давлат герби, уларнинг тасвири, Давлат мадҳиясининг мусиқаси ва матни ҳамма вақт ушбу Конституциявий Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг тасвири, мусиқаси ҳамда матнига аниқ мос бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари сифатида бошқа рамزلардан фойдаланиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва Давлат гербининг тасвири, шунингдек, Давлат мадҳиясининг матни ва мусиқий таҳририни ўзгартириш тақиқланади.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларини ҳурмат қилиш

Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларини ҳурмат қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган, вақтинча турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

Ёш авлодни ватанпарварлик ва Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларига ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида давлат рамзларига бағишланган мавзулар мактабгача таълим ва тарбия, шунингдек, умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг давлат таълим стандартларига киритилади.

Давлат таълим бошқаруви органлари ва мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим, олий таълимнинг таълим дастурларини амалга оширувчи таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ёки уларнинг тасвирлари, шунингдек, Давлат мадҳиясининг давлат тилидаги матни доимий равишда алоҳида белгиланган кўринарли жойга ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари қабул қилинган саналарда давлат рамзларининг тарихи ва мазмунини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилади.

2-боб. Давлат органларининг Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари соҳасидаги ваколатлари

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат мукофотлари ва геральдика бўйича Комиссиянинг давлат рамзлари соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат мукофотлари ва геральдика бўйича Комиссияси:

Ўзбекистон Республикасида геральдика соҳасида ваколатли орган бўлиб, геральдика соҳасида ягона давлат сиёсати юритилишини таъминлайди;

давлат рамзларининг геральдика соҳасига доир қонун лойиҳалари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кўриб чиқади;

давлат рамзлари ва улардан фойдаланишга оид геральдик экспертиза хулосаларини кўриб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг геральдика реестрини юритади;

геральдикага оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ижроси назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат мукофотлари ва геральдика бўйича Комиссияси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг давлат рамзлари соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Конституциявий қонун билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва Давлат гербининг белгиланган тавсиф ва талабларига мос эталонлари ва уларнинг тасвирларини тайёрлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган муҳрлар ва ҳужжатлар бланкаларидан фойдаланиш, уларни тайёрлаш, сақлаш ва йўқ қилиш тартибини белгилайди;

давлат бошқаруви органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари соҳасидаги ваколатли давлат органларининг ваколатлари

Техник жиҳатдан тартибга солиш ва метрология соҳасидаги давлат бошқаруви органи:

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва Давлат гербининг рангли тасвиридаги рангларнинг миллий стандартларини ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва Давлат гербининг рангли тасвиридаги рангларига бўлган талабларга риоя этилиши устидан назорат олиб боради.

Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни муҳофаза ва ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви органи:

Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари тасвирларидан фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишга доир талабномаларни кўриб чиқиш учун қабул қилади, улар юзасидан давлат экспертизасини ўтказди;

давлат рамзларинининг тасвирини (муסיқаси, матни) ўз ичига олувчи белгиларни товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) сифатида фойдаланиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтказишни амалга оширади;

давлат рамзларинининг тасвирини (муסיқаси, матни) ўз ичига олувчи белгиларни товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) сифатида фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради.

Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари соҳасидаги ваколатли давлат органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг геральдик реестри

Ўзбекистон Республикасида рамзларнинг геральдик реестри геральдика соҳасидаги ваколатли орган томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси геральдик реестри тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг геральдик реестрига Ўзбекистон Республикасида фойдаланиладиган давлат рамзлари ва вилоятлар, туманлар, шаҳарлар рамзларининг тавсифи ҳамда тасвирларининг мазмуни кириштилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар рамзлари улар рўйхатдан ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларида рўйхатга олинади.

Ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси рамзларини таъсис этган ташкилот органларига рамзий белгининг геральдик реестрига киритилганлиги тўғрисида гувоҳнома беради.

Ўзбекистон Республикаси рамзларидан улар геральдик реестрга киритилган кундан бошлаб расмий фойдаланиш мумкин.

3-боб. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тавсифи

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи – байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган ёрқин мовий ранг, оқ ранг ва ёрқин яшил рангли учта эндан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг узунлиги 250 сантиметрга, кенлиги 125 сантиметрга тенг. Ёрқин мовий ранг, оқ ранг ва ёрқин яшил рангли энларнинг кенлиги бир хил. Ҳар бир эн 40 сантиметрга тенгдир. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ўртасидаги оқ рангли эннинг четларидан кенлиги 2,5 сантиметрга тенг қизил ҳошиялар ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг юқори қисмидаги ёрқин мовий рангли эннинг юз томони ва орқа томонида дастага яқин жойида оқ рангли ярим ой ва унинг ёнида ўн иккита оқ рангдаги беш қиррали юлдуз тасвирланган.

Оқ рангли ярим ой ва ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдузнинг тасвири ёрқин мовий рангли юқори эннинг ўртасидан 75x30 сантиметрга тенг тўғри тўртбурчакка сиғадиган қилиб жойлаштирилган.

Оқ рангли ярим ой вертикал ҳолатда дўнг томони дастага қаратилган, дастадан 20 сантиметр масофада жойлаштирилган бўлиб, диаметри 30 сантиметрли доирага сиғади.

Ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдуз диаметри 6 сантиметрли доирага сиғади. Доиралар орасидаги масофа 6 сантиметр. Юлдузлар узунасига ва тиккасига қуйидаги тартибда жойлашади: юқори қаторда учта, ўрта қаторда тўртта ва қуйи қаторда бешта юлдуз. Қуйи қатордаги юлдузлар янги ойнинг пастки учидан 3,5 сантиметр масофада жойлашади.

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи кўтариладиган вазиятлар

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи:

1) доимий равишда давлат органларининг биноларида ва мажлислар залларида;

2) доимий равишда давлат органлари бошлиқларининг хизмат хоналарида;

3) Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган байрам кунларида – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қарорлари билан белгиланган марказий кўчаларда, майдонларда, бошқа жамоат жойларида ва объектларда;

4) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари сайлови ёки референдум кунларида – овоз бериш ўтказилаётган бинолар ва хоналарда;

5) Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари биноларида ёки ҳудудларида ва транспорт воситаларида, шунингдек, бошлиқларининг хизмат хоналарида ва мажлислар залларида – халқаро ҳуқуқ нормаларига, дипломатик протокол қоидаларига ҳамда ваколатхоналар ва муассасалар жойлашган давлатнинг қонунчилигига мувофиқ;

6) хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг, бошқа расмий делегацияларнинг халқаро ҳуқуқ нормаларига, дипломатик протокол қоидаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасида бўлишининг тасдиқланган дастурига мувофиқ транспорт воситаларида, вокзалларда, аэропортларда, юриш йўналиши бўйича ва бошқа ташриф объектларида;

7) расмий шахслар сифатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикасининг бошқа расмий делегациялари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари бошлиқлари тушган чет элдаги денгиз ва дарё кемаларида, бошқа транспорт воситаларида;

8) Ўзбекистон Республикаси кемалар қатнови инспекциясининг кемалар реестрида рўйхатга олинган денгиз ва дарё кемаларида;

9) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар таркибига кирувчи ҳарбий тузилмалар, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг тегишли бошқарув органлари, қўшинлари, ҳарбий тузилмалари ва муассасаларида – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомларига мувофиқ;

10) доимий равишда Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасидан ўтиш пунктларида;

11) спорт майдонларида – Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари-ни, миллий терма жамоалар иштирокида халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда халқаро спорт мусобақаларининг Ўзбекистон Республикаси спорт терма жамоаларининг вакиллари бўлган ғолибларини мукофотлаш маросимларини ўтказиш вақтида кўтарилади.

Жисмоний шахслар, давлат рамзига ҳурмат билан муомала қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини ўз транспорт воситаларида, яшаш ёки иш жойларида осиб қўйишлари мумкин. Бундай ҳолларда Давлат байроғи ушбу Конституциявий Қонуннинг 10-моддаси талабларига мос равишда катта ёки кичик ўлчамларда бўлиши мумкин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тасвирини ифодаловчи белгилар

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилар:

Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемалари давлат реестри ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемалари реестрига киритилган ҳаво кемаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти ҳисобида турувчи экспериментал ҳаво кемаларига;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда автототранспорт воситалари ва улар тиркамаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақам белгиларига;

Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгисига қўйилади.

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини кўтариш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи:

ушбу Конституциявий Қонун 11-моддасининг 4-бандида назарда тутилган ҳолларда овоз бериш ёки референдум ўтказиш даврида кўтариб қўйилади;

ушбу Конституциявий Қонун 11-моддасининг 6-бандида назарда тутилган ҳолларда хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларининг, бошқа расмий делегацияларнинг ташриф буюришидан 24 соат олдин кўтарилади ва улар жўнаб кетганидан кейин 24 соат мобайнида тушириб қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи биноларнинг асосий кириш жойида ёки бунинг учун мақбул бўлган бошқа жойда, ёхуд тегишли тутқичи бўлган дастада, ё бўлмаса флагштоқда байроқнинг дастаси бинонинг олд томони билан кўпи билан 45 градусли бурчак ҳосил қиладиган тарзда кўтарилади.

Кўтариб қўйилган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг матоси ер сатҳидан камида 2,5 метр баландликда бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи миллий байрамлар ва расмий тадбирлар даврида унга зарурий ҳурмат таъминланган ҳолда

кўтарилишига, унинг кичрайтирилган шаклларида фойдаланишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғидан фойдаланишда, уни кўтаришда ҳамда туширишда Давлат байроғининг матоси ерга тегмаслиги зарур.

16-модда. Мотам кунларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғидан фойдаланиш

Мотам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мотамга мослаб кўтарилади. Бундай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи дастаси ёки флагштокнинг юқори учига байроқ энининг 1/20 қисмига тенг бўлган кенгликдаги қора тасма боғланади, тасманинг икки учи байроқнинг бутун эни узунлигида осилиб туради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи мотам муносабати билан флагштокда кўтарилган тақдирда, у флагштоқ узунлигининг 1/3 бўлагича тушириб қўйилади.

Агар дафн маросими вафот этган (ҳалок бўлган) Ўзбекистон Республикасининг олий мансабдор шахслари, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ходимлари ва ҳарбий хизматчилари, шунингдек, алоҳида жасорат кўрсатган фуқароларига эҳтиром (ҳурмат) кўрсатиш учун амалга оширилаётган бўлса, марҳумнинг жасади қўйилган тобутнинг бош қисмидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг матоси билан ўралади. Бундай ҳолларда, марҳум дафн қилинишидан олдин тобутга ўралган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг матоси марҳумнинг қариндошларига берилади.

Ушбу ҳолатда, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг матоси ерга тегмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ёки унинг тасвиридан шахсий дафн маросимларида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

17-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар байроқларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи билан бир жойда ва вақтда кўтарилиши

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир жойда ва вақтда Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилганда, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи марказда Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи (бинонинг олд томонига қараб турганда) ўнг томондан кўтарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир жойда ва вақтда Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи кўтарилган-

да, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғининг ўлчами Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг ўлчамидан катта бўлмаслиги керак, Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиш баландлиги эса Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиш баландлигидан паст бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи билан бир вақтда хорижий давлатлар ва (ёки) халқаро ташкилотлар байроқлари кўтарилганда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро ҳуқуқ нормаларига ва дипломатик протокол қоидаларига мувофиқ кўтарилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи хорижий давлатлар ва (ёки) халқаро ташкилотлар байроқлари билан бир хил баландликда жойлаштирилиши ҳамда бир хил ўлчамга эга бўлиши керак.

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини тайёрлаш, сақлаш ва йўқ қилиш

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини тайёрлаш билан мулк шаклидан қатъи назар барча ташкилотлар шўғулланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини тайёрлашда ушбу Конституциявий Қонуннинг 10-моддаси талабларига қатъий риоя этиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи каттароқ ёки кичикроқ ўлчамларда ҳам тайёрланиши мумкин. Лекин ҳамма ҳолларда байроқнинг эни узунлигига нисбатан 1:2 бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг сақланиши давлат органларининг раҳбарлари, шунингдек, уй-жойлардан фойдаланиш учун жавоб берувчи мансабдор шахслар, уй эгалари томонидан таъминланади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроқлари ранги бузилмаган ва бут ҳолда кўтарилади.

Яроқсиз ҳолга келган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг матоси давлат рамзларининг сақланиши учун жавоб берувчи шахслар томонидан Давлат байроғига ҳурмат сақланган ҳолда уни ёқиб юбориш (жамоат жойларида ёқиш бундан мустасно) йўли билан йўқ қилинади.

4-боб. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби

19-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тавсифи

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербида гардиш шаклидаги оқ майдонда кумуш Хумо қуши қанотларини кумуш дарёлар, яшил тоғлар ва водий узра таралаётган заррин қуёш нурларида ёзган.

Чамбарнинг ўнг томони шоҳлари яшилғузанинг олтинранг чаноқларида очилган оқ пахта — 2:1:1:1:1., сўл томони олтинранг буғдой бошоқлари — 2. мовий (кўк), оқ, яшил шиор лентасига ўралган.

Тепада ҳаворанг саккизбурчак олтин зарҳал билан ҳошияланган, унинг ичида оқ ярим ой ва юлдуз.

Шиор лентаси бантида олтин рангида "O'zbekiston" ёзуви.

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербини жойлаштириш ва унинг тасвирини акс эттириш

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири:

1) доимий равишда давлат органларининг, Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг, консуллик муассасаларининг, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари биноларининг олд томонига, мажлислар залига;

2) доимий равишда давлат органларининг, Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг, консуллик муассасаларининг, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари бошлиқларининг хизмат хоналарига;

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари сайлови ёки референдум кунларида – овоз бериш ўтказилаётган бинолар ва хоналарга жойлаштирилади;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларининг бланкаларида;

5) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари, шунингдек, қонунчилик билан муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвирини тушириш ҳуқуқи берилган бошқа ташкилотларнинг муҳрларида ва ҳужжатлари бланкаларида;

6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларининг расмий нашрларида;

7) Ўзбекистон Республикасининг пул белгиларида;

8) Ўзбекистон Республикаси Президентининг белгиси ва штандартида (байроғида);

9) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортида (идентификацияловчи ID-картаси), Ўзбекистон Республикаси фуқароларига бериладиган дипломатик паспортларда, шунингдек, шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларда;

10) Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараларида ўрнатиладиган асосий чегара белгиларида;

11) Ўзбекистон Республикаси почта алоқаси миллий операторининг почта вагонлари ва почта қутиларида;

12) умумдавлат намунасидаги ҳужжатларда;

13) давлат органлари томонидан бериладиган сертификатлар, ташаккурномалар, хизмат гувоҳномалари, махсус рухсатномаларда акс эттирилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг бўртма тасвиридан фойдаланиши мумкин.

21-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат герби, вилоятлар, туманлар, шаҳарларнинг геральдик эмблемалари, хорижий давлатларнинг герби ва бошқа ташкилотларнинг эмблемаларидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби билан бир жойда ва вақтда фойдаланиш

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби, Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат герби, вилоятлар, туманлар, шаҳарларнинг геральдик эмблемалари, хорижий давлатларнинг герблари ёки бошқа ташкилотларнинг эмблемалари билан бир жойда ва вақтда ўрнатилганда Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби марказда Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат герби, вилоятлар, туманлар, шаҳарларнинг геральдик эмблемалари, хорижий давлатларнинг герблари ёки бошқа ташкилотларнинг эмблемалари (гербга қараб турганда) ундан ўнг томонда жойлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби билан бир жойда ва вақтда бошқа эмблемалар жойлаштирилганда бошқа эмблемаларнинг ўлчамлари Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ўлчамларидан катта бўлмаслиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат гербидан баланд жойлаштирилмаслиги керак.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг такрорланаётган тасвири

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг такрорланаётган тасвири, унинг катта-кичиклигидан қатъи назар, ушбу Қонунга илова қилинаётган рангли ва оқ-қора тасвирига аниқ мос бўлиши керак.

23-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвирини оммавий равишда кўпайтириш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербини кўплаб чиқаришни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тегишли тасвирини муҳрларда, муассасаларнинг бланкаларида, мақтов ва фахрий ёрлиқларда, дипломларда, гувоҳномаларда ва шу муассасаларнинг бошқа расмий ҳужжатларида фойдаланиш ҳуқуқи берилган барча муассасалар амалга оширишлари мумкин. Бу муассасаларга Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тегишли тасвирини маъмурий биноларни безаш ва шу биноларнинг пештоқидаги ахборот ёзувларига туширишга рухсат этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвиридан вимпелларда, халқаларда, нишонларда, шунингдек, бинолар ва витриналарни

безашда декоратив мақсадларда фойдаланилиши мумкин. Бунинг учун мазкур буюмлар маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширадиган ваколатли давлат бошқаруви органи томонидан тасдиқланган, бинолар ва витриналарни жиҳозлаш эса тегишли ҳокимликлар томонидан маъқулланган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвирини туширишда ёки уни кўплаб чиқараётганда унга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлишга йўл қўйилмайдиган шароит яратилиши зарур.

5-боб. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси

24-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ижро этиладиган ҳолатлар

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси:

1) Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш чоғида – у қасамёд қабул қилганидан сўнг;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси сессияларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисларининг очилиши ҳамда ёпилиши чоғида;

3) Ўзбекистон Республикасида нишонланадиган умуммиллий байрамларга бағишланган расмий йиғилишлар ва мажлисларнинг очилиши чоғида;

4) давлат телевидение ва радиоэшиттириш компаниялари томонидан ҳар куни – кўрсатув ва эшиттиришлар бошланишидан аввал ва туганидан сўнг, кўрсатув ва эшиттиришлар кечаю кундуз олиб борилганида эса соат 6 да ва соат 24 да, янги йил кечасида – соат 24 да;

5) республика ҳаётидаги муҳим тарихий воқеаларни нишонлаш юзасидан, атоқли сиёсий, давлат, ҳарбий арбоблар, халқ қаҳрамонлари, фан, адабиёт ва санъат арбоблари шарафига ўрнатилган ҳайкаллар, шунингдек, монументлар, ёдгорликлар ва бошқа иншоотларнинг очилиши чоғида;

6) давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган маросимлар ва бошқа расмий тадбирлар вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғини кўтариш чоғида;

7) расмий сафар билан Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган хорижий давлатлар давлат ва ҳукумат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш чоғида – тегишли хорижий давлатнинг давлат мадҳияси ижро қилиб бўлинганидан кейин;

8) ҳарбий маросимларни ўтказиш вақтида – Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларининг умумҳарбий низомларга мувофиқ;

9) умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим ва олий таълим муассасаларида – янги ўқув йили бошланиши ва ўқув йили тугаши маросимлари чоғида;

10) спорт майдонларида – Ўзбекистон Республикаси чемпионатлари-ни, миллий терма командалар иштирокида халқаро спорт мусобақалари-ни ўтказиш вақтида ҳамда халқаро спорт мусобақаларининг Ўзбекистон Республикаси спорт терма командаларининг вакиллари бўлган ғолибларини мукофотлаш маросимларини ўтказиш вақтида;

11) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари Кенгашлари депутатлари сайловлари ёки референдум кунлари – овоз бериш ўтказиладиган биноларда соат 8.00 да ижро этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси унга нисбатан лозим даражадаги ҳурмат таъминланган ҳолда умуммиллий байрамлар ва расмий тадбирлар вақтида ижро этилиши мумкин.

25-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси оркестр, хор, ҳам оркестр ҳам хор томонидан ёки ўзга вокал ва чолғу асбоблари билан ижро этилиши мумкин. Бунда овоз ёзиб олиш воситаларидан фойдаланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси вокал ҳамда вокал-чолғу асбоблари билан ижро этилган тақдирда тўлиқ ижро этилади, чолғу асбобларининг ўзида ижро этилган тақдирда эса мадҳия қисман ижро этилишига йўл қўйилади – ашуланинг бошланиши ва нақорат бир мартадан айтилади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси кўпчилик ҳузурида ижро этилганда, агар қонунчиликда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ҳозир бўлган кишилар мадҳияни тик туриб ва ўнг қўл кафтини кўкракнинг чап томонига қўйиб тинглайди.

Агар Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг ижро этилиши Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг кўтарилиши билан биргаликда амалга оширилса, ҳозир бўлган кишилар унга юзи билан бурилади.

Ўзбекистон Республикасининг муассаса ва ташкилотлари томонидан хорижий давлатлар ҳудудида тадбирлар ўтказилганда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси мезбон мамлакат амалиёти ва маҳаллий урф-одатларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи томонидан белгиланган қоидаларга мувофиқ ушбу Конституциявий Қонун талабларига амал қилган ҳолда ижро этилади.

26-модда. Алоҳида ҳолатларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш

Давлат мадҳиясини:

ҳарбий қисмларда, ҳарбий кемаларда ижро этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси ижро этилаётган пайтда Қу-

ролли Кучларнинг ҳарбий салом бериши – Ўзбекистон Республикаси Қу-ролли Кучларининг умумҳарбий низомларга низомлар билан;

таълим муассасаларида ижро этиш – таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан ушбу Конституциявий Қонун талабларига амал қилган ҳолда белгилаб қўйиладиган қоидалар билан тартибга солинади.

27-модда. Спорт мусобақалари ва тадбирлари вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида республика ва халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси жисмоний тарбия ва спорт соҳаларида ягона давлат сиёсатини амалга оширадиган ваколатли давлат бошқаруви органи манфаатдор ташкилотлар билан келишиб туриб белгилаб қўядиган қоидаларга мувофиқ ушбу Қонун талабларига амал қилган ҳолда ижро этилади.

Халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясини ижро этиш маросими халқаро спорт ташкилотларининг мавжуд амалиётини инобатга олган ҳолда белгиланади.

6-боб. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларидан фойдаланиш

28-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларидан давлатга тегишлилик белгиси сифатида фойдаланиш

Ўзбекистон Республикасига тегишлиликни белгилаш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг рамзларида (байроғ, эмблема – геральдик эмблема, вимпел ва бошқа рамзлар), Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтларида, Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг асоси ёки элементи сифатида, шунингдек, предметларда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва Давлат гербининг тасвири туширилган белгилардан фойдаланилиши мумкин.

Расмий халқаро тадбирларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва Давлат гербидан давлатга тегишлилик белгиси сифатида Ўзбекистон Республикаси вакили бўлган жисмоний ва юридик шахслар томонидан фойдаланилишига йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва Давлат гербининг тасвири ҳарбий ёки бошқа давлат хизматида бўлган шахслар учун кийим-кечак ва фарқловчи нишонларида қўлланилиши мумкин.

Йирик спорт мусобақалари ҳамда миллий чемпионатлар учун спорт кийимларини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва Давлат гербининг тасвирларидан фойдаланилиши мумкин. Бундай ҳол-

ларда, спорт кийимларининг бошқа график элементлари давлат рамзлари тасвиридан юқорида турмаслиги керак, тартиб рақамлар бундан мустасно.

29-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларидан тижорат мақсадларида фойдаланиш

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, Давлат гербининг тасвири туширилган белгилардан ҳамда Давлат мадҳиясининг мусиқаси ва матнидан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланишга фақатгина давлат рамзларинининг тасвирини (мусиқаси, матни) ўз ичига олувчи белгиларни товар белгиси (хизмат кўрсатиш белгиси) сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган тақдирда йўл қўйилади.

Товар белгилари ёки хизмат кўрсатиш белгиларида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби ва Давлат байроғининг тасвири, Давлат мадҳиясининг мусиқаси ва матни уларни таҳқиқлаш ҳисобланадиган тарзда, хусусан, белгида ушбу давлат рамзларини одоб-ахлоқ қоидалари ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига зид равишда фойдаланилган, бир маротабалик фойдаланишга мўлжалланган маҳсулотларда қўлланилган, шахсий гигиена воситаларида, уларнинг ўровлари ва қадоқларида ишлатилган ҳамда шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда давлат рамзларидан тижорий мақсадларда фойдаланиш қатиян таъқиқланади.

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналарининг Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларидан фойдаланиши

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари ўзлари жойлашган биноларга Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири ваколатхона ва (ёки) консуллик муассасасининг номи, қоида тариқасида, Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ҳамда ваколатхона ва (ёки) консуллик муассасаси жойлашган давлат тилида ёзилган ёзувни ўрнатишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи доимий равишда Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналари бинолари, ҳудудлари ва транспорт воситаларида кўтарилади.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари, дипломатик протокол қоидалари, шунингдек, консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг қонунчилиги ва урф-одатлари ҳисобга олиниши керак.

31-модда. Ўзбекистон Республикаси рамзларидан кўча ва биноларни безатишда фойдаланиш

Ўзбекистон Республикаси рамзларидан умумхалқ байрамлари кунлари фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган Низом билан белгиланади.

Байрам кунларида кўча ва биноларни безатишда Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари рангларида фойдаланиш устувор бўлади.

Ўзбекистон Республикаси рамзларидан давлат, шаҳар ва оила тантанали маросимлари вақтида Ўзбекистон фуқаролари фойдаланишлари мумкин.

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзларидан фойдаланишни чеклаш

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва герби тасвиридан ўз муҳрлари ва ҳужжат бланкалари ва бошқа расмий белгиларида фойдаланиш ҳуқуқига фақат давлат органлари ва ташкилотлари эга.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва Давлат гербининг тасвири туширилган матодан йўлаклар, минбарлар, ўтириш учун мўлжалланган жиҳозларда, шунингдек, одоб-ахлоқ қоидалари ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига зид равишда улардан қоплама сифатида фойдаланиш тақиқланади, расмий қасамёд кунлари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси рамзларидан маънавиятга, фуқароларнинг миллий ва диний туйғуларига дахл қиладиган мазмунда ва маъносини бузиб талқин қалиб фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳужжатлари ёки реклама материалларининг реквизитларига Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва Давлат герби элементларини киритишга йўл қўйилмайди.

Ташкилот, корхона, муассасалар, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва Давлат гербига ўхшаш бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларини ҳар қандай кўринишда таҳқирлаш, улардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш қатиян таъқиқланади.

Ранги ўзгарган, эскирган, шикастланган, йиртилган Давлат байроғи, Давлат герби ёки уларнинг тасвирларидан фойдаланиш тақиқланади.

7-боб. Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирликлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари рамзлари

33-модда. Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирликлари рамзларининг таркиби

Ўзбекистон Республикаси рамзлари таркибини қуйидагилар ташкил қилади:

Қорақалпоғистон Республикасининг давлат рамзлари;
Ўзбекистон Республикасининг вилоятлар, туманлар ва шаҳарлари
рамзлари;

Ўзбекистон Республикаси шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳаллаларнинг
рамзлари.

34-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг давлат рамзлари

Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, Давлат герби ва
Давлат мадҳияси Қорақалпоғистон Республикасининг давлат рамзлари-
дир.

Қорақалпоғистон Республикаси давлат рамзларининг тавсифи ва
фойдаланиш тартиби Қорақалпоғистон Республикасининг қонунлари би-
лан белгиланади.

35-модда. Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар ва шаҳар- ларнинг рамзлари

Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ге-
ральдик эмблемалари тегишли вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг
рамзларидир.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг
рамзларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари
ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлан-
ган Низом билан белгиланади.

36-модда. Ўзбекистон Республикаси шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳал- лаларнинг рамзлари

Ўзбекистон Республикаси шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳаллаларининг
эмблемалари Ўзбекистон Республикаси шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳалла-
ларининг рамзларидир.

Ўзбекистон Республикаси шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳаллаларининг
рамзларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари
ва фуқаролар йиғинлари низомлари билан белгиланади.

37-модда. Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат таш- килотлари рамзлари

Ўзбекистон Республикаси нодавлат нотижорат ташкилотлари эм-
блемалари Ўзбекистон Республикаси нодавлат нотижорат ташкилотлари-
нинг рамзларидир.

Ўзбекистон Республикаси нодавлат нотижорат ташкилотларининг
рамзларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунла-
ри ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг низомлари билан белгила-
нади.

38-модда. Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бирликлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар рамзлари олдида қўйиладиган асосий талаблар

Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи ва герби, вилоят, туман, шаҳарларнинг эмблемалари геральдика қоидалари асосида ишлаб чиқилган геральдик эмблемалар, уларнинг расмий тавсифи бланзон қоидалари асосида ишлаб чиқилган тавсиф бўлиши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси давлат рамзлари, Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарларнинг рамзлари ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг рамзлари бир-бирини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва Давлат гербини такрорламаслиги лозим.

**8-боб. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари,
Қорақалпоғистон Республикаси давлат рамзлари, вилоят,
туман, шаҳарларнинг рамзлари ва бошқа ташкилотларнинг
рамзларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби**

39-модда. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларини тасдиқлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис муҳокамасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга органлар томонидан киритилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг лойиҳалари Олий Мажлис муҳокамасига қўйилишидан олдин экспертизадан ўтказилади.

40-модда. Қорақалпоғистон Республикаси давлат рамзларини тасдиқлаш тартиби.

Қорақалпоғистон Республикаси давлат рамзлари Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан тасдиқланади. Қорақалпоғистон Республикаси давлат рамзлари лойиҳаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси муҳокамасига Қорақалпоғистон Республикасида қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга органлар томонидан киритилиши мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси давлат рамзлари лойиҳалари Жўқорғи Кенгеси муҳокамасига қўйилишидан олдин экспертизадан ўтказилади.

41-модда. Ўзбекистон Республикаси вилоят, туман, шаҳарларнинг рамзларини тасдиқлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари рамзлари тегишли вилоят халқ депутатлари Кенгаши томонидан қабул қилиниб, вилоят ҳокими тақдимида биоан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси туман ва шаҳарларининг (туманга бўйсундиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) рамзлари тегишли туман ёки шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан қабул қилиниб, тегишли туман ёки шаҳар ҳоқими тақдими-га биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, тегишли вилоят ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси вилоят, туман, шаҳарларининг рамзлари тасдиқланишидан олдин экспертизадан ўтказилади.

42-модда. Ўзбекистон Республикаси шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳаллалари рамзларини тасдиқлаш тартиби

Шаҳарча, қишлоқ, овул рамзлари шаҳарча, қишлоқ, овул, маҳаллаларининг рамзлари ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қабул қилиниб, тегишли туман ҳоқими (шаҳар) томонидан тасдиқланади ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилади.

43-модда. Ўзбекистон Республикасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларини тасдиқлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси нодавлат нотижорат ташкилотлари байроқ, эмблема, вимпел ва бошқа рамзий белгиларга эга бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси нодавлат нотижорат ташкилотлар рамзлари уставга (низомга) мувофиқ унинг раҳбар органи томонидан тасдиқланади ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилади.

44-модда. Геральдик экспертиза

Геральдик экспертиза Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва Давлат герби, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи ва Давлат герби, вилоят, туман, шаҳарларнинг геральдик эмблемалари лойиҳаларининг геральдика ва блазон қоидалари талабларига мувофиқ келишини аниқлаш мақсадида Ваколатли орган томонидан ўтказилади.

Геральдик экспертиза ҳулосаси Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва Давлат герби, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат байроғи ва Давлат гербини тасдиқлашда ҳисобга олиниши керак.

Геральдик экспертизанинг салбий ҳулосаси Ўзбекистон Республикаси вилоят, туман, шаҳарларнинг геральдик эмблемаларини тасдиқламасликка асос бўлади.

9-боб. Якунловчи қоидалар

45-модда. Ўзбекистон Республикасида давлат рамзларидан фойдаланиш устидан геральдик назорат

Ўзбекистон Республикаси рамзларидан фойдаланиш устидан геральдик назоратни Ваколатли орган амалга оширади.

46-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

47-модда. Ушбу Конституциявий қонуннинг ижросини таъминлаш

Ушбу Конституциявий Қонун ижросини таъминлаш тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига юклатилади.

48-модда. Ушбу Конституциявий қонуннинг ижросини назорат қилиш

Ушбу Конституциявий Қонуннинг ижро этилиши ўстидан назорат Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари, шунингдек халқаро ташкилотлар ҳузуридаги ваколатхоналарида – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларда – ички ишлар органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

49-модда. Ушбу Конституциявий қонуннинг кучга кириши

Ушбу Конституциявий Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

“Ўзбекистон Республикаси пойтахтининг мақоми тўғрисида” ги қонун

Муқаддима

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг пойтахти –Тошкент шаҳрининг мақоми ва хусусиятларини, мамлакат тараққиётидаги ўрнини белгилайди. Тошкент шаҳри Ўзбекистон Республикаси суверенитетини ифодалайди ва давлатнинг маъмурий-сиёсий, иқтисодий, маданий, илмий, ва таълим марказидир. Пойтахтда давлат ҳокимиятининг олий органлари, хорижий мамлакатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари жойлашган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинади.

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси пойтахти – Тошкент шаҳрининг мақомидан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси пойтахти

Ўзбекистон Республикасининг пойтахти Тошкент шаҳридир.

Ўзбекистон Республикасининг пойтахти мақоми Тошкент шаҳри ҳуқуқий ҳолатини, хусусиятларини, пойтахт функциясини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Тошкент шаҳри:

республиканинг маъмурий-сиёсий, иқтисодий, илмий, таълим, тарихий-маданий маркази;

алоҳида давлат аҳамиятига эга маъмурий-ҳудудий бирлик;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси матни, Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларининг асл нусхалари сақланадиган жой;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бош қароргоҳи, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллиги жойлашган жой.

Алоҳида давлат органлари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ пойтахтдан ташқарида жойлашиши мумкин.

Тошкент шаҳри ўзининг рамзларига эга бўлиши мумкин. Улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва халқ депутатлари Тошкент шаҳри кенгаши томонидан тасдиқланган низом билан белгиланади.

3-модда. Пойтахт мақоми тўғрисидаги қонунчилик

Ўзбекистон Республикаси пойтахти мақоми тўғрисидаги қонунчилик Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат.

4-модда. Тошкент шаҳрининг пойтахт функциялари

Тошкент шаҳрининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида пойтахт функцияларини амалга оширади:

шаҳарда Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг фаолият кўрсатиши учун етарли шарт-шароит яратади;

шаҳар манфаатларига тааллуқли тадбирлар ўтказиш, дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлик қилади;

шаҳарнинг пойтахт функцияларини бажариши учун зарур бўлган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва сақлаш режаларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ шаҳарнинг пойтахт функцияларини бажариши билан боғлиқ бўлган шаҳар ҳудудидаги алоқа воситалари, йўллар, транспорт тизимларини сақлайди ва ривожлантиради;

шаҳар аҳолисининг ижтимоий-маданий ва коммунал эҳтиёжларини қондиришга қаратилган уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантиради;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини, жамоат тартибини, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

5-модда. Тошкент шаҳри маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифалари

Тошкент шаҳрининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларига, шунингдек хорижий давлатларнинг ваколатхоналарига шаҳар мулки ҳисобидан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, уй-жой фонди ажратади, уй-жой коммунал хўжалиги ҳамда бошқа хизматлар кўрсатади;

республика ва маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан республика ва халқаро тадбирларни ўтказиш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайди;

шаҳарни ривожлантиришнинг мақсадли республика дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

шаҳар ҳудудидан ўтувчи автомобил йўлларини сақлаш ва ривожлантиришда иштирок этади, аҳолига транспорт хизмати кўрсатади;

шаҳар тасарруфидаги тарих ва маданият ёдгорликларининг сақланишини таъминлайди, давлат мулки бўлган тарих ва маданият ёдгорликларини сақлашда иштирок этади;

шаҳар табиатини муҳофаза қилишда иштирок этади, шаҳарни ободонлаштириш дастурларини амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа функциялар ва ваколатларни амалга оширади.

6-модда. Тошкент шаҳри ҳудуди

Тошкент шаҳрининг ҳудуди "Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида"ги Қонунига ва ер қонунчилигига мувофиқ белгиланадиган шаҳар чегаралари доирасида шаклланади.

Тошкент шаҳри ҳудудига тоифаси ва мулк шаклидан қатъи назар, шаҳарнинг белгиланган маъмурий-ҳудудий чегаралари доирасидаги барча шаҳар ерлари киради.

Тошкент шаҳри ҳудуди шаҳарда маҳаллий бошқарув фаолиятини самарали ташкил этиш ва амалга ошириш ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш, ушбу Қонунда белгиланган функцияларни лозим даражада амалга ошириш мақсадида туманларга бўлинади.

Тошкент шаҳрининг туманлари шаҳарнинг тарихий, географик, шаҳарсозлик хусусиятлари, аҳоли сони, ҳудудий ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари, транспорт коммуникациялари жойлашуви, муҳандислик инфратузилмаси мавжудлиги ва ҳудуднинг бошқа хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда тузилади.

Тошкент шўҳар туманларини туман ҳокимлари бошқаради. Туман ҳокими Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда халқ депутатлари тегишли туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

2-боб. Тошкент шаҳрида маҳаллий бошқарувни ташкил этиш

8-модда. Маҳаллий аҳамиятга молик масалалар

Тошкент шаҳри маҳаллий давлат ҳокимияти органлари "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган маҳаллий аҳамиятга молик масалалардан ташқари:

шаҳарнинг пойтахт мақоми ва функциясини ҳисобга олган ҳолда, шаҳарда стратегик режалаштириш ва комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлайди;

шаҳарсозлик масалаларини, шунингдек, шаҳар ҳудудида архитектура, қурилиш, реконструкция қилиш, ободонлаштириш масалаларини ҳал этади;

шаҳарда соғлиқни сақлаш, мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим, жисмоний тарбия ва спорт, ижтимоий ҳимоя тизимининг ишлаши ва ривожланишини ташкил этади;

шаҳар маданият муассасаларини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширади;

қонунчилик билан белгиланган тартибда ва чегараларда жамоат ва фуқаролар хавфсизлигини муҳофаза қилишни таъминлашга қўмаклашади;

шаҳарда санитария, тозалик ва экологик хавфсизликни назорат қилиш чора-тадбирларини ташкил этади;

ижтимоий-маданий, турар-жой ва маиший коммунал объектларни қуришни ташкил этади;

иссиқлик таъминотини ташкил этади;

коммунал хизматлар учун тарифларни белгилайди;

юк ташиш ва махсус транспорт воситалари фаолиятини тартибга солади.

Халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг қарори билан қонун доирасида бошқа масалаларни ҳал қилади.

9-модда. Тошкент шаҳрининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

Тошкент шаҳрининг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимини маҳаллий вакиллик органи - Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда маҳаллий ижро этувчи органи - Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташкил қилади.

Тошкент шаҳар ҳокими шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айни бир вақтда ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради.

Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши олдида ҳисобдордир.

10-модда. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигига мувофиқ шаҳар аҳолиси томонидан сайланадиган ва коллегиялик асосида ишлайдиган олти нафар депутатдан иборат.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг ваколат муддати беш йил. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатларининг сайловини ўтказиш ва уларнинг ваколатларини тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тартибга солинади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, шунингдек ўз регламентига мувофиқ амалга оширади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қарорлар қабул қилади. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши қабул қилган қарорлар, башарти уларда ўзга тартиб белгиланмаган бўлса, имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради ва шаҳар ҳудудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

11-модда. Тошкент шаҳар ҳокими ва ҳокимлиги

Тошкент шаҳар ҳокими қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар ижросини, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди.

Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Тошкент шаҳар ҳокими қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради. ҳоким қабул қилган қарорлар ҳамда чиқарган фармойишлар, башарти уларда ўзга тартиб белгиланмаган бўлса, имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги бошқармалар, бўлимлар ва бошқа бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг структураси, уларни ташкил этиш тартиби ва фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган тегишли низомлар билан белгиланади.

Тошкент шаҳар ҳокими ва ҳокимлиги ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширади.

12-модда. Тошкент шаҳар ҳокими ва ҳокимлиги қонунда назарда тутилган ваколатларга қўшимча равишда:

Тошкент шаҳар кенгаши томонидан тасдиқланган маҳаллий бюджетга мувофиқ шаҳар ва ҳудудий аҳамиятга эга объектларни ривожлантиришнинг устувор лойиҳаларини молиялаштиради;

коммунал муассасалар ва корхоналар томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлар ва ишларнинг реестрини ишлаб чиқади;

маҳаллий бюджетдан коммунал корхона ва муассасаларга ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар доирасида кредитлар бериш тўғрисида қарор қабул қилади;

маҳаллий бюджетдан капитал қўйилмаларни режалаштиради ва уни Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқлангандан кейин амалга оширади;

соғлиқни сақлаш, таълим, архитектура ва шаҳарсозлик давлат муассасаларининг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек маҳаллий аҳамиятга молик масалалар билан боғлиқ бошқа соҳалардаги фаолиятини бошқаради ва назорат қилади;

шаҳар ҳудудида ободонлаштириш, савдо қилиш, ташқи реклама ва ахборотни жойлаштириш қоидаларига риоя этилишини назорат қилади;

шаҳарсозлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар йўллари, уй-жой коммунал хўжалигини сақлаш ва ривожлантириш, шаҳар ҳудудлари-

ни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, истеъмош чiqиндиларини шаҳардан чиқариш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

уй-жой ва ижтимоий-маданий қурилиш дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун шароит яратади;

шаҳар ва шаҳар атрофи ҳудудларида давлатнинг архитектура, шаҳар-созлик ва қурилиш сиёсатини ишлаб чиқишда иштирок этади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган шаҳарни ривожлантиришнинг бош режасини амалга ошириш бўйича субъектлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

капитал объектларни лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланишга топшириш муддатларини назорат қилиш, объектларни ишга тушириш бўйича комиссия ишида иштирок этади;

шаҳарни экологик, ижтимоий ва маданий ривожлантиришнинг комплекс шаҳарсозлик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширади;

иссиқлик, энергия, сув, газ таъминоти, сув оқава, йўл хўжалиги, барча турдаги шаҳар транспорти ва коммуникациялари, шаҳарни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, санитария-гигиена ва тозалаш тизимларининг самарали ишлашини таъминлаш, уй-жой фондини таъмирлаш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштиради;

шаҳарни мавжуд нормаларини бузган ҳолда ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотлардан бўшатади;

қонунчиликка мувофиқ ердан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича мувофиқлаштирувчи йиғилишларни ташкил қилади;

давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий шахслар билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шартномалар ва битимлар тузади;

Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган бошқа ваколатларни амалга оширади.

13-модда. Тошкент шаҳар ҳокимининг ваколатлари

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан белгиланган ваколатлардан ташқари:

давлат органларининг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг раҳбарларини тайинлашга розилик беради, давлат органларининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари лавозимига талабгорлар танловини амалга оширишда иштирок этади, ўз вазифаларини лозим даражада бажармаган тақдирда, уларни лавозимидан озод этиш тўғрисида масала киритиши мумкин. Судьялар, прокурорлар, давлат хавфсизлик хизмати давлат органи ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари бундан мустасно;

белгиланган тартибда хўжалик фаолиятини амалга ошириш ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиш учун таркибий бўлинмаларни тузади;

шаҳарнинг маъмурий-ҳудудий тузилиш масалалари бўйича комиссиялар ташкил этади, илтимосномалар киритади, илтимосномаларнинг давлат экспертизасидан ўтказилишини, маъмурий-ҳудудий бирликларнинг чегараловчи марза белгилари ўрнатилишини таъминлайди;

Тошкент шаҳар туманлари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши тасдиғига тақдим қилади;

ўз ўринбосарлари ва ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарорларни халқ депутатлари Кенгаши тасдиғига тақдим этади;

ҳокимлик девони бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ташаббус қилади, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги шартномаларни тузади ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди.

14-модда. Тошкент шаҳар маҳаллий бошқарувининг молиявий-иқтисодий асослари

Шаҳар ривожланишининг иқтисодий асосини шаҳар ҳудудида жойлашган коммунал мулк, молиявий, табиий ва бошқа ресурслар, шунингдек, шаҳарда фаолият юритувчи корхона, ташкилот ва муассасалар ташкил этади.

Шаҳарни ривожлантиришнинг молиявий асосларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланган солиқ ва солиқдан ташқари даромад манбалари, коммунал мулк объектларидан фойдаланишдан олинган даромадлар, кўрсатилган пуллик хизматлар ва бажарилган ишлардан олинган даромадлар, шунингдек, кредит ва бошқа молиявий ресурслар ташкил қилади..

Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

15-модда. Тошкент шаҳрини ривожлантириш жамғармаси

Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва унинг муаммоларини ҳал этиш мақсадида шаҳар ҳокимлигининг шаҳарни ривожлантириш жамғармаси тузилиши мумкин.

Шаҳарни ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом, шу жумладан жамғарма маблағларидан фойдаланиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш тартиби Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарни ривожлантириш жамғармасини шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

16-модда. Тошкент шаҳри маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг марказий ва юқори давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабатлари

Тошкент шаҳри давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, шунингдек хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналарига шаҳар мулки ҳисобидан ер участкалари, бино ва иншоотлар, ўз ваколатларини амалга ошириш учун зарур бўлган уй-жой-коммунал ва бошқа хизматларни беғаразлик асосида тақдим қилади, давлат ва халқаро тадбирларни ўтказиш учун шароит яратади.

Шаҳар ҳудудида жойлашган вазирликлар, давлат қўмиталари, маъмурий идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан муносабатлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. Якуний қоидалар

17-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

18-модда. Таълим тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Пойтахт мақоми тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

19-модда. Тошкент шаҳри Низомини ишлаб чиқиш

Ушбу Қонун Тошкент шаҳри Низомини ишлаб чиқишга асос бўлади.

ОЧИЛОВ ЎТКИРБЕК САЙФУЛЛОЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИНING
ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ РАМЗЛАРИ**

(назарий-ҳуқуқий тадқиқот)

Муҳаррирлар

Техник муҳаррир

Компьютерда саҳифаловчи

М. Пальнова,

Л. Рузикулова

Н. Сафарова

А. Жуманиязов

Босишга 2022 йил 15 апрелда рухсат этилди.

Бичими 60 x 84 $\frac{1}{16}$.

“PT Serif” гарнитурасида офсет усулда босилди.

Шартли босма табоғи 16,7. Нашр табоғи 14,4.

Адади 100 нусха. Буюртма № 7.

Инсон ҳуқуқлари бўйича

Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида чоп этилди.

100029, Тошкент, Ислом Каримов кўчаси, 15.